Каримжон АЗИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН ДИРИЖЁРЛАРИ

А35

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ, УСЛУБИЯТ ВА АХБОРОТ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ

Каримжон АЗИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН ДИРИЖЁРЛАРИ

140354

Тошкент -2001

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

ТАҚРИЗЧИЛАР:

С.М.УСМОНОВ - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор.

Ф.Р.АБДУРАҲИМОВА - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор.

А.Х.ЛИВИЕВ - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор.

Ў.Ғ.ТОШМАТОВ - доцент.

МАСЪУЛ МУҲАРРИР: Р.С.АБДУЛЛАЕВ - санъатшунослик фанлари доктори.

МУҲАРРИР: Ҳ.ЙЎЛДОШЕВА - филология фанлари номзоди, доцент.

Мазкур ўқув қўлланмада дирижёрлик санъати тарихидан қисқача маълумот, республикамизда ушбу санъат турининг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда ХХ аср мобайнида ўз санъатларини намоён этган дирижёрларнинг ҳаёти ва ижрочилик фаолиятлари таҳлиллари баён этилади.

Ушбу қўлланма санъат ва маданият олий ва ўрта-махсус ўқув юртларининг талаба ва ўқувчилари учун дирижёрлик фанига оид манба сифатида тавсия этилади.

Компьютерда матнларга ишлов берувчи -А.Р.Рўзиқулов, техника фанлари номзоди.

Мазкур китоб Ўзбекистон-Олмония "КЕЛЬБЕРГ-ОСИЁ" электродлари қўшма корхонаси ҳомийлигида чоп этилди.
Муассис: ОДИЛЖОН РАҲМОНОВ.

МАХСУС МУҲАРРИРДАН

Табиатан нозик таъб, санъатсевар ва санъат аҳлига талабчан ўзбек халқининг мусиқа маданияти кенг қўламли маънавият кўзгусидир. Ушбу маданиятнинг мусиқа мероси, бастакорлик ва композиторлик ижодиёти каби тармоқлари ижрочилик санъати билан чамбарчас боғлиқдир. Шулардан бири дирижёрлик санъати ўзининг бадиий мукаммаллиги билан ажралиб туради. Ўзбекистонда дирижёрлик санъатини, жумладан, XX аср даври тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш йўллари ва қонуниятларини аниқ белгилаш анча мураккаб, шу билан бирга баҳсли масалалардан биридир. Дарҳақиқат, дирижёрлик ҳозирги кунда ижрочилик санъатининг энг долзарб соҳаларидан бири бўлибгина қолмай, миллий мафкуранинг ривож топишида маънавиятимизнинг муҳим жабҳаларидан бирига айланаётир.

Шу жиҳатдан Каримжон Азимовнинг "Ўзбекистон дирижёрлари" китоби ўзбек халқ мусиқа маданияти ривожига ўз ҳиссаларини қўшиб келаётган санъаткор-дирижёрлар фаолиятига бағишланганлиги билан аҳамиятлидир. Унда Мухтор Ашрафий, Толибжон Содиқов, Фазлиддин Шамсутдинов, Зоҳид Ҳақназаров каби истеъдодли ижод ва ижрочилик соҳибларининг ижоди ва фаолияти ҳақида сўз юритилади. Ўзбек мусиқа маданияти тарихининг ўзига хос мураккаб ва зиддиятларга тўла тармоғи бўлмиш — дирижёрлик санъатини тадқиқ этишга бағишланган мазкур китоб илмий-оммабоп очерк тарзида ёзилган лавҳалардан ташкил топган. Китобнинг илмий амалий аҳамиятидан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, муаллиф у ёки бу санъаткорнинг ижодий муваффақиятлари ёки ижрочилик услубларини кўплаб мисоллар ёрдамида изчил ва холис баҳолашга ҳаракат қилади. Муаллиф холис таҳлил воситасида ижодкор ва замон ҳақида умумлашма фикрларни ўртага ташлайди, шу йўсинда таҳлилнинг мантиқан объективлигига эришади.

Мазкур китоб муаллифи, Каримжон Азимов 1970 йили Тошкент давлат консерваториясини қашқар рубоби чолғуси (Ф.Н.Васильев синфи) ва халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги (П.Ҳ.Ҳолиқов

синфи) мутахассислиги бўйича муваффақиятли битириб, кўп йиллик ижрочилик ва педагогик фаолияти билан Ўзбекистонда мусиқа таълими ва профессионал ижрочилик санъати ривожига хисса қўшаётган кўзга кўринган ижодкордир. Унинг ижрочилик фаолияти республикамизнинг турли ижрочилик жамоалари билан чамбарчас боғлиқ: 1980 йилда Москвада ўтказилган Олимпиадада республикамиз ижодий жамоасига мусиқа раҳбари; 1988 йили Москвада биринчи ва 1990 йилда Киевда ўтказилган иккинчи халқаро фольклор фестивалларида республикамиз бадиий жамоаларига умумий раҳбар бўлди; 1993 ва 1994 йиллари республикамиз миқёсида ўтказилган "Истиқлол жилолари" номли санъат ва маданият ўқув юртлари йиғма концертида мусиқа раҳбари ва бош дирижёр сифатида фаол қатнашди. К.Азимов кўп йиллик педагогик тажрибага эга: у А.Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институтида ва М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида дирижёрлик санъати бўйича талабаларга таълим бериб келмоқда. Дирижёрлик сирларини назарий ва амалий жиҳатдан пухта ўзлаштирган К.Азимов мана бир неча йиллар давомида дирижёрлик санъатини илмий-услубий нуқтаи назардан тадқиқ этмоқда. Натижада мазкур китоб юзага келди. Мазкур китобнинг вазифаси Ўзбекистонда дирижёрлик санъатининг шаклланишидаги асосий босқичларни қисқача баён қилиш, талаба-ўқувчиларни профессионал даражага эга бўлган замонамиз санъаткорларининг ҳаёти ва ижодий қиёфаси, уларнинг репертуарлари, дирижёрлик услублари ва ўзига хос хусусиятлари билан таништиришдан иборатдир. Бу ўз навбатида етук ва истеъдодли ижрочиларнинг талқин, маҳорат, ва, айниқса, ижрочилик санъатини ўрганишга ёрдам беради деган умиддамиз. Дарвоқе, мазкур масалага бағишланган айрим газета ва журналлардаги мақолаларни ҳисобга олмаганда оммабоп адабиётларнинг, айниқса, ўзбек тилида йўқлиги боис муаллиф долзарб масалага қўл урди. Шунинг учун ҳам муаллиф кириш қисмида дирижёрлик санъати тарихидан ва Ўзбекистон дирижёрлик санъати тарихидан қисқача илмий мақолалар билан бошлайди. Очерклар ҳажми ижрочи-ижодкорнинг фаолияти ва ҳиссасидан келиб чиққанлиги туфайли ҳар хил. Шуни қайд этиш керакки, муаллиф дирижёрлик санъатининг турли соҳалари — симфоник, мусиқали-саҳна (опера, балет, мусиқали драма, оперетта), ҳамли, ўзбек ва рус халқ чолғулари, эстрада-симфоник оркестрлари дирижёрларининг портретини ва уларнинг ижрочилик хусусиятлари тавсифини беради.

Масаланинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан жиддий

эканлигини чуқур ҳис этган ҳолда муаллиф дирижёрлик санъатининг туб моҳиятини ижодкорлар лавҳаларида очиб беришга интилади. Мазкур китоб Ўзбекистон дирижёрлик санъатига бағишланган биринчи китоб бўлиб, тадқиқ этилган очеркларда профессионал ёндошилган ва мантиқан асосланганлиги билан республикамиз мусиқа маданияти ва таълимига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиздир.

Олий ва ўрта-махсус ўқув юртларида ҳамда республикамизнинг турли профессионал жамоаларида фаолият кўрсатган ва кўрсатаётган дирижёрлар ҳаёти ва ижоди ҳажм нуқтаи назаридан ушбу китобга кирмай қолган. Кейинги нашрларда муаллиф буни эътиборга олади деган умиддамиз.

Китоб мутахассислар ва кенг мусиқа мухлисларига мўлжалланган бўлиб маданият ва санъат ўқув юртлари талабалари учун қўлланма сифатида ҳам қўлланилиши мумкин.

Рустамбек АБДУЛЛАЕВ
санъатшунослик фанлари доктори.

ДИРИЖЁРЛИК САНЪАТИ ТАРИХИДАН ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги ўзбек мусиқа маданиятининг янги тараққиёт босқичларини белгилаб берди. Айниқса, Мустақиллик даврида мусиқа санъати ҳам бошқа санъат турлари каби ўзбек халқининг бадиий санъати сифатида ўзининг янгидан ривожланиш(уйғониш) даврини бошлади, яъни навқирон мусиқа маданияти вужудга келди.

Янгиланиш, юксалиш палласига қадам қўйган ўзбек мусиқаси эндиликда жаҳондаги илғор мусиқа маданиятлари билан ҳамнафас камолот чўққиларига интилмоқда. Шарқнинг машъали бўлмиш диёримиз нафақат саноат ва қишлоқ хўжалиги ҳамда илғор фан ва маданият ўлкасигина бўлиб қолмасдан, у айни пайтда санъат ватани ҳамдир.

Ҳозирги кунда театрларимиз, мусиқий миллий жамоаларимиз ўзбек халқининг баркамол санъатини, шон-шуҳратини, беқиёс ижрочилик маҳоратларини нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунё бўйлаб намойиш қилмоқдалар.

Ўзбек халқининг ривожланаётган мусиқа маданияти ўзининг бадиий баркамоллиги билан хорижлик тамошабинларини ҳам ҳайратга солмоқда. Жумладан, Ўзбекистон композиторларининг асарлари йирик ижрочилик жамоалари дастурларидан ўрин олиши, етук ижрочиларимизнинг чет элларга ижодий сафарлари ва Халқаро танловларда муваффақият билан қатнашиб, нуфузли ўринларни эгаллашлари фикримизнинг яққол далилидир. Булар орасида ижрочилик санъатини юксалишида мустаҳкам ўрин тутган дирижёрлик санъати ҳам бордир.

Дирижёрлик — энг ёш мусиқий-ижрочилик мутахассисликларидан биридир. Дирижёр (французча diriger — йўлга солиш, бошқариш) — мусиқа асарини ижро этувчи жамоа — оркестр, хор ва бошқа ансамбларни, опера, мусиқали драма, балет ва оперетта спектакларини бевосита бошқарувчи ҳисобланади. Одатда дирижёр ижодий жамоалар билан мусиқий асарлар устида ишлайди, концерт ёки спектакларга тайёргарлик

машғулотларини ўтказади, сўнгра уларни тингловчилар олдида ижро этилишига раҳбарлик қилади. Ҳар бир асарнинг мазмуни ва моҳиятини очишда, талқин этишда, асосий ғояни тингловчиларга етказишда дирижёрнинг ҳиссаси ниҳоятда катта.

Дирижёр турли фазилатларга эга бўлиши зарур. Энг аввало мукаммал эшитиш қобилияти соҳиби бўлиши лозим, чунки оркестр сози бузилмаган ҳолда, "соф" жаранглаши учун, ҳамма чолғуларнинг овоз чиқариш услублари, хусусиятларини ҳамда асар мазмунини чуқур ҳис этиши жуда муҳимдир. Мусиқанинг жонли ҳаракатини — ритм туйғусини сезиш дирижёр учун ўта зарурдир. Дирижёр мусиқий хотирага эга бўлиши — оркестрни ҳамма партиялари баён этилган партитурани эслаб қолиши лозим. Скрипкачи ўз олдига қўйилган нота ёзувини фақатгина бир сатрини, пианиночи эса ўзига тегишли икки сатрни кўради ва ижро этади. Партитура эса ушбу чолғуларнинг мусиқий тилда ёзилган йигирма тўртта ёки ундан ҳам кўп бўлган сатрлардан иборат кўпгина белгилар ифода этилган ёзув бўлиб, дирижёр — раҳбар сифатида — бир вақтнинг ўзида ушбу мусиқий тилни ўқиши ва тинглаши керак.

Бой ижодий тасаввурсиз дирижёр бўлиш қийин. Жамоани ўзига бўйсиндириш учун дирижёр ўз иродасини тарбиялаши керак. Дирижёр муаллимлик қобилиятига эга бўлиши зарур, чунки у машғулотлар жараёнида оркестр ёки хор жамоаларига таълим беради, "нуқсонлар"ни ўз вақтида ва ижодий бартараф этишда ижрочиларга ёрдам беради.

Ҳаракатларнинг гўзаллиги, таъсирчанлиги, нозиклиги, дирижёрнинг жозибадорлиги — ўзининг сезгирлиги билан бошқаларни мафтун эта олиш дирижёрга хос хусусиятлардир. Ижро жараёнида дирижёр бир, икки, уч соатлаб ҳамиша ҳаракатда бўлади, демак у жисмоний жиҳатдан саботли бўлиши ҳам керак.

Дирижёр энг аввало юқори малакали созанда. У мусиқий адабиётини яхши билимдони сифатида оркестр чолғулари имкониятларини билишидан ташқари, ўзи ҳам айрим чолғуларда ижро этишни биладиган ижрочи ҳамдир.

Дирижёрлик санъати мусиқа ижрочилигида алоҳида ўрин тутади. Унинг чолғуси оркестр ёки хор жамоаси ва унинг моҳир қўлларидир. Барча мусиқа ижрочилигида бўлгани каби, дирижёрлик ҳам икки таркибдан иборат бўлади: техник ва бадиий. Булар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, уларни бир-биридан ажратиш қийин.

Дирижёр фаолиятининг барча жараёнлари ундан кучли иродани талаб қилади. Дирижёр ўз ҳатти-ҳаракатини онгли равишда тартибга солиши ва кўзлаган мақсадини амалга оширишда учрайдиган тўсиқларни бартараф этишга ҳаракат қилмоғи лозим.

Турли чолғулар ижрочилигида ўргатиш услублари бўлганидек, дирижёрлик санъатини ҳам ўргатиш услублари мавжуд. Унда техник кўникмаларга катта аҳамият бермоқ лозим.

Дирижёр учун унинг имо-ишоралари, гавда ҳолати, бош, ҳаттоки оёқларининг ҳолатлари ҳам бефарқ бўлмаслиги лозим. Гавданинг ҳамма қисмлари дирижёрликнинг барча хусусиятларини ўзида намоён этувчи қўлларга ёрдам бермоғи лозим.

Дирижёр учун ўз иродасини, фаоллигини, шиддатли ҳаракатларини, унинг ташқи кўринишини ифодалаш катта аҳамият касб этади ва ижро жараёнида унга амал қилиши керак. Шунинг учун ҳам дирижёрнинг туриш ҳолати (аппарати)га алоҳида талаблар қўйилади. Дирижёрнинг туриш ҳолати, унинг қўллари, улар орқали турли-туман ҳаракатларни бир тизимга тушган мажмуаси дирижёрлик аппаратини ташкил этади. Ижрога раҳбарлик қилаётган дирижёр, куйнинг йўналиши, ўлчов ритми, ҳар хил динамик белгиларини кўрсатиб туриши, шунинг билан бирга бир қатор ҳаракатлар тизимини ишлаб чиқиши, қўл ёки бармоқларнинг ҳаракатларига у ёки бу ижро услубини қўлланишига масъуддир.

Профессионал дирижёрлик санъати бошқа санъат турларига нисбатан анчагина ёш бўлиб, махсус ва мустақил ижрочилик фаолият тури сифатида XIX асрнинг иккинчи ярмида тўлиқ шаклланган дейиш мумкин. Аммо ўзининг дирижёрлик негизи билан — жамоачилик мусиқа ижросининг бошқариш санъати сифатида — узоқ ўтмишга бориб тақалади. Қадимий Миср ва Юнонистонда мусиқа жамоалари бошқарувида маълум инсонлар турганлар, улар ўзларининг қўл ҳаракатлари билан у ёки бу ижро хусусиятларини созанда ва хонандаларга кўрсатиб, уларга ҳар хил имо-ишоралар билан раҳбарлик қилганлар. Ҳозиргача сақланиб келаётган қадимий деворий суратлар ва бошқа тасвирлар ушбу маълумотлар ҳақида далолат беради. Ўша даврларда дирижёрликнинг бошланғич шакллари бўлган бўлиши мумкин, ушбу ҳаракатларни "хейрономия" деб аташган: чунки маълум қўл ва бармоқ ҳаракатлари тизими ёрдамида ижрочилар гуруҳи раҳбари суръат, ўлчов, ритм, куй ҳаракати йўналишларини кўрсатиб берган. Хейрономиянинг (хирономия)[1] ихтиро қилиниши қадимий мусиқа амалиётида ўзининг ўша даврга нисбатан илғор кўрсатгичларини

намойиш этган. Аммо шу билан бирга ўрта асрларда дирижёрликнинг бу услуби амалий иш олиб бориш жараёнида оғирлик қилган, ижро этилаётган мусиқа асарларининг моҳиятларини тўлиқ очиб бера олмаслиги, уларни шунчаки шартли ҳаракатлар асосидаги бир восита эканлиги маълумдир.

Ўтган замонлардаги жамоа ижрочилигида қўлланилган оддий, кўргазмали ҳаракат (оёқ билан ер тепиш, қўлларни бир хил ҳаракати, қарсак чалиш ва б.)лар жўрнавозлик ва ансам-бллар ижрочилигида эшитиш, кўриб-кузатиш учун ёрдам берарди. Бинобарин, жамоа раҳбари ўз ҳаракатлари билан кўрсатган товушни улар кўриб ва шу вақтнинг ўзида оёқ билан ер тепиш, қарсак чалиб туришларини ижрочилар эшитиб турар эдилар. Барча ҳаракатларнинг ҳақиқий мазмуни, замонавий нота ёзуви пайдо бўлгандан сўнггина ўз моҳиятига эга бўлди.

Ўша даврдан бошлаб дирижёрлик санъати ва дирижёр вазифаси ҳам мусиқа санъатининг ривожланиш тараққиёти билан боғлиқ ҳолда узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтди. Нота ёзувининг яратилиши дирижёрлик санъати тарихида катта ўрин тутади ва кейинчалик янги, мураккаб мусиқа жанрлари (опера, ораторня, чолғу мусиқаси шакллари)нинг ташкил топиши ва тарқалиши аҳамиятлидир. Ижрочилик жамоаси раҳбарининг вазифаси, мақсади бора-бора янги услублар ва ижро техник воситалари билан кенгайиб, мураккаблашиб борди. Масалан, XVI-XVII асрларда опера жанрининг шаклланиши жараёнида саҳнада бўлаётган ижрога бирорта созанда раҳбарлик қилган; у қўли билан ижрони бошлаб, бир вақтда ўзи клавесинда ансамблга жўрнавозлик қилган, шу билан бирга ритм, суръатга далда берган ва хонандаларни речитативларига жўровоз ва ҳамоҳанг бўлган. Ўша давр дирижёрларидан бири машҳур истеъдодли композитор, Венеция опера театри раҳбари Клаудио Монтеверди бўлган.

Кейинчалик Германияда ораторня жанрининг ташкил топишида, ижрочилик раҳбари бир вақтда органчи вазифасини ҳам бажариб келган. Ўша давр дирижёрлари орасида И.С.Бах, Г.Гендель ва бошқа композиторларнинг фаолиятларини айтиш мумкин. XVII аср охири — XVIII аср бошларида мусиқа санъати воситалари борган сари мураккаблашиб бориши натижасида опера

[1] **Хейрономия (хирономия)** — юнонча сўз бўлиб қўллар билан ҳаракатни акс эттиради. Илмий тадқиқотларга кўра (Курт Закс ва бошқалар) бизнинг эрамизгача 3-4 минг йил олдин Мисрда қўлланган, кейинчалик юнонлар ва римликларга ўтган. Музыкальная культура древнего мира. Ленинград, 1937, 49 б.

жанри ижрочилиги амалиётида клавесинчи ва скрипкачи-жўрнавоз томонидан қўш дирижёрлик тизими юзага келади. Скрипкачи бир вақтда оёқ билан ер тепиш ва камон билан кўрсатиш орқали ансамблга раҳбарлик қилган. Кейинчалик эса амалиётда учтали (уч ижрочи томонидан) дирижёрлик қилиш қўлланилди: учинчи раҳбар жамоа олдида турган ҳолда қўл ҳаракати билан ижрони бошқариб борган. Дарвоқе, ўзи ижрочиларга кўрсатиб туриш учун қўлида битта ёки иккита ўрама қоғоз (хартлар) ёки жезл (махсус таёқ) ушлаб турган.

Замонавий нота ёзуви пайдо бўлишидан анча аввал, XV асрнинг биринчи ярмида хор жамоасини бошқариш учун баттута — деб номланган узун, учли катта ҳассасимон таёқ қўлланилган; у эса чиройли, ранг-баранг қилиб безатилган бўлиб саҳнанинг ҳамма томонидан кўриниб турадиган бўлган. У қирол таёқчалари деб ҳам юритилган. Албатта, баттута ёрдамида дирижёрлик қилиш анчагина камчиликларга эга бўлган. Биринчидан, ўзининг ноқулай катталиги, қўполлигидан дирижёр жамоа бошқарувида енгил ҳаракат қилолмас, унинг ҳаракатлари фақаттина такт уриб туриш билан банд бўлиб қолар, иккинчидан, ҳар тактда ерга уриб туриш эса, мусиқани шовқинсиз эшитишга ҳалақит берар эди. Шунинг учун ҳам XVII ва XVIII асрларда шовқинсиз дирижёрлик қилиш учун изланишлар олиб борилган ва генерал-бас услуби топилган.

Аниқроғи, у мусиқий амалиётда табиий ҳолда пайдо бўлган алоҳида услуб бўлиб, генерал-бас ёки сон қўйилган бас деб номланган. Генерал-бас юқоридаги овозга жўр бўлувчи шартли ёзув бўлиб ҳисобланган, ҳар бир бас нотаси сонлар билан кўрсатилиб, ўша ерда айнан қандай аккорд ижро қилиниши фараз қилинганлиги ёзилган, ижрочилар эса ўз хоҳишларига қараб мусиқага ҳар хил гармоник аккордлар билан безак берганлар. Бундай мураккаб вазиятда генерал-басни ноталаштириш вазифасини табиий ҳолда дирижёр ўз зиммасига олади. У клавесин курсисига ўтириб жамоани бошқара бошлайди. Бу ҳол унга дирижёр ҳамда бадиҳагўйона (импровизация) ижрочи вазифасини юклайди. Ансамбль ижрочилигида дирижёр олдиндан аккордлар билан мусиқа асарининг тезлигини, ритм-урғусини, боши ёки кўзлари имо-ишоралари билан кўрсатиб турган, гоҳида оёқ зарблари билан ҳам ўзига ёрдам берган. Бундай услубдаги дирижёрлик XVII асрнинг охири ва XVIII асрнинг бошларида операда кейинроқ эса концерт амалиётида мустаҳкам ўрин олади.

Дирижёрлик санъатини алоҳида касб бўлиб ривожланиши,

биринчи навбатда композиторлик ижодиёти орқали симфоник мусиқанинг ривожланиши, чолғуларнинг такомиллаштирилиши ва улар оилаларининг пайдо бўлиши ҳамда техник ва ижрочилик имкониятларининг ўсиб бориши билан боғлиқ. XVIII асрда ҳар хил йўналишдаги ва мактаблардаги композиторлик ижодиёти билан симфоник жанрлар шаклланиб, аста-секин янги ғоялар яратувчи жараёнга айлана боради. В.Моцарт ва Л.Бетховен симфонияларини адабиётдаги роман жанри билан бир қаторга қўйишган. Бинобарин, симфония жанри ўзининг таъсирчан кучи, ва мазмунининг чуқурлиги билан юқорида қайд этилганидек адабий жанр билан ёнма-ён туриш ҳуқуқини қўлга киритади.

XIX асрнинг бошларида концерт увертюраси жанри, кейинроқ эса симфоник поэма, сюита, рапсодия жанрлари пайдо бўлади. Буларнинг барчаси симфоник оркестрнинг умумий тузилиши ва кўринишларини кескин ўзгартириб, унга раҳбарлик қилиш услубларини ҳам такомиллаштиради. Шунинг учун ҳам олдинги усул — жамоада ўз ижроси билан йўл-йўлакай созандаларга кўрсатма берувчи дирижёрнинг, янги тилдаги оркестрда бундай мураккаб вазифаларни амалга оширишга қурби етмаслиги маълум бўлади.

Симфоник асарлар ижросини тўлақонли таъминлаш вазифаси, унинг кўпжилоли чолғулаштирилиши, катта миқёсдаги мусиқа шакли ва хусусиятларини очиб бериш борасида янги техника ва янги услубдаги дирижёрлик талабларини қўяди. Шундай қилиб, жамоага раҳбарлик қилиш, ансамблда бевосита ижро қилмайдиган созанда зиммасига ўтади. XVIII асрнинг охирида биринчи бўлиб шундай махсус вазифани немис созандаси Иоганн Фридрих Рейхарут бажаради.

Кейинчалик дирижёрлик техникаси доимий равишда такомиллашиб бориб, дирижёрлик санъатининг "ташқи" кўриниш тарихи эса нисбатан камроқ бўлган. 1817 йили немис скрипкачиси ва композитори Людвиг Шпор биринчи бўлиб катта бўлмаган дирижёрлик "таёқчаси"ни қўллаган.

Ўша даврда дирижёрнинг мустақил вазифалари шаклланади. аста-секин техник масалалардан ташқари бадиий воситалар киритила бошланади: дирижёр ижро жараёнида товушларнинг нисбатларига эришишга интилади; у ёки бу мусиқий ранглар ва қарама-қаршилик(контраст)ларни таъкидлайди; таъсирчан воситаларга эътиборни жалб этади. Дирижёр энди ҳаққоний раҳбар сифатида — ижрочилар олдида туриб жамоани бошқариб боради.

Олдин дирижёрлар томошабинга қараб турганлар, янги услуб бўйича раҳбар томошабинга тескари, жамоага юз томони билан туриб ўзининг барча ҳатти-ҳаракатларини жамоани бошқаришга қаратади ва уни мулоқатга чорлайди. Бу жараёнда устиворлик буюк немис композитори Рихард Вагнерда бўлган, чунки у эски дирижёрлик этикетларини қатъийлик билан рад эта олган.

Бинобарин, ушбу даврда мустақил дирижёрлик санъати юзага келади; бу демак фақаттина ижро йўналишини эмас, балки унинг бадиий талқинини тушуниш, композиторнинг ғояси ва услубини тингловчига етказиб бермоқдан иборатдир.

XVIII асрнинг бошларида аввало концерт эстрадасида, кейинроқ опера театрида замонавий тушунчадаги биринчи дирижёрлар пайдо бўлади. Биринчи навбатда дирижёрлик санъати билан композиторлар — Г.Спонтини, К.М.Вебер, Л.Шпорлар шуғулланган. Уларнинг номи билан ижрочилик амалиётида дирижёрлик таёқчасининг ишлатилиши ҳозирги кунгача дирижёрнинг ягона чолғуси сифатида хизмат қилмоқда. "Шу вақтдан бошлаб дирижёрлик тарихи талқинчилик санъатининг тарихи бўлиб қолади" деб таъкидлайди таниқли немис тадқиқотчиси Г.Шюнеман. Кейинчалик дирижёрлик санъатининг ривожланиш жараёнида унинг айрим услублари такомиллашиб боради; дирижёрлик техникаси ранг-баранг бўлиб ижронинг жилоларини ва мусиқанинг таъсирчан мазмунини ифода этишга қаратилади.

XIX асрнинг биринчи ярмида дирижёрлик санъатининг бадиий эстетикаси асосларини ўша даврнинг буюк композиторлари — Мендельсон, Берлиоз, Лист, Вагнерлар яратишган. Рихард Вагнер фаолияти кўпгина профессионал дирижёрларнинг юзага келиши билан боғлиқ (Х.Бюлов, Х.Рихтер, Ф.Штейнбах, Г.Леви, Ф.Мотли, А.Зейдли, К.Муна, А.Никиш). Айрим композиторлар буюк дирижёрлар сифатида ҳам танилганлар (Г.Малер, Р.Штраус, С.Рахманинов). Шу даврдаги дирижёрлик касби тўлақонли равишда мустақил мусиқий ижрочилик санъати бўлиб қолади. XIX асрнинг охиридан бошлаб Европанинг турли давлатларида миллий дирижёрлик мактаблари ташкил топади; улар орасида дунёга донғи кетган буюк санъаткорлар етишиб чиққан, жумладан, Россияда дирижёрлик санъатининг ривож топишида К.Калос, К.Лядов, Н.Рубинштейн, М.Балакирев, П.Чайковский, Н.Римский-Корсаков, Э.Направник, В.Сафонов ва бошқаларнинг хизматлари катта бўлган. XX асрда дирижёрлик санъати янада улкан ютуқларга эришди ва юксалиш сари ривожланиб бормоқда. XX асрнинг машҳур

дирижёрлари фаолиятлари (А.Тосканини, Г.Караян, Ш.Мюнш, С.Самосуд, Н.Голованов, Б.Хайкин, К.Иванов, Е.Мравинский, Е.Светланов, В.Федосеев, Ф.Мансуров, Ю.Темирканов, К.Кондрашин, Л.Бернстайн, А.Мелик-Пашаев, А.Гаук ва б.) унинг ерқин далилидир.

ЎЗБЕКИСТОНДА ДИРИЖЁРЛИК САНЪАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Ўзбекистон дирижёрлик санъати, XX асрнинг 30-йиллари ва ундан кейинги давр тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш йўллари ва қонуниятларини аниқ белгилаш анча мураккаб ва баҳсли масалалардан биридир. Чунки, янги ижтимоий тузум қадимдан яшаб келаётган мусиқа санъатининг тақдирига катта таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда шаклланган дирижёрлик санъатига назар ташлар эканмиз, уни бир томондан, ривожланган композиторлик ижодиёти билан ҳамкорликда ривож топиши, иккинчи томондан эса мусиқали театр ва кўповозлик ижрочилик жамоаларнинг ташкил топиши билан чамбарчас боғлиқлиги кўзга ташланади. Чунки композиторлик ижодиёти ва ижрочилик жамоалари ўртасида юзага келган бундай ижодий жараённинг туғилиши, ижрочилар ва ижодкорларнинг ўзаро бир-бирига таъсир этишининг кучайиши, янги бир ижрочилик санъатидаги ҳодиса сифатида ривожланиб бораётганига гувоҳ бўламиз.

Ижтимоий ҳаётимиздаги катта воқеаларнинг шоҳиди ва бевосита иштирокчиси бўлган кишиларнинг ўз кўрган-билганлари, ҳис-ҳаяжонларининг бадиий ифодаси сифатида мусиқа маданиятида янги ижрочилик санъати, яъни дирижёрлик юзага келди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда дирижёрлик санъати XX асрнинг бошларидан шаклланиб, иккинчи ярмидан ҳам мазмунан, ҳам шаклан ривожланиб борди. 50-80 йилларда ушбу санъатнинг кенг ривож олиши, унинг ҳар хил турларини ривожланишига олиб келди ва буни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Юқорида таъкидланганидек, янги санъат тури сифатида шаклланган дирижёрлик бадиий фактлар ва кузатишларга асосланган ҳолда,

симфоник, саҳна, халқ чолғулари, хор жамоаси, дамли ва эстрада мусиқасида янада ривожланиб бормоқда. Анъанавий бадиий шакллар, услублар, айрим тасвирий воситалар ёрдамида, тўғрироғи мусиқа санъатига хос бўлган хусусиятлар сақланган ҳолда ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини аниқ, реалистик акс эттирган янги бадиий асарлар яратиш давом этиб келаётгани, дирижёрлик санъатини янада ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Дирижёрлик санъати бадиий ижоднинг замонавий табиати, янгича хусусиятлари, янги шароит, янги давр ва ҳаёт талаблари, вазифалари ҳамда бадиий муҳит билан ҳар томонлама узвий боғлангандир. Иккинчидан, ўзбек мусиқа санъати, айниқса, композиторлик ижодидаги янгиликлар, ўзгаришлар, унинг янги тимсоллари, ижобий қаҳрамонлари халқнинг моддий-маънавий ўсиши, юксак эстетик диди, янгича гуманистик (инсонпарварлик) қарашлари ва фазилатлари билан белгиланади, бу эса дирижёрлик санъатида ҳам ўз аксини топиши табиийдир.

Шунинг учун ҳам XX аср ўзбек дирижёрлик санъатининг тараққиёти, бевосита янги жамиятнинг ривожланиш тарихи юз бераётган воқеликни, яъни халқ ҳаётини ёрқин акс эттириши билан таърифланади ва унинг ғоят муҳим тарбиявий-маънавий салоҳияти, фаол таъсирчан воситалиги ҳам ана шундадир.

Ўзбек дирижёрлик санъати 70 йил давомида ўзбек мусиқаси билан ўзаро уйғунликда ўсиб борди. Бу икки санъатнинг бирлиги ғоявийликда, мавзусида, тимсоллару-мазмунида, халқ қаҳрамонларини куйлашда, инсонни юксак ғоялар сари янги ижодий руҳда тарбиялашда, сиёсий, ижтимоий, эстетик моҳиятида, унинг мумтоз мусиқасига нисбатан ғоявий жиҳатдан юқори кўтарилганлигида равшан кўринади.

Айниқса, ҳозирги даврда ўзбек композиторларининг саҳна ва симфоник асарлари халқ орасида кенг тарқалмоқда; симфония, опера, балет, мусиқали драма, мусиқа маданиятида етакчилик қилмоқда, композиторлик ижодиётида ҳам индивидуал ижодкорлик кенг тармоқ ёймоқда. 60-80-йиллардан кейин яратилган мусиқа асарларида конкрет воқеалар, ҳодисалар, кишиларнинг фаолияти, ҳис-туйғулари ёрқин акс эттирилмоқда.

Агар 20- ва 30-йиллар давомида яратилган мусиқий асарларда фикрни умумий тарзда ифодалаш ёки умумлашма тимсоллар ҳақида сўз борса, кейинги давр асарларда уни индивидуаллаштиришга, асосан, конкрет воқеа-ҳодисаларни ва шахсларни тасвирлашга ўтилаётгани сезилади, бу эса дирижёрликда асарга чуқурроқ кириш,

мазмунни тўла ва тўғри ифодалаш билан амалга оширилмоқда. Шунингдек, ўзбек композиторлари асарларининг мавзулари, тимсоллари, куй ва услублари ёрдамида янгидан-янги бадиий жиҳатдан гўзал, сермазмун асарлар яратиш тажрибаси илгаригига қараганда кенг тус олмоқда, жумладан, Икром Акбаровнинг "Сўғд элининг қоплони", С.Юдаковнинг "Майсаранинг иши", М.Бурхоновнинг "Алишер Навоий", М.Бафоевнинг "Умар Ҳайём" опералари, М.Ашрафий, У.Мусаевларнинг балетлари; М.Левиев, Икром Акбаров, М.Бафоев, Ф.Алимов, С.Ҳайитбоевларнинг мусиқали драма ва комедиялари; М.Бурхоновнинг "Алишер Навоий қасидаси" ва "Абадий хотира", Икром Акбаровнинг "Ҳамса", Н.Зокировнинг "Истадим" вокал-симфоник асарлари; Икром Акбаров, Т.Қурбонов, М.Тожиев, М.Маҳмудовларнинг симфоник асарлари; Н.Норхўжаев, А.Мансуровларнинг болалар мусиқаси; Ф.Алимов, Т.Қурбонов ва М.Бафоевларнинг ўзбек халқ чолғулари оркестри учун турли жанрлардаги асарлари, телебалет ва телеспектакллар мусиқалари шулар жумласидандир.

Шунингдек, ушбу асарларда мусиқий тилни жонли халқ тили имкониятлари ҳисобига бойитиш мақсади қўйилган; бу йўл билан мусиқанинг халқчиллиги учун кураш, уни халқ ҳаётига яқинлаштириш жараёни янада кучайди. Ўзбекистон композиторларининг мусиқий асарларини талқин ва тарғиб этишда дирижёрлик санъатининг ҳам хизмати катта. Юксак инсоний ҳис-туйғулар, кўп қиррали ҳаёт воқеликларини мусиқа асарларида тўлақонли акс эттириш ҳамиша санъаткорлар (композитор, дирижёр ва ижрочилар)нинг бурчи бўлиб келган. Қадимий миллий мусиқамиздаги бой бадиий-тасвирий воситалар билан бир қаторда, рус ва Овропа халқлари, илғор классик композиторлари эришган улкан ижодий муваффақиятлар, янги жанр ва турларни ўзлаштириш натижасида ўзбек мусиқа санъати, унинг мусиқий-ижрочилигининг таркибий қисми бўлмиш — дирижёрлик санъати яна ҳам юксак даражага кўтарилди.

ХХ асрда яратилган янги ижтимоий-иқтисодий муҳит, ҳукумат томонидан ўтказилган жиддий тадбирлар туфайли республикамизда мусиқа ўқув юртлари очилди, анъанавий ўзбек мусиқасини чуқур ўрганиш бошланди, мусиқали театрлар ва кўповозли жамоалар таркиб топди, рус ва Ғарбий Овропа классик мусиқа асарларини меҳнаткашларга тарғиб этувчи маданий ўчоқлар кенгайди. Бу заминда дирижёрлик санъати ҳам шаклланиб, ривож топади. Ушбу санъат тури жамият тараққиётининг турли босқичларида ва тарихий

шароитлар заминида ривож топиб, мусиқа маданиятида ўз ўрнини топди. Аммо ҳанузгача бу санъат турининг илмий нуқтаи назардан талқини ўрганилганича йўқ.

Ушбу китоб бу борадаги илк қадам бўлиб у ўзбек дирижёрлик санъатининг тарихи XIX асрнинг иккинчи ярмидан ҳозирги кунимизгача бўлган даврни ўз ичига олади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида рус истилоси билан бирга Ўрта Осиё халқлари, айниқса, ўзбек мусиқасига Ғарб мусиқасининг таъсири ҳам кириб келди. Бу ҳол ўз навбатида янги-янги Ғарб мусиқий унсурларининг ўзбек мусиқаси таркибига кириб келишига замин ҳозирлади. Жумладан, дирижёрлик санъати шаклланишига ва тараққиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Чунки давр тақозосига кўра ўлкамизга мунтазам равишда рус маданияти, шу жумладан, рус дамли чолғулар оркестри ва театри кириб кела бошлади; халқлар ўртасида маданий муносабатларнинг ривожланишига шарт-шароитлар туғилди. Натижада ўзбек мусиқасининг янги қирраларининг очилишига замин яратилди. Аммо бу масала ҳам ҳали мусиқа тарихи фанида мукаммал ўз ифодасини топа олгани йўқ.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан то XX асрнинг бошигача бўлган ўзбек мусиқаси тарихи, мустамлакачилик даврида Туркистонда мусиқа ва театр ҳаёти рус, татар, озарбайжон театрларининг гастроллари, ҳарбийлар уйларида ва боғларда рус ҳарбий оркестрларининг чиқишлари, ўзбек халқининг ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришлар, ўзбек мусиқасида юз берган эволюциялар, XX аср бошида янги ўзбек мусиқаси — кўповозлик мусиқанинг шаклланиш даври бўлди.

Туркистоннинг Россия томонидан истило қилиниши маҳаллий аҳолини рус мусиқа санъати билан ҳам яқиндан танишишига зарурий шароитларни майдонга келтирди. Ўзбек халқининг рус мусиқаси билан танишуви аввало ҳарбий оркестрлар орқали бўлди. Оркестрлар асосан ҳарбий парадларда ёки рус пасхаларида, подшонинг туғилган кунларида ёки тахтга ўтиришларидагина чалинар эди. 1877 йилдан бошлаб оркестр маҳаллий халқлар ичига ҳам кириб борди. Энди у ўзбек сайилларда, кўргазмаларда, бозорларда чалинадиган бўлди, маҳаллий халқ ушбу жамоага ва мусиқага шу тарзда жалб қилинди. Оркестрлар бундай ҳолларда кўпроқ ўзбек куйларини ижро этишга интилганлар. Ушбу фаолият кўпроқ ҳарбий капельмейстерлар хизмати билан боғлиқ, айниқса, Август Эйхгорн[2] ва Вячеслав Лейсек[3] фаолиятлари капельмейстерликдан ташқари, мусиқий

140 3574

этнографик ишлари, ўзбек мусиқа чолғуларининг коллекциясини тузиш, ўзбек куйларини дамли оркестр учун қайта ишлаш ва бошқа ишлари диққатга сазовордир. Улар Тошкентда "Мусиқа жамияти" қошида тузилган ҳаваскор мусиқа тўгараклари ишларида фаол қатнашдилар. Айниқса, ўзбек мусиқасини ўрганишга жуда қизиқиб қараган Овропа мусиқа намояндаларидан бири В.В.Лейсек Туркистонда рус ва Овропа мусиқасини тарғиб қилишда унумли ишлади. У Тошкентдаги "Лира" хор жамиятининг ташкилотчиси ва раҳбари бўлган. Овропа композиторлари ичида биринчи бўлиб ўзбек куйлари асосида дамли оркестр учун "Осиёча попурри" асарини яратди. Бу асар 1890 йили шаҳар боғида ва бошқа жойларда ҳам ижро этилган.

XIX асрнинг охирида Туркистонда ишлаган бошқа рус мусиқа арбоблари ҳам ўзбек, рус мусиқий алоқаларни ривожлантиришда, рус ва Овропа мусиқасини тарғиб қилишда ва унинг янги шакллари билан маҳаллий халқни таништиришда муттасил иш олиб бордилар. Улар ўлканинг турли шаҳарларида турли мусиқа жамиятларига раҳбарлик қилар эдилар. Масалан, Санкт-Петербургнинг Александровский ва Мариинский театрларида дирижёр бўлиб ишлаган В.И.Михалек Тошкент билим юртида мусиқа ва хонандалик бўйича дарс берган, Тошкент мусиқа жамиятида дирижёрлик қилган. Я.В.Гардон ҳам йирик ҳарбий капельмейстерлардан бири эди. У ҳам мусиқа жамиятида кўп йил дирижёрлик қилган. Туркистонда рус ва ўзбек мусиқаси алоқалари ривожида Н.Н.Мироновнинг[4] хизматларини алоҳида қайд қилиб ўтмоқ зарур. У илгари Қўқонда сапёрлар батальонида капельмейстерлик қилган, 1900 йили Тошкентга келиб Туркистон мусиқа ҳаётида фаол иштирок эта бошлайди. 1901 йили Тошкент мусиқа жамиятида қўйилган "Иван Сусанин" операси Н.Миронов ташаббуси билан тайёрланган ва операга унинг ўзи дирижёрлик қилган.

Профессионал оркестр яратиш учун В.Лейсек, В.Михалек, Н.Миронов ва бошқа капельмейстерлар ҳамда созандалар катта

[2] **Август Эйхгорн** 1844 йилда Австриянинг Лаетиц шаҳрида туғилган. Профессионал скрипкачи бўлиб, Тошкентга келгунча Москва Катта театри оркестрида созанда, 1870-1883 йилларда Тошкентда яшаган ва ҳарбий оркестр капельмейстери бўлиб ишлаган.

[3] **Вячеслав Лейсек** Туркистонга 1874 йилда келган. 1935 йили Тошкентда вафот этган. Дирижёр ва композитор. Унинг Тошкентда мусиқа соҳасидаги узоқ йиллик самарали меҳнати Ўзбекистон ҳукумати томонидан "Меҳнат қаҳрамони" унвони билан тақдирланган.

ташаббус кўрсатганлар. Бу ерда маҳаллий халқни рус ва хорижий чолғу мусиқаси билан таништирган рус ҳарбий оркестри катта аҳамият касб этади. Оркестр ёз пайтларда маданият ва истироҳат боғларида, қишда эса клуб ва цирклларда концертлар намойиш этишир эди, уларнинг дастурларидан оммавий қўшиқ ва рақслар, шунингдек, рус ва хорижий мамлакатларнинг операларидан парчалар ўрин олган эди. Бундай оркестрлар Туркистоннинг кўпчилик шаҳарларида мавжуд бўлган. Улар репертуарининг бир қисми халқ тантаналарида рус маршлари, вальслари, полькалар билан биргаликда иштирок этган ўзбек халқ созандалари орасида кенг ёйилар эди. Ушбу оркестрлар фаолиятида ҳарбий капельмейстерлар ижоди унумли бўлган. Улар фақаттина дирижёр эмас, балки ўзбек халқ қўшиқлари ва чолғу куйларини оркестрга мослаб, ўз репертуарларига киритган; тарғиботчи ва, айниқса, кенг оммага профессионал (ёзма равишда) мусиқа таълими билан таништириб ўзбек халқи маданиятининг янада ривожланишига катта ҳисса қўшганлар.

Йирик маъмурий ва маданий марказга айланган Тошкент XIX асрнинг иккинчи ярмидан Ўрта Осиё халқларининг маданий ривожланишида катта ўрин эгаллади. Ҳарбийлар ва зиёлилар ўртасида мусиқа санъатига қизиқиш кучайди; ҳаваскорлар концертлари намойиш қилиниб, камер мусиқа асарларини ижро этиш кенг ёйилди. Ҳаваскорлар кучи билан оммавий концерт дастурлари ва оперетталар қўйилди. Булар ҳаммаси 1884 йилда бирданига катта ишларни авж олдирган "Мусиқа жамиятини" таъсис этиш имконини берди. Бир неча йил ўтгач, у беш юзга яқин аъзога эга бўлди. Улар орасида саксонта хонанда ҳамда ҳаваскор симфоник оркестрни ташкил қилган анчагина созандалар бўлган. Жамият шаҳар ўқувчилари орасида катта маданий-маърифий ишлар олиб бориб, ўқувчилар ўз кучлари билан мусиқали кечалар ўтказа бошладилар. 1880-йилларнинг охирига келиб Тошкентда концерт жамоалари ва яккахонларнинг, рус ва чет эл опера труппалари гастроллари ташкил этила бошланди (масалан, Шуменц, А.Костаньян, Д.Южин,

---

[4] **Миронов Николай Назарович** (1870-1952) — созанда, дирижёр, композитор ва мусиқа ташкилотчиси. У Марғилон, Қўқон, Тошкент, Самарқанд шаҳарларида турли мусиқа ва концерт группаларида дирижёр бўлиб ишлаган. Мусиқа этнографи. 1928-32 йиллари Самарқанддаги мусиқа ва хореография илмий-текшириш институти директори, мусиқа назарияси ва дирижёрликдан дарс берган. Композитор сифатида ўзбек куйлари асосида турли жанрдаги асарларни яратган. Ўзбекистон халқ артисти (1937).

А.Федоров рус опера труппалари, Л.Собинов концертлари, Гансельу итальян опера труппаси, татар труппаси, Ю.Нариманов раҳбарлигидаги озарбайжон мусиқа театри, Абелян опера труппаси ва б.).

XX аср бошларига келиб Тошкент ўзининг мусиқий ҳаёти ривожига кўра йирик шаҳарлардан бирига айланди. Ўқув юртларида хорлар, уларнинг базаларида эса симфоник оркестрлар ташкил этилди. 1909 йили В.В.Лейсек 30 кишилик симфоник оркестр ташкил қилиб, симфоник концертлар қўйиб берди. 1913 йилда очилган "Филармония жамияти" классик мусиқаларни тарғиб қилиб бориш вазифасини ўз зиммасига олиб Н.Н.Мироновнинг "Резаворчи" операсини концерт ижрочилигида тингловчиларга намойиш этди. Бунда яккахонлар, хор, балет ва симфоник оркестр қатнашди. 1915 йилда Н.Н.Миронов чех ва австриялик асир мусиқачиларидан иборат симфоник оркестр тузиб ишлай бошлади.

Ушбу жамиятлар, тўгараклар ва жамоаларнинг фаолияти бевосита капельмейстерларнинг ижодий ишлари билан боғлиқ бўлиб улар ҳаваскор оркестрлар ва хорлар раҳбари, турли концертларда ижрочи ва, асосан дирижёр сифатида фаолият кўрсатишган. Капельмейстерларнинг кўпчилиги Туркистон ўлкасининг мусиқий ҳаётида муҳим из қолдирганлар. Булар орасида: А.Эйхгорн — Ўзбекистонда биринчи этнограф; В.Лейсек — "Лира" Тошкент хор жамияти ташкилотчиси ва дирижёри; Н.Миронов — скрипкачи, композитор, дирижёр; Д.Михайлов — Марғилон мусиқа жамияти дирижёри; Г.Подняшель — Самарқанд мусиқа жамияти дирижёри; Г.Махань — дирижёр, Берлин журналида ўзбек мусиқаси ҳақида бир неча мақолалар нашр этган ва б.

XX асрнинг бошларида Туркистон ўлкасида биринчи кинотеатрлар очила бошланади; айримларида ўзбек созандаларидан ташкил топган дамли чолғулар оркестрлари фаол хизмат қилган. Масалан, Марғилонда Дерсен кинотеатрида 1915-1916 йилларда дамли чолғулар оркестри бўлган; оркестр таркиби ўзбек созандаларидан иборат бўлиб, унинг раҳбари ва дирижёри кларнетчи Қурбон Чорбоев бўлган. Оркестр репертуарида рус вальслари, марш ва қўшиқларидан ташқари ўзбек халқ куйлари — "Мирзадавлат", "Сарбоз", "Қари наво", "Усмония" ва бошқа асарлар ўрин олган.

1918 йили Тошкентда эски шаҳар ўзбек мактаблари қошида бир нечта дамли чолғулар оркестрлари ташкил қилинади, уларга капельмейстерлар Г.В.Пестряков, Каетпнек, Зика (чехлар, ҳарбий асирлардан) таълим беришган.

1918 йили Тошкентда Туркистон халқ консерваторияси очилди. Унинг ташкилотчилари — рус зиёлилари орасидан чиққан илғор арбоблар А.Е.Черняевский, Н.Н.Миронов, В.А.Успенский, В.Л.Карелин (консерваториянинг биринчи директори)лар эди. Халқ консерваториясининг асосий вазифаси халқнинг кенг доираларини мусиқа санъатига яқинлаштиришдан иборат бўлган. Ўқув юрти вазифасидан ташқари, халқ консерваторияси оммавий аудиторияларга (асосан маҳаллий халқ орасида) мўлжалланган "Халқ концертлари" деб ном олган концертларни ташкил этиш эди. Концертларга симфоник ва дамли чолғулар оркестрлари, рус операсининг яккахонлари, консерваториянинг ўқувчилари, халқ созандалари жалб этилган. Ушбу концертлар халқ орасида жуда катта муваффақият қозонади. Концертларда В.Успенский[5], Н.Мироновлар оркестр билан мумтоз асарларга дирижёрлик қилиб қатнашганлар. Дарвоқе, 20-йиллар мусиқий ҳаётида симфоник концертлар муҳим ўрин эгаллади. Туркистон республикасининг Тошкент, Самарқанд, Наманган, Қўқон ва бошқа кўпгина шаҳарларда симфоник оркестрлар ташкил этилган бўлиб, улар маҳаллий рус мусиқачилари ҳамда жаҳон уруши даврида Ўрта Осиёга келтирилган собиқ ҳарбий асирлардан ташкил этилган (улар орасида австрияликлар, чехлар, немислар, руминлар ва б. бўлган). Симфоник оркестр раҳбари бўлиб 1917-1921 йилларда етук созанда ва дирижёр, чех Ф.Седлячек[6] турган. Оркестрнинг таркиби 75 кишидан иборат бўлиб, беш йил ичида 100 дан ортиқ симфоник концертлар берган. Оркестр репертуаридан Овропа классик мусиқаси, рус мусиқачилари томонидан қайта ишланган ўзбек халқ куйлари ҳамда Чайковский, Бетховен, Гайдн симфониялари, рус ва Ғарбий Овропа классик операларидан парчалар, Успенский, Миронов, Мелигайлис ва б. композиторларнинг симфоник асарлари ўрин олган. Ўша йилларда "Туркистон искраси", "МИК ахборотномаси" газеталарида симфоник оркестр ва унинг дирижёри Ф.Седлячек фаолияти ҳақида ижобий тақризлар чоп этилган. Симфоник оркестрининг якунловчи концерти Тошкентда 1921 йилнинг 8 июль куни бўлиб ўтди.[7]

1918 йили Тошкентда рус опера театри — Туркистонда биринчи

---

[5] **Виктор Александрович Успенский** (1879-1949) — фольклоршунос-этнограф, композитор, дирижёр, мураббий. Ўзбекистон ва Туркманистон халқ артисти, санъатшунослик фанлари доктори. Мусиқали драмалар, опера, симфоник ва вокал асарлари муаллифи. Дирижёрлик фаолият билан ҳам жиддий шуғулланган.

мусиқий театр сифатида ташкил этилган. Театр ўз фаолиятини бошлашиданоқ ўзининг хор ва симфоник оркестрига эга бўлган (оркестрнинг биринчи раҳбари Ф.Седлячек). 20-йиллари театр Даргомижскийнинг "Сув париси", Чайковкийнинг "Евгений Онегин" ва "Мазепа", Вердининг "Травиата" ҳамда "Риголетто" каби классик опералари, Г.И.Гизлер (Арский)нинг "Стенька Разин" операси ҳам муваффақият билан саҳналаштирилди. Операларни саҳналаштиришда опера театрининг мусиқа раҳбарлари ва дирижёрлари — Н.Н.Миронов, Ф.Ф.Седлячек, О.Л.Смерчек, Г.С.Рейнгард-Шаевич, В.И.Пирадов, К.Ф.Бауэр, А.Б.Трауберг ва бошқаларнинг жонбозликлари туфайли 1925 йилда рус опера театри 21 та спектакл тайёрлаган бўлиб, булар орасида Бородиннинг "Князь Игорь", Вердининг "Аида", "Бал-маскарад", Пуччинининг "Чио-чио-Сан", Мейербернинг "Гугенотлар", Сен-Санснинг "Самсон ва Далила", Делибнинг "Лакме" асарлари бор эди. Шу йили театр биринчи марта Чайковскийнинг "Оққуш кўли" балетини саҳналаштиради. 1923 йилдан театр саҳнасида классик оперетта спектакллари ҳам қўйила бошланади. Рус опера театри арбоблари ўз фаолиятида 1929 йили ташкил этилган ўзбек мусиқали театри ишларига ижодий ёрдам бериб, мусиқали драмаларни саҳналаштиришда ўз маслаҳатлари ва иштироклари билан фаол қатнашиб келишган. Булар орасида композитор ва дирижёр А.М. Четвертаков[8] (1924-1928 йиллари опера театрида дирижёр сифатида ишлаб келган). Рус опера театри оркестри Тошкентда ўтказилган симфоник концертларида ҳам фаол қатнашиб келган. Масалан, 1934 йили 20 мартда ўтказилган концертда симфоник оркестрга дирижёр С.Бергольц раҳбарлик қилган. Ушбу концертда Н.Н.Миронов қайта ишлаган ўзбек халқ қўшиқлари, В.Успенскийнинг "Фарҳод ва Ширин" мусиқали драмасидан парчалар, М.Ипполитов-Ивановнинг "Ўзбекистоннинг мусиқий манзаралари" асарлари ижро этилган.

1937 йили Ўзбекистон радиоси қошида симфоник оркестр ташкил этилади, унинг раҳбари этиб дирижёр С.П.Цвейфель[9] тайинланади. Истеъдодли мусиқачи, оркестрни ривожига катта ҳисса қўшган иродали ва ғайратли инсон Цвейфель раҳбарлигидаги оркестр концертлари, яккахонлар Абрамов ва Кнорреларнинг ҳар доим кўплаб

---

[6] **Франц Седлячек** — миллати чех, созанда ва дирижёр. Симфоник оркестр а рус опера театри дирижёри. Туркистон халқ консерваториясида ўқитувчилик лган. 1921 йили ватанига қайтиб кетган.

[7] **Визго Т.** Развитие музыкального искусства Узбекистана и его связи с кой музыкой. Москва, 1970, 105 б.

тингловчиларни жалб этиб келган.

1936 йили Ўзбек давлат филармонияси ташкил этилиб унинг биринчи раҳбари этиб Муҳитдин Қори Ёқубов тайинланади. Ўша йиллари республика раҳбарияти М.Қори Ёқубовга В.Успенский билан биргаликда иложи борича миллий кадрлардан ташкил топган симфоник оркестр ташкил этиш тўғрисида топшириқ беради. Филармония тасарруфида кўп овозли ижрочи жамоалар ташкил этилиб, шулар қаторида симфоник оркестр ҳам ўз концерт фаолиятини 1939 йилдан бошлайди. 1939 йилдан 1948 йилгача оркестрга С.Чариков, Н.Юхновский, Б.Берман, Б.Бровцин, И.Гридгарцу ва П.Шпитальнийлар раҳбарлик қилишган. Шу йилларда ушбу оркестр билан М.Ашрафий, И.Мусин, Р.Глиэр ва бошқа дирижёрлар ҳам концертларда қатнашиб туришган. Тошкентда филармония ташкил этилиши, биринчидан, унинг қошида етук ижрочи кучлар ва жамоаларни жамлаш ва турли жанрдаги асарларни ижро этишга имкон яратиш, иккинчидан, ижрочи кадрлар тайёрлаш масаласини ҳал этиш, учинчидан, Ўзбекистонда мусиқа ва театр томошаларини доимий равишда аҳолига кўрсатиб туришни таъминлаш. Ушбу жамоаларни ташкил этилиши 30-йилларнинг охирида дирижёрлик санъатини ҳам ривожланишига имкон яратди. Рус дирижёрлари ҳамкорлигида саҳнада ёш ўзбек дирижёрлари ҳам ўз фаолиятларини бошладилар (М.Ашрафий, Т.Содиқов, Ш.Рамазонов, М.Бурхонов). Дирижёрлик санъатидан биринчи таълимни бўлажак ўзбек композиторлари ва дирижёрлари 1928 йили Самарқандда "Ўзбек халқ ва мумтоз мусиқасини ўрганиш институти"да (кейинчалик Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти) Н.Н.Мироновдан олганлар. 1928-1932-йиллари институт Ўзбекистонда илмий-тадқиқот муассасаси вазифасидан ташқари ўқув юрти вазифасини ҳам ўз зиммасига олган. Дирижёрликни биринчи

---

[8] **Александр Михайлович Четвертаков** (1898-1943) — Петербургда туғилган, Академик хор капелласида таълим олган. 1920-йиллардан Ўзбекистонда яшаган. 1924 йилдан рус опера театри дирижёри. Ўзбек халқ қўшиқларини нотага олган. 1926 йилдан концерт-этнографик труппаси ва 1929 йилдан — Ўзбек мусиқали театри мусиқа раҳбари, дирижёри. Биринчи ўзбек мусиқали драма спектаклларини гармониялаштирган ва чолғулаштирган. 1936-37-йиллари — Ўзбек филармонияси хормейстери. Ленинградда вафот этган.

[9] **Сергей Петрович Цвейфель** (Горчаков) 1905 йили Тошкентда туғилган, Туркистон халқ консерваториясида таълим олган, Москва консерваториясини дирижёрлик мутахассислиги бўйича тугатган. 30-йилларнинг иккинчи ярмидан симфоник оркестр дирижёри ва Тошкент консерваториясининг ўқитувчиси лавозимларида фаолият кўрсатган.

марта оркестр олдида туриб бошқариш ушбу институт қошида бўлиб ўтган. 1929 йили М.Ашрафий ва Т.Содиқов институтнинг аралаш (ўзбек халқ ва симфоник оркестр чолғуларидан иборат) оркестри билан концертларда қатнашганлар. 1930 йилдан мусиқали театрда мусиқий раҳбар ва дирижёр бўлиб иш фаолиятларини бошлаганлар. М.Ашрафийнинг "Ичкарида" мусиқали драмаси Ўзбек мусиқали театр симфоник оркестри билан саҳналаштирилиб, оркестрга муаллифнинг ўзи дирижёрлик қилган. Кейинчалик, М.Ашрафий В.Успенскийнинг "Фарҳод ва Ширин" мусиқали драмаси, "Ёр тарғин" ва "Бўрон" операларига, шунингдек М.Магамаевнинг "Наргиз" ва Т.Содиқовнинг "Лайли ва Мажнун" операларига дирижёрлик қилишган. Ижод ва ижрочиликнинг ривожи дирижёрлик санъатининг ҳам ривожига сабаб бўлди. 1936 йили Тошкентда консерваториянинг очилиши дирижёрлик мутахассислиги бўйича таълим бериш масаласини ҳал этмади. Ёш ижодкорлар ушбу йилларда Москва ва Ленинград консерваторияларида таълим олишди. Ўзбекистонда дирижёрлик санъати бўйича профессионал таълим бериш 40-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланди. Уруш йиллари Тошкентга Ленинград консерваториясининг, Москва, Ленинград ва Украинадан турли ижрочилик жамоалари ва мусиқали театрларининг эвакуация қилиниши Ўзбекистонда мусиқий ҳаётни янада ривож топишига омил бўлди. Турли шаклдаги симфоник концертларда, хор жамоаларининг чиқишларида, мусиқий спектаклларнинг саҳналаштирилишида таниқли дирижёрлар билан ҳамкорликда ёш истеъдодли дирижёрлар ҳам иштирок этадилар (М.Ашрафий, Дониях, Свешников, шу йиллари ёш дирижёрлар — Ф.Шамсутдинов, Б.Иноятовларнинг ижодий фаолияти бошланди). Масалан, 1942 йилнинг 22 июнь куни профессор И.Я.Мусин раҳбарлигида Ленинград консерваториясининг симфоник оркестри Тошкентда биринчи марта Д.Шостаковичнинг 7-симфониясини ижро этади. Бу эса шу йиллардаги катта бадиий ва сиёсий аҳамиятга молик воқеага айланади. 1942-1945 йиллари Ўзбек филармониясининг концерт ҳаётида Глинка, Даргомижский, Рахманинов, Лист, Мендельсон, Григ, Прокофьев, Бетховен, Свиридов, Хачатурян, Козловский, Успенский, Арапов ва бошқа композиторларнинг асарлари ўрин олиб, ушбу концертларда Бетховеннинг 9-симфонияси, П.И.Чайковскийнинг 6 та симфониялари, Г.Мушельнинг 2-3-симфониялари, М.Ашрафийнинг 1-2-симфониялари ижро этилган. Ушбу

концертларда симфоник оркестр томонидан Ўзбекистон композиторларининг асарлари ҳам ижро этилган. Мана шу концертлардан бирида ёш истеъдодли ўзбек дирижёри Баҳром Иноятов ҳам қатнашади, 1944 йили Б.Иноятов биринчи марта ўзбек мусиқали театри саҳнасида О.Чишконинг "Маҳмуд Таробий" операсига дирижёрлик қилади. Шу йиллари ўзбек мусиқали театрида Г.Дониях, И.Гинзбург, М.Ашрафий, Т.Содиқовлар билан биргаликда, Янгийўл театрида ёш дирижёр Ф.Шамсутдинов ўз фаолиятини бошлайди.

Ленинград консерваторияси профессор-ўқитувчилари ҳамкорлигида 1944 йилдан Тошкент консерваториясида махсус дирижёрлик синфи очилади; 1948 йилдан консерватория тасарруфида опера-симфоник дирижёрлиги бўлими ва ўзбек халқ чолғулари факультети ва кафедраси ўз фаолиятларини бошлайди. Ўша йиллари республикамизда иккинчи уйини топган қардош халқлар истеъдодли намояндаларининг ёрдами туфайли ўзбек мусиқа санъати ўсишда давом этди, мусиқа таълими, ижрочилик ва композиторлик ижодиёти соҳасида янги ютуқлар қўлга киритилди.

1950-1990-йиллар давомида ўзбек мусиқа санъатининг барча соҳаларида жиддий силжишлар рўй берди. Турли ижтимоий-сиёсий ва маданий воқеаларга бой бўлган ушбу йиллар республикамизда барча ижодий кучларнинг кескин фаоллашуви билан боғлиқ бўлди. Бу авваламбор, мусиқа ижодиёти (анъанавий мусиқа, бастакорлик ва композиторлик ижодиётлари) ривожи суръатининг аста-секин жадаллашуви натижасида 60-70-йилларда юксалиш рўй берди. Мазкур йиллар ижодий изланиш ва услубий йўлланмаларнинг бойлиги, ўзбек мусиқаси соҳасида ижрочилик, бастакорлик ва композиторлик ижодиётларининг устиворлиги билан ажралиб туради. Агар илгари Ўзбекистон мусиқа маданиятида шунингдек, дирижёрлик санъатида ҳам четдан келган ижрочилар ва ижодкорлар ижоди устунлик қилган бўлса, эндиликда ижодиётининг ва ижрочиликнинг талайгина қисми миллий кадрлар улушига тўғри келди. Бу даврда ўзбек мусиқасида композиторлик ижодиётининг кўп овозли жанрлари ривожланиши билан боғлиқ ҳолда янги анъаналар, ижро жамоалари пайдо бўлди. Кекса авлод тажрибаси ёш авлод томонидан ривожлантирилди. Бу давр ичида республикамизда 33 та мусиқали ва драматик театр (шулардан, иккита опера театри ва оперетта театр)лари, миллий симфоник оркестри, бир неча камер оркестрлари, Т.Жалилов ва Д.Зокиров номидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрлари, 1990-йиллардан

"Сўғдиёна" халқ чолғулари камер оркестри, иккита йирик хор жамоаси, Ўзбекистон эстрада симфоник оркестри, турли тармоқларга қарашли дамли чолғулар оркестрлари, консерватория, маданият институти, мусиқа ва санъат ўрта-махсус билим юртлари ва мактабларидаги бадиий жамоалар (ўзбек ва рус халқ чолғулари оркестри, симфоник ва дамли чолғулар оркестрлари, хор жамоалари), бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўзининг бетакрор миллий қиёфасини сақлаган ҳолда, Ўзбекистон мусиқа санъатининг янада равнақ топишига катта ҳисса қўшмоқдалар. Дирижёрлик санъатида ҳам миллий кадрларни тайёрлаш таълими тубдан ўзгарди. Ушбу давр ичида консерваторияни дирижёрлик санъатининг турли соҳалари бўйича кўплаб ёш истеъдодли ижодкорлар битириб чиқдилар, улар опера-симфоник, халқ чолғулари, дамли чолғулар оркестрлари дирижёрлари, хор дирижёрлари сифатида турли жамоаларда хизмат қилиб, Ўзбекистонда мусиқа санъатини юксалишига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Мусиқали театрнинг диққат марказида Ўзбекистон бастакорлари ва композиторларининг асарлари салмоқли ўрин олди. Опера ва мусиқали драма ва комедия театрлари тарихи бу даврда кўзга кўринган кўп саҳна усталарининг номлари билан боғлиқдир, улар орасида ўзбек дирижёрларидан — М.Ашрафий, Т.Содиқов, Б.Иноятов, Ф.Шамсутдинов, А.Абдуқаюмов, Д.Абдураҳмонова, С.(Қ).Усмонов, Н.Ҳалилов, Ғ.Тўлаганов, Х.Шамсутдинов, Э.Тошматов, С.Шодмонов, Ф.Ёқубжонов, Б.Расуловлар бор.

Мазкур даврнинг барча босқичларида кейинчалик М.Қори Ёқубов номини олган Ўзбек Давлат филармонияси (1996 йилдан "Ўзбекнаво" ва 1998 йилда "Ўзбекракс" бирлашмалари) республика мусиқа ва концерт ҳаётининг маркази вазифасини ўтаб келмоқда. Филармониянинг кекса жамоаларидан бири — симфоник оркестрнинг фаолияти кенг қулоч ёзди. Ўша даврда дирижёр П.Л.Шпитальний бошқараётган оркестр рус ва чет эл симфоник мусиқа асарлари ҳисобига ўз репертуарини анча бойитди. Оркестр биографиясининг янги босқичи 40-йилларнинг охирида бадиий раҳбарлик ва бош дирижёрлик вазифасини ўз қўлига олган ажойиб санъаткор, симфоник мусиқа асарларининг моҳир устаси, композитор А.Ф.Козловский номи билан боғлиқдир. Унинг ўн йилдан ортиқ раҳбарлиги давомида жуда кўп хилма-хил асарлар: Дворжак ва Сметана, Чайковский ва Мусоргский, Вагнер ва Скрябин, Берлиоз ва Р.Штраус, Дебюсси ва Равель, Прокофьев ва Шостакович, Свиридов ва Хачатурян, шунингдек, улар қаторида

— Ўзбекистон ва қардош республикалар композиторларининг (Қ.Хўжамёров, Ф. Амиров, Т.Шахиди ва бошқалар) асарлари мунтазам ижро этилиб келди.

50-йилларнинг иккинчи ярмида дирижёрлик пультига тобора кўпроқ ўзбек дирижёрлари (М.Насимов, Ф.Шамсутдинов, Н.Халиловлар) чиқа бошладилар. 1957 йилдан оркестрнинг бош дирижёри Москва консерваториясини битириб келган Н.Олимов, 60-йилларнинг ўрталаридан замонавий рус ва хорижий мусиқа тарғиботчи ва талқинчиси З.Ҳақназаров бўлди. Унинг раҳбарлигида тингловчилар Малер, Стравинский, Барток, Хиндемит, Онеггер, Гершвин, Бриттен, Свиридов, Прокофьев, Шостакович, Хачатурянларнинг ноёб симфоник асарларини эшитишга муяссар бўлдилар. Зоҳид Ҳақназаров аввало ўзбек симфоник мусиқасининг тарғиботчиси сифатида танилди, жумладан, оркестр Р.Ҳамроевнинг 1-2-симфонияси, Т.Қурбоновнинг 6 та симфонияси, Икром Акбаровнинг "Самарқанд ҳикоялари" симфонияси, "Шоир қалби" симфоник поэмаси, скрипка ва оркестр учун концерти; М.Тожиевнинг 19 та симфонияси, М.Маҳмудовнинг "Наво" ва 2 та симфониясининг, шунингдек, Ф.Янов-Яновский, Б.Гиенко, Р.Абдуллаев, Н.Ғиёсов, Хабиб Раҳимов ва бошқа композиторларнинг асарларининг биринчи ижрочиси ва тарғиботчисидир.

Узоқ вақтгача Ўрта Осиё ва Қозоғистонда якка симфоник оркестр бўлганлиги сабабли бу жамоа ўз дастурига кўпинча, Ўрта Осиё ва Қозоғистон композиторларининг янги асарларини киритди, махсус "дўстлик концерт"ларини, симфоник мусиқа фестиваллари, "Атиргуллар водийси куйлари" фестивали, қардош республикалар ўн кунликлари, Самарқанд Халқаро мусиқашунослик симпозиуми ва фестиваллари (1978, 1983, 1987), Тошкентда Халқаро симфоник мусиқаси фестивали (1998)нинг ташкилотчиси ва қатнашчисидир. Оркестрда турли йилларда С.(Қ.)Усмонов, Ғ.Тўлаганов, В.Неймер, Б.Расулов, А.Малкеевлар дирижёрлик қилишган. Оркестр Ўрта Осиё, Сибирь, Россия Федерацияси, Болтиқбўйи, Кавказорти, Узоқ Шарқ, Туркия шаҳарлари бўйича гастрол сафарларида бўлган.

Оркестрнинг ижобий ўсишида Россиянинг таниқли дирижёрлари билан ҳамкорлик катта аҳамиятга эга бўлди. Р.Глиэр, И.Мусин, А.Мелик-Пашаев, Н.Рохлин, Н.Рабинович, К.Кондрашин, В.Небольсин, Ю.Файер ва бошқа дирижёрлар турли дастурлар билан концертлар беришган. Симфоник оркестрда ушбу йилларда хорижий дирижёрлар ҳам иштирок этишди: Пьер Коломбо (Швейцария),

В.Комор (Венгрия), Саид Аҳмад (Миср), К.Илиев (Болгария), Эмиль Самсон ва Михай Бредингану (Руминия), Г.Швигер (АҚШ) ва бошқа малакали дирижёрлар билан ҳамкорлик Ўзбекистонда юксак профессионал ижрони таъминлашда кўмак берди. Гастролга келган йирик дирижёрлар билан ишлаш ўзбек дирижёрлари ва созандалари учун бир вақтнинг ўзида маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилса, маълум даражада эса уларнинг профессионал ижро маданияти кўрсаткичи ҳамдир. Хорижий ва Россия мамлакатларидан Ўзбекистонга келган дирижёрларнинг концертлари халқлар ўртасида маданий муносабатлар ўрнатишга, турли маданий анъаналар ўртасидаги муштаракликни белгилашга кўмаклашди. Муҳими шундаки, бу даврда Ўзбекистоннинг чет мамлакатлар билан ижодий муносабатлари мустаҳкамланиб, дирижёрларимиз ва санъаткорларимизнинг хорижга қилаётган ижодий сафарлари ҳам тобора одат тусига кириб бормоқда.

ХХ асрнинг 30-йилларида ўлкамизда юзага келган ўзбек халқ чолғулари оркестри тарихий аҳамиятга молик шарафли йўлни босиб ўтди. Мазкур соҳанинг етакчи даргоҳи бўлмиш Ўзбек давлат филармониясида ўзига хос ижодий муҳит шаклланди. 50-йилларда Ўзбекистон радиоси қошида яна бир профессионал халқ чолғулари оркестри ташкил топди; Тошкент консерваторияси, мусиқа билим юртлари ва ўрта-махсус мусиқа мактабларида ҳам талабалар ва ўқувчилардан иборат халқ чолғулари оркестрлари ўз фаолиятларини бошлашди. Оркестрларни ташкил топиши республикамиз маданий ҳаётида дирижёрлик санъатининг янги соҳаси халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги ҳам шакллана бошлади. Бошланғич даврида ушбу ижрочилик санъатининг ривожланишида Т.Жалилов, Ю.Ражабий, Н.Миронов, А.И.Петросянц, С.Алиев, Д.Зокиров каби ижодкорларнинг хизматлари каттадир. Улар оркестрларга раҳбар бўлиб республикамизда истеъдодли ёш-созандаларни дирижёрлик фаолиятига жалб этиб, мураккаб дирижёрлик ижрочилигини ўзлаштиришда уларга мураббийлик қилишган.

Дарҳақиқат, ўзбек халқ чолғулари оркестри ўз вақтида бошқа концерт-ижрочилик жамоалар сингари республикамиз маданий ҳаётининг фаол марказларидан бири сифатида ўзбек халқининг эзгу ниятларини бадиий воситалар билан ифодалашда катта ютуқларни қўлга киритди. Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари томонидан турли даврларда яратилган хилма-хил жанрлардаги мусиқа асарлари санъатимиз тарихида ва бугунги кунда ҳам мумтоз меросимиз сифатида ардоқланиб келинмоқда. Ижтимоий-

маданий ҳаётнинг долзарб масалаларини ёритишда, халқимизни янги зафарларга чорлашда миллий руҳдаги ёрқин мусиқа асарларини юзага келишида халқ чолғулари оркестрлари ижодкор-композиторлар билан ҳамкорлигида улкан ҳисса қўшишга муяссар бўлмоқда. Оркестрлар фаолиятида самарали ижод этган композиторларимиз — Д.Зокиров, Ҳ.Изомов, Т.Ҳасанов, М.Бафоев ва бошқалар дирижёр сифатида оркестр ижрочилигини равнақ топишига ва унинг маҳоратини юксалишига катта ҳисса қўшганлар.

Филармониянинг йирик жамоаларидан бири ўз таркибига 60 га яқин ижрочини олган ўзбек халқ чолғулари оркестридир. Оркестрга ўз ишининг ўткир билимдони ва тарғиботчиси А.И.Петросянц (1938-1957) асос солган[10]. 1958 йилдан Саид Алиев оркестрга раҳбарлик қилди, 1976 йилдан оркестрни Ф.Содиқов бошқармоқда. Турли йилларда оркестрнинг дирижёрлик пультига А.Султонова, Х.Изамов, С.Жалил, А.Баҳромов, А.Ливиев, С.Каримов, Ф.Юнусов, Ф.Абдураҳимовалар чиқдилар. Ўзбекистон композиторлари бу оркестрга тобора кўпроқ мурожаат қилиб, унга алоҳида репертуар яратмоқдалар.

Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг Д.Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестри 1953 йили тикланган бўлиб, унинг раҳбари Юнус Ражабий, дирижёри этиб Дони Зокировлар тайинланади. Кейинчалик оркестрнинг бадиий раҳбари ва дирижёри бўлиб Дони Зокиров ишлаб келди ва кўп йиллар давомида оркестр ўзига хос ижро услубини (анъанавий ижрочиликни ўзига хос кўп овозлик оркестр ижроси билан узвий боғланган ҳолда) яратди. Оркестр фаолиятида дирижёрлардан У.Абдуллаев, Х.Изомов, Т.Хасанов, Ф.Юнусов, С.Каримовлар ишлаб келишди. Сўнгги йилларда оркестр композитор ва дирижёр Мустафо Бафоев бошқарувида ижро маҳоратини оширмоқда ва репертуарини Ўзбекистон композиторларининг замонавий асарлари билан кенгайтириб бормоқда.

1991 йили Тошкентда ўзбек халқ чолғулари камер оркестри ташкил топди. Унга "Сўғдиёна" номи берилган бўлиб, оркестр қисқа вақт ичида тингловчилар орасида шуҳрат қозонди. Оркестр репертуаридан ўзбек халқ куйлари, қардош ва хорижий халқлар куйлари ва қўшиқлари, Ўзбекистон ва жаҳон композиторлари асарлари ўрин олган. Оркестр ўзига хос ижрочилик услубини яратиб, XXX Халқаро фестивал совриндори (Испания) бўлди. Оркестрнинг шаклланиши ва ижро маҳоратининг тобора ўсиб бориши унинг раҳбари ва дирижёри Фируза Абдураҳимова номи билан боғлиқдир.

Оркестр Германия, АҚШ, Франция, Корея, Миср, Россия, Қозоғистон, Туркманистон давлатларида гастролларда бўлиб, тингловчиларни ўзбек куйлари ва чолғуларининг нафис овозлари билан таништириб олқишларга сазовор бўлмоқда.

1952 йилда филармония ва 1959 йили радио қошида хор жамоалари (бадиий раҳбари С.Валенков ва Б.Умиджонов) ташкил этилди. Хор жамоаларининг фаолияти Ўзбекистонда турли хор жамоалари шаклланиши ва ривож топишига омил бўлди. Композиторлик ижодиётида 50-йиллардан бошлаб хор мусиқаси шаклланди. Мутал Бурхоновнинг хор а'капелласи учун қайта ишлаган халқ қўшиқлари хор мусиқасининг илк намуналаридир. Композиторлар томонидан яратилган миниатюра шаклларидаги турли халқлар (ўзбек, қорақалпоқ, уйғур, тожик) куйларининг ҳар бири томошабинлар қалбида муҳрланиб қолгани бежиз эмас. Нозик, ихчам, сержило "Ёрларим", шўхчан "Бибигул", эҳтиросли ва лирик "Сари кўҳи баланд", орзубахш "Заррагул" ажойиб ўзгарувчан кайфиятли "Гўзал қизга" ва ниҳоят, хушчақчақ "Сайра" каби асарлар ҳозирги кунгача хор жамоаларининг репертуарларидан салмоқли ўрин эгаллаб келмоқда. М.Бурҳонов асос солган жўрсиз хор мусиқаси 70-80-йилларда Ўзбекистон композиторлик ижодиётида салмоқли ўрин эгаллаб, унинг жанр тизими кенгайиб бормоқда. Яратилган замонавий кўповозлик услублар ўзбек анъанавий ижодиёти жанрлар шакли (ашула, катта ашула, мақомлар) асосида вужудга келмоқда. Масалан, Икром Акбаров, С.Жалил, Ф.Алимовларнинг жўрсиз хор учун "Концертлар", М.Бафоевнинг "Фрескалар", "Мақомлар товуши", Б.Умиджоновнинг "Чоргоҳ" ва бошқа асарлар шулар жумласидандир. Ушбу асарларни тингловчига етказишда ва ижрочилик санъатининг ривожида хор дирижёрларининг ҳам хизматлари каттадир. Булар, А.Султонов, Б.Умиджонов, А.Ҳамидов, Ж.Шукуров ва бошқалардир. Хор жамоаларининг фаолияти бошланишида кўрсатган ташаббуси сезиларли натижалар бериб — республикамизда турли профессионал ва ҳаваскорлик хор жамоаларини ташкил этишда ва улар фаолияти орқали қўшиқ байрамлари ўтказишга олиб келди.

---

[10] Мазкур оркестрнинг ташкил топиб ривожланишида халқ чолғуларини таъмирлаш ва такомиллаштириш соҳавий илмий-тадқиқот тажриба лабораторияси ходимларининг изланишлари самарали бўлиб, чолғуларнинг ижро имкониятлари кенгайтирилди, янги ижро услублари ва йўналишлари пайдо бўлди. Шу билан бирга халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги ихтисослиги ҳам дунёга келди.

Ҳозирги кунда филармония хор капелласи академик ижро услубини тарғибот этиб, ўзининг репертуаридан классик рус мусиқаси ва хорижий хор мусиқаси намуналари ўрин олган. Капелланинг бош дирижёри Аҳад Ҳамидов ташаббуси билан сўнгги йилларда Тошкент давлат консерваторияси залларида бир неча бор "Орган ва хор мусиқаси" туркумли концертлар уюштирилди, уларда "Аве Мария", "Реквиемлар", қадимги ва классик черков хор мусиқа асарлари ижро этилиб, тингловчилар олқишларига сазовор бўлмоқда.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги хор жамоаси (бош дирижёрлари Ботир Умиджонов ва Жўра Шукуров) мана кўп йиллар мобайнида миллий услубдаги ўзбек композиторларининг хор асарларини тарғиб қилиб келмоқда. У республикамизда "Хизмат кўрсатган жамоа" номига эга бўлиб, замонавий миллий ижро услубида профессионал хор санъатининг ҳақиқий маркази вазифасини ўтамоқда.

50-йилларнинг охиридан Ўзбекистонда мусиқа санъатининг янги йўналиши — Ўзбек эстрадаси, унинг қошида ўзбек эстрада оркестри ўз фаолиятини бошлади. Ушбу жамоани шакллантиришда ва ривожланишида композиторлар Ш.Рамазонов, Э.Солиҳов, А.Малаховлар муваффақиятли раҳбарлик қилишган. Оркестр ўзининг концерт-ижрочилик амалиётида ўзбек халқ мусиқа меросининг қўшиқ ва чолғу жанрларига таянибгина қолмай, замонавий эстрада-жаз, поп ва рок мусиқаларининг ифода воситаларидан ижобий фойдаланиб, янги эстрада репертуарини яратди. Асарларни замонавий эстрада-ижрочилик воситалари билан аранжировка қилиш, истеъдодли ёш эстрада қўшиқчиларини тарбиялаш; қўшиқларнинг мавзу ва образлар доирасини кенгайтириш, интонацион заминини ҳам серқирралигини таъминлаш ва тингловчиларга манзур бўладиган замонавий мусиқий асарлар билан репертуарни бойитишда дирижёрларнинг маҳорати беқиёсдир. Мана шундай заминда замонавий эстрада мусиқаси юзага келди. Бинобарин, ушбу ижод йўналиши услубининг ривожи дирижёр Е.Живаев ва эстрада санъатининг истеъдодли намояндаси, хушовоз хонанда, юксак маҳорат соҳиби Ботир Зокиров номи билан боғлиқдир.

70-йилларнинг иккинчи ярми — 80-йилларда республикамизда филармония ва Ўзбекистон радиоси қошида камер оркестрлари ўз фаолиятини бошлади, бу жараён ўз навбатида Ўзбекистон камер-чолғу мусиқаси ва ижрочилигини ривожлантиришга олиб келди. Бу оркестрларнинг фаолияти ёш дирижёрлар — Э.Азимов,

М.Турдиев, В.Медюлянов, А.Сапаев, А.Раимжоновлар ижоди билан боғлиқ. Ҳозирги кунда фақатгина Тошкент шаҳрининг ўзида Ўзбекистон телерадиокомпания-сининг камер оркестри (бош дирижёри В.Медюлянов), "Ўзбекнаво" қошидаги "Ўзбекистон солистлари" камер оркестри (бош дирижёри А.Раимжонов), "Туркистон" камер оркестри (бош дирижёри Э.Азимов) фаол хизмат қилмоқдалар.

XX аср мусиқа маданиятини дамли чолғулар оркестрларисиз тасаввур қилиш қийин, чунки Ўзбекистонга кўповозли мусиқани кириб келиши ҳам ушбу жамоалар фаолияти ва улар раҳбарлари бўлмиш дирижёр-капельмейстерлар ижоди билан бевосита боғлиқ бўлган. Дамли чолғулар оркестрлари турли корхона, маданият бошқармалари, ўқув юртлари қошида ташкил этилиб, республикамиз мусиқий ҳаётини янада ривожлантирмоқда. Бу борада Ўзбекистон мусиқа маданиятига ўз ҳиссасини қўшган дамли чолғулар оркестрлари орасида — Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги қошидаги Алоҳида Намунавий-кўргазмали ҳарбий оркестр (дирижёрлари Н.Долгов, М.Брайнин, В.Маркелов, Ю.Сайиджонов, П.Макаров, Ф.Нигматзянов), Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг Намунавий-кўргазмали ҳарбий оркестри (бош дирижёри Г.Терзян), Тошкент давлат консерваториясининг талабалар дамли чолғулар оркестри (дирижёрлари К.Азимов, В.Пўлатов, А.Малкеев), В.Успенский номидаги Республика ўрта-махсус мусиқа мактаб-интернати ўқувчилар дамли чолғулар оркестри (дирижёр Е.Гуляев), Наманган мусиқа билим юрти ўқувчиларининг дамли чолғулар оркестри (дирижёр В.Елистратов) ва бошқалар мавжуд.

Ҳозирги кунда дирижёрларимиз санъати катта ютуқларга эришди, республикамизда турли шакллардаги ҳаваскор ва профессионал ижрочилик жамоаларини ташкил этишида ва умуман мусиқа маданиятимизга қўшган хизматлари салмоқли бўлмоқда, булар орасида Тошкент давлат консерваториясининг мусиқали театр-студияси симфоник оркестри (дирижёрлар Ғ.Тўлаганов, А.Абдуқаюмов, Б.Расулов, В.Неймер), талабалар симфоник оркестри (дирижёр С.(Қ.)Усмонов), талабалар ўзбек халқ чолғулари оркестри (дирижёрлар Ф.Абдурахимова, А.Сахиев, Д.Муталов), В.Успенский номидаги ўрта-махсус мусиқа мактаб интернати симфоник оркестри (дирижёр В.Неймер), Р.Глиэр номидаги мусиқа мактаб интернати ўқувчилар халқ чолғулари оркестри (дирижёр Ф.Мирусмонов), Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юрти ўқувчилар халқ чолғулари оркестри (дирижёр С.Каримов),

Гулистон санъат билим юрти ўқувчилар халқ чолғулари оркестри (дирижёр Н.Баҳодиров), Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юрти ўқувчилар симфоник оркестри (дирижёр В.Медюлянов), рус халқ чолғулари оркестри (дирижёр Т.Хомяков), "Ўзбекистон ёш истеъдодлари" камер оркестри (дирижёр А.Конаржевский) ва бошқа Ўзбекистон вилоятларининг йирик маъмурий ва маданий марказга айланган шаҳарларида, олий ва ўрта-махсус ўқув юртлари қошида симфоник, дамли чолғулар ва халқ чолғулари оркестрлари ташкил топган ва улар ўзбек мусиқа маданиятининг ривожланишида катта роль ўйнамоқда.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида дирижёрлик санъати янада кенг ривож топмоқда. Бу йилларда ҳам дирижёрлик санъати ўзбек мусиқа маданиятини ривожлантиришда катта ўрин тутмоқда. Ҳозирги кунда дирижёрлик санъатининг соҳалари — мусиқали театр (опера, балет, мусиқали драма ва комедия, оперетта) дирижёрлиги, симфоник, ўзбек халқ чолғулари, камер, дамли, эстрада-симфоник оркестрлари дирижёрлиги мавжуд. Ушбу санъатнинг шаклланиши ва ривожланиши таълим, ижро ва ижод масалалари билан боғлиқ. Ривожланиш жараёнида дирижёрлик санъати соҳасида йирик намоёндалар етишиб чиқди. Дирижёрлик санъатининг бой ва ўзига хос шакллари ва хусусиятлари Ўзбекистон мусиқа маданияти ва, айниқса, ижрочилик санъати билан бирга шаклланди ва ривожланди. Ҳозирги кунда дирижёр бу фақатгина мусиқий жамоа раҳбари ва мусиқий асарлар талқинчиси бўлиб қолмай, у ташкилотчи, тарғиботчи, ўқитувчи ва мураббий ҳамдир. Дирижёрлик санъати, дирижёрлик аппарати, техник воситалари, тамойиллари, ҳаракат тавсифлари, асарлар ижросини тўлақонли таъминлаш вазифаси, оркестрнинг сержило тарзда чолғулаштирилиши, партитурани ўқиш, янги техника ва услубларни ўзлаштириш, асарнинг маъносини ва муаллифнинг фикрини тингловчи ва томошабинларга тўлиқроқ етказиб бериш, танлов ва фестивалларда қатнашиш, йирик намоёндалардан таълим олиш, мунтазам равишда янги адабиётдан хабардор бўлиш ва ҳамиша ўз устида ишлаш каби хусусиятларни ўз ичида қамраб олади. Ўзбекистонда дирижёрлик санъати бўйича профессионал таълим билан ҳозирги кунда асосан Тошкент давлат консерваторияси ва Тошкент давлат Маданият институти, ўрта-махсус мусиқа ва санъат билим юртлари ва ўрта-махсус мусиқа мактаблари шуғулланиб келмоқда. Ёш истеъдодли дирижёрлар хорижий ўқув юртларида ва йирик, машҳур чет эл жамоаларида таълим олиб, ўз маҳоратларини оширмоқдалар.

Ўзбекистон дирижёрлик санъати ўзининг бадиий анъаналари, маҳорат намуналари, тасвирий техник ижро воситаларига эга бўлди. Тимсолларга бойлиги, мазмуни, тузилиши ва шаклларининг мукаммаллиги билан ажралиб турган мусиқий-саҳна, симфоник, вокал-симфоник, чолғу мусиқаси жанрлари дирижёрлар томонидан бадиий маҳорат билан талқин этилмоқда. Анъанага кўра айрим композиторларимиз дирижёрлик фаолиятини ҳам олиб бормоқдалар. Ўз ижодларининг талқинчиси сифатида М.Ашрафий, А.Козловский, Н.Миронов, Т.Содиқов, Д.Зокиров, Х.Изамов, М.Бафоев, А.Эргашев, Н.Ғиёсов каби композиторларимизнинг чиқишлари диққатга сазовордир. Дирижёрлик санъати шаклланишининг дастлабки даврида улар маърифатчилик вазифасини бажариб турли мумтоз ва замонавий композиторлар ижодининг тарғиботчиси бўлдилар. Ҳозирги кунда бу вазифа профессионал дирижёрлар зиммасига тушган. Улар ўз санъати ва маҳоратларини ҳамдўстлик ва чет эл давлатларида, Халқаро мусиқа фестиваллари ва танловларида намойиш этмоқдалар (З.Ҳақназаров, Б.Расулов, Д.Абдураҳмонова, Ф.Абдураҳимова ва бошқалар).

Ўзбекистонда дирижёрлик санъатининг босиб ўтган йўли ниҳоятда интенсив суръатда ривожланганлигини таъкидлаш лозим. Бироқ, табиийки, бу вақт ичида муаммоларнинг ҳаммаси ҳам ижобий ечимини топганича йўқ. Мусиқали асарларда янги жамият кишиси тимсолини яратиш, унинг руҳий дунёсини очиб бериш ниҳоятда мураккаб масаладир. Бу масалага айниқса, бизнинг республикамизда ечим топиш янада мураккабдир, чунки Овропа мамлакатларида азалдан йиғилиб келган композиторлик ижодиёти тажрибасини қисқа муддат ичида ўзига сингдириш зарурияти билан янада чуқурлашди. Аммо мустақиллик йилларида Ўзбекистон мусиқа санъатида ҳам ижтимоий-сиёсий ва маданий ўзгаришлар рўй бергани ҳолда янги саҳифалар очилди. Ўзбекистонда маданий-тарихий мерос билан бир қаторда мусиқий санъатларнинг тикланиши, мусиқа таълимининг такомиллашуви, янги ижод йўналишлари ва жанрлари, мусиқали театр ва ижрочилик жамоаларини ташкил этилиши, Халқаро даражада "Шарқ тароналари", "Халқаро симфоник мусиқа" фестивалларининг уюштирилиши, ўзбек мусиқа маданиятининг, шу жумладан, ижрочилик санъати савиясининг кўтарилиши ва жаҳон миқёсига чиқишига олиб келди. Дирижёрлик санъати бошқа соҳалар каби маънавий баркамол инсонни тарбиялашда ўзига хос ўрин тутади.

Ўзбекистон маданий ҳаётида дирижёрлик санъати муҳим аҳамият

касб этади ва у республикамизда профессионал ижрочилик йўналишини юксалишига баракали ҳисса қўшиб келмоқда.

АБДУЛЛАЕВ УБАЙДУЛЛА

Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг Дони Зокиров номидаги ўзбек халқ чолғулари оркестри ўзининг тарихий йўли ва ижрочилик анъаналарига эга. Ушбу жамоани шаклланиши ва ривожланишида етук созанда, композитор ва дирижёрларимизнинг хизматлари унумли бўлди. Улар орасида Убайдулла Абдуллаевнинг хизматлари салмоқли ҳисобланади. У киши оркестрда дирижёр бўлиб иш бошлаб моҳир дирижёр-устоз Дони Зокиров раҳбарлигида камолотга эришди.

Убайдулла Валихўжаевич Абдуллаев 1919 йилнинг 15 декабрь куни Тошкент шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топган. 1930-1935 йиллари у болалар уйида тарбияланади ва етти йиллик мактабни битиради. 1935 йили Тошкент типография техникумига ўқишга киради ва касаллиги туфайли 2-курсдан ўқишни тўхтатади. 1937 йили у Тошкент мусиқа техникумига ўқишга киради ва 1939 йили уни битириб армия сафига хизмат учун чақирилади. Армия хизматини Тошкент Пиёдалар ҳарбий билим юртининг оркестрида чолғучи сифатида ўтайди. 1941 йилдан Тошкент кавалерия билим юрти оркестрида хизматни давом эттиради. 1942 йили Ҳарбий Округ Қўмондонлиги тавсияси билан Москва консерваторияси қошидаги ҳарбий дирижёрлар факультетига ўқишга юборилади ва уни 1945 йили "Ҳарбий капельмейстер" ихтисослиги бўйича битиради. Ўқишни битириб Тошкентдаги мусиқа тарбияланувчилар мактабида махсус фанлар ўқитувчиси лавозимида педагогик фаолиятини бошлаб 1955 йилгача ишлайди.

Убайдулла Абдуллаев 1955 йилдан 1958 йилгача Чирчиқ шаҳридаги Тоғ-қурилиш полкида, 1958 йилдан 1961 йилгача Қизил Ўрда шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмларда ҳарбий дирижёр бўлиб хизмат қилади. Майор унвонида заҳирага чиққан Убайдулла Абдуллаев 1961 йилдан бошлаб Ўзбекистон Маданият вазирлиги тасарруфида бўлган Тошкент граммпластинкалар ёзуви студиясида мусиқа муҳаррири, 1962 йили Маданият вазирлигининг мусиқий муассасалар бўлими бошлиғи ва 1963 йилдан Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театрида дирижёр лавозида меҳнат қилади.

У.Абдуллаев 1964 йилдан Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғулари оркестрида дирижёр лавозимида ишлай бошлайди.

Оркестрнинг бош дирижёри Дони Зокиров раҳбарлигида у ўзининг ижрочилик маҳоратини оширади, оркестр репертуарини янги, замонавий чолғу асарлари билан бойитишда ўз ҳиссасини қўшади. Ушбу оркестр ижросидаги 460 дан ортиқ мусиқа асарлари магнит тасмаларига У.Абдуллаев дирижёрлигида ёзиб олинган. У ўзининг дирижёрлик фаолиятида Ўзбекистон бастакорлари ва композиторларининг турли шакл ва жанрларда яратган асарларини ижро этган. Т.Азимовнинг "Ўзбекистоним" вокал сюитаси, Т.Тошматовнинг "Ассалом яшнаган диёр" кантатаси, халқ чолғулари оркестри учун 1-2-увертюралари, М.Юсуповнинг "Туямўйин тароналари" вокал сюитаси ва бошқалар шулар жумласидандир.

1971 йили У.Абдуллаев кўп йиллик самарали фаолияти ва ижрочилик маҳорати учун Ўзбекистон ҳукумати томонидан тақдирланиб "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" фахрий унвонига сазовор бўлди.

1980 йили оркестрдан нафақага чиқиб Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юртида дамли чолғулар бўлими ўқувчиларига дирижёрлик ва чолғулаштириш фанларидан дарс бериб келди.

У киши ўта камтарин, меҳнатсевар, талабчан ва маҳоратли ижодкор бўлган.

Убайдулла Абдуллаев 1988 йили Тошкентда вафот этган.

АБДУРАҲИМОВА ФИРУЗА

60-90-йилларда халқ чолғулари ижрочилигида турли таркибдаги кўп овозли ансамбл ва камер оркестри жамоалари шаклланди. Шулардан бири 1991 йили Тошкентда истеъдодли ёш созандалардан ташкил топган "Сўғдиёна" ўзбек халқ чолғулари камер оркестридир. Оркестр А.И.Петросянцнинг сафдоши ва шогирди, Тошкент консерваториясининг профессори, истеъдодли дирижёр Фируза Абдураҳимова ташаббуси билан ташкил топди.

Ана шу йиллар давомида Ф.Абдураҳимова раҳбарлигидаги оркестр республикамиз ва кўпгина чет эл давлатларида ўзининг концерт дастурлари билан чиқиб, тингловчилар олқишига сазовор бўлиб келмоқда. Оркестрнинг ижрочилик маҳорати ривожланишида кейинги йиллар айниқса самарали бўлди. Оркестр ўзига хос ижрочилик услубини яратиб, Испанияда 1996 йили бўлиб ўтган XXX Халқаро мусиқа фестивали совриндори бўлди. Оркестр репертуаридан ўзбек халқ куйлари, қардош ва жаҳон халқлари куйлари ва қўшиқлари, Ўзбекистон ва жаҳон композиторлари асарлари ўрин олган. Оркестрнинг репертуар танлашида ва унинг

ижрочилик маҳоратининг юксалишида "Сўғдиёна" жамоаси раҳбари ва дирижёри Фируза Абдураҳимова ҳамда композитор Ф.Алимовнинг хизматлари каттадир.

Фируза Равшановна Абдураҳимова (Дилмуродова) 1950 йилнинг 21 август куни Навоий вилоятининг Кармана шаҳрида таваллуд топди. 1953 йили Фирузахонлар оиласи Самарқанд шаҳрига кўчиб келади. 1957 йили Ф.Абдураҳимова Самарқандаги 34-сонли ўрта мактаб билан биргаликда, 1-сонли болалар мусиқа мактабига рубоб-прима синфи бўйича ўқишга киради. 1965-1969 йилларда у Х.А.Абдурасулов номидаги Самарқанд давлат мусиқа билим юртида рубоб-прима чолғуси ва дирижёрлик бўйича таҳсил кўради. Ф.Абдураҳимованинг биринчи ўқитувчиси Павел Николаевич Пак бўлган, кейинчалик мактабда ва мусиқа билим юртида мутахассислик бўйича Петр Васильевич Андан таълим олади. "Мусиқа билим юртида дирижёрлик фани бўйича таълимни 1-курсдан бошлаб Яков Михайлович Бободўстовдан олдим, — деб эслайди Ф.Абдураҳимова. Ундан дирижёрнинг туриш ҳолатини, дирижёр таёқчасидан тўғри фойдаланиш, ўлчовни аниқ кўрсатиш, қўл ҳаракатини мусиқа характерига бўйсиндиришни ўргандим. Кейинчалик дирижёрликдан Олимбой Раҳмонович Раҳмоновдан ва 4-курсда эса рубоб-прима чолғуси ва дирижёрликни ўша йиллари билим юрти директори ва ажойиб мураббий Умар Салоҳиддинович Хурсандов синфида давом эттирдим. Улар жуда талабчан ва ўта билимдон мутахассис эдилар. Дарвоқе, мусиқа билим юртида ўқиган йилларим дирижёрлик санъатига қизиқиш бошланган десам муболаға бўлмайди". Ўқишни имтиёзли диплом билан тугатиб, 1969 йили Ф.Абдураҳимова Тошкент давлат консерваториясининг халқ чолғулари факультетига ўқишга қабул қилинади. Консерваторияда рубоб-прима мутахассислиги бўйича доцент Валентина Яковлевна Борисенко синфида; дирижёрликдан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Ашот Иванович Петросянц синфида сабоқ олади. "Консерваториянинг II курс толибаси бўлганимда менга опера-симфоник дирижёрлиги бўлимида профессор Мухтор Ашрафий синфида ўқишни тавсия этишди, — деб сўзлайди Ф.Абдураҳимова, — Мухтор Ашрафович жуда доно инсон эдилар, мени эшитиб ва кўздан кечириб, менга унинг синфида икки ой ичида дарс олиб ва кейин имтиҳон топшириб, ушбу бўлимда ўқишни давом эттиришни мен ўзим ҳал этишим кераклигини уқтирди. Мен икки ой М.Ашрафий ва С.(Қ.)Усмоновлар дарсларига кириб дирижёрлик санъати бўйича сабоқ олдим. Аммо, ўқишни халқ

чолғулари факультетида давом эттиришга аҳд қилдим. Кейинчалик шу йўлни танлаганим учун ҳеч афсусланмадим. Чунки А.И.Петросянц синфида ҳам халқ чолғулари оркестри дирижёрлигидан таълим олар эканман, келгусида ушбу соҳа бўйича ўзимнинг йўлимни топишим аниқлигини ўшанда пайқаган бўлсам керак. Ашот Иванович юқори малакали дирижёр ва мураббий эди, талабалар билан дарс ўтганда партитура ёки клавир билан мануал техниканинг нозик воситаларигача аҳамият берар эди. Ўқитиш услублари ҳар томонлама дирижёрлик техникасини шаклланишига асосланган эди. Асосий мақсад — ҳар бир асарнинг бадиий тимсолини, композиторнинг фикрини очиб бериш бўлиб, дирижёр уни ҳар бир ҳатти-ҳаракатида ифодалаши лозим. Устозим бизга кўпроқ мустақил иш билан шуғулланиш, махсус дирижёрлик санъатига бағишланган адабиётларни ўзлаштириш, ҳар доим мусиқа тинглашни тавсия этардилар. Ўз устида ишлаш асосий омил бўлди ва мен бунга ҳозиргача риоя қилиб келаман".

1970 йилдан Ф.Абдураҳимова ўз меҳнат фаолиятини Низомий номидаги Тошкент педагогика институтида оркестр ва дирижёрлик синфида дарс бериш билан бошлади. Институтнинг кечки бўлими талабалари рус халқ чолғулари оркестрига раҳбарлик қилди.

1974 йили Ф.Абдураҳимова ўқишни имтиёзли диплом билан тугатиб, кафедра тавсияси асосида халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги кафедрасида ўқитувчи-профессор А.И.Петросянц синфига ассистентура-стажировка бўлимига ўқишга қабул қилиниб, "халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги" мутахассислиги бўйича ўқий бошлайди. Ўша йиллари унга талабалар халқ чолғулари оркестри билан ишлаш топширилади. Бу ерда Ф.Абдураҳимова фақатгина ўзининг профессионал ижрочилик маҳоратини оширибгина қолмай, раҳбар бўлиб, талабалар орасида тарбиявий ишларни олиб боришда фаол хизмат қилди.

1976-1986 йиллари консерватория билан бир вақтда Ўзбек Давлат филармонияси қошида Т.Жалилов номидаги халқ чолғулари оркестрида дирижёр сифатида ишлаб, ўзининг ижрочилик маҳоратини ошириб борди. Оркестрда амалий ишлаш унга профессионал маҳорат мактаби вазифасини ўтади. Абонемент концертларида қатнашиш унга катта сабоқ бўлди. Чунки ушбу даргоҳда концерт ижрочилиги бўйича ўсди; концерт дастурларини танлаш ва улар устида ишлаш, оркестрга раҳбарлик қилиш, саҳнада ўзини тутиш, томошабинга ҳатти-ҳаракатлар орқали асар мазмунини етказиш каби хусусиятларга эътибор бериб келди.

1985-1988 йилларда консерваториянинг халқ чолғулари факультети декани, 1992 йилдан танлов асосида халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги кафедрасининг мудири бўлиб ишлаб келмоқда. Ф.Абдураҳимова 1987 йилдан 1997 йилгача доцент, 1997 йилдан бошлаб эса профессор лавозимида фаолият кўрсатмоқда. У дирижёрлик, оркестр синфларида, дирижёрлик услубияти фанларидан дарс беради. Фируза Абдураҳимованинг 30 йиллик дирижёрлик фаолияти, кўп йиллик консерватория талабалари халқ чолғулари оркестри раҳбари бўлиш билан бирга меҳрибон устоз ва ёшларнинг талабчан ва севимли мураббийси ҳамдир. У талабаларга халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги услубларини ўргатмоқда. Унинг раҳбарлигида консерваторияни тугатган талабалар республикамизнинг турли вилоятларидаги санъат ва мусиқа билим юртларида, театр ва концерт ташкилотларида дирижёр сифатида самарали меҳнат қилмоқдалар. Булар орасида Акмалжонова М., Сахиев А. (Тошкент давлат консерваториясининг ўқитувчилари), Калилаева С., Сапарбоев Б. (Нукус санъат билим юрти ўқитувчилари), Ваҳобжонова М. (Андижон мусиқа билим юрти ўқитувчиси), Йўлдошев А. (Андижон мусиқали театри дирижёри) ва бошқалар бор.

Ф.Абдураҳимованинг асосий фаолияти дирижёрлик ижрочилиги бўлиб қолди. Ҳамма вақт пультга чиққан пайтида у дирижёрлик аппаратига катта аҳамият бериб келган. Дирижёрнинг оркестр ва томошабин олдида туриши ҳамиша тўғри ва чиройли бўлиши, ҳатти-ҳаракатлари ифодавий бўлишига интилади. Дирижёрнинг ҳолати мусиқага бўйсуниши лозим; ҳаракатлари аниқ, тушунарли, ўлчовли, таъсирчан бўлмоғи жоиз. Ф.Абдураҳимова имо-ишоралари ва дирижёрлик ҳаракатлари орқали ҳар бир мусиқа асарининг бадиий образини яратишга интилади. Шу туфайли оркестрнинг умумий рухи, тембри, суръати, унинг бадиий даражаси, ижрочилик маҳоратига эътиборни қаратади. Ишлаш жараёнида Ф.Абдураҳимова оркестр ижрочилик анъаналарини ривожлантириш масалаларига катта эътибор бериб, халқ чолғулари оркестри ва чолғулар гуруҳлари билан катта ижодий иш олиб бормоқда. Бу амалий ижрочилик ва илмий изланишлардан асосий мақсад — оркестр ижросидаги имкониятларини мумкин қадар кенгайтириш ва ёрқин миллий колорити билан таъминлашдир. Тинимсиз ижодий изланишлар натижасида Ф.Абдураҳимова янги тартибдаги ва янги услубдаги оркестр яратишга бел боғлади.

1991 йили Ф.Абдураҳимова Ўзбекистонда ягона ўзбек халқ

чолғуларидан ташкил топган камер оркестри ташкил этди. Мустақиллик билан тенгдош ушбу оркестр таркибига истеъдодли созандалар — консерваториянинг ёш ўқитувчилари, битирувчилари, ижрочилари республика ва Халқаро танловлар совриндорлари жалб этилди. Халқ чолғулари лабораториясида оркестр учун янги, такомиллаштирилган мусиқа чолғулари тайёрлаб берилди. Мусиқа маданиятимизда ўзбек халқ чолғуларининг узоқ ривожланиш тарихини назарда тутган ҳолда оркестрга "Сўғдиёна" номи берилди. Унинг репертуари, концерт дастурлари ва ижрочилик услублари устида катта изланиш ишлари олиб борилди. "Ушбу таркибда оркестрни яратиш ғояси биринчи марта консерваторияда ўқиган йилларим, Самарқандда ёзги икки ойлик таътил чоғида шаҳар ўқувчилар саройида амалга ошди, — деб эслайди Ф.Абдураҳимова. — Болаларни тўплаш, уларга чолғуларда (рубоб ва дуторларда) ижро услубларини ўргатиш, мусиқа саводини ўргатиш каби масалаларни ечиш асосий мақсад эди. Биринчи йилнинг ўзида, икки ойлик машаққатли меҳнат натижасида болалар халқ чолғулари жамоаси "Оқ теракми, кўк терак?" ва рус халқ қўшиғи "Во поле береза стояла" асарларини тингловчиларга тақдим этдик. Кейинчалик бир неча йиллар давомида ушбу жамоа билан Самарқанд мусиқа билим юрти ўқитувчиси Ш.Гаврилов шуғулланиб келди. Мен эса таътилларим вақтида ушбу оркестр билан ишладим. Менимча бу тажриба "Сўғдиёна" камер оркестрини ташкил этишда дебоча бўлди.

1991 йилнинг бир неча ойлари давомида оркестр янги яратилган чолғулар билан бойиб деярли тўла шаклланган эди. Оркестримизда истеъдодли ёш созандалар йиғилган — Ғ.Норбоев, О.Назаров, О.Самадов, З.Туропов, Д.Муталов, К.Шерматов, С.Қосимов, Ф.Туреханов, А.Тошпўлатов ва бошқалар. Оркестр билан ҳамиша хонандалар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Меҳрихон Бекжонова, Абдуҳалил Абдуқодиров ва бошқалар концерт дастурларимизда қатнашиб туришади. Худди шу таркибда оркестр турли мамлакатларга бориб концертлар ҳам бериб туради. Профессионал ижро этиш имкониятларига ва ёрқин миллий колоритга эга бўлган камер халқ чолғулари оркестрини яратиш жуда мураккаб ва ечими қийин бўлган муаммолардандир. "Сўғдиёна" эса ушбу муаммони ечиш учун ўзининг ижрочилик маҳоратини ошириб келмоқда".

"Сўғдиёна" камер оркестри Ф.Абдураҳимова раҳбарлигида мусиқа мухлислари орасида ўтган тўққиз йил ичида шуҳрат тожини кийди. Оркестр репертуарида ўзбек ва турли жаҳон халқлари қўшиқ

ва куйлари, Ўзбекистон бастакорлари ва композиторлари асарлари (масалан, А.Мансуровнинг "Янгра, дойра, жарангла!", М.Бафоевнинг "Бухороча концерт", "Сўғдча", Т.Жалиловнинг "Тонг", А.Исмоиловнинг "Субҳидам", Ф.Алимовнинг "Шодиёна", "Сурхон наволари", "Андижонча" қайта ишланган халқ куйлари, Т.Азимов "Дурдона"); жаҳон композиторлари асарлари (жумладан Ф.Листнинг "2 венгерча рапсодияси", А.Лоранинг "Гранада", М.Теодоракиснинг "Фаришталар квартали", испанча "Танго" ва бошқалар) ўрин олган. Оркестр шу йиллар давомида Олмония, АҚШ, Франция, Корея, Миср араб республикаси, Россия, Қозоғистон ва Туркманистон давлатларида ижодий сафарларда бўлиб, ўзининг концерт дастурларини ва ижро маҳоратини намойиш этиб олқишларга сазовор бўлмоқда. Бу муваффақиятлар дирижёр Фируза Абдураҳимованинг самарали меҳнати туфайлидир. 1996 йили "Сўғдиёна" камер оркестри Ф.Абдураҳимова раҳбарлигида Испанияда бўлиб ўтган XXX Халқаро мусиқа фестивали совриндори бўлди. Оркестр Ўзбекистонда ўтказилаётган турли Халқаро ва Республика мусиқа фестиваллари ("Шарқ тароналари", Самарқанд, 1997 й.) қатнашчисидир. Мазкур жамоанинг чиқиши, мусиқа ихлосмандлари ва юзлаб тингловчиларда катта таассурот қолдирмоқда. Оркестр 1998 йилдан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тасарруфидаги концерт ижрочилик жамоаси сифатида республикамизнинг мусиқий ҳаётида фаол қатнашиб келмоқда.

Ф.Абдураҳимованинг ижодий дирижёрлик фаолияти ўзи раҳбарлик қилаётган бадиий жамоа билан чекланмай, балки бошқа оркестрлар билан ҳам бевосита боғлиқдир. Жумладан, 1985 йили Ф.Абдураҳимова раҳбарлигидаги консерватория талабалар халқ чолғулари оркестри Москвада ижодий сафарда бўлиб Гнесинлар номидаги институтда, Москва мусиқа билим юртида муваффақият билан концертлар берди.

Ф.Абдураҳимованинг кўп йиллик ижрочилик, концерт ва педагогик фаолияти самараси ўлароқ, унинг турли илмий-амалий анжуманларда оркестр ижрочилиги муаммолари тўғрисидаги чиқиши, С.Собирова билан ҳамкорликда чоп этилган "А.И.Петросянц" номли монографияси, шунингдек тўплам ва журналлардаги мақолалари ва ўқув-услубий ишлари ҳамда дастурлари Ф.Абдураҳимованинг серқирра ижодининг самараси бўлди.

1997 йили Фируза Абдураҳимова "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

артист" фахрий унвонига сазовор бўлди.

АБДУРАҲМОНОВА ДИЛБАР

Ўрта бўйли, қарашлари қатъий, қўнғироқ сочлари тим қора, жозибали бир аёл дирижёрлик пультига кўтарилади. Бир лаҳзалик сукунатдан сўнг мусиқа садолари янграйди. Шундан кейин биз дирижёрнинг қиёфасини, ҳаракатларини умуман кўрмаймиз, бизни сеҳрлаган куйга уни ҳоким эканлигини бутунлай унутиб юборамиз. Аслида оркестр жарангининг, асар воқеалари ривожининг суръатида дирижёрнинг ақлу-заковати, маҳорати рўй-рост намоён бўлади. Кўп кишилик оркестрни, хорни, яккахонларни маълум изга солиш, "Қаерда қанақа соз янграйди, қайси жойда тўхтайди, ёки ашула айтилади...", буларни ўз вақтида кўрсатиш учун дирижёр бўлиши шарт. Унинг ишораси билан ҳар бир созанда ўз партиясини ижро этади ва шу билан умумий, яхлит мусиқа оҳангига қўшилиб кетади. Дилбар Абдураҳмонованинг ўзига хос иқтидори мусиқа асарларига бўйсиндирилган. У ҳар бир янги партитурани барча кўрсатмаларини ҳижжалаб ўрганади, оркестрнинг барча чолғучиларига аниқ кўрсатма беради. Созанда ва яккахонлар унинг қўлларидан, имоишорасидан, кўз қарашларидан таъсирланади, тўлиқ маъно уқа олади.

Дилбарнинг қатъиятлиги Р.Щедрин мусиқаларидаги босиқлик, сиқиқликни таъкидлашда сезилса, бир маромлиликка астойдил интилиши Минкуснинг "Дон Кихот"ида ёрқин кўринади. А.И.Хачатурян мусиқаларида лирик психологизм, П.И.Чайковский асарларида ҳаётбахшлилик, кўтаринкилик бўртиб туради.

Эришган муваффақиятлари оммавийлашиб, тилга тушиб кетишининг асосий омили мана шунда. Унга собиқ Совет Иттифоқи халқ артисти деган унвонни берилиши Дилбар Абдураҳмонованинг заковатини мусиқа мухлислари ва ҳукуматимиз томонидан ҳақли равишда қадрланганлиги фикримизнинг далилидир.

Дилбар Абдураҳмонова 1936 йилнинг 1 май куни Москва шаҳрида туғилди. Отаси Ғулом Абдураҳмонов келгусида Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати, ўзбек опера театрининг қалдирғоч яккахонларидан бири. Онаси Зуҳра Абдураҳмонова — ўзбек хотин-қизлари орасидан етишиб чиққан биринчи хонандаларидан. Дилбар туғилганда ота-онаси Москва Давлат консерваторияси қошидаги ўзбек опера студиясида таҳсил кўришар эди. Ўқишларини битириб Тошкентга қайтганларидан сўнг ота-онаси уни тез-тез машқ ва спектакларга олиб боришарди. Эҳтимол мана шу муҳит, театр, мусиқа олами, ёш Дилбарни тамоман

тизгинсиз хаёлларини, бутун борлиғини қамраб олгандир.

Ҳаётининг бошланишидан санъаткорлар оиласида ўсаётган Дилбар театрни ўз уйидек ҳис этиб, ота-онаси билан бирга доимо театрда бўлиб Т.Жалилов ва Б.Бровцинларнинг "Тоҳир ва Зуҳра", Р.Глиэр ва Т.Содиқовларнинг "Гулсара", "Лайли ва Мажнун" ва бошқа опера иштирокчиларининг ижролари билан ошно бўлар, айниқса, дирижёрларнинг сеҳрли таёқчаси унинг ҳис-туйғуларини қамраб олган бўлса ажаб эмас.

Тошкент опера театрининг концертмейстери Матвей Александрович Криворучко ёш Дилбарни Р.М.Глиэр номидаги Республика ўрта-махсус мактабига олиб боради ва унинг тавсияси билан скрипка синфи бўйича ўқишга киради. Дилбар Абдураҳмонова Москва консерваториясини битирган моҳир ўқитувчи Нина Николаевна Третьякова синфида таҳсил ола бошлайди. Мактабда ўқиб юрган пайтларида Нина Николаевна Дилбарга дирижёрликдан сабоқ беради, оркестр билан ўзи тайёрлаган дастурларни дирижёрлик қилиш учун Дилбарни саҳнага чиқариб турар эди. Мактабни битиргандан сўнг у Алишер Навоий номли опера ва балет театрининг оркестрига скрипкачи сифатида ишга қабул қилинади. Ўша йили Дилбар ёш ижрочиларнинг республика танловида иштирок этди ва биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Р.Глиэр номидаги мусиқа мактабини 1954 йилда тугатиб, 1955 йили Тошкент давлат консерваториясига скрипка мутахассислиги бўйича ўқишга киради. Дилбар яхши созанда бўлганлиги сабабли дирижёрликка алоҳида қизиқиб, бу касбни ўрганишга ҳаракат қиларди. Ана шу қизиқиш туфайли у Тошкент давлат консерваториясига дирижёрлик бўйича ўқишга киради ва профессор Мухтор Ашрафий синфида таҳсил кўра бошлади. Ўшандаёқ Дилбар дирижёрлик борасида бирмунча тажрибага (у мактаб оркестрига дирижёрлик қилган эди) эга эди, Москвада ўттан жаҳон студент ва ёшлари фестивали лауреати унвонига мушарраф бўлганди.

Ўқиш жараёнида фортепиано жўрлигида ижро этилган симфониялар, увертюра ва опералардан саҳналарни талабчан муаллим устозлар — Мухтор Ашрафий, Нина Николаевна Третьякова эътибор билан кузатдилар. Консерваторияда ва санъат даргоҳларида талабалар оркестрининг дирижёри сифатидаги ҳар сафар чиқиши Дилбарнинг профессионал маҳорати ривожидан, жилдийлашиб бораётганидан далолат берарди.

Диплом спектаклига Дилбар Абдураҳмонова театрда жуда кўп кўрган ва эшитган, ўзининг энг севимли операларидан бири бўлмиш

Джузеппе Вердининг "Аида" асарини танлади. Бу эса ўз навбатида дирижёрдан юксак маҳорат талаб қиларди. Дилбар бу маъсулиятли вазифани шараф билан адо этди. Шундан сўнг уни Алишер Навоий номли Ўзбекистон давлат академик Катта театрининг дирижёрлик пультига таклиф қилишди. 1960 йилдан Дилбар Абдураҳмонова — Алишер Навоий номли опера ва балет театри дирижёри. Биринчи йиллари Дилбар бошқа дирижёрлар томонидан саҳналаштирилган спектакларга дирижёрлик қилди. 1965 йили Дилбар Абдураҳмонова ўзининг биринчи мустақил иши — Л.Делибнинг "Коппелия" балетини саҳналаштиради. Худди шу "Коппелия" балети билан дирижёр Д.Абдураҳмонованинг балетлар рўйхати очилар экан, унда С.Прокофьевнинг "Золушка", Р.Щедриннинг "Кармен-сюита", Л.Фейгиннинг "Қирқ қиз", А.Козловскийнинг "Тановор", П.И.Чайковскийнинг "Оққуш кўли", Л.Минкуснинг "Дон Кихот" балет асарлари ўрин олган.

Шуниси муҳимки, уни фақат томошабинлар ва санъат жамоатчилигигина эмас, ўзи билан бирга ишлаган оркестр созандалари ҳам олқишлашди. Маълумки, оркестр созандалари ўта талабчан, инжиқ бўлишади. Шу сабабли Дилбар янги келганида ёш дирижёрга унчалик ихлос қўйишмади, тўғрироғи, ишонишмади. Аммо бир-икки машқдан сўнг, ана шу тажрибали, кўпчилиги оркестрни ўзи бошқариш ҳуқуқига эга бўлган созандалар Дилбар Абдураҳмонованинг талантини, оркестрга раҳбарлик қила билиш иқтидорини тан олишди. Дирижёр ишлаш жараёнида ўз билимини такомиллаштира борди. Бу борада унга устоз Мухтор Ашрафий, Баҳром Иноятов, Алексей Козловский, Фазлиддин Шамсуддиновлар яқиндан ёрдам бердилар.

Аста-секин тажриба, маҳорат келади; Дилбар Абдураҳмонованинг профессионал-дирижёрлик сифатлари борган сари юзага чиқа бошлади. Булар билан бирга жамоага раҳбарлик қилишга етуклик фазилати ривож топади. 1975 йилдан бошлаб Ўзбекистон тарихида биринчи марта аёл — Дилбар Ғуломовна Абдураҳмонова — Алишер Навоий номли Ўзбекистон Давлат академик Катта театри бош дирижёри ва бадиий раҳбари сифатида ўзининг меҳнат фаолиятини давом эттиради.

Шу йиллардан бошлаб Дилбар Абдураҳмонова опера спектакларга ҳам дирижёрлик қила бошлади. Бу соҳада маълум етукликка 80-йиллари эришди. Ушбу ижодий фаолиятида унга А.Навоий номли опера ва балет театри бош режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат мукофоти лауреати Фирудин

Сафаров ҳамкорлик қилди. Улар биргаликда театр саҳнасига Овропа классик, замонавий ва ўзбек операларини олиб чиқишди. Д.Абдураҳмонова ҳар бир дирижёрлик қилган опера асари партитурасини моҳиятини очиб беришга интилади; чунки унда муаллифнинг фикри ўз ифодасини топган. Дилбар Абдураҳмонованинг маҳорати асар безакларини кенг ва ёрқин очиб беришда сезилади — унга биз А.Петровнинг "Петр I" операсида; С.Василенко ва М.Ашрафийларнинг "Бўрон" операси мусиқасида эса нозик оҳанг ва ритмик безакларида; Ш.Гунонинг "Фауст" операсида ҳар томонлама тўлиқлик ва ўзига хослик унинг партитура ўқишида равшан бўлади. Д.Абдураҳмонова ҳар бир опера партитурасида мусиқа билан саҳна ҳаракатининг ёрқин мутаносиблигига эришади.

Дилбар Абдураҳмонованинг дирижёрлик фаолиятида П.И.Чайковскийнинг "Пиковая дама", "Иоланта", М.Мусоргскийнинг "Хованшина", А.Холминовнинг "Оптимистик фожиа", Т.Хренниковнинг "Севгидан кейинги севги", И.Акбаровнинг "Сўғд элининг қоплони", Р.Абдуллаевнинг "Хива ордени", С.Юдаковнинг "Майсаранинг иши", К.Сен-Санснинг "Самсон ва Далила", Ж.Вердининг "Трубадур", "Травиата" ва "Отелло", С.Прокофьевнинг "Оловли фаришта", Р.Пуленкнинг "Инсоний овоз" ва бошқа опералар ўрин олган.

Аммо ҳар бир таниқли ижрочи репертуарида унинг бутун ижодий фаолияти давомида узлуксиз ижро этиладиган, энг яхши кўрган асарлари бўлади. Дилбар Абдураҳмонова ижодида шу нуқтаи назардан қарасак, у балет спектаклларини нақадар севишини, репертуарида бундай асарлар салмоқли ўрин эгаллашини пайқаймиз. У ўзлигини, эзгу орзусини балет санъатида топди. Ҳар бир янги балет спектаклининг вужудга келиши дирижёр сифатида унинг ижодий таржимаи ҳолида маълум из қолдиради. Тинимсиз машқлар, балетмейстер билан баҳслашишлар, ҳар бир янги балет спектаклини тайёрлаш жараёнида содир бўладиган ҳолатлар! Аммо томошабин спектаклни мамнун қабул қилганида, самимий олқишлар янграганида қийинчиликларнинг ҳаммаси унутилади, бундай пайтларда спектаклнинг бошқа ижодкорлари қатори дирижёр ҳам ўзини енгил ҳис этади.

"Оққуш кўли" (П.Чайковский), "Спартак" (А.Хачатурян), "Севги тумори" ва "Севги ва қилич" (М.Ашрафий), "Анна Каренина" ва "Кармен сюитаси" (Дж.Бизе-Р.Щедрин), "Дон Кихот" (Л.Минкус), "Тановор" (А.Козловский), "Семурғ"

(Б.Бровцин), "Ойимқиз ва безори" (Д.Шостакович), "Қирқ қиз" (Л.Фейгин), "Дунёнинг яратилиши" (А.Петров), "Афсоналар водийси" (У.Мусаев), "Шопениана" (Ф.Шопен), "Испан миниатюралари", "Икки дил достони" (О.Меликов)... Турли спектаклларнинг мусиқаси ҳам, хореографик лексикаси ҳам турли. Аммо дирижёрнинг мақсади битта — рақсларни бойитиб, тўлалигича кўрсатиш, асар мазмунини таъсирчанлигини реалистик ҳал қилиш. Дилбар Абдураҳмонова дирижёрлигидаги спектаклни ҳар гал кўрганимизда у олдингисидан нимаси биландир фарқ қилганини, яккахонлар ижроси ранг-баранг ва ёрқин буёқлар билан бойиганлигини сезамиз. Оркестр, яккахон ва ҳатто дирижёрнинг ўзи партитурани тўлиқ очиб бериш учун янги элементларни бемалол олиб кирадики, бу диққатга сазовордир. Оркестр садолари билан саҳнадаги воқеалар, ҳаракатлар бениҳоя уйғун келишининг ҳам асосий омили ҳам ана шунда. Мисол учун А.Козловскийнинг "Тановар" балетини олайлик. Бу спектаклдаги ансамбль мукаммаллиги, асар мазмуни ва воқеасини ифода этишдаги яхлитлик кишини ҳаяжонлантиради. Спектакль фақат театр санъатидагина эмас, балки Дилбар Абдураҳмонованинг ижодий таржимаи ҳолида ҳам ўчмас из қолдиради. Мусиқаси, рақслари, саҳналаштирилиши, актёрлар ижроси ва саҳна безагидаги муштараклик натижасида балет тўлақонли спектаклга айланди. Шунинг учун ҳам спектаклнинг бир гуруҳ ижодкорлари Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотига сазовор бўлдилар. Улар орасида дирижёр Дилбар Абдураҳмонова ҳам бор.

1990 йилдан Д.Абдураҳмонова Тошкент давлат консерваториясида педагогик фаолиятини бошлади. У опера тайёрлови кафедрасида ўқитувчи ва опера студиясида саҳналаштирувчи-дирижёр лавозимларида ишлади.

Дилбар Абдураҳмонованинг дирижёрлик фаолиятидаги ёрқин саҳифаларидан бири — унинг тажрибали дирижёр сифатида чет элларда, яъни, Қоҳира (1966 й.), Олмониянинг бир неча шаҳарларида (1982 ва 1989 йй.), Руминияда (1986 й.), Ўзбекистон миллий симфоник оркестри билан Гон-Конгда (1991 й.), Таиландда (1992 й.) ва Малайзияда (1997 й.) бўлган ижодий сафарларида намоён бўлиб, хориж томошабинлари томонидан қизғин кутиб олинганлиги бўлди.

Дилбар Ғуломовна Абдураҳмонова ўзбек мусиқа маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшиб, бу йўлда жуда катта ва шарафли ишларни бажариб келмоқда. Ижоди айни гуллаб-яшнаган, маҳорати

камолотга етган, малакаси такомиллашган бир пайт. Олдинда ҳали кўплаб янги спектакллар забт этилиши лозим бўлган зафар чўққилари турибди. Энг муҳими, ажойиб ва гўзал мусиқа олами билан доимий мулоқот бор. Ана шу омиллар Дилбар Абдураҳмоновага илҳом, куч, сабот бахш этади.

Дилбар Абдураҳмонова юксак ижрочилик маҳорати учун 1969 йили "Ўзбекистон халқ артисти", 1973 йили "Ҳамза номидаги Давлат мукофоти" ва 1977 йили "Иттифоқ халқ артисти" фахрий унвонларига сазовор бўлди.

АБДУҚАЮМОВ АБДУҒАНИ

XX асрнинг 30-йилларида бунёд этилган ўзбек мусиқали театри, ўзининг ижодий изланиш ва ривожланиш жараёнида мусиқали драма, опера ва балет жанрларининг шаклланиши ва шу туфайли махсус театрларнинг пайдо бўлишига муҳит ва имконият яратиб берди. Ҳақиқатан ҳам бу театрлар жуда кўп ижодий ютуқларга эришди ва санъаткорларнинг истедодларини юзага чиқарди.

Алишер Навоий номидаги Академик Катта опера ва балет театри — мазкур соҳанинг етакчи даргоҳи сифатида ўзига хос ижодий қиёфага эга. Бу санъат масканида яратилган саҳна асарлари халқимизнинг маданий ва маънавий бойлигидир. 60 йил мобайнида яратилган ўнлаб опера ва балетлар нафақат театр тарихида балки бугунги кунда ҳам мумтоз мерос сифатида ардоқланиб келинмоқда.

Дарҳақиқат, Алишер Навоий театрининг фаолияти истеъдодли санъат намояндаларининг қўшган катта ҳиссалари билан боғлиқ. Ушбу йиллар давомида театрнинг дирижёрлик пультига М.Ашрафий, Т.Содиқов, Б.Иноятов, Н.Гольдман, В.Карпов, Ф.Шамсутдинов, Ғ.Тўлаганов, А.Абдуқаюмов, Д.Абдураҳмонова, Х.Шамсутдинов каби санъаткорлар чиқишган ва турли мавзудаги ва йўналишдаги спектакларга дирижёрлик қилишган.

Абдуғани Абдуқаюмовнинг меҳнат фаолияти дирижёрлик санъати билан боғлиқдир. Шундан 45 йилини у Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида, турли мавзудаги опера ва балет спектакларига дирижёрлик қилиш билан ўтказмоқда. А.Абдуқаюмов театрнинг етук дирижёрларидан бири ҳисобланади. Шу йиллар давомида унинг ўзига хос ижодий йўналиши ва услуби, дирижёрга хос бадиий қиёфаси юзага чиқди.

Абдуғани Абдумаликович Абдуқаюмов 1928 йилнинг 28 августида Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топди. У ўрта таълим мактабини битиргач, 1946 йили Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа

билим юртига қабул қилинади. 1947 йили эса А.Абдуқаюмов Тошкент давлат консерваторияси тайёрлов бўлимининг хонандалик йўналиши бўйича ўқишга киради. 1948 йили у Ўзбекистон радиоси қошидаги хор жамоасида артист сифатида меҳнат фаолиятини бошлайди, кейинчалик ушбу жамоада хормейстер ёрдамчиси сифатида ишлайди.

1950-1955 йиллари Абдуғани Абдуқаюмов Тошкент давлат консерваториясининг опера-симфоник дирижёрлиги бўлимида таълим олади. У профессор М.Ашрафий синфида дирижёрлик сирларини ўрганади ва ўзлаштиради. Талабалик даврида А.Абдуқаюмов ўзининг меҳнат фаолиятини давом эттиради: 1952 йилгача Ўзбекистон радиоси хор жамоасида хормейстер ёрдамчиси, 1952 йилдан Ўзбек давлат филармонияси хор капелласида артист сифатида ишлайди.

1955 йилдан бошлаб А.Абдуқаюмов Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театрида дирижёр лавозимида ўзининг ижрочилик фаолиятини бошлайди. Биринчи йилданоқ дирижёр А.Абдуқаюмов ўзига хос фазилатлари — талабчанлиги, ҳар бир асарга профессионал даражада ёндошиши, партитурани изчиллик билан ўрганиши, мусиқийлиги, катта дид ва билимдонлиги билан ажралиб туради. Абдуғани Абдуқаюмов — изланувчан дирижёр; асарнинг маъносидан келиб чиққан ҳолда уни томошабинга яққол очиб беришга интилади. У катта тажрибага эга бўлиб, дирижёрлик анъаналарини ривожлантириб борувчи, бой ва хилма-хил репертуарга эга бўлган ижодкордир. Ўзининг дирижёрлик маҳоратини ошириб боришда А.Абдуқаюмов театрнинг етук устозлари бўлмиш — М.Ашрафий, Н.Гольдман, Г.Дониях, А.Козловский каби дирижёрлик санъати сардорларининг маслаҳатлари ва анъаналарига таянган ҳолда ижод қилади.

Абдуғани Абдуқаюмов — тажрибали амалиётчи-дирижёр. У бошқариб турган спектакллар репертуари миқёси кенг ва турли туман бўлиб, мумтоз опера драматургиясининг сара намуналарини ўз ичига олади. Унинг мусиқийлиги, ижодий фазилатлари ва жаҳон опера театрининг етук намуналарини ижро этиш анъаналарини чуқур билишида, ўзи саҳналаштирган спектаклларда намоён бўлади. А.Даргомижскийнинг "Сув париси", П.Чайковскийнинг "Евгений Онегин", А.Бородиннинг "Князь Игорь", М.Мусоргскийнинг "Борис Годунов", кам ижро этилган опера бўлмиш Н.Римский-Корсаковнинг "Пан Воевода", Ж.Гунонинг "Фауст", Д.Вердининг "Риголетто", "Трубадур", "Дон Карлос", Д.Россинининг

"Севилиялик сартарош", Д.Пуччинининг "Богема", "Тоска", "Чио-чио-сан", С.Прокофьевнинг "Дуэнья", М.Ашрафийнинг "Шоир қалби", Икром Акбаровнинг "Тонг олдидан", А.Спадавеннианинг "Овоз", Хайрулиннинг "Шурали", А.Берлиннинг "Тўй куни" (ушбу спектакл 1967 йили Бутуниттифоқ театрлар танловининг 2-даражали дипломи билан тақдирланган), Б.Зейдманнинг "Рус кишилари", М.Ашрафийнинг "Дилором", С.Юдаковнинг "Майсаранинг иши", Т.Жалилов ва Б.Бровцинларнинг "Тоҳир ва Зуҳра", Ш.Гунонинг "Ромео ва Жульетта", Ж.Масненинг "Вертер", Р.Обернинг "Фра-Дьяволо", Д.Вердининг "Аида", "Травиата", Р.Леонковаллонинг "Масхарабозлар" сингари опера спектакллари шулар жумласидандир.

Абдуғани Абдуқаюмовнинг дирижёрлик маҳорати йилдан йилга такомиллашиб бориб, ҳозирги кунда ўзининг ижодий камолот чўққисида турибди. А.Абдуқаюмов — опера театри устози, у ҳамиша ижодий изланишда, янгиликка интилади ва унга кўпинча театрнинг асосий ва энг зарур опера репертуари топширилади. А.Абдуқаюмовни ҳақиқий опера дирижёри дейиш мумкин. Зеро, бу дирижёр жуда нозик сезиш қобилиятига эга — буни биз айниқса мусиқа асарининг нозик драматургияси моҳиятини сезишида, ўзининг бутун ижодий кучи ва имконияти орқали опера спектаклларининг бой воситаларини, хонанданинг овоз тембри, оркестрнинг ёрқин бўёқларини саҳна драматургияси орқали ифодалайди. Иш жараёнида қўллаган услубларидан бири хонандалар ва оркестрнинг уйғунлигига, шунингдек, бор тасвирий воситалар орқали хонанда ёки созанданинг ўзига хос ижодий имкониятларини очиб беришга интилганлигидадир. Ушбу жараёнда А.Абдуқаюмов ҳақиқий дирижёр-мураббий сифатида ҳар бир ижрочи-хонанданинг ижодий мустақиллигини эҳтиёткорлик билан очиб беради ва ривожлантиради.

А.Абдуқаюмов Ўзбекистонга ижодий сафарга келган таниқли рус ва чет эл хонандалари қатнашган бир қатор опера спектакларига ҳам дирижёрлик қилган. Булар орасида П.Лисициан, М.Биешу, Б.Штоколов (Россия), Зенаида Полл, Октав Знигареску, Арта Флореску (Руминия), Жерар Сергоян (Франция), Шан Димов (Болгария) ва бошқалар бор. Унинг дирижёрлик маҳорати ҳамиша таниқли санъаткорлар томонидан юксак баҳоланиб келган.

А.Абдуқаюмов Алишер Навоий театри жамоаси билан Россия, Белоруссия, Украина шаҳарлари бўйлаб ижодий сафарларда бўлган ва томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлган.

А.Абдуқаюмов опера спектаклларидан ташқари Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театрида балет спектакларига ҳам

дирижёрлик қилади. Д.Зокиров ва Б.Гиенколарнинг "Ойниса", Икром Акбаровнинг "Орзу", Т.Хренниковнинг "Севгига севги билан", У.Мусаевнинг "Тўмарис", А.Глазуновнинг "Раймонда", П.Чайковскийнинг "Уйқудаги малика" ва бошқа асарлар шулар жумласидандир.

Дирижёр А.Абдуқаюмов ҳар бир спектаклнинг мусиқали драматургиясини етарли даражада очиб беришга интилади. У хонандалар, хор ва оркестрдан, спектаклнинг тенг ҳуқуқли ижрочиларидан, унумли даражада фойдаланади. Айниқса, оркестрдан тимсолий тавсифлар яратиш ва мазмуннинг муайян фурсатларини ифодалаш учун кенг фойдаланади. Саҳнада содир бўлаётган воқеликни ифодалашда оркестрнинг муҳим ўрни бор. Шу туфайли А.Абдуқаюмов оркестр воситаларидан, созандаларнинг маҳоратидан унумли фойдаланади. Чунки оркестр созандалари дирижёр талабига бўйсунган ҳолда асарни ижро этишлари лозим.

А.Абдуқаюмовнинг дирижёрлик санъати ўзининг мусиқийлиги ва аниқ концепцияси билан ажралиб туради. Унинг ҳаракатлари аниқ, техникаси мукаммал. Театрдаги кўп йиллик иш жараёни уни ритмик интизомга ўргатди. У ҳар бир асарнинг нафис ва ўзига хос бой, мусиқасини тингловчига етказишга интилиб келган. А.Абдуқаюмов ҳамиша ўз устида ишлайди, ўзининг репертуарини кенгайтириб боради. У Тарту шаҳрида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ дирижёрлар семинари қатнашчиси (1966), 1969 йили В.Фильзенштейн раҳбарлигидаги "Комишин опер" театрининг ижодий фаолияти билан танишишга бағишланган учрашувда фаол қатнашган.

Абдуғани Абдуқаюмовнинг ижрочилик фаолияти 1961 йилдан бошланган бўлиб, унинг педагогик иши билан чамбарчас боғлиқдир. Шу йилдан бошлаб у Тошкент давлат консерваториясининг опера тайёрлови кафедрасида ўқитувчи ва опера студияси дирижёри сифатида ишлайди, 1979 йилдан — А.Островский номидаги Тошкент театр ва рассмочилик институтининг мусиқали театри актёрлар маҳорати кафедрасида доцент лавозимида ишлайди, 1985 йилдан бошлаб — Тошкент давлат консерваториясининг опера тайёрлови кафедраси мудири. 1977 йили А.Абдуқаюмовга доцент илмий унвони ва 1985 йили эса профессор илмий унвони берилди. Олий ўқув юртларида ишлаган йиллари А.Абдуқаюмов раҳбарлиги ва дирижёрлиги остида талабалар иштирокида Тошкент давлат консерваториясининг опера студиясида Ж.Пуччининг "Чио-чио-сан", Д.Вердининг "Риголетто", Д.Россининнинг "Севилиялик

сартарош", П.Чайковскийнинг "Пиковая дама", Д.Вердининг "Травиата" сингари асарлари битирув спектакллари сифатида саҳна юзини кўрди. Тошкент театр ва рассомчилик институти ўқув театрида эса Д.Перголезининг "Хизматкор-бегойим", А.Дворжакнинг "Шайтон ва Кача", Д.Меноттининг "Телефон", Д.Вердининг "Травиата" каби спектакллари қўйилган. Унинг раҳбарлигида мутахассислиги бўйича таълим олган шогирдлари ҳозирги кунда турли мусиқали театрларда фаол ишламоқдалар. Булар орасида СССР халқ артисти Булат Минжилкиев (Бишкек), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Раъно Хидоятова, Юрий Жданов, Д.Якубова, Р.Латипов, Х.Кичимбоев (Тошкент), Л.Егорейченкова (Санкт-Петербург), Г.Нуриева (Қозон), В.Дубровин (Челябинск), Г.Абияки-Крючкова (Улан-Уде), Ф.Аникеев (Пермь), Г.Трухкина (Красноярск) ва бошқалар бор.

Абдуғани Абдуқаюмов кўп йиллик ижрочилик маҳорати учун Ўзбекистон ҳукумати томонидан муносиб тақдирланиб "Ўзбекистон халқ артисти" (1974 йил) ва "Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби" (1981 йил) фахрий унвонларига сазовор бўлган.

Ҳозирги кунда А.Абдуқаюмов Алишер Навоий номидаги Академик Катта опера ва балет театрида ва Тошкент давлат консерваториясида фаол ишламоқда ва ўзининг ижрочилик санъати билан Ўзбекистон мусиқа маданиятига катта ҳисса қўшиб келмоқда.

АЗИМОВ ЭЛДОР

XX асрни иккинчи ярмида бунёдга келган кўповозли ўзбек мусиқаси, ўзининг ижодий изланиш ва ривожланиш жараёнида турли мусиқали асарлар билан биргаликда симфоник мусиқа жанрларини шакллантириш ва махсус ижрочилик жамоасини — симфоник оркестрини вужудга келишига муҳит ва имконият яратиб берди. Турли-туман жанрларнинг борган сари ривож топишига сабаб бўлди. 70-йилларда Ўзбекистонда янги концерт жамоаси — камер оркестри ташкил топди. Айнан шу йиллари Ўзбекистон композиторлик ижодиётида симфоник ва камер чолғу мусиқасига қизиқиш тобора ўсиб бораётган бир пайтда ушбу жамоанинг пайдо бўлиши айни муддао бўлди. Мана шу заминда ёш ва истеъдодли дирижёр ва ижрочи-скрипкачи ташаббуси туфайли Ўзбекистон радио ва телевидениеси қошида ҳам камер оркестри ташкил этилди. Унинг раҳбари ва бош дирижёри этиб ушбу жамоанинг ташкилотчиси Элдор Азимов тайинланди. Унинг раҳбарлигида оркестр томонидан шу йиллар давомида радионинг олтин фондига 200 дан ортиқ асарлар

ва 30 га яқин катта диск-гигантлар ёзиб олинди. Буларга турли давр ва услубларга эга бўлган композиторлар асарлари қамраб олинган.

Элдор Азимов 1945 йилнинг 6 февралида Тошкентда зиёли оиласида туғилди. Ёшликдан мусиқага қизиққан Э.Азимов В.Успенский номидаги Республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернатига ўқишга киради. Мактабда у Наум Ефимович Повердан скрипка чолғуси бўйича таълим олади. 1966 йили мактабни битиргач Тошкент давлат консерваториясининг оркестр чолғулари факультетига қабул қилинади. Бу ерда Э.Азимов ажойиб созанда ва моҳир мураббий, профессор Михаил Борисович Рейсон синфида таҳсил олади. Скрипка чолғусини профессионал даражада эгаллаш, турли ижрочилик услубларини ва йўналишларини ўзлаштирган Э.Азимов 1971 йили Тошкент консерваториясини муваффақиятли тугатади. Дарвоқе, консерваторияда ўқиган йиллари унда дирижёрлик санъатига бўлган қизиқиш тобора ўсиб боради. Бунинг сабабчиси яна бир устози, Владимир Абрамович Беленький, ўша вақтида талабалар камер оркестри раҳбари бўлган. "Ажойиб инсон ва истеъдодли мусиқачи бўлган, В.Беленький профессионал даражадаги дирижёр бўлмаса ҳам, — деб эслайди Э.Азимов, — кўп йиллик ижрочилик тажрибасига эга бўлган, оркестрнинг мураккаб имкониятларини яхши биларди. Ўзининг педагогик қобилияти, самимийлиги, ва айниқса, доимий янгиликка интилиши билан бизларга катта таъсир кўрсатар эди".

Э.Азимов ўзининг сабоқларини фақатгина консерваторияда эмас, балки ундан ташқарида ҳам бойитиб борди. Театрларда спектаклларни кўрар, "Баҳор" ва консерваториянинг Катта- Кичик концерт залларида концертларни тинглар эди. Ўша йиллари Алишер Навоий номидаги театрдаги спектаклларга дирижёрлардан М.Ашрафий, Б.Иноятов, Ф.Шамсутдинов, Н.Гольдманлар дирижёрлик қилишар эди. Гастролга келган машҳур ижрочи — дирижёрлар Н.Ярви, Боголесновец, пианиночи Д.Лил, виолончелчилар М.Ростропович, Д.Шафран, скрипкачилар Б.Гутников, И.Безродный, О.Коган, С.Криса, И.Бочкова ва бошқалар санъатидан баҳраманд бўлади.

1971-1972 йиллари Э.Азимов ҳарбий хизматга чақирилиб, у ерда дамли чолғулар оркестрида созанда сифатида фаолият кўрсатади. Айнан, мана шу оркестрда биринчи марта дирижёрлик санъатини амалда ўзлаштира бошлайди. Оркестрда у турли чолғуларда чалиш услубларини эгаллайди, машғулот вақтларида оркестр раҳбарлари

унга жамоага дирижёрлик қилишни ишонишар эди. Армия хизматидан сўнг Э.Азимов дирижёрлик санъати билан жиддий шуғулланиш лозимлигини англади. Профессор М.Ашрафийнинг маслаҳати билан у яна Тошкент давлат консерваториясига ўқишга киради; бу гал опера-симфоник дирижёрлиги бўйича, М.Ашрафий синфида таҳсил олади. М.Ашрафий ўзининг шогирдига профессионал дирижёрлик маҳоратини ўзлаштиришда кўмакдош бўлади. Аввало, ўқиш жараёни дирижёрлик техникасини эгаллаш, кейинчалик асар устида иш олиб борганда ўзининг усулини англашга ўргатди. "Устозим ҳар бир ҳаракат воситаси, қўл, гавда, елка, панжа ҳаракатларини тушунтирар экан амалда мисоллар билан тўлдириб борар эдилар, — деб эслайди Э.Азимов, — Дирижёр интонацион маънони ўзининг ҳатти-ҳаракати билан ифодалаши лозимлигини талаб этарди. Мухтор Ашрафий — Ўзбекистонда энг етук дирижёрлардан бири эди. Унинг иродаси беқиёс бўлган. Дирижёрнинг асосий чолғуси — унинг қўллари, деб таъкидлар эди устоз. Мухтор Ашрафийдаги қўл-чолғуларни ҳали ҳеч кимда кўрмадим. Машғулотлар жараёнида у киши донишманд устоз, спектакл ва концертларда эса ёрқин ижрочи-ижодкорга айланар эдилар".

Ўқиш жараёнида Э.Азимов ўзининг устози маслаҳати билан консерваториянинг талабалар симфоник оркестри ва опера студияси симфоник оркестри ижросида бир неча концерт дастурларини тингловчиларга тақдим этди. Ушбу оркестрлар билан Э.Азимов Бетховен, Брамс ва бошқа композиторларнинг симфонияларини ижро этди. Бу чиқишлар ёш дирижёр учун ўзига хос профессионал даражадаги ижро маҳоратини ўзлаштириш мактаби бўлди. Э.Азимовнинг диплом дастури мураккаб асарларни ўз ичига олган: М.Ашрафийнинг "Ғолибларга шон-шарафлар" Иккинчи симфонияси ва А.Дворжакнинг Виолончель ва симфоник оркестр учун концерти. Давлат комиссияси Э.Азимов дирижёрлик қилган дастурни "аъло" баҳолади. Шундай қилиб, Э.Азимов 1973 йили консерваторияни муваффақият билан тамомлаб, опера-симфоник дирижёрлиги ихтисослиги бўйича мутахассис бўлди ва мустақил равишда дирижёрлик фаолиятини бошлади.

Э.Азимовнинг меҳнат-ижрочилик фаолияти унинг талабалик йилларидан бошланган. 1963-1968 йиллари у Ўзбекистон радиоси қошидаги торли квартетда 2-скрипка, 1971-1974 йиллари — эстрада симфоник оркестрда созанда-скрипкачи бўлиб ишлади. 1974 йилдан буён эса ўзи ташкил этган Ўзбекистон телевидениеси ва

радиоэшиттириш қўмитаси қошида биринчи профессионал камер оркестрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри сифатида фаолият кўрсатиб келди. 20 йил давомида оркестрнинг репертуари бойиб борди ва унинг ижрочилик маҳорати ҳам ўсиб борди. Оркестр билан дирижёрнинг ижро маҳорати юксак профессионаллик даражасига кўтарилди. Ушбу оркестр Ўрта Осиё минтақасида ҳам биринчи бўлди; ундан ташқари Э.Азимов раҳбарлигидаги камер оркестр Ўзбекистон композиторларининг қўпгина асарларини ижрочи-талқинчиси ва тарғиботчиси бўлди. Оркестр репертуаридан Россия, Грузия, Арманистон, Литва, Латвия, Украина, Белоруссия, Бошқирдистон композиторларининг асарлари ҳам ўрин олган. Оркестрнинг концерт дастурлари ранг-баранглиги, мураккаблиги, турли йўналишдалиги ва турли услубдалиги билан ажралиб туради. Булар орасида Корелли, Вивальди, Гендель, Бах мусиқаларидан тортиб то Шостакович, Гершвин каби композиторлар камер асарларигача бор. Э.Азимов раҳбарлигидаги камер оркестр дастлабки йиллари "ижодий лаборатория" сифатида биринчи навбатда Ўзбекистон композиторларининг камер асарларини ижрочиси бўлди. Дирижёр ва оркестрнинг фаолияти — бу ўзига хос тарзда ижодий маънони ифодалаш йўли бўлди. Шу йиллар давомида Э.Азимов М.Тожиевнинг Еттинчи, Саккизинчи, Ўн иккинчи симфониялари, М.Маҳмудовнинг Симфонияси, "Муҳаммас ва Уфор" туркумлари, Н.Зокировнинг Учинчи симфонияси, "Мушкилот" номли камер оркестр учун концерт, Икром Акбаровнинг скрипка ва виолончель учун концертилари, С.Жалилнинг Сюитаси ва Лирик симфонияси, Т.Қурбоновнинг Олтинчи симфонияси, Ф.Янов-Яновскийнинг Гобой ва камер оркестри учун концерти, М.Бафоевнинг "Беш рубоий"си, "Ғазал", "Ибн Сино хотирасига" номли симфонияси, Б.Гиенконинг "Лирик дафтар", "Драматик эскизлар", Виолончель ва оркестр учун концерт, "Масхарабозлар" номли фортепиано ва оркестр учун концертино сингари асарларга маҳорат билан дирижёрлик қилди.

1976 йилдан бери Э.Азимов Тошкент давлат консерваториясида педагогик фаолиятини бошлади, ҳозирги кунда у консерваториянинг доценти лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Талабалик йиллари ўзи созанда сифатида қатнашган камер оркестрининг раҳбари ва дирижёрлик фани бўйича талабаларга устозлик қилиб келмоқда.

Камер оркестри билан Э.Азимов турли ижодий сафарлар (Москва, Коҳира, Клин)да бўлган. Унинг дирижёрлик маҳоратига

чет эллик мухлислар ҳам тан беришган. Э.Азимов ва у бошқарувидаги Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестри бадиий жамоаларининг энг яхши концерт дастури учун республика танлови лауреати унвонига сазовор бўлишган (1982). 1990 йилнинг охирида Э.Азимов Ҳиндистонда машҳур рус композитори П.И.Чайковскийнинг 150 йиллигига бағишланган концертда Ҳиндистоннинг тўрт шаҳридан тўпланган созандалар терма оркестрига дирижёрлик қилди. П.И.Чайковскийнинг асарларидан ташкил топган концерт дастури (масалан, "1812 йил" увертюраси) Бомбей, Калькутта, Деҳли, Майсура созандаларидан ташкил этилган оркестр томонидан ижро этилган. Э.Азимовнинг дирижёрлик маҳорати концерт якунида оркестр созандалари ва тингловчилар томонидан жўшқин олқишларга сазовор бўлди.

1991 йили Э.Азимов истеъдодли ёш созандалардан ташкил топган "Маданият академияси" номли камер оркестрига раҳбарлик қилди. Ушбу оркестр таркиби турли танловлар совриндорлари — юқори савияли созандалардан тузилган эди. Тошкент давлат консерваториясининг Катта залида берилган биринчи концерт дастурига Моцартнинг Қирқинчи симфонияси, "Дивертисмент фа-мажор", Икки фортепиано ва оркестр учун Концерт (пианиночилар Халқаро танловлар совриндорлари С.Ғафурова ва Б.Ҳақназарова) каби асарлари кирган. Иккинчи концерт дастури Моцарт, Гайдн ва Шопен асарларидан (яккахон Халқаро танловлар совриндори У.Полвонов) ташкил топган эди. Ушбу концертларда ҳам Э.Азимов ўзининг ташкилотчилик ва ижрочилик маҳоратини намойиш этди.

1994 йилдан Э.Азимов янги "Туркистон" номли камер оркестрига раҳбарлик қилмоқда. Шу йиллар давомида Э.Азимов Бах, Вивальди, Моцарт, Сен-Санс, Чайковский, Бриттен, Гершвин, Ашрафий, Латифзода, Тожиев, Бафоев каби композиторларнинг ранг-баранг жанрлардаги асарларига дирижёрлик қилмоқда. Ушбу оркестр билан "Туркистон" концерт залида Э.Азимов ташаббуси ва дирижёрлигида мавзули концертлар ("Бах", "Вивальди", "Моцарт", "Сен-Санс") тингловчиларга жуда манзур бўлмоқда.

Шуни айтиш лозимки, Э.Азимов Ўзбекистонда камер мусиқасини ривож топишига катта ҳисса қўшиб келмоқда. У юқори даражали профессионал дирижёрдир. Мусиқани чуқур ҳис қилиш, асарларнинг мазмунига ва тасвирий воситаларига эътибор бериш, миллий характерни идрок этиш унинг дирижёрлик услубига хос бўлган хусусиятлардандир.

Республикамиз камер мусиқаси ривожланишидаги салмоқли хизматлари учун Элдор Азимов 1989 йили "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби" фахрий унвонига сазовор бўлди.

АЙМБЕТОВ КЛИМ

Қорақалпоқ халқ чолғулари оркестрининг ижрочилик фаолияти Қорақалпоқ республикасида ном чиқарган етук созандалар, дирижёрлар ва композиторлар номлари билан боғлиқ. Оркестрнинг 40 йилдан ортиқ тарихида у кўпчилик созандалар, ва айниқса, дирижёрларга маҳоратни эгаллашга етук ижрочилик маскани бўлиб келган. Булар орасида созанда ва дирижёр, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Клим Аймбетов ҳам бор.

Клим Каллиевич Аймбетов 1937 йилда туғилган. 1956 йили Нукусдаги болалар мусиқа мактабининг рубоб-прима синфини тугатиб, 1957 йилдан Бердах номидаги Қорақалпоқ Давлат филармонияси қошидаги халқ чолғулари оркестрида созанда сифатида меҳнат фаолиятини бошлайди. Оркестрда ишлаган чоғида Абдурайим Султоновдан дирижёрлик техникасини ўзлаштиради, айрим асарларга ўзи ҳам дирижёрлик қилади.

1960-1964 йиллари К.Аймбетов Нукус санъат билим юртида рубоб-прима синфида, дирижёрлик бўйича А.Султоновдан таълим олади. 1964 йилдан билим юртида ўзининг педагогик фаолиятини бошлайди. 1966 йили Олимжон Халимов тавсияси билан К.Аймбетов К.Станиславский номидаги мусиқали театрига дирижёр сифатида ишга қабул қилинади. Икки йил мобайнида 20 дан ортиқ мусиқали спектакларга дирижёрлик қилиб ўзининг маҳоратини ошириб боради. 1968-1973 йиллари Тошкент давлат консерваториясида халқ чолғулари факультетида таълим олади. У рубоб-прима чолғуси бўйича А.Маликов синфида, дирижёрлик бўйича эса А.И.Давидов синфида ўқийди.

Ўқишдан кейин ўзининг дирижёрлик фаолиятини Қорақалпоқ телевидениеси ва радиоси Давлат Қўмитаси қошидаги халқ чолғулари оркестрида давом эттириб, турли жанрдаги мусиқий асарларга дирижёрлик қилди.

Клим Аймбетов ҳозирги кунда Ж.Шомуратов номидаги Нукус санъат билим юртида мутахассислик ва дирижёрлик бўйича ўқувчиларга таълим бериб келмоқда.

АЛИЕВ САИД

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Саид Алиев Ўзбекистон

мусиқа маданиятини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган созанда, дирижёр ва устоз мураббий эди. У Ўзбекистонда халқ чолғулари оркестри ижрочилиги ва дирижёрлиги соҳасидаги тажрибаларини амалга оширган ижодкорлардан бири ҳисобланади. Саид Алиев 20 йил мобайнида Ўзбек давлат филармониясининг Т.Жалилов номидаги халқ чолғулари оркестрига раҳбарлик қилди. Шу йиллар давомида оркестр таркибини мукаммаллаштирди, репертуарини бойитиш ҳамда ижрочилик маҳоратини оширишда ижобий ишларни амалга оширди. Ўзининг ижрочилик фаолиятида асосий эътиборни ўзбек мусиқасига қаратди, қайта ишланаган ўзбек халқ қўшиқлари ва куйлари, ўзбек композиторлари томонидан яратилган асарлар оркестрнинг асосий репертуаридан ўрин олди. Оркестр репертуари турли йўналишлардаги хилма-хил шакл ва жанрлардаги асарлар билан кенгайиб борди. Оркестр ижрочиларини профессионал даражадаги, яъни махсус ўқув юртларини битириб чиққан созандалар билан тўлдириб борди.

С.Алиев ўзининг устози бўлмиш А.Ф.Козловскийнинг дирижёрлик анъаналарини халқ чолғулари оркестри дирижёрлигида ўзлаштириб, ўзининг ижрочилик фаолиятида қўллаб камолотга эришди.

Саид Хусаинович Алиев 1920 йили Бухоро шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топди. 1928-1931 йиллари у Бухородаги тожик мактабида ўқийди ва 1931 йили Бухоро мусиқа билим юртига ғижжак синфи бўйича ўқишга кириб уни 1935 йили битиради. Унинг меҳнат фаолияти билим юртида ўқиб юрган йилларидан, яъни 1934 йилдан бошланиб, 1936 йилгача Бухоро мусиқали драма театрида ғижжакчи-созанда бўлиб ишлайди.

1936 йили С.Алиев созанда сифатида Ўзбек давлат филармониясига таклиф этилади ва 1937 йили Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон санъати ва адабиёти 1-декадасида қатнашади.

1936-1944 йиллари С.Алиев Ўзбек филармониясининг турли ижрочилик жамоаларида (ашула ва рақс ансамбли, Тамарахоним раҳбарлигидаги ансамбл, халқ чолғулари оркестри) созанда-ғижжакчи сифатида ишлайди. 1942 йилдан у фронт-концерт бригадаси аъзоси сифатида турли қисмларга бориб концертларда қатнашади. 1944-1957 йиллари у филармониянинг халқ чолғулари оркестри дирижёри бўлиб ишлайди. 1948-1953 йиллари Тошкент давлат консерваториясининг опера-симфоник дирижёрлиги мутахассислиги бўйича профессор А.Ф.Козловский синфида таълим олади.

1957-1976 йиллари С.Алиев Т.Жалилов номидаги халқ чолғулари оркестри бадиий раҳбари ва бош дирижёри бўлиб ишлайди. Ушбу йиллар мобайнида оркестр репертуарини Ўзбекистон композиторларининг йирик чолғу асарлари билан бойитишда жонбозлик кўрсатади. Ўша даврда у Б.Гиенко, Ғ.Қодировларнинг халқ чолғулари оркестри учун махсус ёзилган сюиталари, С.Бобоев, А.Берлин, Ф.Назаровларнинг увертюралари, Б.Зейдман, С.Вареласларнинг поэмалари, П.Халиковнинг симфониеттаси, И.Ҳамроевнинг биринчи чанг ва қашқар рубоби учун концертлари, А.Берлиннинг ғижжак учун ва С.Вареласнинг чанг учун концертларига дирижёрлик қилган. Оркестр репертуари халқ ва мумтоз куйлар ва қўшиқлар билан ҳам бойиб боради. Бу борада С.Алиевнинг ўзи най, қашқар рубоби, танбур, дутор ва ғижжак чолғулари учун оркестр жўрлигида анчагина халқ куйларини қайта ишлайди ва оркестр репертуарига киритади. С.Алиевнинг оркестрдаги дирижёрлик фаолиятида оркестр таркибини такомиллаштириш, ижрочилик маҳоратини ошириш ишлари ҳамда оркестр таркибига анъанавий танбур ва дуторлар, рубоблар гуруҳига рубоб-меццо сопрано ва дамли чолғулар гуруҳига кларнет чолғуларини киритади. Ушбу қўшимчалардан асосий мақсад — оркестр овоз жарангини кучайтириб, диапазонини кенгайтириб, унинг оҳангини миллийликка яқинлаштириш бўлган.

С.Алиев миллий ижрочилик услубларини эгаллаш мақсадида оркестр ижросига анъанавий ижро услубларини киритади ва улардан кенг фойдаланади. Комилжон Отаниёзов, Фахриддин Умаров каби халқимиз севган хонандаларни ҳам оркестр билан ҳамкорликка жалб этади. Шу йиллари оркестр репертуари жаҳон мумтоз ва замонавий композиторлар (П.Чайковский, Ж.Бизе, Н.Будашкин, У.Ҳожибеков, А.Хачатурян ва бошқалар) асарлари билан кенгайиб борди.

Ушбу йилларда оркестр Москва шаҳри, Украина, Молдавия, Россия, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Озарбайжон, Болтиқбўйи республикалари ҳамда Ўзбекистон шаҳарлари бўйлаб ижодий сафарларга чиқади ва ўз мухлисларига ижрочилик маҳоратларини намойиш этади.

Оркестр Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасида (1959) ва бошқа республикаларда ўтказилган Ўзбекистон кунларида фаол қатнашиб келади. Ўша йиллар оркестр билан Н.Ҳошимов, С.Қобулова, Ғ.Абдураҳмонов, Х.Қодирова, С.Беньяминов, К.Жалилова, Б,Мавлонов каби хонандалар ижодий

ҳамкорликда ишлаганлар.

1957 йили оркестрнинг ёш созандаларидан ташкил топган Наримон Олимов раҳбарлигидаги гуруҳ Москвада бўлиб ўтган жаҳон ёшлари ва талабалари фестивалида қатнашиб олтин медалга сазовор бўлишган.

С.Алиевнинг педагогик фаолияти 1951 йилдан Тошкент давлат консерваториясида дарс беришдан бошланади. 1976 йилдан Тошкент маданият техникумида, 1980 йилдан Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институтининг оркестр дирижёрлиги кафедрасида ўз билимларини ёш кадрларга ўргатиб келди.

С.Алиев дирижёрлик фаолиятида оркестр ижросини аниқликка, равонликка ва мазмундорлигига интилиб ушбу санъат турида моҳир дирижёр даражасига кўтарилган. Унинг хизматлари муносиб тақдирланиб 1961 йили "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" фахрий унвонига сазовор бўлди.

Саид Алиев 1998 йили Тошкентда вафот этди.

АШКИНАЗИ ВЛАДИМИР

XX асрнинг 40-50-йилларида ўзбек мусиқа санъатининг барча соҳаларида жиддий силжишлар даври бўлди. Мусиқа санъатида турли ижодий йўналишлар ривож топди, янги ижрочилик-концерт жамоалари, мусиқали театрлар ташкил топади. Дастлаб ташкил этилган жамоаларга ёш истеъдодли созандалар, ижодкорлар кириб келишди. Худди шу даврда Ўзбек Давлат филармониясида халқ чолғулари оркестри, хор а'капелласи ва симфоник оркестрнинг фаолияти кенг қулоч ёйди. Симфоник оркестрнинг ижодий йўлидаги янги босқич жамоани бошқарув ишига ушбу даврдаги етук санъаткорларнинг келиши билан боғлиқдир. 40-йилларнинг охирида оркестр бадиий раҳбари ва бош дирижёри этиб ажойиб санъаткор, симфоник мусиқани кўп дурдона асарларининг моҳир талқинчиси, композитор А.Ф.Козловский тайинланади. Айни вақтда Ўзбек Давлат филармонияси раҳбарияти симфоник оркестрнинг дирижёри лавозимига Владимир Ашкиназини таклиф этишади. Ушбу дирижёрларнинг саъй-ҳаракатлари билан оркестрнинг репертуари турли йўналишдаги ва услубдаги асарлар билан бойитилади. Булар орасида мумтоз композиторларнинг симфоник асарлари (Чайковский, Мусоргский, Скрябин, Вагнер, Дворжак, Берлиоз, Дебюсси, Равель) ва Ўзбекистон ва қардош давлатлар композиторларининг асарлари мунтазам равишда ижро этилиб келинди.

Владимир Исаакович Ашкинази 1914 йилнинг 24 декабрида Тбилиси шаҳрида таваллуд топди. 1920 йили Ашкиназилар оиласи Украинага, Екатринослав (ҳозирги Днепропетровск) шаҳрига кўчиб келишади. 1930 йили Владимир Ашкинази етти йиллик ўрта мактабни тугатиб, мусиқа ишчи факультетига ўқишга киради ва 1932 йили уни тамомлаб, Харьков мусиқа-театр институтига қабул қилинади. У ерда В.Ашкинази 1936 йилгача ўқийди. 1936 йили Харьков Давлат консерваториясининг опера-симфоник дирижёрлиги факультетига ўқишга киради ва уни 1939 йили муваффақият билан тамомлаб, опера-симфоник дрижёрлиги ихтисослиги бўйича диплом билан тақдирланади. 1938-1941 йиллари у Днепропетровск вилоят филармонияси симфоник оркестри дирижёри лавозимида ишлайди. 1941 йили Қизил Армия сафига чақирилади ва Иккинчи жаҳон уруши жангларида қатнашади. 1946 йили В.Ашкинази Қизил Армиядан заҳирага чиқарилади.

1946 йили В.Ашкинази Тошкентга келади ва Тошкент давлат консерваториясида ўқитувчилик қилади. У талабаларга дирижёрлик сирлари, чолғушунослик ва партитураларни ўқиш фанлари бўйича дарс беради. Дирижёрлик ижрочилиги бўйича тажрибага эга бўлган В.Ашкинази ўз ўқувчиларига дирижёрлик техникасини мукаммал эгаллашга, асарнинг мазмунини ҳатти-ҳаракатлар орқали оркестрга, ва айниқса, тингловчи томошабинларга етказиш лозимлигини ўргатиб келди. Консерваториянинг талабалар симфоник оркестрига раҳбарлик қилганида, В.Ашкинази эътиборни Чайковский ва Берлиоз, Бородин, Штраус, Скрябин, Бетховен, Моцарт ва Прокофьевларнинг симфоник асарларига қаратди.

1948 йили Ўзбек давлат филармонияси раҳбарияти таклифи билан симфоник оркестрга дирижёрлик лавозимига ишга чақирилади. Филармонияда ишлаган йиллари В.Ашкинази эътиборини кўпроқ Ўзбекистон композиторларининг асарларига қаратади. М.Ашрафий, Г.Мушель, Икром Акбаров, Д.Зокиров, С.Юдаковларнинг симфоник асарлари В.Ашкинази томонидан талқин этилиб, мусиқа мухлислари орасида тарғибот этилган.

АШРАФИЙ МУХТОР

Шундай одамлар бўладики, улар ҳаётдаги ҳар бир нарсага катта қизиқиш билан қарайди, уларни ипидан игнасигача билиб олишга тиришади. Бундай одамлар ўта кузатувчан ва ғоятда синчков бўлади. Энг муҳими, ўзи билиб оладиган ҳар бир нарсанинг маҳзини чақишга, улар ҳақида чуқур мушоҳада қилишга, зарур фалсафий

хулосалар чиқаришга ҳаракат қилади ва ҳаёт муаммолари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини одамларга айтгиси келади. Шу истак зўр иштиёққа айланади. Иштиёқдан санъат асарлари туғилади. Ҳақиқатдан ҳам бадиий истеъдод, биринчи галда, ҳаётни ўткир кўз, нозик дид билан кузата олиш, мағзини чақа билиш билан характерланади.

Санъаткор ҳаётга қанчалик чуқур кириб борса, уни қанчалик пухта билса, ҳаёт воқеа-ҳодисаларидан қанчалик ҳаяжонланса — у яратган бадиий асар ҳам шунчалик ҳаётий ва таъсирчан бўлади. Санъаткор зўр жўшқин илҳом, зўр иштиёқ билан ижод этиши керак — санъат асарининг нурли саҳифалари мана шундай дамларда битилади. Ҳаётни синчковлик билан кузатиш, воқеа-ҳодисаларнинг ички оқимини чуқур англаш, улардан таъсирланиш, турмушдан ўз асари учун зарур бўлган типик нарсаларни ажратиб олиб, бадиий ифодалаш, ижод жараёнида хаёлга — ижодий фантазияга, тасаввурга кенг йўл очиш, бадиий тимсолдан санъаткорона фойдаланиш, жўшқин илҳом, зўр иштиёқ билан ижод этиш — санъаткорнинг бурчидир.

Келажак учун яшаганларнинг умри боқий дейишади. Ўзбек мусиқа санъатининг атоқли намоёндаларидан бири — композитор, дирижёр, мураббий ва фаол жамоатчи Мухтор Ашрафий ана шундай умри боқий санъаткорларимиздан бўлиб, ўзбек мусиқа маданиятини ривож топишига катта ҳисса қўшган ижодкордир.

Мухтор Ашрафий 1912 йили 11 июнда Бухоро шаҳрида, созанда оиласида туғилди. Унинг ёшлик даври Бухорода ўтди. 1920 йилда М.Ашрафий мактабга кирди. Ўн икки ёшлик чоғида Бухоронинг Шарқ мусиқа мактабига ўқишга қабул қилинди. Ушбу мактабда Бухоронинг етук созанда ва мақом усталаридан дутор чалишни ва мақом ижрочилигидан дастлабки таълимни олади. Кейинчалик мусиқа техникумида ўқиди. Унда астойдил мусиқачи бўлиб етишиш орзуси ҳам ўша йиллари пайдо бўлди.

Ўн олти ёшида (1928 йили) М.Ашрафий Самарқанд мусиқа ва хореография институтининг талабаси бўлди. Бу институтда ажойиб рус мусиқа муаллимларидан Николай Назарович Миронов ва бошқалардан мусиқа тарихи ва назарияси, ҳамда халқ қўшиқларини тўплаш ва уларни ноталаштириш услубларини ўрганиб борди. Этнограф ва композитор Н.Н.Миронов М.Ашрафийга композиторлик ва дирижёрлик фаолиятларида, мусиқа билимини бойитишида катта ёрдам берди. Айнан шу институтда ёш созанда дирижёрлик санъатидан таълим олади ва 1929 йили Самарқандда ташкил этилган симфоник оркестрда олган билимларини намойиш

этади. 1929 йилда унинг биринчи оркестр учун ёзган асари марш "Садраш" бўлиб, М.Ашрафий уни курсдош ўртоқлари Толибжон Содиқов ва Шариф Рамазоновлар билан биргаликда яратган (бу ном муаллифларнинг фамилияларидан қисқартириб олинган). Шу йиллари у шунингдек қўшиқ ва кўп овозли хор асарларини ҳам яратди. Ўша вақтда Самарқанд радиокомитетида бадиий раҳбар, ўзбек мусиқали театрида дирижёр сифатида ишлайди. Худди ўша даврда М.Ашрафийда дирижёрлик касбига муҳаббат борган сари ўсиб борди. Институтни битириши билан (1931 й.) Мухтор Ашрафий Тошкентдаги ўзбек давлат мусиқий театрга дирижёр ва мусиқа раҳбари қилиб тайинланади (ушбу лавозимда у умрининг охиригача хизмат қилиб келган).

Маълумки 20-йилларнинг охири ва 30-йиллар ўзбек мусиқа маданиятини ривожланишида янги, мураккаб даврлардан бири бўлган. Бу йиллари ўзбек мусиқа санъати учун янги жанрлар деб ҳисобланган опера, мусиқали драма, симфоник асарлар, оммавий қўшиқлар, камер асарлари яратила бошланади. Бу муҳим ижодий ишларда М.Ашрафий ўзбек композитори ва дирижёри сифатида биринчилардан бўлди. Шу даврда М.Ашрафий симфоник оркестр учун "Қурилиш" номли маршни яратади, "Ичқарида" номли мусиқали драмага айрим ария ва қўшиқлар басталайди. Мусиқали драма жанри тарихида Ўзбекистонда биринчи бор симфоник оркестр партитурасини М.Ашрафий олиб киради ва бу асарларга ўзи дирижёрлик қилади.

Бу мусиқий асарларни ва дирижёрлик санъатини синчиклаб ўргансак, М.Ашрафийнинг 30-йиллардаги ижодий ўсиши — оддий созандадан моҳир профессионал композитор ва дирижёр даражасига кўтарилгунча босиб ўтган йўли, бадиий маҳоратни эгаллаш босқичлари маълум бўлади.

Ёш санъаткор ижодда тез муваффақият қозонишининг маълум сабаблари бор, албатта. Бу бир томондан композитор ва дирижёрнинг иқтидори, истеъдоди, меҳнатсеварлигига, ўқиш-ўрганиш қийинчиликларини мардона енга олганига бориб тақалса, иккинчи томондан янги воқеликнинг илҳомбахш таъсири ва ўша даврларда ижодкорларга муттасил кўрсатиб турилган ғамхўрлик самарасидир. Биргина, М.Ашрафий эмас, балки ўзбек мусиқасининг йирик намоёндаларининг ҳаммаси ғоят қисқа давр ичида янги мусиқа жанрларнинг сирларини ўзлаштириб, ўз ижодига тадбиқ эта олдилар ва шакл жиҳатдан ҳам, мазмун жиҳатдан ҳам бутунлай оригинал, ўзбек анъанавий мусиқасига таянган ҳолда, бадиий жиҳатдан

пишиқ-пухта асарлар яратдилар.

Ўша даврда тез суръатлар билан ривожланаётган ўзбек мусиқа санъати унинг ижодкорларидан пухта профессионалликни талаб қилгани туфайли Мухтор Ашрафий ўз илмини ва маҳоратини ошириш ниятида Москва консерваторияси қошида ташкил қилинган ўзбек опера студиясига ўқишга кириб (1934-1937 йй.), машҳур рус композитори Сергий Никифорович Василенко раҳбарлигида таълим олди. Москвада ўқиган вақтида М.Ашрафий ўз билимини бойитиш мақсадида опера театри спектаклларини томоша қилди, концерт залларида симфоник оркестр ва етук ижрочиларнинг Овропа ва рус классик мусиқаси намуналаридан иборат дастурларни тинглади. 1937 йилда М.Ашрафий Ўзбек мусиқали театрига бадиий раҳбар ва бош дирижёр қилиб тайинланди. Бу йил ўзбек мусиқа маданияти учун катта воқеа — Москвада Ўзбекистон адабиёти ва санъати ўн кунлиги бўлиб ўтади. М.Ашрафий республикамиздан ташқарида илк бор дирижёр сифатида саҳнага чиқди (1951 ва 1959 йиллари Москвада бўлиб ўтган ўн кунликларда ҳам у бош дирижёр сифатида қатнашади ва декада жараёнидаги концертларда фаол қатнашади). Ўша давр матбуотининг фикрларига кўра, унинг биринчи чиқиши муваффақиятли бўлди. "Ўн кунлик давомида ёш ўзбек дирижёри жуда кучли таассурот қолдирди. Мусиқа услубини жуда яхши билиш, нафосат ва нозиклик — буларнинг ҳаммаси ёш Ашрафийда ҳақиқий дирижёрлик истеъдоди мавжудлигидан далолат бериб турибди", — деб таъкидлаган "Известия" рўзномаси ("Правда Востока" 1937 йили 3 июнда).

М.Ашрафий 30-йилларнинг охирлари 40-йилларнинг бошларида театрда бадиий раҳбар ва бош дирижёр лавозимида самарали фаолият кўрсатиб шу даврдаги саҳналаштирилган опера ва балет асарларига дирижёрлик қилди ва ижрочилик санъатини намойиш этди. Булар орасида Н.Рославецнинг "Шоҳида", Е.Брусиловскийнинг "Гуландом" каби биринчи балетлари; Е.Брусиловскийнинг ўзбек мусиқали театрида биринчи бор қўйилган опера спектакли "Ёр тарғин", М.Магомаевнинг "Наргиз", Р.Глиэр ва Т.Содиқовларнинг "Лайли ва Мажнун" операларидир. Иккинчи жаҳон уруши йиллари М.Ашрафий уч йил давомида, Ленинград консерваторияси Тошкентга кўчиб келган йиллари, М.О.Штейнбергдан композиция бўйича таълим олади, ҳамда ўз дирижёрлик маҳоратини янада оширади. Ўзбекистон халқ артисти, таниқли композитор ва дирижёр бўлган М.Ашрафий 1948 йилда ўзининг дирижёрлик санъатидаги ижрочилик маҳоратини Ленинград консерваториясида

такомиллаштиришга аҳд қилади. У таниқли дирижёр Б.Э.Хайкин синфида ўқийди, имтиҳонларни муддатдан олдин топширади, опера-симфоник дирижёрлиги факультетини экстерн тариқасида тамомлаб, Ленинград консерваториясининг дипломини олади. Ленинградда бўлган чоғида М.Ашрафий Ленинград консерваториясининг опера студияси томонидан ижро этилган "Кармен" операсига дирижёрлик қилган. М.Ашрафийнинг диплом иши — Ж.Вердининг "Аида" операсига дирижёрлик қилиш бўлиб у С.Киров номидаги Ленинград опера ва балет театри ижодий жамоаси томонидан намойиш этилган. Ленинград консерваториясида ўқиган вақти ва дирижёрлик қилган спектакллари М.Ашрафийнинг мусиқа санъати соҳасидаги билимини янада бойитади.

Маълумки "Бўрон" номли биринчи ўзбек операсини яратилиши нафақат унинг муаллифлари — Сергей Никифорович Василенко ва Мухтор Ашрафийнинг муваффақияти бўлибгина қолмай (К.Яшин либреттоси), балки бутун ўзбек мусиқа маданиятининг ҳам муваффақияти бўлди. Бу операни саҳнага қўйилиши билан (премьера 11 июнь 1939 йили бўлган) Ўзбекистонда опера жанрининг пайдо бўлиш ҳисоб-китоби бошланади. Опера мусиқаси ўзбек халқ қўшиқлари ва куйларига асосланган бўлиб, унга увертюра, хор саҳналари ва бошқа опера жанрига хос мусиқали номерлар ҳам киритилган. Операга М.Ашрафийнинг ўзи дирижёрлик қилган. "Бўрон" операси 1942 йилдан кейин, 1981 йилда, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг Москвада ўтказилган гастролларида муваффақият билан яна намойиш этилди. Лекин бу сафар дирижёрлик пультида М.Ашрафийнинг шогирди Д.Абдураҳмонова турди.

Кейинчалик ҳам М.Ашрафий бир неча операларр ёзади: "Улуғ канал" (Катта Фарғона канали қурувчилари ҳаётидан, С.Н.Василенко билан ҳамкорликда, К.Яшин ва М.Раҳмоновлар либреттоси, 1941, 1947, 1951 й.), "Дилором" (Алишер Навоий поэмаси асосида, К.Яшин ва М.Муҳамедовлар либреттоси, 1958, 1959 й.), "Шоир қалби" (шоир Фурқат ҳаётига бағишланган, И.Султон либреттоси, 1962 й.). Бу операнинг премьераси ҳам Самарқандда янги ташкил этилган опера ва балет театрида биринчи марта қўйилди. М.Ашрафийнинг ижодий етуклик даври "Дилором" операсидан бошланган. Алишер Навоийнинг "Саббаи сайёра" поэмаси мазмуни асосида яратилган опера республикамиз мусиқий ҳаётида ҳақиқий воқеа бўлиб қолди. Партитуранинг етук маҳоратлилиги, мусиқа тилининг ёрқин миллийлиги, саҳналарнинг бекаму-кўст

безатилиши билан бу асар театрнинг миллий репертуарини бирмунча оммавийлаштирди. Шунингдек, бу опера ўзбек композитори томонидан мустақил равишда яратилган биринчи опера эканлиги ҳам муҳимдир (аввалги мусиқаий саҳна асарлари ҳаммуаллифлик тарзида яратилган эди). "Шоир қалби" операси таниқли ўзбек шоири Фурқатнинг тақдири ҳақида ҳикоя қилади. Ушбу опера мураккаб вазифани ҳал этишда — опера санъати воситасида асримиз бошларида Туркистондаги ижтимоий ҳаётнинг зиддиятли муҳитини кўрсатишда ва шу асосда таниқли ўзбек шоири, маърифатпарварларининг ёрқин тимсолини қайта гавдалантиришда дадил тажриба сифатида эътиборга лойиқдир. М.Ашрафий иборасига кўра, опера унинг севган касбидир. Опера мусиқасида ижодкор-композиторнинг етук маҳорати "Дилором" операсидан кўра ҳам ёрқинроқ чиқди. Мусиқий тил жиҳатидан бирмунча мураккаб бўлган мусиқа характерларнинг ижтимоий-психологик зиддиятларини кескин гавдалантиради.

Ўзбекистонда иккинчи — Самарқанд опера театри биноси "Шоир қалби" операси билан очилган. 1964 йилда М.Ашрафий театрнинг раҳбари ва бош дирижёри этиб тайинланади. Театр репертуаридан ўрин олган "Зайнаб ва Омон", "Майсаранинг иши", "Кармен", "Травиата", "Аида" опералари, "Жизель", "Шопениана", "Болеро", "Фадетта" балетларига, театр оркестрининг симфоник концертларига дирижёрлик қилади.

Мухтор Ашрафий бир қатор маълум ва машҳур балетларнинг ҳам муаллифидир: "Севги тумори" (1969), "Темир Малик" (1970), "Жасорат" (1971), "Муҳаббат ва қилич" (1973), "Рустамнома" (1975). "Севги тумори" балети Б.Гаргининг "Сохани ва Махивал"(Соҳибжамол ва чўпон") номли ҳинд драмаси асосида ёзилган бўлиб, қадимий ҳиндларнинг қизи билан Бухоролик йигитнинг фожиавий севгиси ҳақидаги афсона асос қилиб олинган. Драматургиядаги мусиқанинг ифодалилиги, (айрим ҳинд ва ўзбек оҳанглари асосида), мароми, оркестрнинг тасвирлаш воситаларининг мажмуаси, ҳис-туйғуларнинг тўла ёрқинлиги, ҳақиқатдан театрга мослаштирилганлиги — буларнинг ҳаммаси "Севги тумори" ўзбек балет санъати эришган яхши ютуқлардан бири бўлиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Балет мусиқаси Ж.Неру номидаги халқаро мукофотга ва Ўзбекистон Республикаси Ҳамза номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган. "Жасорат" балетида арабларнинг Исроил босқинчиларига қарши қилинган ҳимояси акс эттирилган. Бу асарни Қоҳира шаҳри опера театрининг балет труппаси М.Ашрафий раҳбарлиги ва дирижёрлиги остида саҳналаштирилган. Муаллиф

шу балети учун Халқаро Г.А.Носир номидаги мукофотга сазовор бўлган. М.Ашрафийнинг ижодида симфоник ва вокал-симфоник мусиқа жанрлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Унинг энг сара асарларидан бири — Иккинчи жаҳон уруши йилларида (1942 й.) ёзилган фа-мажор Биринчи, "Қаҳрамонлик" симфониясидир. Уч қисмдан иборат бу симфония ўзбек куйлари асосида яратилган бўлиб, унда халқимизнинг фашист босқинчиларига қарши олиб борган тарихий кураши акс эттирилган. Бу симфония учун М.Ашрафий 1943 йили Давлат мукофотига сазовор бўлди. 1944 йилда М.Ашрафий халқимизнинг немис-фашистлари устидан қозонган оламшумул ғалабасига бағишлаб бир қисмли "Ғолибларга шон-шарафлар бўлсин" номли Иккинчи Ре-мажор дастурли симфониясини яратди. Композитор қаламига мансуб бешта симфоник сюитани ("Баҳор ўлкаси", 1937 й.; "Фарғона сюитаси", 1943 й.; Уч қисмли учинчи сюита, 1949 й.; "Тожик сюитаси", 1952 й.; Бешинчи сюита "Опа-сингил Раҳмоновалар" кинофильми мусиқаси асосида, 1955 й.); "Тантанали марш" симфоник оркестр учун (1944); "Ватанимиз тонги" симфоник поэмаси (1954), "Тинчлик тарафдорларининг намойиши" симфоник асари (1952); "Ўзбекистон" (1947), "Бахт ҳақида қўшиқ" (1951) кантаталари; "Оловли кунлар" вокал-симфоник поэма (1967), "Рустамнома" эпик ораторияси (1974) ва бошқалар яратилади.

М.Ашрафийнинг Биринчи симфонияси ҳам унинг "Бўрон" операси сингари Ўзбекистонда симфоник жанрни биринчи қалдирғочларидан бўлди. М.Ашрафий камер жанрларида ҳам баракали ижод қилди. Улар орасида ўзбек куйлари асосида ёзилган квартет, скрипка ва фортепиано учун саккизта пьесадан иборат альбом, фортепиано учун "Сўзсиз қўшиқ", мумтоз ва замонавий ўзбек шоирлари шеърлари асосида қатор романс ва қўшиқлар шулар жумласидандир.

М.Ашрафийнинг композиторлик фаолияти унинг иккинчи истеъдоди — дирижёрлик фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Дирижёрлик сабоқларини у биринчи маротаба Самарқанд институтида ўқиган даврда, Н.Н.Мироновдан олди. 1929 йили М.Ашрафий институт қошида ташкил топган симфоник оркестр (жамоа таркибига айрим ўзбек халқ чолғулари ҳам киритилган эди)га дирижёрлик қилди. Шу йилдан бошлаб М.Ашрафий Самарқанддаги ўзбек мусиқали театрда дирижёр сифатида ва 1931 йилдан бошлаб Тошкентдаги Ўзбек Давлат мусиқали театрида бадиий раҳбар ва дирижёр бўлиб фаол ижодий хизмат қилади. 1934 йилдан

бошлаб М.Ашрафий Москва консерваторияси қошидаги ўзбек опера студиясида ва уруш йиллари Ленинград консерваториясида таълим олган чоғларида, у композициядан ташқари дирижёрлик санъатида ўз билимини бойитади. Ўзбек мусиқали театрида у У.Ҳожибековнинг "Аршин мол олан" (1929), А.Қодировнинг "Ўтдан парчалар" (мусиқасини М.Ашрафий, Т.Содиқов ва Н.Мироновлар танлаган ва гармониялаштирган, 1932), М.Ашрафийнинг "Ичкарида" (1933), В.Успенский ва Г.Мушелларнинг "Фарҳод ва Ширин" (1937) каби мусиқали драмаларига дирижёрлик қилган.

1938 йили М.Ашрафий Ўзбек мусиқали театри томонидан саҳналаштирилган Е.Г.Брусиловский "Ёр Таргин" операсига дирижёрлик қилади. 1939 йилдан бошлаб М.Ашрафий ўзи ижод этган мусиқали драма, опера, балет ва симфоник асарларга мусиқа раҳбари бўлиб дирижёрлик қилди.

1942 йилда М.Ашрафий ўзбек опера театрига дирижёр қилиб тайинланди ва у ерда 1947 йилгача ишлади. 1944 йилдан бошлаб у Тошкент консерваториясида махсус дирижёрликдан дарс бериб, 1948 йилда доцент унвони, 1953 йилда эса профессор унвонига сазовор бўлди. Р.Фелициант, Ф.Назаров, А.Абдуқаюмов, М.Лазарев, У.Мадёров, О.Халимов, С.(Қ.)Усмонов, Г.Тўлаганов, В.Руденко, А.Серебряник, Ф.Ёқубжонов, И.Кривенко, Э.Азимов сингари дирижёрлар унинг раҳбарлигида консерваторияни муваффақият билан тамомлаб чиқдилар ва мана кўп йиллар давомида дирижёрлик санъатига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Улар ўз ижодларида М.Ашрафийнинг усулларини давом эттириб келмоқдалар. Профессор Мухтор Ашрафий Ўзбекистонда дирижёрлик мактабининг асосчиси ҳисобланади. У республика мусиқа маданияти учун кадрлар тарбиялаб етиштиришга умрининг 30 йилдан ортиқ даврини бағишлади; М.Ашрафий кўп йиллар мобайнида Тошкент консерваториясининг опера тайёрлови кафедрасига раҳбарлик қилди. 1946 йилдан ўзи бошчилик қилган консерваториянинг опера-симфоник дирижёрлиги синфлари заминида опера студиясини ташкил этади ва ушбу ижрочилик масканида кўпгина талабалар — дирижёр, созанда ва хонандалар — моҳир устозлар раҳбарлигида ўзларининг ижрочилик маҳоратларини ва саҳна маҳоратини ошириб бордилар.

1943-1947 йиллари М.Ашрафий ўзбек опера театри директори ва мусиқа раҳбари; М.Ашрафий ўзбек опера ва балет театрида директорлик, бадиий раҳбар ва бош дирижёрлик лавозимида ишлаган давридаги мусиқали театр фаолияти айниқса диққатга сазовордир. Уруш йилларининг спектаклари бўлмиш О.Чишконинг

"Маҳмуд Торобий", А.Козловскийнинг "Улуғбек" опералари уруш мавзуси билан бевосита боғланмаган. Шу билан бирга, бу асарларнинг ёрқин ватанпарварлик йўналишлари ўша йиллари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этган. Театрда намойиш этилган спектакллар орасида М.Ашрафий ташаббуси билан ўзбек тилида 1944 йилда саҳналаштирилган Ж.Бизенинг "Кармен" операси бирмунча аҳамиятли ҳисобланади. Спектаклга М.Ашрафийнинг ўзи дирижёрлик қилган. 1947-1962 йиллари, 1970-1975 йиллари — Тошкент консерваториясининг ректори ва опера учун кадрлар тайёрлаш кафедрасининг мудири бўлиб ишлаб келди. 1964-1966 йиллари — Самарқанд опера ва балет театри директори, бадиий раҳбари ва бош дирижёри, 1966-1975 йиллари — Алишер Навоий номидаги Академик Катта опера ва балет театри мусиқа раҳбари ва бош дирижёри лавозимларида ишлаган.

М.Ашрафийнинг дирижёрлик фаолияти 1929 йилдан бошланган. У 30-йилларда "Фарҳод ва Ширин", "Ичкарида", "Гулсара", "Аршин мол олан", "Ўтдан парчалар" мусиқали драма ва комедияларидан бошлаб, мураккаб опера партитураларида ҳам дирижёрлик қилган. Рус ва Ғарбий Овропа классик композиторларининг опера ва балет асарларига мурожаат қилиши композиторнинг ижодига самарали таъсир кўрсатди. Бизенинг "Кармен", Вердининг "Аида" опералари, Чайковскийнинг "Щелкунчик", "Франческа да Римини", Минкуснинг "Пахита" балетлари М.Ашрафий томонидан моҳирона дирижёрлик қилинган спектакллардир.

М.Ашрафий ўзбек мусиқа маданиятини оммалаштиришда фақат ўз асарлари ("Улуғ канал", "Бўрон", "Дилором", "Шоир қалби" опералари, "Севги тумори", "Темур Малик", "Жасорат", "Муҳаббат ва қилич" балетлари) ни саҳналаштириш билан чекланиб қолмади, балки А.Ф.Козловскийнинг "Улуғбек", Т.Содиқов ва Р.М.Глиэрларнинг "Лайли ва Мажнун" ва бошқа композиторлар операларини ҳам саҳналаштирди.

М.Ашрафий Душанбе, Қоҳира, Москва опера ва балет театрлари саҳналарида ўз дирижёрлик маҳоратини намойиш этган. У 50-60-йиллари Москва Катта опера ва балет театри директори М.Чулакининг илтимосига кўра айрим классик опера ва балет спектаклларига дирижёрлик қилган; жумладан, М.Ашрафий раҳбарлигида Катта театрда Ирина Архипова иштирокидаги "Кармен" операси намойиш этилган ва томошабинларда катта таассурот қолдирган, бу Ашрафий-дирижёрнинг ижодий маҳоратини

ва юксак техникасининг кўрсаткичидир. М.Ашрафий 1937, 1951 ва 1959 йилларда Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъати ва адабиёти ўн кунлигидаги концертларининг бош дирижёри бўлган. Дирижёрнинг гастрол фаолияти ҳам қизиқарли бўлиб, 50-йилларда симфоник оркестр билан мамлакатнинг турли минтақаларида саҳнага чиққан. У Болтиқбўйи, Шимолий Кавказ, Украина, Ўрта Осиё республикалари, Озорбайжонга қилган ижодий сафарларидаги турли концерт дастурларида дирижёрлик маҳоратини намойиш этган.

М.Ашрафийнинг 60-70 йиллардаги ижрочилик фаолияти мусиқали театр фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. А.Навоий номидаги театр саҳнасида у кўплаб миллий ва мумтоз опера ва балет спектаклларига дирижёрлик қилган. Булар орасида "Зайнаб ва Омон", "Майсаранинг иши", "Зулматдан зиё" опералари, "Балерина" балети ва бошқалар бор. М.Ашрафий 1967 йилда "Спартак" балетини опера ва балет театрида А.Хачатурянниг ўзи иштирокида саҳналаштирди ва дирижёрлик қилди. Ушбу балетнинг Тошкентда қўйилиши композитор ҳаётидаги энг муҳим воқеа бўлиб қолди. М.Ашрафий А.Хачатурян билан Москва консерваториясида ўқиб юрган кезларида дўстлашган бўлиб, кейинчалик дўстлик ижодий ҳамкорликка айланган эди. "Арам Хачатурян" буклети муқовасига қуйидаги дастхат битилган: "Қадрдон Мухтор, "Спартак" учун сенга ташаккур билдираман ҳамда сенга катта истеъдодинг йўлида янги ва янада улкан баркамоллик тилаб қоламан" (М.Ашрафий уй-музейи экспонати). Бу дирижёр М.Ашрафийга муаллиф томонидан берилган юксак баҳодир.

М.Ашрафийнинг дирижёрлик фаолиятидаги яна муҳим саҳифалардан бири — унинг тажрибали дирижёр сифатида чет элларга қилган сафарлари бўлди; унинг Чехословакия, Ҳиндистон, Шри Ланка, Миср, Эрон каби хорижий мамлакатларга қилган сафари ва улар билан мусиқа соҳасида халқаро муносабатлар олиб бориши, мусиқали театр саҳнасида ва симфоник концерт дастурларига дирижёрлик қилиши, М.Ашрафийнинг моҳир ва таниқли дирижёр сифатида тан олинишидан далолат эди.

М.Ашрафийнинг дирижёрлик услуби ўзига хослиги билан ажралиб туради: унинг ҳаракатлари майин чиройли, зарбланиши аниқ ва равон; у чинакам оркестр раҳбари, ҳар бир гуруҳнинг ўз вақтида тушишини; ҳар бир асарнинг характерини созлар ва дирижёр ҳаракатлари мутаносиблигида очишга имкон беради. М.Ашрафийнинг опера ва балет спектаклларидаги мусиқий образлари композитор-дирижёрнинг керакли мусиқа характерини яратишда қўлга киритган

ютуғи деса бўлади. Негаки, дирижёр саҳнадаги воқеликни, тимсолларнинг фаолиятлари, ҳатти-ҳаракатларини, ҳаққоний тасвирлайди, уларни қалб ҳаракати билан уйғунлаштиради. Ҳар бир тимсол дирижёр томонидан самимий, эҳтиросли, ишонарли қилиб тасвир этилган. М.Ашрафийнинг бадиий маҳорати асарнинг мазмуни ва жанридан келиб чиққан ҳолда нафис ва ҳаяжонли ҳаракатлар уйғунлигидадир. Баъзи тимсоллар ўзининг реалистик ва инсоний қуввати билан кишини ларзага солиши дирижёрнинг санъатига боғлиқ. М.Ашрафий — композитор-дирижёр тасвирда жуда нозик меёр туйғуси билан иш кўради ва шу меёр энг чигал ерларда ҳам тўғри ва мусиқага бой тимсолнинг ифодасини топишига имкон беради.

М.Ашрафийнинг характери ва тимсол яратиш тамойилларидан келиб чиқадиган бўлсак, ижодкор бутун маҳорат ва кучини қаҳрамонлар ҳаётидаги ҳаётий кучларни таҳлил қилишга қаратганига гувоҳ бўламиз. Бу дирижёрнинг лиризмга мойиллигидан, қалбида олийжаноблик ва яхшиликка интилиш жуда кучли эканлигидан далолат беради. У яхшиликларни яхшилик орқали кўпайтириш ва тасдиқлашни истайди ва бутун ижодида — композиторлик, дирижёрлик ва мураббийлик фаолиятларида — бунга амал қилади. М.Ашрафийнинг ижоди ўзбек мусиқасидаги жуда катта ижодий изланишларга муносиб ва салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

М.Ашрафий халқ ва давлат олдидаги хизматлари учун 1939 йили Ўзбекистон ва 1951 йили Иттифоқ халқ артисти унвонларига, уч марта Давлат мукофотлари, Ж.Неру (1972) ва Камол Абдул Носир (1973) номли Халқаро мукофотлари лауреати унвонларига сазовор бўлди.

М.Ашрафий 1975 йили Тошкентда вафот этди.

БАФОЕВ МУСТАФО

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, А.Қодирий номидаги Давлат мукофоти лауреати Мустафо Бафоев ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг пешқадам ижодкорларидан бири бўлиб, унинг асарлари Наврўз ва Мустақиллик умумхалқ байрамларида, буюк алломалар таваллуд санасига бағишланган тантаналарда ижро этилиб, кўплаб тингловчилар олқишига сазовор бўлмоқда. Унинг йирик асарлари — "Умар Ҳайём" ва "Ал-Фарғоний" опералари, "Улуғбек буржи" ва "Нодира" балетлари, қатор мусиқали драма ва симфониялари, "Ҳажнома" ораторияси, "Фрескалар" ва "Мақомлар садоси" хор асарлари, "Бухорои-шариф" опера-достони ва "Буюк

ипак йўли" номли янги йўналишдаги мураккаб саҳна-телеасарлари ҳамда "Соҳибқирон" телефильмидаги мусиқа кенг жамоатчилик томонидан тан олинмоқда. Композиторнинг чолғу куйлари ва қўшиқлари тингловчилар орасида шуҳрат қозонмоқда.

Мустафо Бафоев 1946 йилнинг 10 ноябрида Бухоро вилоятининг Когон туманида хизматчи оиласида туғилди. Унда ёшликдан мусиқага қизиқиш пайдо бўлди, 1953-1960 йиллари ўрта мактабда ўқиган даврида мусиқа мактабида ҳам ўқий бошлади. 1960-1964 йиллари ғижжак синфи бўйича Бухоро мусиқа билим юртида таълим олади. 1964-1969 йиллари Тошкент давлат консерваториясининг ўзбек халқ чолғулари факультетида ғижжак синфи бўйича доцент О.Холмуҳамедов ва дирижёрлик синфи бўйича профессор М.Насимовда таҳсил олди. 1969-1970 ва 1971-1972 йиллари М.Бафоев Бухоро педагогика институти мусиқа ва хонандалик кафедрасининг ўқитувчиси сифатида ўзининг меҳнат фаолиятини бошлади. 1970-1971 йиллари у ҳарбий хизматни ўтади. 1972 йилдан М.Бафоев Тошкент давлат консерваториясининг композиция мутахассислиги бўйича профессор Б.Ф.Гиенко синфида таълим олади ва уни 1977 йили муваффақият билан тамомлайди. 1979 йили Б.Ф.Гиенко раҳбарлигида консерваториянинг ассистент-стажерлигини тугатади.

М.Бафоев 1977 йилдан Бухоро мусиқа билим юртида мусиқа назарияси фанлари бўйича ўқитувчи лавозимида ишлайди. Ушбу билим даргоҳида у дирижёрлик бўйича ҳам дарс бера бошлайди. 1979 йилдан М.Бафоев Тошкент консерваториясининг ўзбек халқ чолғулари кафедрасида дирижёрлик синфи бўйича талабаларга дарс беради. Айни вақтда у ўзининг дирижёрлик фаолиятини Д.Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрида бошлайди. Ўша йилларда М.Бафоев ўзбек бастакорлари ва композиторларининг қўшиқ ва чолғу асарларига дирижёрлик қилади. Унинг дирижёрлик маҳорати аста-секин ўсиб боради. М.Насимов ва Д.Зокировлардан дирижёрлик сирларини ва услубларини ўзлаштиради ҳамда ўзининг билими, малакасини ошириб боради.

Айнан шу йиллари ўзбек халқ чолғулари оркестри учун турли жанрларда асарлар яратади. Ушбу асарларда композитор ўзбек анъанавий мусиқаси ва ижрочилик услубларидан ижодий фойдаланади. Шу туфайли оркестр ижрочилигига янги ижро воситалари, жилолари кириб келади. "Тантана" поэмасида Бухоро созандаларининг ижрочилик анъаналарига хос занг усул ва шакллари; оркестр учун концертда (1983) Фарғона водийсида кенг

тарқалган катта ашула ижрочилик услублари; "Бухороча занг" номли оркестр учун концертда (1999) — Бухоро халқ усуллари; "Алпомиш ўлгандан сўнг" номли 8 мусиқали тасвирларда(1999) — Сурхондарё достончилик санъатига хос оҳанг ва ижрочилик услублари маҳорат билан ишлатилган ва оркестр ижрочилик санъатига ўзига хос услуб, шакл ва усуллар янгича талқин этилган ҳолда кириб келди.

Мустафо Бафоев билимга чанқоқ, ўзи билганларидан асло қаноатланмайди. Мусиқани, айниқса, ижодкорлик қирраларини чуқур ва атрофлича ўрганишга интилиб келган композитордир. У ҳамиша изланишда. М.Бафоев оҳангларни, усул, шакл ва техник воситаларни ўзбек анъанавий мусиқасидан, Бухоро "Шашмақоми"дан излаб топиб, ўзининг ижодида қўллаб, оригинал мусиқа асарларини яратмоқда. 80-90-йиллари М.Бафоевнинг композиторлик ижоди юқори поғонага кўтарилди, янги-янги муваффақиятларга эришади. Айниқса, мусиқий саҳна, симфоник, вокал-симфоник, халқ чолғулари ва хор мусиқалари жанрига эътиборини кўпроқ жалб этади. У "Умар Ҳайём" (1987) ва "Ал-Фарғоний" (1998) опералари; "Еттинчи жин" (1983), "Узилган торлар" (1984), "Раджеа" (1987), "Прометей" (1989) каби мусиқали драмалар; Беш дастурли симфониялар (1980-1991), Ҳофиз ғазаллари асосида Симфоник мақом (1978); "Бухоронома" (1977), "Тошкентнома" (1983), "Ҳажнома" (1995), "Зафарнома" (1975) каби ораториялар; Увайсий ғазаллари асосида хор а'капелла учун "Мақомлар садоси" поэмаси ва бошқа асарлар яратди. М.Бафоев ўзбек мусиқа санъатида янгича усулда, яъни, телевидение билан ҳамкорликда телеопера ва телебалет сингари мураккаб жанрларда ҳам ўз кучини синаб кўради ва улкан ютуқларни қўлга киритади, жумладан, "Нодира" (1991), "Улуғбек буржи" (1992), "Мозийдан нур" (1995) телебалетлари Ўзтелерадиокомпанияси қошидаги (ҳозирги "Ўзбекрақс") "Тановор" миллий рақс ансамбли томонидан ижро этилиб, томошабинларга тақдим этилди. "Буюк ипак йўли" номли шоу-балети Самарқандда ўтказилган "Шарқ тароналари" I Халқаро мусиқа фестивалининг (1997) очилиш маросимида намойиш этилди ва томошабинлар томонидан олқишлар билан қабул қилиниб мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди (режиссёр Б.Йўлдошев, балетмейстер Ю.Исматова). Шу туфайли Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган М.Бафоевнинг "Бухороиншариф" телеопера-достони (1997) телевидение орқали намойиш этилди. Ундаги ўзбек халқ чолғулари оркестри, хор, бадиий ўқиш ва хонандалар ижросидаги қўшиқлар кўплаб телетомошабинлар

томонидан қизғин кутиб олинди.

М.Бафоевнинг композиторлик фаолияти 80-йиллардан бошланиб дирижёрлик билан узвий боғланган ҳолда ривож топиб келмоқда. Халқ чолғулари оркестри учун ёзилган асарларига ўзи дирижёрлик қилмоқда. Композиторнинг фикри ва асарнинг тўлиқ маъноси дирижёр М.Бафоев томонидан меъёрига етказилган ҳолда тингловчига тақдим этилади. Унинг дирижёрлик хатти-ҳаракатлари аниқ ва равшан, имо-ишоралари ва техник кўрсатмалари тушунарли. У оркестрга раҳбар, шу туфайли созандалар унинг ҳаракатларини диққат билан кузатиб туришади. Чунки оркестр дирижёри бошқаруви чоғида ҳар бир ифодани ғоят ўринли қилиб "сўзсиз" етказиб беради. Бу композитор ва дирижёр бадиий етуклигининг яққол намунасидир. Композитор ўз асарларида қанчалар муҳаббат дарди, айрилиқ азобларидан зорланмасин, у ҳамиша инсон ва ҳаётни улуғлайди. Композиторнинг мусиқий тимсоли ўз муҳаббатига, айниқса, Ватан муҳаббатига доимо содиқ. Шу туфайли М.Бафоев ўз асарларида тарихий воқеликка, ватани ва халқ тарихига, аждодлари ижодига муттасил мурожаат қилади. Чунки унинг севгучи қалби муҳаббат туйғуларининг Ватанга бўлган садоқати билан мунаввар ҳамдир. Дирижёр Мустафо Бафоев ушбу туйғуларини оркестр садолари ва хонанданинг ижроси орқали тингловчига инсон гўзаллигини ғоят назокат билан ҳис этишга, унинг юксак илҳом ҳамда нафис куйлар билан етказишга интилади.

1986 йилдан Мустафо Бафоев Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги халқ чолғулари оркестрига бадиий раҳбар ва бош дирижёр этиб тайинланади. У оркестрнинг ўзига хос ижро услубларини сақлаб қолиш ва янада ривожлантиришга интилди. Оркестр таркибига янгиликлар киритди, репертуарини бойитди, шу ўтган йиллар давомида жамоани юқори ижро маҳоратига эга бўлган оркестрлардан бирига айлантиришга муваффақ бўлди.

Оркестрнинг ижодий фаолиятида халқ куй ва қўшиқлари, ўзбек бастакорлари ва композиторларининг асарлари билан биргаликда Мустафо Бафоевнинг йирик оркестр-чолғу, вокал-оркестр ва халқ чолғулари оркестри жўрлигида ижро этилишга мўлжалланган махсус опера-достон каби асарлари ҳам алоҳида ўрин тутади. М.Бафоев раҳбарлик қилаётган халқ чолғулари оркестрининг профессионал ижрочилик соҳасидаги эришган улкан ютуқлари сифатида шуни таъкидлаш жоизки, кенг оммага (радио, телевидение орқали ва саҳна чиқишлари, умумхалқ байрамларида қатнашиши) оркестр чолғу мусиқасини тарғибот этишдаги хизматлари беқиёсдир.

Оркестрнинг юксак ижрочилик маҳорати, ранг-баранг дастурлари, таниқли хонанда ва созандалар билан ижодий мулоқоти натижасида Ўзбекистон радиоси олтин фондига магнит тасмалар ёзиш имконияти яратилди. Ёзилган асарлар М.Бафоев дирижёрлиги остида ўзининг профессионаллик жиҳати, сержилолиги, табиийлиги ва сермазмунлиги, бадиий савияси билан ноёб хазинага айланмоқда.

Ўзбек халқ чолғулари оркестрига кўплаб ранг-баранг янги-янги асарлар яратишда М.Бафоевнинг Ўзбекистон бастакорлари ва композиторлари билан изчил иш олиб бориши, ижодий ҳамкорлиги яхши самара бермоқда, мусиқа маданиятимизнинг оркестр ижрочилигида янги саҳифалар очмоқда. Мазкур ҳамкорлик кичик шаклдаги миниатюра ёки қўшиқ жанрларидан тортиб то кантата, оратория, симфония, операгача бўлган диапазон оркестрнинг янги ижро имкониятларини очувчи махсус мусиқа асарларнинг яратилишига сабаб бўлди. Д.Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестри М.Бафоев раҳбарлигида мана бир неча йиллар давомида республикамизда ўтказилаётган халқ чолғулари оркестрлари фестивал ва танловларида фаол қатнашиб, мусиқа жамоатчилиги ва юзлаб тингловчиларнинг олқишларига сазовор бўлмоқда.

Ўзбекистонда мусиқа маданиятини ривожлантиришида кўрсатган катта хизматлари учун Мустафо Бафоев Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби фахрий унвонига (1995) ва А.Қодирий номидаги Давлат мукофотига (1997) сазовор бўлди.

БАҲОДИРОВ НАИЛ

Наил Шарифович Баҳодиров 1951 йил 8 апрелда Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. Унда ёшликдан мусиқага қизиқиш пайдо бўлди. 5-6 ёшда гармошка, кейинчалик баян чалишни ўрганди. Халқ куйларини радио ва грампластинкалар орқали оғзаки тарзда ёдлаб, дўстлари ва қариндошлари орасида ижро этарди. Ўрта мактабда ўқиган йиллари давомида турли кўрик ва фестивалларда қатнашди. Мактабда ўқиш билан бир вақтда Гулистон шаҳри ўқувчилар саройи қошидаги мусиқа мактабига ҳам қатнайди.

1966 йили Тошкент давлат мусиқа билим юртига қабул қилинади. Н.Баҳодиров халқ чолғулари бўлимининг баян синфида ўқитувчи П.А.Николаев ва дирижёрликдан ўқитувчи Т.А.Хомяковлардан таълим олади.

Н.Баҳодировнинг меҳнат фаолияти 1967 йилдан бошланди: у "Октябрь инқилоби" клуби қошидаги мусиқа тўгарагида ва,

айниқса, А.Ф.Волков раҳбарлигидаги вокал тўгарагида жўрнавоз бўлиб ишлагани эсида қолган. Чунки бу тўгаракда ўз вақтида таниқли хонандалар Б.Зокиров, Г.Шин, Ю.Тўраевлар таҳсил олишган.

1970-1972 йиллари ҳарбий хизматни ўтади. 1972 йилдан Гулистондаги мусиқа мактабида ишлаб, ўқувчилар оркестри тузиб унга раҳбарлик қилади. Ушбу оркестрда дирижёрлик услубини амалиётда ўзлаштиради.

1977-1982 йиллари Москва давлат Маданият институтида ўқийди. Институтда Н.Баҳодиров мутахассислик бўйича таниқли созанда, Россия Федерациясида хизмат кўрсатган санъат арбоби В.Н.Лютов, оркестр дирижёрлиги синфи бўйича ўқитувчи С.И.Бутинова, чолғулаштириш фанидан таниқли композитор Э.Н.Артемьевдан таълим олади. Москвада ўқиган йиллари турли концертларда бўлиб, таниқли дирижёрлар ва нуфузли оркестрларнинг чиқишларини томоша қилади. Н.Баҳодиров кўп вақтини турли оркестрлар репетицияларида дирижёрларнинг иш жараёнини кузатиб юрган дамларида ўтказади. Бу ҳам унга маълум даражада мактаб бўлди: у машҳур санъаткорлар билан учрашади, улардан керакли маслаҳатлар олади.

1980 йилдан Гулистон давлат санъат билим юртида ишлай бошлайди. У ерда Н.Баҳодиров ўзбек халқ чолғулари оркестрига раҳбарлик қилиб, ижод ва ижро маҳоратини оширади. Оркестр учун ранг-баранг асарларни қайта ишлайди, ўзи ҳам оркестр учун турли жанрларда асарлар яратади.

1986-1988 йиллари Ўзбек филармониясининг Т.Жалилов номидаги халқ чолғулари оркестрида ишлайди. Бу давр ҳам Н.Баҳодиров учун жуда фойдали бўлди. Профессионал оркестр даражасида унинг табиатини ва имкониятларини чуқурроқ ўрганди, дирижёрлик санъати бўйича малакасини оширди.

1988 йили Н.Баҳодиров раҳбарлик қилаётган Гулистон санъат билим юрти халқ чолғулари оркестри Тошкентдаги "Баҳор" концерт залида концерт дастури билан чиқиб, тингловчилар олқишига сазовор бўлди. 1989 йили оркестр илк бор ўзбек халқ чолғулари оркестрлари фестивалида қатнашди.

1991 йили Гулистон санъат билим юрти халқ чолғулари оркестри Н.Баҳодиров раҳбарлигида Украинанинг Хмельницкий шаҳрида ўтказилган халқ оркестрлари ва ансамбллари Бутуниттифоқ танлов-фестивалида қатнашиб, танловнинг "Гран-при" совринига эга бўлади. Танлов ҳайъати, санъатшунослик фанлари доктори В.Г.Давидов раҳбарлигида Наил Баҳодировнинг дирижёрлик

маҳоратига юксак баҳо беришади.

1994 йили Н.Баҳодиров раҳбарлигидаги Гулистон давлат санъат билим юртининг оркестри Украина Республикасининг Донецк шаҳрида ўтказилган халқ чолғулари оркестрлари ва ансамблларн Халқаро танловида қатнашиб, 1-ўрин ва лауреатлик унвонига сазовор бўлишади.

Гулистон санъат билим юрти халқ чолғулари оркестри Сирдарё вилоятининг Сирдарё, Янгиер, Ширин ва бошқа шаҳарларида ўзининг концерт дастурларини намойиш этиб, томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлмоқдалар. Оркестр ҳар йили Тошкент давлат консерваториясида бўлиб ўтадиган концертларда, масалан, 1999 йили ўзбек халқ чолғулари оркестрлари фестивалида, Ўзбекистон телевидениеси орқали оркестрнинг концерт дастурлари бир неча бор намойиш этилди. Оркестр ва дирижёр ҳамиша изланишда; янги-янги дастурлар тайёрлайди, янги асарларни талқин этиб ўзининг ижрочилик маҳоратини ошириб бормоқда.

Албатта профессионал оркестр билан ўқувчилар оркестрларининг орасида катта фарқ бўлади, Н.Баҳодировнинг ўқувчилар оркестри учун чолғулаштирган асарлари, хор билан ижрочини (ўқувчи) ижрочилик имкониятларини инобатга олган ҳолда акс эттиради. Масалан, бир пультда ўтирган икки созанда ўз ижро имкониятларига қараб ҳар хил овозларни ижро этади, бу эса Н.Баҳодировнинг нафақат умуморкестр партитураси, балки ҳар бир созандани ижро имкониятларидан келиб чиқиб, мусиқий асарларни янада сержило бўлиб эшитилишига яққол мисол бўла олади.

Дирижёр Наил Баҳодиров ўзининг ижрочилик ва педагогик фаолиятини Гулистон давлат санъат билим юртида ёш, истеъдодли кадрлар тайёрлашга, келгусида маънавий баркамол инсонларни тарбиялашга бахшида этмоқда.

ГИНЗБУРГ НОХИМ

Ўзбекистон мусиқа маданиятида 50-йилларда пойтахт театри бўлмиш — Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театри ўзига хос ижодий қиёфаси билан шаклланди. Ушбу театр саҳнасида янги-янги асарлар томошабинларга тақдим этила бошланди. Ижодкорлар янги мавзуларга мурожаат этишиб, замонамизда рўй бераётган ўзгаришларни бадиий воситалар билан ифодалашда катта ютуқларни қўлга киритишди. "Олтин кўл", "Нурхон", "Муқимий", "Ватан ишқи" каби мусиқали драма ва комедия асарларини юзага

келишида мусиқали театр жамоатчилиги улкан ҳисса қўшишга муяссар бўлди. Мана шу йиллари Муқимий номидаги театрга янги ижодкор ёшлар келади, уларни саҳнага олиб чиқиш, ижро маҳоратини эгаллашда театрнинг катта авлод вакиллари ўз маслаҳатларини аямай, анъана ва тажрибаларини ёшларга ўргатиб бордилар. Улар орасида театр санъатида катта ижодий тажрибага эга бўлган бош дирижёр Нохим Гинзбург бўлган.

Нохим Хаимович Гинзбург 1900 йилнинг 17 майида Чернингов вилоятининг Ромни шаҳарида санъаткор оиласида таваллуд топди. Унинг отаси, Хаим Гинзбург, скрипкачи-созанда бўлган ва кўп йиллар давомида скрипка синфи бўйича дарс берган ва театрда дирижёр бўлиб ишлаган. Ёшликдан мусиқага қизиққан Н.Гинзбург биринчи сабоқларни отасидан олади. У реал билим юртида ўқийди ва уни битириб, 1917 йили Киев консерваториясига ўқишга киради. 1919 йили Н.Гинзбургни қизил армия сафига хизматга чақиришади, 1921 йили у ҳарбий дала госпиталида клуб мудири ёрдамчиси сифатида хизмат қилади. Истеъфога чиққандан сўнг Н.Гинзбург дирижёр лавозимида Роменский украин театрида ишлайди. Киев консерваториясини битириб, 1923-1929 йилларда Е.В.Перлов раҳбарлигида оперетта театрида бош дирижёр бўлиб ишлайди. 1928 йили Перлов театри Украина Давлат мусиқали театрига қўшилади ва Н.Гинзбург ушбу жамоада 1931 йилгача мусиқа қисми мудири ва бош дирижёр лавозимида ишлайди. 1931 йилдан у Ростов-на-Дону шаҳридаги мусиқали театрда, 1944 йилдан Киев мусиқали комедия театрида бош дирижёр ва мусиқа раҳбари бўлиб ишлайди.

1950 йилдан Н.Гинзбург Тошкентга юборилади ва Муқимий номидаги ўзбек мусиқали драма ва комедия театрига бош дирижёр этиб тайинланади. Ўн икки йил давомида Нохим Гинзбург Муқимий театри саҳнасида турли мавзудаги мусиқали драма ва комедия спектаклларига дирижёрлик қилади, кўпчилик спектаклларнинг саҳналаштирилишида мусиқа раҳбари сифатида қатнашади. Булар орасида "Арғумон" (1956, Т.Содиқов ва В.Мейен мусиқаси), "Ёрқин йўл" (1951, С.Юдаков), "Сочи оқ қиз" (1952, Б.Гиенко, Г.Собитов), "Олтин кўл" (1952, М.Левиев), "Хуш келибсиз" (1952, Б.Гиенко ва Г.Собитов), "Муқимий" (1953, Т.Жалилов ва Г.Мушель), "Азиз ва Санам" (1955, К.Отаниёзов ва Л.Степанов), "Нурхон" (1952, Т.Жалилов ва Г.Собитов), "Зафар" (1956, П.Раҳимов ва Ҳамид Раҳимов), "Равшан ва Зулхумор" (1957, Т.Жалилов ва Г.Мушель), "Ватан ишқи" (1958, С.Бобоев), "Оқ нилуфар" (1959, П.Раҳимов ва Ҳамид Раҳимов), "Зарафшон қизи"

(1961, Д.Соатқулов), "Қизлар қиссаси" (1955, П.Раҳимов ва Ҳамид Раҳимов), "Жон қизлар" (1963, А.Муҳамедов), "Нодира" (1962-1963, К.Жабборов ва С.Ҳайитбоев) ва бошқалар бор.

Н.Гинзбург Муқимий театрида ишлаган вақтида жамоа олдида турган жиддий масалалардан бири бўлмиш — кенг томошабинлар оммасини ўзбек тилида мумтоз мусиқали театр намуналари ва қардош миллий маданиятларга мансуб мусиқий саҳна асарлари билан таништириш мақсадида театр саҳнасида "Наталка-Полтавка" (Гулак-Артемовский), "Сорочинск ярмаркаси" (М.Мусоргский), "Мовий Дунай олдида" (И.Штраус), "Кото ва Коте", "Ниначи" (С.Цинцадзе) асарларини саҳналаштирди ва ўзи дирижёрлик қилди. Бу бир томондан қардош халқлар ижодига қизиқиш уйғотди, иккинчидан театрнинг ривожланиши, актёрларнинг кўп жиҳатдан профессионал камолотга эришувига ёрдам берди.

Н.Гинзбург актёрларнинг мусиқий маданиятини оширишга ва ижодий кадрлар билан таъминланишига ўз эътиборини қаратди. Шу туфайли театр қошида унинг ташаббуси билан хонандалик мактаби ташкил этилди. Ушбу мактабда ўзининг хонандалик маҳоратларини оширган театр актёрлари орасида С.Пўлатов, Г.Ёқубова, М.Каримова, Ҳ.Умаров, А.Мирзаева, Б.Ихтиёров, Ҳ.Шарипов ва бошқалар Н.Гинзбургдан дарс олишган.

Н.Гинзбург республикамизда дирижёрларни тайёрлашда ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Унинг раҳбарлигида Г.Азимов, Р.Иброҳимов, Г.Тожиев, М.Мадёров, Э.Тошматов каби ёш истеъдодли санъаткорлар дирижёрлик амалиётини ўзлаштирдилар ва кейинчалик консерваторияни битирув давлат имтиҳонларини топширишда аъло баҳо олишга муваффақ бўлдилар.

Н.Гинзбург фаолиятида айрим мусиқали спектаклларни чолғулаштириш, оркестр партитураларини яратилиши билан ҳам боғлиқ бўлди, дастлаб унинг ёрдамида "Олтин кўл", "Зафар", "Қизлар қиссаси", "Оқ нилуфар", "Ишқинг билан", "Зарафшон қизи" ва "Жон қизлар" спектаклларининг партитураларини яратилишида кўмаклашди.

Н.Гинзбургнинг ёрқин, ўзига хос ижоди, юксак ижрочилик маданияти ва билимдонлиги унинг Тошкент театр ва рассомчилик институтида олиб борган педагогик фаолиятида ҳам намоён бўлди. У кўп йиллар давомида мусиқали театр актёрлиги факультетида ўзбек, туркман ва қорақалпоқ гуруҳларига раҳбарлик қилди.

1962 йилдан Н.Гинзбург Ҳамза номидаги Ўзбек Академик драма театрида мусиқа бўлими мудири ва дирижёри сифатида ишлади.

Унинг раҳбарлиги остида Ҳамзанинг "Бой ила хизматчи", Шиллернинг "Мария Стюарт", Гауптманнинг "Қуёш ботишидан олдин", Уйғуннинг "Парвона" каби спектакллари мазмунли ва асарнинг услубига мос мусиқалар билан безакланди ва театр жамоатчилиги томонидан ижобий баҳоланди.

1963 йилдан Н.Х.Гинзбург нафақага чиқади ва кўп йиллар давомида ўзи ташкил этган тиббиёт ходимлари халқ мусиқали театрида бадиий раҳбар ва бош дирижёр бўлиб ишлайди.

Н.Х.Гинзбург кўп йиллик мусиқали театр дирижёри сифатида тажрибага эга бўлган ижодкор ва устоз-мураббий эди. Унинг профессионал дирижёрлик маҳорати Харьков, Одесса, Днепропетровск, Ростов-Дон, Киев мусиқали театрларида шаклланди ва Муқимий номидаги театрда камолотга етди. У ҳаммага ғамхўр ва талабчан ижодкор бўлган. Унинг дирижёрлик техникаси ўзига хослиги билан ажралиб турган, имо-ишораси, хатти-ҳаракати тушунарли ва равон бўлган. Асарнинг белгиларини, руҳини, ўзига хос томонларини, бадиий тимсоллар талқинида мусиқа орқали катта маҳорат билан кўрсатган. Саҳна воқелиги ва оркестр ўртасидаги узвий боғланишларни жуда нозик таҳлил ва тадбиқ эта билган.

Н.Х.Гинзбург 1961 йили Ўзбекистон мусиқа маданияти ривожига қўшган хизмати ва юқори даражадаги ижрочилик маҳорати учун "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" фахрий унвонига сазовор бўлган.

ГОЛЬДМАН НАУМ

Ўзбекистон маданий ҳаётида мусиқали театрнинг фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳозирги кунда улар республикамизда яшаётган барча миллат вакилларининг маънавий юксалишига баракали ҳисса қўшиб келмоқда.

XX асрнинг 20-30-йилларида юзага келган мусиқали театр тарихий аҳамиятга молик шарафли йўлни босиб ўтди. Ушбу театрнинг шаклланишида ўзбек созанда ва бастакорлари, ўзбек томоша санъати намоёндалари ва адиблари, рус композиторлари, режиссёрлари, дирижёрлари ва актёрларининг ҳамкорликдаги фаолияти ўз самарасини берди — ўзбек заминида мусиқали драма, опера ва балет жанрлари шаклланди ва ривож топди. Дарҳақиқат, мусиқали театр ўз вақтида республикамиз маданий ҳаётининг фаол марказларидан бири сифатида ўзбек халқининг эзгу ниятларини бадиий воситалар билан ифодалашда катта ютуқларни қўлга киритди. Ижтимоий ҳаётнинг долзарб масалаларини ёритишда, халқимизни

янги зафарларга чорлашда, миллий руҳдаги ёрқин саҳна асарларини юзага келишида, мусиқали театр жамоатчилиги ҳам улкан ҳисса қўшишга муяссар бўлди. Бу борада Ўзбекистонда бундай вазифаларни амалга оширилишида, мусиқали театр, айниқса, унинг йирик соҳалари бўлмиш мусиқали драма ва опера театри, пойдеворини қуришда, унинг ривожланиши ва камол топишида барча миллат вакилларининг мусиқа санъати намоёндалари катта ҳисса қўшганлар. Улар орасида дирижёр Наум Гольдманнинг ҳиссаси ҳам улкан. 40-50-йилларда ўзбек опера театрида кўпгина мумтоз опера спектакларига, Ўзбекистон композиторларининг операларига дирижёрлик қилиб, мухлислар орасида номи чиққан ижодкорлардан бири бўлган, Н.Гольдман 20 йилдан ортиқроқ давр мобайнида А.Навоий номидаги Катта опера ва балет театрида дирижёр бўлиб хизмат қилди. Тошкентга келишидан олдин 25 йил Одесса, Куйбишев ва Саратов опера театрларида ишлаган. Унинг дирижёрлик маҳоратининг ўсишида ўша даврда номи чиққан таниқли дирижёрлар — Позен, Прибин, Палицин, Павлов-Арбенин ва Стеллерманларнинг хизматлари катта бўлган. Кўп йиллик дирижёрлик фаолиятида Н.Гольдман ўзига хос ижрочилик услубларига эга бўлди, айниқса, дирижёрликка хос хусусиятлар (мануал техникаси), мусиқий дид; у ижро этилаётган мусиқа асарининг ички мазмунига катта аҳамият бериб келган; шу туфайли ҳар бир мусиқий мисранинг ифодаланиши ва қиёфасига, унинг нутқли таъсирчанлигига аҳамият берган. Наум Гольдман серқиррали ижодкор, катта тажрибага эга бўлган дирижёр эди. У ўзининг улғайган ёшига қарамай юксак ижрочилик маҳоратини сақлаб қолган. 60-70-йиллари Тошкент давлат консерваториясининг опера студиясида ишлаган вақтида, барча ёш ижрочилар ва талабалар унинг фикр юритишига, оркестр ва хонандалар билан ишлашига ва, айниқса, нозик ва нафис дирижёрлик хатти-ҳаракатларига тан беришади. У ҳамиша ёшларга меҳрибон мураббий-устоз эди.

Наум Абрамович Гольдман 1896 йилнинг 23 июлида Киев шаҳрида таваллуд топди. 1913 йили Киев гимназиясини тугаллаб, Киев консерваториясига ўқишга қабул қилинади. Аммо биринчи жаҳон урушы туфайли, уни армия хизматига сафарбар қилишади; фронтда у 1918 йилгача хизмат қилади. 1918 йилдан Н.Гольдман 1-Сибир тоғ-отлиқ дивизияси сафида дамли чолғулар оркестри капельмейстери лавозимида хизматни ўтади. 1918 йилнинг охирида заҳирага чиққан Н.Гольдман Киевга қайтиб келади ва Лисенко номидаги Киев мусиқа институтида дирижёрлик факультетида

ўқийди. Шу билан бир вақтда дирижёр бўлиб опера студиясида Л.П.Штейберг раҳбарлигида ишлайди. 1918-1920 йиллари Н.Гольдман ўқиш билан бир вақтда Киев ҳарбий округи Сиёсий бошқарувида мусиқа секцияси мудири, кейинчалик умуман санъат бўлими мудири сифатида хизмат қилади.

1921 йили ўқишни тугаллаб, Житомир шаҳридаги опера театрига дирижёр сифатида йўлланма олади ва у ерда 1923 йилгача ишлайди. 1923 йилдан бошлаб Н.Гольдман Украина ва Россиянинг турли шаҳар опера театрларида дирижёр бўлиб ишлайди: 1923-1925 йиллари — машҳур Одесса опера театрида, 1925-1927 йиллари — Харьков опера театрида, 1927-1928 йиллари — Ростов ва Краснодар опера театрларида, 1929-1931 йиллари — Саратов опера театрида. 1931 йилдан Н.Гольдман яна Одесса опера театрида дирижёр лавозимида хизмат қилади ва шу билан бир вақтда Одесса консерваториясида дирижёрлик синфи бўйича дарс беради. Одесса театрида унинг дирижёрлик маҳорати ошиб боради, у турли мавзудаги ва услубдаги опера ва балет спектаклларига дирижёрлик қилади, машҳур ижрочилар билан ишлайди. Одесса опера театрида "Князь Игорь", "Борис Годунов", "Мазепа", "Тоска", "Аида" каби операларга дирижёрлик қилади.

1941 йили уруш туфайли Н.Гольдман Одесса театри билан Олма-отага эвакуация қилинади ва ўша йили Тошкентга келади. Шу йилдан бошлаб Н.Гольдманнинг Ўзбекистон мусиқали театрларидаги дирижёрлик фаолияти бошланади.

1941-1946 йиллари Наум Гольдман Тошкентдаги рус опера ва балет театрида бош дирижёр, 1946 йилдан ўзбек опера театрида, 1948-1968 йиллари Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театрида дирижёр (1956 йилдан — бош дирижёри) лавозимида ишлайди. 1948 йилдан бошлаб унинг Тошкент давлат консерваториясида педагогик фаолияти бошланади. У кўпроқ хонандалар билан дарс ўтган ва консерватория опера студиясида дирижёр ва курс раҳбари сифатида фаол ишлаган. Рус ва ўзбек опера театрларида у турли йилларда жаҳон мумтоз операсига мансуб спектаклларни саҳналаштирган ва ўзи дирижёрлик қилган. 40-50-йиллари Н.Гольдман томонидан Тошкент опера театрида А.Бородининг "Князь Игорь", М.Мусоргскийнинг "Борис Годунов", А.Рубинштейннинг "Демон", П.Чайковскийнинг "Мазепа", И.Дзерженскийнинг "Тинч Дон", Т.Хренниковнинг "Бўронда", Р.Леонкаваллонинг "Масхарабозлар", Д.Пуччинининг "Тоска", Э.Направникнинг "Дубровский", Д.Пуччинининг

"Турандот", Д.Вердининг "Трубадур", Ж.Бизенинг "Кармен" ва "Марварид қидирувчилар" каби операларига дирижёрлик қилди; Н.Гольдман шу йиллари айрим балет спектаклларини ҳам саҳналаштирди — Р.Глиэрнинг "Мис чавандоз" ва "Қизил гул", М.Чулакининг "Ёшлик", П.Чайковскийнинг "Оққуш кўли". Н.Гольдман ўзининг ижодий фаолиятини педагогик ишлари билан боғлаб олиб борган. У юқори педагогик фазилатлари билан бир вақтда саҳнани ўткир сезиш қобилиятига эга бўлган. Ўзининг мураббийлик қобилияти билан ўзбек театри ва консерваторияда ёш истеъдодли хонандаларни тарбиялашда бор билими ва тарбиясини аямади. У, айниқса, ўзбек хонандаларининг жаҳон мумтоз опера санъатини эгаллашига ёрдам бериб келди ва ҳамиша уларга ғамхўрлик қилди. Н.Гольдман А.Навоий номидаги Катта опера ва балет театрида ишлаган йиллари театр репертуарини кенгайтиришга, ўзбек ва рус ижрочиларининг ижодий ҳамкорлигини таъминлашга интилди. 40-йилларнинг охирида ва 50-йилларнинг бошларида театр олдида турган жиддий масалалардан бири кенг миллий томошабинлар учун мумтоз опера намуналарини ўзбек тилида саҳналаштириш ва уларни қардош миллий мусиқа санъатига мансуб асарлар билан таништириш бўлди. Ушбу вазифа кўп йиллик тажрибага эга бўлган ижодкор Наум Гольдман зиммасига тушди. У опера театри саҳнасида ўзбек тилида П.И.Чайковскийнинг "Пиковая дама" ва "Евгений Онегин" (1947 ва 1948 йиллари), Ж.Бизенинг "Кармен" ва "Марварид қидирувчилар" (1944 ва 1956 йиллари) операларини қўйди ва ўзи уларга дирижёрлик қилди. Бу унинг Ўзбекистондаги мусиқали театр соҳасидаги катта ютуғи бўлди. Консерваториянинг опера студиясида Н.Гольдман раҳбарлигида С.Рахманиновнинг "Алеко", В.А.Моцартнинг "Фигаронинг уйланиши", С.Юдаковнинг "Майсаранинг иши" ва бошқа асарлар саҳна юзини кўрди.

Н.Гольдманнинг репертуарида Ўзбекистон композиторларининг опера асарлари ҳам муҳим ўрин олган. Н.Мироновнинг "Суворов" (1944), Т.Жалилов ва Б.Бровцинларнинг "Тоҳир ва Зуҳра"(1949), А.Козловскийнинг "Улуғбек" (1958), С.Юдаковнинг "Майсаранинг иши" (1969) каби асарлари шулар жумласидандир. Н.Гольдманнинг Тошкентда рус опера ва балет театри саҳнасида биринчи қўйган ва дирижёрлик қилган асари М.Глинканинг "Иван Сусанин" (1942) операси бўлди. У ўзининг дирижёрлик фаолиятида 100 дан ортиқ опера ва балет спектаклларига дирижёрлик қилган ва 40 дан ортиқ асарларни саҳналаштирган.

1944 йили Наум Абрамович Гольдман Ўзбекистон ҳукумати

томонидан тақдирланиб "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби" фахрий унвонига сазовор бўлди. У бутун ҳаётини ва ижодини мусиқа санъатига бағишлаб, ўзининг серқирра фаолияти билан Ўзбекистон мусиқа маданиятини ривож топишига катта ҳисса қўшган.

У 1981 йили Тошкентда вафот этди.

ГУЛЗАРОВ ЮНУС

Гулзаров Юнус Алиевич 1953 йилнинг 23 апрель куни Томск шаҳрида туғилган. Ёшлигида мусиқага қизиқиш пайдо бўлди. Бошланғич мусиқа таълимини Фарғона шаҳрида 1-сонли болалар мусиқа мактабида кларнет синфи бўйича Г.Э.Пфаудан олган. 1969 йили Фарғона санъат билим юртига ўқишга киради. У ерда Ю.Гулзаров кларнет мутахассислиги ва дамли чолғулар оркестри дирижёрлиги бўйича Ефим Михайлович Гуляевдан таълим олди. Билим юртида ўқувчилар ўқув симфоник оркестрига қатнаб, ансамбл ижрочилиги ва дирижёрлик сабоқларини ўзлаштирди. Шу йиллари унда яккасоз ижрочиликка ҳам қизиқиш пайдо бўлади. Е.М.Гуляев ёш ўқувчиларга дирижёрлик асосларини ўргатар экан, унга оркестрга раҳбарлик қилиш ва айниқса, созларнинг жамоа таркибида умумий товушини тинглашга, партитура билан ишлашга ўргатиб келди.

1970 йилдан бошлаб Юнус Гулзаров Фарғонадаги офицерлар уйи қошидаги Биг-Бенд туридаги эстрада оркестрида созанда ва дирижёр сифатида меҳнат фаолиятини бошлайди. Оркестр Фарғонанинг турли саҳналарида концертлар билан қатнашиб келган. Фарғона санъат билим юртида Степан Сергеевич Гавриловдан дирижёрлик бўйича олган сабоқларини эстрада оркестри билан чиқишларида ўзлаштириб, такомиллаштириб борди.

1973 йили билим юртини битириб, Юнус Гулзаров шу йили Тошкент давлат консерваториясига доцент Карим Азимов синфига кларнет чолғуси бўйича ўқишга киради. Ажойиб инсон, моҳир созанда ва етук устоз сифатида К.Азимов ўз шогирдига ижро услубларини профессионал даражада мукаммал эгаллашда ёрдам берди. Талабалар оркестрида Ю.Гулзаров дирижёрлик маҳорати устида қунт билан ишлади. Тошкент давлат консерваториясини битиргач, Москвага ҳарбий хизматни ўташ учун боради. Хизматни у собиқ СССР Мудофаа вазирлигининг Биринчи Алоҳида Намунали оркестрида ўтди. Ушбу оркестрда бир ярим йил ҳарбий хизмат фаолиятида Ю.Гулзаров яккасоз-кларнетчи ва дирижёр сифатида

маҳоратини ошириб борди.

1980 йили Тошкентга қайтиб, "Наво" вокал-чолғу ансамблида мусиқа раҳбари ва бир йилдан кейин Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юртида ўқитувчи лавозимида ишлайди. Юнус Гулзаров 15 йил билим юртида эстрада оркестрига раҳбарлик қилди, ушбу оркестр таркибида Биг-Бенд шаклида эстрада жамоасини ташкил этади. Ю.Гулзаров раҳбарлигида оркестр ўз чиқишлари билан Тошкентда муваффақият қозонган, у тез-тез радио ва телевидение орқали ўз концерт дастурларида классик ва замонавий асарлар билан чиқишлар қилган.

1993 йили Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Алоҳида Намунавий-Кўргазмали ҳарбий оркестрида яккахон-созанда лавозимида хизмат қилади ва бир неча ойдан кейин Ю.Гулзаров Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ашула ва рақс ансамбли бошлиғи ва бадиий раҳбари этиб тайинланади. Ҳозирги кунгача ансамбл капитан Юнус Гулзаров раҳбарлигида "Ўзбекистон — Ватаним маним" қўшиқ танловида, Мустақиллик, Наврўз, Ватан Ҳимоячилари кунларига бағишланган байрам концертларида муваффақият билан қатнашиб тингловчилар олқишига сазовор бўлиб келмоқда.

Юнус Гулзаров ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Чегара қўшинлари ашула ва рақс ансамблининг бошлиғи бўлиб хизмат қилмоқда.

ДАВИДОВ АНАТОЛИЙ

Давидов Анатолий Ильич 1921 йилнинг август ойида Краснодар ўлкасининг Ейск шаҳрида туғилган. Отаси 1942 йили урушда ҳалок бўлган. А.Давидов ўрта мактабни 1938 йили Ростов-Дон шаҳрида тугатгач, скрипка синфи бўйича мусиқа билим юртига ўқишга киради. У 1942 йили оила аъзолари билан Ереван шаҳрига эвакуация қилинади ва консерваторияда скрипка синфи бўйича ўқий бошлайди. Бир йилдан кейин опера-симфоник оркестри дирижёрлиги бўлимида ўқиб, профессор К.Н.Сараджев синфида таълим олади. Бир вақтда А.Давидов Ереван опера ва балет театрида созанда ва дирижёр бўлиб ишлайди. 1948 йили Львов консерваториясининг дирижёрлик бўлимида профессор Брагинский синфини муваффақиятли тугатади ва унга опера ва симфоник оркестри дирижёри малакаси берилади.

1951-1957 йиллари Пермь опера ва балет театри дирижёри, 1957-1961 йиллари эса Қозоғистон давлат симфоник оркестри ва Қозоғистон радиоси қошидаги симфоник оркестр дирижёри. 1961

йилдан Тошкент консерваториясининг халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги мутахассислиги бўйича талабаларга таълим беради. 30 йиллик педагогик фаолиятида унинг қўли остида 40 дан ортиқ битирувчилар дирижёрлик санъатидан таълим олиб, кейинчалик ушбу соҳа бўйича ишлаб келмоқдалар. А.Давидов опера тайёрлови кафедрасида еттита хонандага, жумладан, О.Кучликовага ва дирижёрлик бўйича А.Одилов, Ф.Васильев, Ғ.Қўчқоровларга таълим берган. Тошкент консерваториясида ишлаган йиллари бир неча марта дирижёр сифатида Львов, Пермь, Саратов, Ялта, Кисловодск, Кишинев, Бишкек, Оржоникидзе, Одесса, Олма-ота шаҳарларида гастролларда бўлиб, рус ва Ғарбий Овропа классик композиторларининг симфоник асарларига дирижёрлик қилган. 1983 йили уни Тожикистон Республикаси С.Айний номидаги опера ва балет театрига таклиф этишади. Ушбу театрда А.Давидов йил давомида П.И.Чайковскийнинг "Пиковая дама", "Евгений Онегин", Д.Вердининг "Отелло" опералари ва П.И.Чайковскийнинг "Оққуш кўли" балетига дирижёрлик қилиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлади.

1993 йилгача А.Давидов Тошкент давлат консерваториясида фаол хизмат қилиб келди. Унинг илмий-ижодий ишлари орасида "Ғижжак-альт учун дарслик"(Тошкент, Ўқитувчи, 1972) китоби мавжуд. У кўп йиллар давомида халқ чолғулари оркестри ва фортепиано учун кўпгина асарларни қайта ишлаган.

А.Давидов ўзининг кўп йиллик ижрочилик ва педагогик фаолиятида консерваториянинг ўқитувчи ва талабалари орасида ҳурмат қозонган санъаткор ҳисобланади.

ДОНИЯХ ГЕОРГИЙ

Ўзбекистон мусиқа маданиятида 40-йиллар ўзига хос шаклланиш ва ривожланиш даври бўлди десак бўлади. Шу йиллари композиторлик ижодиётининг йирик мусиқа жанлари — мусиқали драма, опера ва симфоник мусиқа ривож топади. Ўша йилларда дирижёрлик пультига тобора кўпроқ истеъдодли дирижёрлар чиқа бошладилар. Турли мусиқали театрларда симфоник оркестрлар ташкил этилиб, уларга истеъдодли дирижёрлар ва созандалар жалб этилди. Созанда ва дирижёр Георгий Дониях худди шу даврда ўзбек мусиқа санъатига кириб келди. Унинг кўп йиллик дирижёрлик фаолияти Ўзбекистонда опера ва балет ижодиёти билан боғлиқ бўлди. Уруш йиллари Ўзбекистонга келган санъаткор ўз умри ва ижодининг талайгина қисмини шу заминга бағишлади.

Георгий Анатольевич Дониях 1914 йилнинг 28 февралида Астрахан шаҳрида таваллуд топди. У ёшликдан мусиқага қизиқиб, мустақил равишда мусиқа саводини чиқарди ва турли чолғуларда чалишни ўзлаштиради. Ўрта мактабни тугатгач, Г.Дониях оила аъзоларининг маслаҳати билан Астрахан техник саноат ва ишчи хўжалиги институтига ўқишга киради (1932 йили) ва уни 1937 йили муҳандислик дипломини олган ҳолда битиради. Аммо у ёшликдан профессионал созанда бўлишга интилган ва шу мақсадда институтда ўқиган йиллари Астраханда ташкил этилган симфоник орксетр ва мусиқали театр оркестрида созанда сифатида ишлайди. 1936 йили Г.Дониях, техника институти дипломанти, Саратов консерваториясига скрипка синфи бўйича ўқишга киради. Шу йиллари унда дирижёрлик санъатига ҳам қизиқиш тобора ўсиб борди. Уни профессионал даражада эгаллаш ва ўзлаштириш мақсадида Г.Дониях Ленинградга кўчиб кетади ва Ленинград консерваториясининг дирижёрлик факультетига қабул қилинади. 1939 йили ўзини ўқишда аъло даражада кўрсатгани учун Давлат стипендиясига сазовор бўлади. Шуни қайд этиш керакки, Г.Донияхни талабалик йиллари ижрочилик-меҳнат фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган. 1930-1933 йиллари у Астрахан симфоник оркестрида созанда скрипкачи ва концертмейстер, 1933-1936 йиллари Саратов мусиқа мактабида скрипка чолғуси бўйича ўқитувчи ва мактаб директори, 1939-1941 йиллари Ленинград консерваторияси опера студиясида дирижёр сифатида ишлайди.

1941 йили Ленинград консерваторияси уруш туфайли Тошкентга эвакуация қилинади ва Г.Дониях ўқишни Тошкентда давом эттиради, у айни вақтда Тошкентдаги рус опера ва балет театрида дирижёрлик фаолиятини ҳам бошлайди. Ленинград консерваториясини битиргандан кейин, Г.Дониях доимий ишлаш учун Ўзбекистонда қолади ва унинг ижодий ижрочилик фаолияти ўзбек мусиқали театри заминида ўтади. 1941-1948 йиллари у рус опера ва балет театри дирижёри лавозимида, 1942 йилдан бошлаб Ўзбек Давлат филармонияси симфоник оркестри дирижёри лавозимида ҳам ишлайди. 1944 йилдан Тошкент давлат консерваториясида махсус дирижёрлик ва оркестр синфи раҳбари сифатида ўзининг педагогик фаолиятини ҳам бошлайди. 1948 йилдан бошлаб Георгий Дониях Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театри бош дирижёри этиб тайинланади.

Г.Дониях мусиқа санъати ва билимига ташна бўлган ижодкор бўлган, у ҳамиша ўз устида ишлаб келган. Ҳар бир асарни қунт

билан ўрганган, машҳур дирижёрлар фаолияти билан қизиққан ва улар билан мулоқотда бўлган, уларнинг маслаҳатлари билан иш юритган. 1946 йили Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ дирижёрлар кўригида қатнашиб, Фахрий дипломга сазовор бўлган.

Георгий Дониях ўзбек мусиқали театрлари ривожига катта ҳисса қўшган санъаткордир. 1943 йили Ўзбекистон Ҳукумати тавсияси билан Г.Дониях Тошсовет номидаги ва Муқимий номидаги ўзбек мусиқали театрлари маслаҳатчиси ва кейинчалик бош дирижёри этиб тайинланган. У кўпгина ўзбек мусиқали драма, опера ва балет спектаклларига дирижёрлик қилган. Ўша давр мобайнида у турли симфоник концертларда иштирок этиб, симфоник оркестр репертуарини замонавий, айниқса, Ўзбекистон композиторлари асарлари билан бойитган. У Тошкентда бўлиб ўтган Ўрта Осиё ва Қозоғистон симфоник мусиқаси кунлари қатнашчисидир (1943-1944 йиллар). Уруш йиллари Г.Дониях ташаббуси ва бевосита иштирокида Тошкентда илк бор терма мусиқали спектакл-концертлар томошабинларга тақдим этилди. У 40-йилларда яратилган мусиқали спектаклларга дирижёрлик қилган, жумладан, "Офтобхон", "Нурхон", "Даврон ота", "Қурбон Умаров", "Ўзбекистон қиличи". Унинг ижрочилик-дирижёрлик фаолиятида замонавий ва мумтоз опера ва балет спектаклари асосий ўрин олган: Н.Мироновнинг "Суворов", Г.Кабалевскийнинг "Бўронда", И.Дзерженскийнинг "Тинч Дон", О.Чишконинг "Потемкин Броненосец" ва "Маҳмуд Торобий", А.Козловскийнинг "Улуғбек", Б.Асафьевнинг "Боқчасарой фонтани" ва бошқалар.

1948 йилдан бошлаб Г.Дониях Алишер Навоий номидаги театрда кўпгина опера ва балет спектаклларига раҳбарлик қилди ва шу туфайли Ўзбекистонда мусиқали театрни ривожлантириш, уни янги мазмун, янги мусиқали театр воситалари билан бойитишга катта ҳисса қўшди. Унинг фаолияти Ўзбекистонда дирижёрлик таълими билан ҳам боғлиқ, у 1944 йилдан Тошкент давлат консерваторияси доценти сифатида фаол хизмат қилди.

Георгий Дониях 1950 йили "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби" унвонига сазовор бўлди.

50-йилларнинг ўрталарида Г.Дониях Ленинградга кўчиб кетади ва у ерда В.Андреев номидаги Академик рус халқ чолғулари оркестрида дирижёр ва Ленинград Маданият институтида ўқитувчи сифатида ўз фаолиятини давом эттиради.

ЁҚУБЖОНОВ ФАЗЛИДДИН

Фазлиддин Ёқубжоновнинг дирижёрлик фаолияти кўп йиллар давомида Самарқанд опера ва балет театри билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу театрда унинг ижрочилик маҳорати ва ижодий фаолияти улкан чўққиларга эришди.

Фазлиддин Ёқубжонов 1945 йилнинг 18 октябрида Самарқанд шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топди. Ф.Ёқубжонов 1952-1962 йиллари Самарқанд шаҳар 10-сон ўрта мактабида ўқийди. 1962-1966 йиллари у Самарқанд мусиқа билим юртида хор дирижёрлиги бўлимида, Л.И.Сидорова синфида таълим олади. 1964 йили Самарқанд шаҳрида Ўзбекистонда иккинчи опера ва балет театри очилади. Ф.Ёқубжонов мусиқа билим юртида ўқиб юрган вақтида театр хорида ўзининг меҳнат фаолиятини бошлаган. Ўша йиллари театрнинг директори ва бош дирижёри бўлиб Мухтор Ашрафий ишлаган эди. М.Ашрафийнинг дирижёрлик санъати ёш Фазлиддинда дирижёрликка бўлган ҳавасни яна ҳам уйғотди. У соатлаб М.Ашрафийнинг дирижёрлик ишларини кузатиб турар ва ўша вақтларда унда симфоник оркестр дирижёри бўлиш орзуси пайдо бўлади.

1966 йили Фазлиддин Ёқубжонов Тошкент давлат консерваториясининг хор дирижёрлиги факультетига ўқишга қабул қилинади. У ушбу санъат маҳоратларини доцент И.Ф.Кальницкая синфида эгаллаб боради. Аммо симфоник дирижёрликка бўлган қизиқиш Ф.Ёқубжоновни консерваториянинг опера-симфоник дирижёрлиги мутахассислигига олиб келди. У моҳир дирижёр, истеъдодли композитор ва улуғ устоз-мураббий Мухтор Ашрафий синфида таҳсил олади. Партитураларни ўқишда ва синф дастурларини тайёрлашда Ф.Ёқубжоновга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор С.(Қ.)Усмонов ёрдам беради.

1971 йили Ф.Ёқубжонов хор дирижёрлиги факультетини битиради ва 1971-1972 йиллари ҳарбий хизматни ўтади. Ҳарбий хизматни тугатгач, у консерваториянинг опера-симфоник дирижёрлиги мутахассислиги бўйича ўқишни давом эттиради. 1973 йили М.Ашрафий тавсияси билан Фазлиддин Самарқанд опера ва балет театрига дирижёр сифатида ишга юборилади. Ўша вақтларда театрда миллий операларни саҳналаштирувчи дирижёр йўқлиги сабабли ушбу лавозимни 4 курс талабаси бўлмиш Фазлиддин Ёқубжоновга ишонч билан топширилади. Бу ундан катта масъулият талаб этди. Чунки синфда устоз раҳбарлигида дирижёрлик қилиш

осон, устоз камчиликларни кўриб, йўл-йўриқлар кўрсатиб туради. Лекин, театрнинг симфоник оркестри олдида туриб спектаклга дирижёрлик қилиш ўзига хос билим, куч ва иродани талаб этар эди. Ф.Ёқубжонов кўп меҳнат қилиб, ҳар бир партитурани изчиллик билан ўрганди, устоз маслаҳати билан оркестр ва солистлар, балет ва хор билан ишлаш қонуниятларини ўзлаштирди. Аста-секин ижрочилик маҳоратини ўстириб, ижрочи ва ижодкор сифатида ўз тажрибасини такоммиллаштириб борди. Театр ишлари ва ўқиш жараёни мутаносибликда ўтар эди. Ф.Ёқубжонов Тошкент давлат консерваториясини иккинчи марта 1976 йили битириб, Самарқанд опера ва балет театрига дирижёр сифатида йўлланма олади.

Шу йилдан бошлаб Фазлиддин Ёқубжонов мустақил равишда турли спектакларга мусиқа раҳбари сифатида фаол қатнашади. Унинг репертуари бойиб боради — булар классик опералар ва балетлар бўлиб, асосий ўринни ўзбек композиторларининг асарлари эгаллаб келди.

Ижрочилик маҳоратини ошириш мақсадида Ф.Ёқубжонов Маданият ишлари вазирлиги йўлланмаси билан Киев Академик опера ва балет театрига стажировкага юборилади. Икки йил мобайнида таниқли дирижёр, СССР халқ артисти, профессор Стефан Васильевич Турчак раҳбарлигида Фазлиддин Ёқубжонов мусиқали театр дирижёрлиги санъатини янада чуқурроқ ўзлаштиради, спектакларни саҳналаштириш ва раҳбар бўлиб бошқариш сирларини мукаммал ўрганади. Ажойиб инсон, таниқли дирижёр С.В.Турчак ҳақиқий мураббий сифатида ўз маслаҳатлари билан Фазлиддинга айрим спектакларга ёрдам бериб келди. Икки йиллик стажировка даврида Ф.Ёқубжонов Киев Академик опера ва балет театрида 20 дан ортиқ спектакларга дирижёрлик қилди, жумладан, П.И.Чайковский-нинг "Оққуш кўли" ва "Щелкунчик" балетлари; Ж.Вердининг "Травиата"; М.П.Мусоргскийнинг "Борис Годунов" опералари ва бошқалар. Киевда бўлган вақтида Ф.Ёқубжонов таниқли опера ва балет артистлари, режиссёрлари ва дирижёрлари билан кўп марта мулоқотларда бўлди. Театрдан ташқари Киев консерваториясининг дирижёрлик факультети профессорларининг дарсларида ҳам қатнашиб, дирижёрлик техникасини ва замонавий опера, балет ва симфоник мусиқаси партитуралари билан мукаммал танишди. Унинг дирижёрлик маҳорати ҳам ўсиб борди.

Киевдан қайтгач, Фазлиддин Ёқубжонов 1982 йилнинг январ ойидан Самарқанд опера ва балет театрига бош дирижёр лавозимига

тайинланди. Ўн йил ичида Ф.Ёқубжонов саҳналаштирувчи дирижёр сифатида турли мазудаги опера, балет, мусиқали драма ва оперетталарга раҳбарлик қилди. Унинг репертуари борган сари бойиб борди. Фазлиддин Ёқубжонов 1973 йилдан ҳозиргача 40 дан ортиқ мусиқали театр асарларини саҳналаштирувчи-дирижёр сифатида фаолият кўрсатиб келади, шунингдек, моҳир дирижёр сифатида мухлисларнинг олқишига сазовор бўлди. Булар орасида Ж.Вердининг "Травиата" ва "Риголетто", Россинининг "Севилиялик сартарош", Леонкавалонинг "Масхарабозлар", М.Мусоргскийнинг "Борис Годунов", М.Ашрафийнинг "Дилором" ва "Шоир қалби", С.Юдаковнинг "Майсаранинг иши", С.Бобоевнинг "Ҳамза" ва "Ёрилтош", Т.Жалилов ва Б.Бровцинларнинг "Тоҳир ва Зуҳра", Н.Зокировнинг "Уйғониш", Р.Абдуллаевнинг "Садоқат" операларари; П.И.Чайковскийнинг "Уйқудаги малика", "Оққуш кўли", "Щелкунчик", Аданнинг "Жизель", Минкуснинг "Дон Кихот", М.Юсуповнинг "Гулсанам", Г.Мушелнинг "Самарқанд афсонаси", М.Равелнинг "Болеро" балетлари; Т.Жалилов ва Г.Мушелларнинг "Алпомиш" ва "Равшан ва Зулхумор", Ф.Алимовнинг "Нодирабегим" мусиқали драмалари; И.Штрауснинг "Учар сичқон", Ф.Легарнинг "Қувноқ аёл" оперетталари бор.

Фазлиддин Ёқубжонов Ўзбекистонда мусиқали театр ривожи ва дирижёрлик ижрочилигига қўшган ҳиссаси учун 1992 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби фахрий унвонига сазовор бўлди.

ЖИВАЕВ ЕВГЕНИЙ

Ўзбекистон эстрада мусиқаси ривожида Евгений Живаевнинг ҳиссаси салмоқли ўринни эгаллаб келган. У кўп йиллар давомида ўзбек эстрадаси қошида эстрада оркестрига дирижёрлик қилиб, миллий руҳдаги жаҳон эстрада мусиқаси билан боғланган ҳолда замонавий эстрада қўшиқчилигини юзага келишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Живаев Евгений Петрович 1937 йилнинг 22 майида Новосибирск шаҳрида бухгалтер оиласида туғилди. Унинг отаси, Живаев Петр Григорьевич, бутун умрини ҳарбий хизматга бағишлаганлиги учун Евгений Живаевнинг болалик чоғи турли шаҳарларда ўтди; масалан урушдан кейинги йиллари у оиласи билан Германияда бўлди. 1951 йили Живаевлар оиласи Тошкентга кўчиб келишади ва ўша йили Евгений В.Успенский номидаги махсус мусиқа мактабига қабул қилинади. Мактабни 1956 йили мусиқа назарияси бўлими бўйича

битириб, шу йили Тошкент давлат консерваториясининг мусиқа тарихи ва назарияси факультетига қабул қилинади. Аммо ёшликдан ижрочилик фаолиятига қизиққан Е.Живаев 1956 йилдан Тошкент Офицерлар уйи қошидаги оркестрда аввало пианиночи сифатида, кейинчалик оркестр раҳбари бўлиб ишлай бошлайди.

Талабалик йилларида бошлаган меҳнат фаолияти дирижёрлик билан боғлиқ бўлганлиги ҳамда шу соҳа бўйича мутахассис бўлиш иштиёқи Е.Живаевни яна ўқишга етаклайди. У 1968 йили иккинчи марта консерваториянинг хор дирижёрлиги факультетига ўқишга кириб, уни 1973 йили Р.Е.Хубларов синфида тамомлайди. У келгусида ўқитувчилик фаолият билан шуғулланиш кайфиятида ўзининг бўш вақтларини мумтоз хор адабиётини ўрганишга бағишлаб, ўриндошлик асосида 10 йил жўрнавоз ва ўқитувчи бўлиб, хор дирижёрлиги кафедрасида ишлайди. Кафедрада ишлаган йиллари у "Хор дирижёрлиги", "Хор аранжировкаси", композиторларга эса "Жаз тарихи" фанларидан дарс берган. Илмий изланишларида эса "Монодия и хоровое многоголосие" умумий ном билан бир неча очерклар муаллифи ҳамдир.

Евгений Живаев дирижёрлик санъатига интилиб, оркестр гуруҳлари тузилиши, ҳар бир чолғуни ижрочилик имкониятлари ва хусусиятларини аниқлаш, уларнинг услубларини ўзлаштириб, аранжировка сирларини ўрганди. У дирижёрлик санъатини эгаллашда турли санъаткорлар билан муносабатда бўлди. 60-йиллари эндигина республикамизда эстрада-симфоник оркестрлари ташкил топмоқда эди. Евгений Живаев ушбу оркестрлар билан биргаликда ўзининг билимлари ва ижрочилик маҳоратини ошира бошлади. 1960-1962 йиллари Е.Живаев Ўзбек филармонияси қошида эстрада оркестрида мусиқа раҳбари ва дирижёри бўлиб ишлайди. 1964 йилдан бошлаб у Ўзбекистон радиоси қошида эстрада-симфоник оркестрида аввало пианиночи, кейинчалик мусиқа раҳбари ва бош дирижёри бўлиб ишлайди. Оркестр ўзининг кундалик концерти амалиётида ўзбек халқ мусиқа меросидаги ихчам қўшиқ ва чолғу жанрларга таянибгина қолмай, замонавий жазнинг ифода воситаларидан ҳам фойдаланиб, янги эстрада репертуарини яратишдек муҳим масалани ҳам ҳал қилар эди.

Е.Живаев йигирма йилдан ортиқроқ эстрада-симфоник оркестрининг бош дирижёри ва аранжировкачиси бўлиб фаол хизмат қилди. Унинг ижрочилиги юқори профессионаллик, асарни тўла ҳис қилиш, дирижёрликка хос хусусият — бир зумда англаш ва чуқур ифода этиш билан ажралиб туради.

Е.Живаев 1981 йилдан Тошкент давлат консерваториясида ўзининг педагогик фаолиятини бошлаб истеъдодли ёш ижодкорларга эстрада санъати, аранжировка ва жаз тарихи бўйича таълим бериб келди.

Республикамизда эстрада санъати ривожига қўшган салмоқли ҳиссаси учун 1976 йили Е.Живаевга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" фахрий унвони берилди.

ЗАРЕТДИНОВ ҚУРБАНБОЙ

1980 йиллардан бошлаб Қорақалпоғистон Республикасининг дирижёрлик санъати Қурбанбой Заретдинов номи билан боғлиқ. Уни дирижёрлик фаолияти ижод ва жамоатчилик фаолиятлари билан юксалиб борди. У изланувчан санъаткордир. Қурбанбой Заретдиновнинг ўзига хос истеъдоди мусиқа асарларига дирижёрлик қилганида намоён бўлади. У ҳар бир янги партитурани изчиллик билан ўрганади ва симфоник оркестрнинг барча чолғу гуруҳларига аниқ ҳаракат орқали кўрсатма беради. Унинг имо-ишораси, қўл ҳаракатлари, кўз қарашлари орқали тингловчи асарнинг тўла маъносини англаб олади. Қ.Заретдиновнинг профессионал дирижёр бўлиб етишишига З.Ҳақназаров, Ғ.Тўлаганов, С.Полвонов каби дирижёрларнинг хизматлари каттадир.

Қурбанбой Заретдинов 1951 йилнинг 25 февралида Кегейли туманида, деҳқон оиласида таваллуд топади. Ёшлигидан мусиқага қизиққан, у турли (дутор, рубоб, мандолина, аккордеон) чолғуларида чалишни ўрганади. Ўрта мактабда ўқиган даврида ҳаваскорлик тўгарагига қатнайди.

1966-1970 йиллари Қ.Заретдинов Нукус давлат мусиқа билим юртининг хор дирижёрлиги бўлимида (С.Ю.Давлеткелдиева синфи) ўқийди.

1970-1975 йиллари Тошкент давлат консерваториясининг хор дирижёрлиги факультетида (И.Т.Шарапова синфи) таълим олади. 1973 йилдан ўзининг хоҳиши билан факультатив ҳолатида опера-симфоник дирижёрлиги бўйича профессор З.В.Ҳақназаров синфида таҳсил олади. Консерваторияни битиргач опера-симфоник дирижёрлиги бўлимининг 3 курсига, профессор М.Ашрафий синфига қабул қилинади. Аммо оилавий шароит тақозоси билан ўша йили Нукусга қайтиб келади ва 1975 йилдан бошлаб Нукус давлат мусиқа билим юртида ўзининг педагогик фаолиятини бошлайди. Билим юртида ишлаган вақтида (ҳозирги кунгача у билим юртида дарс бермоқда) Қ.Заретдинов хормейстер ва дирижёр

сифатида ўзининг ташкилотчилик ва ижрочилик истеъдодини намойиш этди; ўша йиллари билим юрти хори, болалар мусиқа мактаблари хори, камер оркестрига раҳбарлик қилиб, республика миқёсида ўтказилган турли концертларда қатнашади ва олқишларга сазовор бўлади.

1975-1976 йиллари ҳарбий хизматда, Қ.Заретдинов Қозоғистон ва Қирғизистон Ички ишлар қисмлари қошидаги ашула ва рақс халқ ансамбларига раҳбарлик қилади ва ансамбл билан ушбу республикалар бўйлаб гастролларга чиқади. Унинг раҳбарлигидаги ансамбл ўзининг концерт дастури билан ҳарбий қисмларда ўз санъатини намойиш қилади. Ўша вақтларда Қ.Заретдиновнинг ижодга бўлган қизиқиши пайдо бўлади.

1981 йили Бердах номидаги Қорақалпоғистон давлат филармонияси қошида симфоник оркестр ташкил этилади. Қ.Заретдинов ушбу жамоага дирижёр сифатида таклиф этилади. Оркестрнинг бош дирижёри С.Полвонов билан биргаликда жамоани профессионал созандалар, яхши мусиқа чолғулари билан таъминлаб репертуарни ташкил этишади. Дирижёр А.Абдуқаюмов оркестр жамоасига ва унинг дирижёрларига репертуар дастури тайёрлашга амалий ёрдам беради. Симфоник оркестрнинг биринчи концерти 1981 йилнинг 12 июнида Қозон консерваторияси залида Татаристонда Қорақалпоқ адабиёти ва санъати кунлари жараёнида бўлиб ўтди. Концертда оркестрга С.Полвонов, Қ.Заретдинов ва А.Абдуқаюмовлар дирижёрлик қилишган. Симфоник оркестр республикада мумтоз мусиқа ва қорақалпоқ композиторлари чолғу мусиқаси асарлари тарғиботчиси бўлиб қолди. Қ.Заретдинов дирижёр сифатида турли жанрдаги концерт дастурлари, мавзули концерт-лекциялар, қорақалпоқ композиторларининг янги симфоник асарларини тингловчиларга тақдим этади. Унинг ижрочилик маҳорати ҳам ўсиб боради. Оркестрда Қ.Заретдинов 1987 йилгача ишлайди.

1985-1986 йиллари Қ.Заретдинов Ленинград академик кичик опера ва балет театрида стажировкада бўлиб, малакасини ошириб қайтади. Дирижёрлик техникасини мукаммал эгаллашда, мусиқали спектаклларни саҳналаштиришда унга театрнинг бош дирижёри Россияда хизмат кўрсаттан санъат арбоби, Давлат мукофоти лауреати В.В.Кожин раҳбарлик қилади. Стажировка жараёнида Қ.Заретдинов Т.Хренниковнинг "Доротея", С.Рахманиновнинг "Алеко" операларини, Бизе-Шедринларнинг "Кармен" сюита балетини саҳналаштиришда қатнашди. Ўзининг профессионал дирижёрлик

маҳоратини ошириш мақсадида у Москва ва Ленинград опера театрларининг репертуарлари билан яқиндан танишади; машҳур дирижёрлар — Г.Рождественский, Ф.Мансуров, Ю.Темирхановларнинг репитицияларида қатнашиб, ўзининг ижрочилик услубини профессионал даражада ўстириш учун улардан ўрганади, маслаҳатлар олади. Ўша йиллари дирижёрлик касби бўйича кўпгина адабиётга мурожаат этади, партитуралар устида тинмай ишлайди, ўзининг дирижёрлик техникасини янада оширади.

1987 йили Қ.Заретдинов симфоник оркестр дирижёри Ғ.Тўлаганов билан ҳамкорликда Н.Муҳаммеддиновнинг биринчи қорақалпоқ операси бўлмиш "Ажинияз" операсини саҳналаштирилишида қатнашади.

Ўша йилдан бошлаб Қ.Заретдинов филармония қошида турли мавзудаги концерт-лекциялар уюштиради. "Мусиқа дунёсига саёҳат", "Мусиқа чолғулари", "Биз тинглайдиган товушлар", "Мусиқа жанрлари", "Эртак мусиқада", "Балет мусиқаси" каби лекция-концертлари тингловчилар орасида яхши таассурот қолдирди. Чунки Қ.Заретдинов дирижёр-маърузачи сифатида жуда оддий сўзлар билан тингловчиларга мумтоз симфоник мусиқа жанрлари, мусиқа чолғулари, мусиқали ижро ҳақида суҳбатлар олиб борар, тақдим этилган асарларга ўзи дирижёрлик қилар эди. Ушбу мақсадда Қ.Заретдинов болалар учун симфоник оркестр ва бадиий ўқиш учун "Аш каскир" мусиқали эртак яратади. Бу асар ёш тингловчиларнинг мусиқий тимсолларини ва хусусиятларини англашга қаратилган.

1989 йили симфоник оркестр мусиқали театр таркибига киритилади. 1989-1991 йиллари Қ.Заретдинов Қорақалпоқ Давлат мусиқали театрининг бош хормейстери ва бош дирижёри этиб тайинланади. 1992 йили театр жамоаси билан ҳамкорликда С.Рахманиновнинг "Алеко" операсини илк бор саҳналаштиради. Симфоник оркестр билан Қ.Заретдинов Тошкент ва Олмаота шаҳарларида гастролларда бўлиб, "Ажинияз" операси, "Гарип ашык" ва "Суймегенге суйкенбе" мусиқали драмалари ва алоҳида симфоник концертларни тингловчиларга намойиш этади. Симфоник оркестр Қ.Заретдинов раҳбарлигида Бетховеннинг Биринчи фортепиано ва оркестр учун концерти (яккахон О.Юсупова), Чайковскийнинг Иккинчи фортепиано ва оркестр учун концерти (яккахон С.Ғафурова) ва мумтоз опералардан ариялар (яккахон М.Раззоқова) ижро этди.

1997 йили Бердах номидаги мусиқали театр саҳнасида биринчи

қорақалпоқ балети — Н.Муҳаммеддиновнинг "Айжамол"ини намойиш этди; спектаклнинг мусиқа раҳбари ва бош дирижёри Қ.Заретдинов эди.

1992 йилдан Қ.Заретдинов қорақалпоқ композиторлари уюшмаси раиси, у республика миқёсида ўтказилган тадбирларнинг ("Наврўз" ва "Мустақиллик" байрамлари) доимий мусиқа раҳбари ва бош дирижёри ҳисобланади. Унинг дирижёрлик ижоди, ижрочилик ва жамоатчилик фаолиятлари билан боғлиқ, у симфоник, халқ чолғулари оркестри, а капелла хорлари учун 30 дан ортиқ асарлар муаллифидир. "Бегжан фожиаси" симфоник поэмаси, "Бозатау" вокал-симфоник поэмаси, "Поскан ел" ораторияси, "Хэсирет хэуири" кантатаси ва бошқалар шулар жумласидандир. Қ.Заретдинов қўғирчоқ, драматик ва мусиқали театрлар учун ҳам йирик шаклдаги "Гарип ашық" (О.Халимов билан ҳамкорликда), "Ҳаяллар патшалығы" каби мусиқа асарларини яратган.

Қ.Заретдинов мусиқали театр дирижёри сифатида турли жанрларга мусиқа раҳбари ва дирижёри бўлиб келмоқда. Унинг репертуарида Н.Муҳаммеддиновнинг "Ажинияз" (1987, Нукус; 1992, Тошкент; 1992, Олмаота); С.Рахманиновнинг "Алеко" (1992) опералари; Н.Муҳаммеддиновнинг "Айжамол" балети (1997); О.Халимовнинг "Гарип ашық" (1991, Қ.Заретдиновнинг янги мусиқий таҳрири), "Адалатҳа қиянат" (1998) мусиқали драмалари мавжуд. Қ.Заретдинов қорақалпоқ композиторлари симфоник асарларининг дирижёри ва тарғиботчиси сифатида тингловчилар орасида ном чиқарган санъаткордир. У Г.Демисиновнинг Биринчи ва Иккинчи симфониялари, Биринчи ва Иккинчи фортепиано ва оркестр учун концертлари ва бошқа асарларга дирижёрлик қилган. Қ.Заретдинов — Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1989), Бердах номидаги Давлат мукофоти лауреати (1998) ҳамдир.

ЗОКИРОВ ДОНИ

Ўзбек мусиқа маданиятида шундай ижодкорлар борки, булар яшаган давр узоқлашган сари — мерос қолган асарлари, ижрочилик талқинлари ва ҳатто ҳаёт тарзи шунчалик қадрлана боради. Бундай ижодкорлар мазкур соҳаларда ном чиқарган, бой маданиятимизнинг ривож топишида ўлкан из қолдирган санъаткорлардир. Шулардан бири Дони Зокиров бўлиб, у ўзбек мусиқа маданиятининг таниқли арбоби, композитор, дирижёр ва мусиқачидир. Унинг 30 йилдан ортиқ ижодий ва ижрочилик фаолияти Ўзбекистон радиоси қошидаги халқ чолғулари оркестри билан боғлиқ. Унинг дирижёрлик

маҳорати оркестрнинг юксак профессионал ижрочилик маҳорати билан ўсди ва улғайди. Дони Зокиров ушбу оркестр учун ўзига хос репертуар яратди ва унинг қўпгина йирик асарлари ҳам шу ерда яратилди ва тингловчиларга тақдим этилди. Ўзбекистонда кўп овозли мусиқанинг пайдо бўлиши, вақти келиб унинг энг мураккаб жанри — мусиқий саҳна асарлари ва симфониянинг ижодкорона ўзлаштирилиши алоҳида аҳамият касб этади. Бинобарин, Ўзбекистонда олиб борилган изчил изланишлар натижасида халқ чолғулари оркестри учун турли жанрлардаги асарлар ҳам пайдо бўлди ва бу борада оркестр ижрочилиги ва дирижёрлик санъати шаклланди ҳамда ривож топди. Дони Зокиров ўзининг янги-янги асарлари ва ижрочилик фаолияти билан ана шу жўшқин жараённи йўналтириб борган санъаткор бўлиб, ўзбек мусиқа маданиятига баркамоллик бағишлай олди.

Дони Зокиров 1914 йилнинг 28 декабрь куни Самарқандда таваллуд топди. Унда ёшлигиданоқ мусиқага қизиқиш уйғониб, ўзи ўқиган мактаб қошида тузилган мусиқа тўгарагига қатнашади. Дутор ва ғижжак чалишни Самарқандлик устоз Муҳитдин Мавлоновдан ўрганади. 1928 йили Самарқанддаги мусиқа ва хореография институтида анъанавий ижрочилик бўйича Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Домулло Ҳалим Ибодов, Аҳмаджон Умурзоқов, Абдуқодир Исмоилов, Матюсуф Харратовлардан сабоқ олган бўлса, мусиқа саводини Николай Назарович Мироновдан олади. 1930 йилдан бошлаб унинг ижрочилик-меҳнат фаолияти бошланади; аввало у Ўзбек мусиқали театрида созанда-ғижжакчи сифатида, уч йилдан кейин эса мусиқа раҳбари бўлиб хизмат қилади.

1936 йили Д.Зокиров Тошкентга кўчиб келади ва созанда сифатида мусиқали драма театрида ишлайди, 1937 йилдан то 1940 йилгача Ўзбек давлат филармонияси қошидаги Т.Жалилов раҳбарлигидаги катта этнографик халқ чолғулари ансамблида концертмейстер бўлиб ишлайди. Ушбу жамоа билан Д.Зокиров Москвада ўтказилган Биринчи Ўзбекистон санъати ва адабиёти ўн кунлигида қатнашади. Оркестрда ишлаган йиллари унда дирижёрлик санъатига қизиқиш пайдо бўлади.

1940 йилдан Д.Зокировнинг дирижёрлик фаолияти бошланади. У 1940-1948 йиллари Муқимий номидаги мусиқали драма театрида дирижёр сифатида ишлайди ва ўша йиллари саҳналаштирилган мусиқали драмаларга дирижёрлик қилади. Булар орасида "Нурхон", "Лайли ва Мажнун", "Тоҳир ва Зуҳра" ва бошқа саҳна асарлари бор эди.

1947 йили Дони Зокиров Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетига ўқишга киради ва композиция бўйича Б.Б.Надеждин, Ю.Н.Тюлин ва А.Ф.Козловскийлардан таълим олади. Унинг бастакорлик ижоди 1955 йилдан бошланган бўлиб, асосан, қўшиқ ва куйлар ёзган. Консерваторияда ўқиган йиллари билан бир вақтда Ўзбекистон радиоси қошидаги халқ чолғулари оркестрининг дирижёри бўлиб ишлади. Худди шу жамоага Д.Зокиров ўзининг биринчи, йирик асари — сюита яратади. Ундан ташқари ўқиган йиллари иккита симфоник сюитани ёзади; унинг "Лирик" поэмаси биринчи марта Москвада ўтказилган Ўзбекистон санъати ва адабиёти ўн кунлигида (1951 йили) муваффақият билан ижро этилади. Консерваторияда ўқиган йиллари Д.Зокиров дирижёрликдан ҳам маслаҳатлар олади, у айниқса дирижёрлик техникаси устида астойдил ишлайди, ўзининг изланишлари ва ўзлаштирилган сабоқларини оркестрга дирижёрлик қилганида янада такомиллаштирали.

1953 йили Д.Зокиров муваффақият билан консерваторияни тамомлайди, унинг диплом иши бўлмиш "Ҳамза" номли симфоник поэма композиторнинг ижодида алоҳида ўрин тутади ва бу асар ўзбек симфоник мусиқасида салмоқли ўрин олиб, тингловчиларнинг кенг доирасига манзур бўлади. Шу йили Д.Зокиров Б.Ф.Гиенко билан ҳамкорликда биринчи мусиқий саҳна асари "Сўнмас чироқлар" (А.Бобожонов ва М.Маҳмудовлар асари асосида) мусиқали драмани яратади ва бу спектакл Муқимий номидаги (кейинчалик бошқа вилоят театрларида) театрда саҳналаштирилади. 1953-1957 йиллари Д.Зокиров Ўзбек Давлат филармониясидаги ўзбек ашула ва рақс ансамблининг бадиий раҳбари бўлиб хизмат қилади. 1957 йилдан то умрининг охиригача у Ўзбекистон радиоси қошидаги халқ чолғулари оркестрининг бадиий раҳбари ва бош дирижёри бўлиб ишлайди. Унинг ижрочилик фаолияти ижод билан мутаносибликда ривож топади. У кўпроқ мусиқали театр, халқ чолғулари оркестри ва хор мусиқасида, вокал-чолғу жанрларда ва киномусиқа соҳасида ижод қилади. Булар орасида С.Бобоев билан ҳамкорликда "Далада байрам" (Ш.Саъдулла либреттоси) мусиқали комедияси (1957 йили Ҳ.Олимжон номидаги Самарқанд вилоят мусиқа театри), "Ёрилтош" (Ш.Саъдулла асари, Ёш томошабинлар театри) мусиқали драмаси, "Ҳаёт машъали" (Исмоилзода асари, Муқимий номидаги театр) мусиқали драмаси, Б.Ф.Гиенко билан ҳамкорликда "Ойниса" балети (Т.Литвинова либреттоси, 1956 йили, А.Навоий номидаги Катта опера ва балет театри), 1958 йили Дони

Зокиров "Зайнаб ва Омон" операсини (Ҳ.Олимжон поэмаси асосида Зулфия либреттоси) яратишда иштирок этди (муаллифлар Т.Содиқов, Б.Зейдман, Юнус Ражабий, А.Навоий номидаги Катта опера ва балет театри), 1955 йилдан бошлаб Д.Зокиров кўпгина кинофильм ("Амирликнинг емирилиши", "Улуғбек юлдузи", "Қутлуғ қон", "Ёр-ёр")ларга мусиқа яратди. Унинг қаламига мансуб Алишер Навоий ғазаллари асосида ёзилган "Кўрмадим", "Эй сабо", "Бўлмаса", "Айб этмангиз" романслари ўзбекона услубда ёзилган бўлиб, ҳозирги кунгача кўпгина созанда-хонандалар репертуаридан ўрин олиб келмоқда.

Дони Зокировнинг ижодий изланишлари ҳамиша халқ чолғулари оркестри билан боғлиқ бўлди. У оркестрнинг репертуарини хилма-хил шакл ва жанрдаги мусиқа асарлари билан бойитди. Чолғу-оркестр асарларидан ташқари ўзига хос вокал-чолғу (халқ чолғулари оркестри ва хор учун) асарларини яратди. "Қарши чўли гуллари" сюитаси, оркестр учун 4 қисмли "Болалар сюитаси", "Ўзбекча рапсодия", "Уйғурча рапсодия" сингари асарлари шулар жумласидандир. Улар ҳозиргача оркестр репертуаридан тушмай келмоқда. Д.Зокировнинг замонавий ўзбек шоирлари шеърлари асосида яратилган кўпгина қўшиқлари таниқли хонандалар билан оркестр жўрлигида ижро этилиб, Ўзбекистон радиоси фонотекасида сақланиб келмоқда.

Д.Зокиров раҳбарлиги остида оркестрнинг таркиби қисман ўзгартирилиб, унга кўпроқ анъанавий чолғулар киритилди. Анъанавий ижро услуби асосий йўналиш сифатида жорий этилиб, оркестрга таниқли ва истеъдодли созандалар таклиф этилди (Ғ.Тошматов, О.Қосимов, О.Ҳотамов, М.Юнусов, К.Жабборов, Х.Жўраев, Қ.Усмонов, С.Калонов, Н.Ҳасанов, Т.Ҳасанов, Т.Алиматов, Т.Тошматов, Т.Азимов ва бошқалар).

Д.Зокиров раҳбарлигидаги радио оркестри юксак профессионал ижрочилик маҳоратига эга бўлди, 1000 дан ортиқ концерт дастурлари тайёрланиб тингловчиларга тақдим этилди. Оркестр ўзига хос ижро услуби билан филармония оркестридан ажралиб турди. Ўзбек бастакорлари ва композиторларининг асарлари жамоа репертуаридан асосий ўрин эгаллади. Д.Зокиров билан биргаликда оркестрга — Х.Изомов, У.Абдуллаев, Т.Ҳасанов дирижёрлик қилишган. Д.Зокировнинг дирижёрлик услуби майинлиги ва равонлиги, нозик хатти-ҳаракати билан ажралиб турарди. Д.Зокиров дирижёр ижодкор ҳам бўлиши лозимлигини доимо таъкидлар эди. Асар мазмунидан келиб чиққан ҳолда дирижёр ўзининг хатти-

ҳаракати, имо-ишораларни ва умуман техникасини унга мослайди. Мусиқа характерига дирижёр ўзини "созлайди". Дирижёр ва оркестр ижросида мусиқа асари тингловчига етиб боради ва манзур бўлади. Д.Зокиров бошқарувида кўп йиллар давомида хилма-хил асарлар мунтазам ижро этилиб келди.

1965 йилда Д.Зокировга мусиқа соҳасидаги самарали хизматлари учун "Ўзбекистон халқ артисти" унвони берилди. Унинг номи абадийлаштирилди. Кўп йиллар самарали меҳнат қилган ўзининг севимли жамоасига, яъни Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг халқ чолғулари оркестрига Дони Зокиров номи берилди.

Д.Зокиров 1985 йили Тошкентда вафот этди.

ИБРОҲИМОВ РИХСИВОЙ

Ҳар бир дирижёр мусиқани ҳис этиши, уни қалби билан эшитиши лозим. Шунинг учун дирижёр аввало созандалик санъатини эгаллайди, кейинчалик дирижёрлик санъатини ўзлаштиради. Дарвоқе, дирижёрлик, ижрочилик санъатининг жуда мураккаб ва мукаммал соҳасидир. Рихсивой Иброҳимов ҳам ёшликдан аввало мусиқа чолғусини эгаллаб, дирижёрликка қизиқиш пайдо бўлгандан сўнг бу санъат соҳасига бутун вужуди ва меҳнати билан унинг сирларини ўзлаштиришга интилди. Ёшлигидан у кўп етакчи дирижёрлар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг иш жараёни, техникаси ва услубларини ўрганди. Р.Иброҳимов дирижёрлик санъатига илк қадам қўйганда Г.Дониях, Н.Гольдман, П.Шпитальний, А.Козловский, Б.Иноятов каби етук дирижёрлардан сабоқ олди, уларнинг услубларини ўзининг дирижёрлик фаолиятида қўллаб келди. Кейинчалик ўзи ўзлаштирган тажрибани ўқитувчилик фаолиятида шогирдларига ўргатди.

Рихсивой Иброҳимов 1924 йил 23 февралда Тошкент вилояти Эркин қишлоқ хўжалигига қарашли Қонқус қишлоғида туғилди. У жуда ёш етим қолган ва Қорасувдаги 1-сонли болалар уйида тарбияланади. Ундаги мусиқага бўлган қизиқиши туфайли болалар уйида ташкил этилган мусиқа тўгарагига қатнайди.

1936 йили Р.Глиэр номидаги мусиқа мактабига дамли чолғулар бўлимига қабул қилинади. 1939 йили Тошкент шаҳар мусиқа билим юртида таълим олади. Билим юртида валторна чолғусини ўзлаштиради ва дирижёрлик бўйича биринчи мактабни ўтайди. 1940 йилдан Р.Иброҳимов ўзининг меҳнат фаолиятини ёш томошабинлар театри ва Муқимий номидаги мусиқали театрда созанда сифатида бошлайди.

1942-1944 йиллар Р.Иброҳимов армия сафига чақирилади ва хизматни ҳарбий оркестрда ўтади. Армиядан қайтиб Тошкент давлат консерваторияси дамли чолғулар бўлимининг валторна синфида таълим олади. Консерваторияда ўқиган йиллари дирижёрлик санъатига қизиқиш борган сари унинг фикрини эгаллаб олади. 1951 йили консерваторияни тугатиб, шу йилнинг ўзидаёқ опера-симфоник дирижёрлиги бўлимига ўқишга киради. Унинг устози ва раҳбари Н.А.Гольдман, Ўзбекистонда таниқли дирижёр, ўзига хос услубга эга бўлган санъаткор эди. Унинг ҳаракатлари чиройли ва таъсирчанлиги билан ажралиб турар эди. Дирижёрлик қилганида ўз ҳаракатлари имо-ишоралари билан ижрочи жамоаларни ва томошабиннинг қалбида ўчмас из қолдирган мутахассис ҳисобланган.

1956 йили консерваториянинг дирижёрлик бўлимини битирган Р.Иброҳимов турли симфоник оркестрларда созанда-валторначи ва дирижёр сифатида ишлайди. Ўзбекистон радиоси қошидаги симфоник оркестрда, Ўзбек филармониясининг симфоник оркестрида ва Ўзбекистон эстрада оркестрининг бош дирижёри лавозимларида ишлайди. Ўзининг дирижёрлик фаолиятларида кўпроқ классик мусиқа ва Ўзбекистон композиторларининг симфоник мусиқа асарларига мурожаат этиб, ижод ва ижронинг узвий бирлигига интилган эди.

1949 йилдан то ҳозирги кунгача Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юртида ансамбль, чолғушунослик ва дирижёрликдан дарс бериб келмоқда. 1961-1995 йиллари Тошкент давлат консерваториясида ўқитувчи бўлиб ишлаган кезларида кўплаб шогирдлар етиштирди.

Созанда, дирижёр ва мураббий Рихсивой Иброҳимов ҳозирги кунда ҳам ўз устозларидан олган билимларини ёш дирижёрларга ўргатиб келмоқда. Дирижёрлик санъати маҳорати чуқур билим, мусиқий хотира, мусиқа адабиётини яхши ўқиш, оркестрни ҳис этиш, асарнинг мазмунини тўлиқ очилишига имкон берадиган ҳаракатларнинг узвий боғлиқлигида намоён бўлади, — дейди Р.Иброҳимов.

Машаққатли меҳнат, тинимсиз ижодий изланиш мусиқий асарларни талқин этиш ўзига хос дирижёрлик маҳоратига эга бўлиш уни моҳир мураббий бўлиш бахтига мушарраф этди.

Рихсивой Иброҳимов бир неча йиллар давомида А.Навоий номидаги Катта опера ва балет театрида навбатдаги дирижёр сифатида ишлаб келди. Театр жамоаси билан ҳамкорликда бир неча

балет спектаклларини саҳналаштирилиш ишида фаол қатнашди. У "Доктор Айболит", "Жизель", "Оққуш кўли", "Аленкий цветочек" каби балет спектаклларига ва "Лайли ва Мажнун", "Майсаранинг иши" каби операларга дирижёрлик қилди.

Ҳозирги кунда Р.Иброҳимов нафақага чиққанлигига қарамай ёш санъаткорларга дирижёрлик санъати сирларини ўргатмоқда.

ИНОЯТОВ БАХРОМ

Ўзбекистон мусиқий ҳаётининг 40-йилларида янгидан-янги мусиқали театр ва бошқа ижрочилик жамоалари ташкил топади; уларнинг таркибида истеъдодли ёш санъаткорлар ишлай бошлашади. Мамлакатнинг мусиқа олий ўқув юртларида касбий-профессионал таълим олган композитор ва дирижёрларнинг ёш авлоди ҳам улғайиб бораётган даври. Ўша йиллари Тошкент, Москва ва Ленинград консерваторияларида дирижёрлик мутахассислиги бўйича Ф.Шамсутдинов, Б.Иноятов, П.Назаров, М.Насимов ва бошқалар таҳсил кўришарди. Уруш йиллари Тошкентда ўтказилган симфоник концертларнинг бирида ёш дирижёр Бахром Иноятов пультга чиқиб, Чайковскийнинг симфоник асарига дирижёрлик қилади ва шу кундан бошлаб Бахром Иноятовнинг мусиқали театр ва симфоник оркестр дирижёрлиги фаолияти бошланади.

Иноятов Бахром Олимович 1917 йили Тошкент шаҳрида ҳунарманд оиласида туғилди. Отаси, Олим Маҳкамов ўғли Бахром туғилган йили вафот этади. Оилани боқиш ва тарбиялаш оналари, Тўхта Жалилованинг зиммасига тушади. Етти йиллик мактабни тугатиб, Бахром Иноятов Тошкентдаги театр техникумига ўқишга киради ва уни 1933 йили мусиқали театр актёри мутахассислиги бўйича битириб, Я.Свердлов номидаги театрга актёр лавозимига ишга юборилади. Театрда 1936 йилгача ишлайди. Бахром Иноятов ёшликдан мусиқага қизиқиб, мустақил равишда турли чолғуларда чалишни ўрганади. 1936 йили Маданият вазирлиги тавсияси бўйича уни Москва консерваториясининг миллий бўлимига ўқишга юборишади. Консерваториянинг опера-симфоник дирижёрлиги факультетида таълим олади. Москвада ўқиган йиллари Бахром Иноятов турли концертлар ва мусиқали театр спектаклларини томоша қилар, таниқли композитор, созанда ва дирижёрлар билан мулоқотда бўлиб, ўзининг мусиқага бўлган қизиқиши ва кўникмаларини янада ривожлантиради. Машҳур дирижёрларнинг ижро услубларидан баҳраманд бўлади. Табиат унга ёшликдан ўткир дид, мусиқий истеъдод, мусиқий хотира ва хушовоз инъом этган

эди. Шу боис унинг мусиқий қобилияти ўсиб бориб, мусиқий тафаккури янада теранлашади.

1941 йили консерваториянинг ўзбек опера студиясини тугатиб, Тошкентга қайтади, аввало, 1941-1942 йиллари Ўзбекистон симфоник оркестри ва 1942 йилдан опера ва балет театрида дирижёр лавозимида ишлайди. Уруш йиллари у симфоник концертларда дирижёр сифатида қатнашади, турли мусиқали спектакларга мусиқа раҳбари ва дирижёри бўлиб ўзининг малакасини ошириб, репертуарини бойитиб борди. 1943 йили Б.Иноятов С.Василенконинг "Оқ билак" балетига ва 1944 йили у илк бор О.Чишконинг "Маҳмуд Торобий" операсига дирижёрлик қилади. Ушбу спектакллар Бахром Иноятовнинг ижодий йўлини аниқлаб берди: у бутун ижодини опера ва балет спектаклларига дирижёрлик қилишга бахшида этди. Опера ва балет театрида у ёнма-ён таниқли ва тажрибали санъаткорлар М.Ашрафий, Т.Содиқов, Н.Гольдман каби дирижёрлар билан ҳамкорликда турли спектаклларни саҳналаштирилишида қатнашиб, ўзига хос ижро услубини яратди.

Ҳар бир спектаклнинг мазмун юки симфоник оркестр зиммасига тушади. Оркестр партитурасининг ривожланганлиги, унинг мусиқий драматургияда тутган муҳим ўрни дирижёрнинг савияси, истеъдоди, диди ва қобилияти билан боғлиқ. Мусиқани ичидан ҳис қилган Бахром Иноятов ҳар бир асарнинг маъносини ўзининг нозик, нафис ҳаракатлари билан ифодалайди, саҳнадаги воқеликни хонандалар, хор ва оркестр (операда), раққослар ва оркестрнинг (балетда) ижро мутаносиблигига эришади.

Театрда ишлаган йиллари ўзининг билимини ва малакасини янада ошириш мақсадида Бахром Иноятов 1953 йили Тошкент консерваториясининг опера-симфоник дирижёрлиги бўлимига ўқишга кириб, профессор А.Козловский синфида таҳсил олади ва 1957 йили консерваторияни муваффақиятли тугатади.

1960-1966 йиллари Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театрнинг бош дирижёри лавозимида ишлади. Ушбу йиллар давомида у кўпгина опера ва балет спектаклларини мусиқа раҳбари ва дирижёри сифатида фаолият кўрсатди. Бахром Иноятов 50-йиллари айрим опера спектаклларини ўзбек тилида саҳналаштирилишида фақатгина дирижёр сифатида эмас, балки таржимон сифатида ҳам қатнашади, жумладан, У.Ҳожибековнинг "Кўр ўғли" (1950), А.Спендиаровнинг "Олмаст" (1953), С.Ряузовнинг "Саян тоғи этагида" (1953), Ж.Бизенинг "Марварид қидирувчилар" каби операларининг мусиқа раҳбари, дирижёри ва

таржимони бўлди.

Таниқли композитор ва дирижёр Алексей Козловский ўзининг тавсифномасида шундай деб ёзади: "Ўзбек мусиқа маданияти, айниқса, балет санъатининг ривожида Бахром Иноятовнинг ўрни бебаҳо; у театрда ҳамма мумтоз ва замонавий балетларга раҳбарлик қилган. Унинг бошқарувидаги спектакллар тўлиқ мусиқий-хореографик композиция сифатида томошабинлар томонидан илиқ қабул қилинган. Саҳнадаги воқелик дирижёрнинг ҳаракатлари туфайли ифодали ва аниқ топилган".

Бахром Иноятов ўзининг 25 йиллик дирижёрлик фаолиятида турли мавзу ва йўналишлардаги опера ва балет спектаклларида қатнашган. Улар орасида А.Козловскийнинг "Улуғбек", О.Чишконинг "Маҳмуд Торобий", М.Ашрафийнинг "Бўрон", Р.Глиэр ва Т.Содиқовларнинг "Лайли ва Мажнун", "Гулсара", Ж.Бизенинг "Кармен", "Марварид қидирувчилар", У.Ҳожибековнинг "Кўр ўғли", А.Спендяровнинг "Олмаст", Д.Вердининг "Риголетто" опералари, П.И.Чайковскийнинг "Оққуш кўли", "Уйқудаги малика", Минкуснинг "Дон Кихот", Б.Асафьевнинг "Боқчасарой фонтани", Р.Глиэрнинг "Қизил кўкнори", Г.Мушелнинг "Балерина", М.Левиевнинг "Суҳайл ва Меҳр", Икром Акбаровнинг "Орзу", А.Лапутиннинг "Маскарад", И.Морозовнинг "Доктор Айболит", А.Аданнинг "Жизель", М.Чулакининг "Ёшлик" каби балетларига дирижёрлик қилган. Унинг раҳбарлигида 20 дан ортиқ спектакллар саҳналаштирилган.

1957 йилдан Тошкент консерваториясининг опера тайёрлови ва халқ чолғулари кафедраларида дирижёрлик синфи бўйича ўқитувчилик қилиб, кўпгина шогирдлар етиштирди.

Республикамиз мусиқий маданиятини ривожлантириш соҳасидаги улкан хизматлари учун Бахром Иноятов 1945 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист ва 1964 йили Ўзбекистон халқ артисти фахрий унвонларига сазовор бўлди. 60-йиллари Б.Иноятов театр жамоаси билан Миср араб республикасида ижодий сафарда бўлиб, ўзини ижрочилик санъатини намойиш этган.

1969 йили театр жамоаси Москва шаҳрида ижодий сафарда бўлганида, Бахром Иноятов ўша ерда тўсатдан вафот этган ва Тошкентда дафн этилган.

КАМАЛОВ МАКСЕТДУЛЛА

Максетдулла Камалов Қорақалпоқ республикасида халқ чолғулар оркестри дирижёрлиги санъатига ҳисса қўшган ижодкор. Унинг 30 йиллик ижрочилик фаолияти Қорақалпоғистонда халқ чолғулари оркестри ривожи билан боғлиқ бўлган.

Максет Камалов 1945 йилнинг 25 февралида Тахтакўпир туманида таваллуд топган. 1951-1958 йиллари ўрта мактабда ўқийди. 1960 йили Нукус Давлат мусиқа билим юртининг халқ чолғулари бўлимига ўқишга киради. Шу билан бир вақтда М.Камалов Бердах номидаги Қорақалпоқ Давлат филармонияси қошидаги халқ чолғулари оркестрида созанда сифатида меҳнат фаолиятини бошлайди. Оркестрда ва билим юртида дирижёрлик санъати бўйича сабоқларини Абдурайим Султоновдан олади. Ўша даврда халқ чолғулари оркестри ўзига хос услубини эгаллашга, репертуарини таъминлашга ва ижрочилик маҳоратини оширишга дирижёрлар А.Петросянц, Ф.Назаров, М.Насимов, С.Алиевлар ўз маслаҳатлари ва амалий ишлари билан ёрдам беришган. Улар ёш дирижёрлик санъатини шаклланишига ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб келганлар. М.Камалов, айниқса, М.Насимов ва А.Петросянцларнинг дирижёрлик техникаларига қизиқиб, улардан амалий маслаҳатлар олади. Оркестрда ишлаган вақтларида унинг ижодга бўлган қизиқиши ҳам пайдо бўлади. М.Камалов оркестр учун оммабоп бўлган қорақалпоқ халқ қўшиқ ва куйларини қайта ишлайди, чолғулаштиради ва ўзи ушбу асарларга дирижёрлик қилади.

1964 йили мусиқа билим юртини битириб, халқ чолғулари оркестрида созанда ва шу билан бир вақтда дирижёр бўлиб ишлайди. Оркестрнинг айрим концерт дастурларига дирижёрлик қилади.

1964-1968 йиллари армияда ўз хизматини ўтади. 1968 йили Т.Шевченко номидаги Нукус педагогика институтининг халқ чолғулари факультетига ўқишга киради ва шу билан бир вақтда оркестрда дирижёр сифатида ишлайди. Филармония оркестрида 1977 йилгача ишлаб келди.

1973-1978 йиллари М.Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг халқ чолғулари факультетида ўқийди. Дирижёрлик санъати бўйича аввал А.Петросянцдан, кейинчалик М.Насимовдан таълим олади.

1980 йилдан бошлаб Қорақалпоқ телевидение ва радиоси Давлат Комитети қошидаги халқ чолғулари оркестрида дирижёр лавозимида ишлайди. Оркестрнинг таркибини кенгайтириш, репертуарини

бойитиш ва ижрочилик маҳоратини ошириш учун кўп меҳнат қилади. 1980-1983 йиллари М.Камалов оркестр билан Ўзбекистон, Татаристон, Қозоғистон, Озорбайжон республикалари бўйича гастролларда бўлган.

М.Камаловнинг дирижёрлик фаолияти бир вақтда унинг ижодий ва педагогик фаолиятлари билан чамбарчас боғлиқ. Нукус санъат билим юртида мутахассислик ва дирижёрлик бўйича кўп йиллар давомида дарс бериб келмоқда. Шогирдлари орасида Қорақалпоқ мусиқали театрининг бош дирижёри Қ.Заретдинов ҳам бор.

М.Камалов кўп йиллар мобайнида Нукус давлат санъат билим юртида раҳбар бўлиб, миллий кадрлар етиштириш учун жонбозлик кўрсатди.

1988 йили М.Камалов Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист фахрий унвонига сазовор бўлди.

КАРИМОВ СОТВОЛДИ

Халқ чолғулари оркестри — ўзбек мусиқа санъатида XX асрнинг иккинчи ярмидан ривожланиб, турли-туман вазифаларни бажариб келмоқда. 50-60-йилларда болалар мусиқа мактаблари, ўрта махсус мусиқа билим юртлари, консерваторияда, педагогик институтларнинг мусиқа факультетларида ўқувчилар ва талабалар халқ чолғулари оркестрлари ташкил этилди. Уларнинг асосий мақсади ёш созандаларни оркестр ижрочилигига ўргатиш, ансамбл ижрочилигини умум жамоа таркибида ҳис этиш, кўп овозли мусиқа асарларидан ташкил топган концерт дастурларини кенг оммага тарғиб этиш. Ундан ташқари оркестрда дирижёрлик санъатини ўзлаштириш ва бошқарув фаолиятини амалиётда ўрганишдир. Мана бир неча йиллардан буён Ўзбекистонда халқ чолғулари оркестри фестиваллари бўлиб ўтмоқда ва республикамиз мусиқа ҳаётида катта қизиқиш уйғотмоқда. Ушбу фестивалларда муваффақият билан Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юрти халқ чолғулари оркестри ҳам қатнашиб келмоқда. Бу муваффақият самараси оркестрга кўп йиллардан буён раҳбарлик қилаётган Сотволди Каримов меҳнати ва шарофати туфайлидир. Созанда, дирижёр ва меҳрибон устоз Сотволди Каримов 40 йилдан ортиқ меҳнат фаолиятини ёшлар тарбиясига бағишлаб келмоқда. Бор билимини ўзининг ўқувчи-шогирдларига бермоқда.

Сотволди Каримов 1939 йилнинг 1 май куни Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Сижжак қишлоғида туғилди. У болалик чоғида санъатга қизиққан, турли ўзбек халқ чолғуларида чалишни орзу

қилган. Мактабда ўқиган йиллари мусиқа тўгарагига қатнашади. Мусиқага бўлган қизиқиши ва орзу-ҳавас С.Каримовни 1957 йили Тошкентдаги Ҳамза номли мусиқа билим юртига чорлайди. Билим юрти ўқитувчилари ёш истеъдодни мусиқа қобилиятларини текшириб, ўзбек халқ чолғулари бўлимига ўқишга тавсия қилишди. Мусиқа билим юртида танбур чолғуси бўйича М.Асилов синфида таҳсил олди. Иккинчи курсдан бошлаб ўқув режаси бўйича дирижёрлик фани ўтиларди, С.Каримов ушбу фан бўйича биринчи устози Й.О.Тўлагановдан дирижёрлик сирларини ўрганди. Шу-шу дирижёрлик санъатига қизиқиши тобора ўсиб борди.

1961 йили мусиқа билим юртини муваффақиятли тамомлаган С.Каримов Тошкент давлат консерваториясининг халқ чолғулари факультетига қабул қилинди. У танбур ва чанг ихтисослиги бўйича А.Одилов синфида ва дирижёрлик бўйича Р.И.Иброҳимов синфида таҳсил олди. Консерваторияда ўқиган йиллари унда дирижёрлик санъатига бўлган қизиқиш янада ошиб борди. У симфоник ёки халқ чолғулари оркестри концертларини қолдирмас, Тошкентга гастролга келган машҳур дирижёрларнинг репертуарлари ва концертларини тамоша қилар, дирижёрлик бўйича махсус адабиётларни ўқиб, ўзининг билимини янада ошириб борди. 1966 йили С.Каримов Тошкент давлат консерваториясини муваффақият билан тамомлади.

С.Каримов ўзининг меҳнат фаолиятини 1958 йили Ўзбек давлат филармонияси халқ чолғулари оркестрида созанда сифатида бошлаган. Оркестр билан 1959 йили Москвада ўтказилган Ўзбекистон санъати ва адабиёти ўн кунлигида қатнашди. 1966 йили консерваторияни тугатиб яна Т.Жалилов номидаги халқ чолғулари оркестрида дирижёр бўлиб ишлайди. 1967 йили Ўзбекистоннинг 40 йиллик тўйига тўёна концертида Ф.Назаровнинг Фортепиано ва халқ чолғулари оркестри учун концерт, У.Ҳожибековнинг "Кўр ўғли" операсига увертюра каби асарларга дирижёрлик қилган.

1968 йили С.Каримов Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юртининг халқ чолғулари бўлими бошлиғи бўлиб ишлайди. Билим юртида мутахассислик ва дирижёрлик синфи бўйича дарс бера бошлади. Шу йилдан бошлаб мусиқа билим юрти ўқувчилар халқ чолғулари оркестрига раҳбарлик қилди. Ишлаш жараёнида оркестр таркибини такомиллаштирди ва репертуари устида иш олиб борди. Оркестр мусиқа билим юртидаги ва ундан ташқарида ўтказилган концертларда фаол қатнашиб, тингловчилар олқишига сазовор бўлди. Оркестр шу йиллар давомида репертуарини

кенгайтириб борди. Оркестрнинг ижрочилик маҳорати ва дирижёр С.Каримовнинг ҳам ижро техникаси ва салоҳияти ўсиб борди.

1977 йили С.Каримов Тошкент давлат Маданият институтида дирижёрлик бўйича катта ўқитувчи лавозимида ишлайди. 1978 йилда яна Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида халқ чолғулари бўлими бошлиғи бўлиб ишлайди. 1993-1996 йиллари С.Каримовни Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг Д.Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрига дирижёр лавозимида ишлашга таклиф қилишади. Оркестр билан ишлаш жараёнида унинг дирижёрлик санъати маълум ютуқларга эришади. У С.Алескеров ва М.Холмамедовларнинг "Тор ва оркестр учун концерт"лари, Ҳабибулло Раҳимовнинг "Фортепиано ва халқ чолғулари оркестри учун фантазия"си, А.Отажоновнинг "Чанг ва оркестр учун 3 қисмли концерт"и, Т.Азимовнинг "Уд ва оркестр поэмаси", Қ.Комиловнинг "Мустақиллик" номли увертюраси каби асарларига дирижёрлик қилади ва улар С.Каримов дирижёрлигида радиофондларига ёзилган асарлардир.

1997 йили сентябр ойидан С.Каримов яна Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртида халқ чолғулари бўлими бошлиғи сифатида меҳнат (ижрочилик ва муаллимлик) фаолиятини давом эттириб келмоқда. С.Каримовнинг шогирдлари орасида Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий, А.Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институти доценти Абдулла Умаров, Тошкент давлат консерваторияси анъанавий ижрочилик кафедраси мудири, доцент Рифатилла Қосимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Машраб Эрматов ва Аҳмаджон Дадаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Надим Норхўжаев, Республика халқ чолғулари танловининг совриндорлари Рўзиби Ҳожиева, Султон Қосимов, Фарҳод Расулов, Исмоил Маткаримов ва бошқалар бор.

С.Каримов 1970 йилларда Тошкент, Жиззах, Сирдарё вилоятларида халқ чолғулари оркестрларини тузилишида жонбозлик кўрсатиб, юқоридаги вилоятларга амалий ёрдам кўрсатган. Шогирдларидан бир гуруҳи С.Каримов билан ёнма-ён мусиқа билим юртида (Б.Атаев, И.Рисқимуҳамедов, Б.Зияев, А.Абдуғаффоров, С.Қосимов) меҳнат қилмоқдалар.

С.Каримов оркестр синфи ва дирижёрлик фанларидан дарс берар экан амалий-ижрочилик фаолиятини давом эттирмоқда. Унинг дирижёрлик маҳорати ўсиб, оркестр репертуари янгидан-янги партитуралар билан бойиб бормоқда, улар орасида Ҳабибулла

Раҳимов, М.Бафоев, А.Мансуров, Ф.Алимов ва бошқа Ўзбекистон композиторлари асарлари ўрин олмоқда.

1970 йили Сотволди Каримов Ўзбекистон халқ таълими аълочиси белгиси билан мукофотланган.

КОЗЛОВСКИЙ АЛЕКСЕЙ

Алексей Козловскийнинг номи республикамиздан ташқарида ҳам машҳур. Ўзбекистонда композиторлик ижодиёти ва дирижёрлик санъати касбига асос солганлардан бири. Композитор, дирижёр, мураббий А.Ф.Козловский ўзининг бутун ҳаётини Ўзбекистонда янги мусиқа маданиятини яратишга бахш этди. Украинада таваллуд топган А.Козловский ҳаётининг аксарият қисмини Ўзбекистонда ўтказди. Унинг асосий ижодий ва ижрочилик тақдири шу заминда давом этиб, умрининг охиригача у ўзбек мусиқа маданиятини ривож топишига катта ҳисса қўшган санъаткор ҳисобланади. Ўзбекистонга келиб биринчи нотага ёзиб олган асари "Тановор" ашуласи бўлган. Ушбу ашула Алексей Козловский ижодида етакчи мавзу бўлиб, унга умрининг охиригача ҳамкор бўлиб келган. "Тановор" ашуласини Ҳалима Носирова ижросида овоз ва симфоник оркестр учун қайта ишлаб, кейинчалик шу номдаги симфоник поэма ва "Тановор" балетини яратади. Алексей Козловскийнинг ижодий фаолияти дирижёрлик ва педагогик фаолиятлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Шу боис у ўзига хос ижодий ва ижрочилик мактабини яратди. Унинг синфида таҳсил олган санъаткорлар ўз устозларининг услубларини давом эттириб келмоқдалар.

Алексей Федорович Козловский 1905 йилнинг 15 октябрида Киев шаҳрида рус тили муаллими оиласида туғилди. Ёшликдан у мусиқага қизиқиб, 6 ёшдан мусиқа билан жиддий шуғулланишни бошлайди. 12 ёшли Алексей Козловский Киев консерваториясига қабул қилинади ва у ерда фортепиано ва композиция бўйича таълим олади. Аммо гражданлар уруши туфайли унинг оиласи Масловка қишлоғига кўчиб кетади. 1919-1923 йиллари қишлоқда яшаган даврида А.Козловский украин халқ қўшиқ ва куйларини тўплаб, нотага ёзиб олади. Келгусида ушбу ёзувлардан ўз ижодида фойдаланади. 1921 йили Масловка қишлоғида илк бор ёш композиторнинг "Тарас Шевченко хотираси" номли а'капелла кантатаси ижро этилади. Ушбу йиллари у турли жанрлардаги чолғу асарларини яратади. Фортепиано учун икки сюита, бир қисмли симфония, катта увертюра ва симфоник оркестр учун скерцолар шулар жумласидандир.

1923 йилдан 1927 йилгача А.Козловский Москва мусиқа техникумида ўқийди. 1928 йилда Москва консерваториясининг композиторлик факультетига ўқишга кириб, уни таниқли композитор, профессор Н.Я.Мясковский синфини 1931 йилда тамомлайди. А.Козловскийнинг диплом иши "Қаҳрамонлик увертюраси" бўлди. Шу вақтдан бошлаб унинг ижрочилик-дирижёрлик фаолияти бошланди. 1931 йилдан К.С.Станиславский ва В.Н.Немирович-Данченко номидаги мусиқали театр оркестрида дирижёр бўлиб ишлайди. Ажойиб рус актёри ва режиссёри К.Станиславский раҳбарлигида ишлаш ёш композитор ва дирижёр учун катта мактаб бўлди. Турли спектакларга дирижёрлик қилар экан, А.Козловский ҳар бир асарнинг мусиқий драматургиясига киришга ҳаракат қилади. К.Станиславский саҳналаштирган спектакларда (драма ёки опера бўлсин) мусиқага катта эътибор берилган. Чунки бадиий тимсол характери ёки ҳис-туйғулари, айниқса мусиқа орқали ўзининг тўлиқ ифодасини топади. А.Козловскийнинг шундай ажойиб санъаткорлар билан ишлашининг ўзи унга катта мактаб бўлди.

А.Ф.Козловский 1936 йилда Тошкентга келади. У зўр қизиқиш билан Ўзбекистоннинг ўтмишини, тарихини, унинг бой ва бебаҳо мусиқа меросини ўрганади. Анъанавий мусиқа дурдоналарини етук созанда ва хонандалардан ёзиб олади, ҳамда шулар асосида симфоник, вокал-симфоник ва мусиқали саҳна асарларини яратади. Ўзбекистонда у композитор, дирижёр ва мураббий сифатида фаол хизмат қилади. А.Козловский 1938-1941 йиллари ўзбек мусиқали театрининг дирижёри бўлиб ишлайди. 1949 йилдан бошлаб у Ўзбек Давлат филармонияси симфоник оркестрининг бадиий раҳбари ва бош дирижёри бўлиб ишлайди. Мазкур йиллар давомида А.Козловский ўзининг композиторлик фаолияти билан кўпгина йирик мусиқа асарларини яратади: "Бектошнинг жасорати" (Миртемир либреттоси, 1941) бир пардали опера (уруш йилларининг қаҳрамонлик мавзуига бағишланган, "Улуғбек" (А.Козловский ва Г.Герус либреттоси, 1942) операси (XV асрнинг биринчи ярмида яшаган улуғ олим, маърифатчи Улуғбекнинг фаолияти билан боғлиқ тарихий воқеалар ўз аксини топган); "Тановар" балети (Г.Герус, А.Козловский либреттоси, 1971), "Даврон ота" мусиқали драмаси (Т.Содиқов билан ҳамкорликда, С.Абдулла ва К.Яшин пьесаси, 1942), "Шерали" мусиқали драмаси (М.Ашрафий ва С.Василенколар билан ҳамкорликда, Ҳ.Ғулом либреттоси, 1942), М.Горький номидаги рус драма театри

спектаклларига мусиқа ёзади ва шунингдек "Тоҳир ва Зуҳра", "Хўжа Насриддин", "Фарғона қизи", "Хирург" каби кинофильмларга мусиқа яратади. А.Ф.Козловскийнинг ижодида симфоник мусиқа алоҳида ўрин тутади. Ушбу асарларда композитор ўзбек халқининг турли маросимлари, тарихи, табиий манзаралари, халқнинг ҳаётини тараннум этади, жумладан "Лола" номли уч қисмли симфоник сюитаси халқимизнинг баҳор фаслида ўтказиладиган лола сайли маросими таассуроти натижасида ёзилган. "Тоғли сюита", "Ўзбек рақс сюитаси", "Қорақалпоқча сюита", "Достон", "Танювор", "Ҳинд поэмаси", "Сўғдиёна фресколари" каби симфоник поэмаларида симфоник оркестр воситалари орқали асар мазмуни, ғояси, бадиий тимсоли ва миллий руҳини сақлаган ҳолда ифода этилади. Шуни қайд этиш керакки, ушбу асарларни муаллифнинг ўзи симфоник оркестрга дирижёрлик қилиб, тингловчилар олқишига сазовор бўлган.

Алексей Федорович Козловский таниқли композиторгина бўлиб қолмай, ажойиб ва юқори малакали дирижёр ҳам бўлган. У мусиқани дид билан сезган ва дирижёрлик қилган ҳар бир асарга мусиқанинг руҳини тўла сингдирган ҳолда оркестр созларидан ва тембридан усталик билан фойдаланган. У ҳар бир концерт дастурини, ҳар бир мусиқали асар партитурасини ёддан билар ва шу туфайли у кўпроқ ўзининг чиройли ва таъсирчан ҳатти-ҳаракатлари билан ижрочи жамоалар ҳамда тингловчиларга мусиқий тасаввур бахш эта олар эди.

А.Козловский 1949-1957, 1960-1966 йиллари Ўзбек Давлат филармонияси симфоник оркестри бадиий раҳбари ва бош дирижёри бўлиб ишлади. Унинг ушбу лавозимга тайинланиши тасодиф эмас эди. А.Козловский 1944 йилдан Тошкент давлат консерваториясида ўқитувчилик қилиб, композиция, чолғулаштириш ва дирижёрлик синфи бўйича дарс берар эди. Бир куни филармония раҳбарияти ундан симфоник оркестр билан концерт беришини сўрайди. А.Козловский бу таклифни бажонидил қабул қилиб, жуда юқори савияда Дворжакнинг Бешинчи симфонияси ва Скрябиннинг Биринчи симфониясига оркестр ижросида дирижёрлик қилади. Эртаси куни унинг олдига оркестрнинг бир гуруҳ созандалари келиб, ундан оркестрга раҳбар бўлишни илтимос қилишади. Шу кундан бошлаб 18 йил давомида симфоник оркестрга ўзининг ижрочилик фаолиятини бағишлади. Маълум даражада ушбу жамоадаги ишини "мусиқали роман" деб аталиши мумкин. А.Козловский оркестрни, оркестр жамоаси эса ўз навбатида маэстросини севган ва у билан

фахрланган. А.Козловский юқори даражада маданиятли ва ўзига хос характерга, табиатан мусиқийликка, юқори савиядаги дирижёрлик техникасига эга бўлган ғоят хушмуомала, ўта одобли, зиёли ва истеъдодли инсон эди. Машғулотлар жараёнида ҳам А.Козловский ҳар бир ҳаракатга ижодий ёндошар эди. Мусиқага жиддий берилиш мураккаб ижрочилик муаммоларини ечишга имкон берди.

А.Ф.Козловский филармонияда ишлаган йиллари Тошкентда, Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ва қардош республикаларда жуда кўп концертлар берди. Дирижёрнинг репертуарига Ғарбий Овропа, рус мумтоз ва замонавий композиторларининг энг йирик асарлари кирган. У ўзбек композиторларининг кўпгина асарларини биринчи бўлиб тингловчиларга тақдим этган ва ўзбек симфоник мусиқасининг тарғиботчиси сифатида фаолият кўрсатган. Унинг тинимсиз меҳнати туфайли Ўзбекистонда оркестр ижрочилиги маданияти янада шаклланди ва ривож топди. А.Козловскийга лирик-романтик ва лирик-фожиавий характердаги асарларга дирижёрлик қилиш кўпроқ ёқар эди. Франк, Скрябин, Чайковский, Римский-Корсаков ва бошқа мумтоз композиторларнинг симфоник асарлари унинг концерт дастурларидан кенг ўрин олган. Чунки улардаги ёрқин лирика А.Козловскийнинг индивидуаллигига хос бўлиб ва бу хусусият унинг дирижёрлик санъатида яққол намоён бўлган. Куйчан нафас, ихчамлик, равонлик, баъзан тасвирийликка яқин ифода — Козловский-дирижёрнинг ижро талқинидаги асосий хусусиятлардир. А.Козловский раҳбарлигида ўзбек филармониясининг симфоник оркестри юксак савиядаги техник жиҳатдан мукаммал партитураларни, яъни Мусоргский-Равелнинг "Кўргазмадаги расмлар", Р.Штрауснинг "Дон Жуан", М.Равелнинг "Болеро" каби асарларини маҳорат билан ижро этган. А.Козловскийнинг концерт дастурларида нафақат Ўзбекистон, балки қардош республикалар ва чет элларнинг таниқли хонанда ва созандалари ҳам қатнашган. У кўпгина таниқли дирижёрлар — Е.Мравинский, К.Кондрашин, Г.Рождественский, А.Мелик-Пашаев, Н.Рахлин ва бошқалар билан доимий ижодий мулоқотда бўлган. А.Козловский нафақат Ўзбекистон симфоник оркестри билан, балки Москва Катта опера театри оркестри, собиқ Бутуниттифоқ радиоси қошидаги симфоник оркестр билан концертларда қатнашиб, ўзининг дирижёрлик санъатини намойиш этган.

А.Козловскийнинг композиторлик ва дирижёрлик фаолиятлари

айни пайтда педагогик фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. У Тошкент давлат консерваториясида композиция, дирижёрлик, чолғулаштириш ва чолғушунослик, партитураларни ўқиш фанларидан дарс берган. 1949-1954 йиллари А.Ф.Козловский Тошкент давлат консерваториясининг композиция кафедраси мудири, 1971 йилдан чолғулаштириш ва партитура ўқиш кафедрасига раҳбарлик қилган. Унинг синфида композиторлардан Д.Зокиров, Д.Соатқулов, И.Акбаров, И.Ҳамроев, дирижёрлардан Б.Иноятов, Ф.Шамсутдинов, С.Алиевлар таҳсил олишган.

Ўзбекистонда мусиқа санъатини ривожлантиришдаги кўп йиллик самарали хизматлари учун А.Ф.Козловскийга 1955 йили "Ўзбекистон халқ артисти" фахрий унвони берилди.

Алексей Федорович Козловский 1977 йили Тошкентда вафот этди.

ЛИВИЕВ АНВАР

Анвар Ливиевнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ўзбек мусиқа маданияти айниқса, халқ чолғулари оркестрининг ривожи, халқ чолғуларини такомиллаштириш ва ижрочилик санъати билан бевосита боғлиқдир. Мана ярим аср давомида жонкуяр мураббий, созанда ва дирижёр Анвар Ливиев ўзининг ижрочилик ва педагогик фаолиятлари билан халқимизга хизмат қилиб келмоқда.

Анвар Хакимович Ливиев 1925 йилнинг 1 январида Тошкентда таваллуд топди. Унинг ёшлик йиллари хонанда ва созанда бўлмиш Назир ака Ғозиев оиласида ўтди. Назир ака таниқли ҳофиз ва бастакор Ҳожи Абдулазиз Абдурасуловнинг шогирди бўлган ва ўша йиллари Юнус Ражабий раҳбарлигидаги ансамблда хизмат қилар эди. Шу туфайли унинг уйида ҳамиша созанда ва хонандалар йиғилишар, ёш Худойберди эса (Назир ака уни асраб олгандан сўнг, унга шундай исм берган эди) соатлаб куй ва ашулаларни тинглаб ўтирар эди. Бу унинг мусиқадан олган биринчи сабоқлари бўлди. 1933 йилдан Тошкентдаги 32-сонли болалар уйида таълим олади. Болалар уйида Анвар Ливиев труба чалишни ўрганади ва болалардан ташкил топган оркестрда қатнашади. 1939 йили у 24-сонли ўрта мактабнинг еттинчи синфини тугатиб, акаси Давид билан Ленинобод шаҳридаги мусиқа билим юртига труба синфи бўйича ўқишга қабул қилинади. Ўша йиллари мусиқали драма театрида созанда сифатида хизмат қилади.

1941 йилнинг июнь ойидан Анвар Ливиев Тошкент мусиқа билим юртининг ўқувчиси бўлади. Шу йилнинг октябрь ойидан у

ҳарбий хизматда бўлиб, Туркманистоннинг Мари шаҳрида Иккинчи Туркистон пулеметчилик ҳарбий билим юртининг мусиқачилар взводида йигитлик бурчини ўтади. Уруш йиллари Марига Намунали Москва ҳарбий округи дамли чолғулар оркестри эвакуация қилинган бўлиб, Анвар Ливиев ушбу жамоада хазматни давом эттиради ва ўзининг ижрочилик маҳоратини ошириб боради. 1945 йилгача у ҳарбий билим юртида хизмат қилади. Кейинчалик бир йил мобайнида Ашхобод, Фарғона ва Тошкентдаги турли ҳарбий қисмларнинг оркестрларида ўз хизматини давом эттиради. 1946 йили Анвар Ливиев Ашхабодда опера театри ва филармония оркестрларида ҳам ишлайди.

1948 йили ҳарбий хизматдан истеъфога чиққан Анвар Ливиев Тошкентга қайтиб келади ва ўша йили Тошкент давлат консерваториясига рубоб-прима синфи бўйича ўзбек халқ чолғулари факультетига ўқишга киради (С.И.Вайс синфи). Лекин у II курсдан доира синфи бўйича Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор А.И.Петросянц раҳбарлигида таҳсил олади. Бир вақтнинг ўзида Овропа зарбли чолғулари синфи бўйича оркестр чолғулари факультетида ўқитувчи И.В.Парфеновдан дарс олади. Дирижёрлик сирларини эса маҳоратли ўқитувчилар В.Ашкинази, Я.Эляшкевич, ўқишнинг сўнгги йиллари эса Н.Гольдман ва А.Петросянцлардан ўрганади. Талабалик даврида унинг ижрочилик (Ўзбек филармониясининг халқ чолғулари оркестрида) ва педагогик (Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртида) фаолиятлари бошланади. 1953 йили консерваторияни муваффақиятли битириб ижрочилик ва педагогик фаолиятларини давом эттиради. 1953-1955 йиллари Тошкент давлат консерваториясида дирижёрлик синфи бўйича ўқитувчилик қилади.

Анвар Ливиев 1958-1963 йиллари Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг ўзбек халқ чолғулари бўлимига раҳбарлик қилади. 1963-1975 йиллари Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтида (ҳозирги педагогика университети) мусиқа назарияси ва мусиқа чолғуларида ижрочилик кафедрасининг мудири бўлиб ишлайди. 1976 йили Тошкент давлат консерваториясида халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги кафедраси ташкил этилади, Анвар Ливиев кафедранинг биринчи мудири этиб тайинланади. Шу йилдан бошлаб ўриндошлик асосида Анвар ака Т.Жалилов номидаги халқ чолғулари оркестри дирижёри бўлиб ҳам ишлайди. Ўша йиллар Анвар Ҳакимович зиммасида бир томонда янги кафедранинг шакллантирилиши, янги дастурларни ишлаб чиқиш, концертлар

фаолиятини жадаллаштириш, янги фанларни киритиш, дирижёрлик ўқув методикасини янада чуқурлаштириш, иккинчи томондан — филармония оркестрининг янги таркибини шакллантириш, янги концерт дастурлари устида иш олиб бориш ва айни вақтда дирижёрлик фаолияти билан шуғулланиш ва ўз маҳоратини янада ошириб бориш сингари вазифалар турар эди. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Анвар Ҳакимович оркестр ижрочилиги фаолияти билан 1948-1957 йиллари оркестр созандаси сифатида ишлаган вақтидаёқ хабардор эди. У дирижёр сифатида ишлаган даврида янги мавсумнинг очилиши, ҳисобот концертлари, янги дастурларни танлаш жараёни, болалар ва ўсмирлар учун ташкил этилган — абонемент концерт-лекторияларда ҳам фаол қатнашди. Анвар Ливиев оркестр учун қайта ишланган ўзбек куй ва қўшиқлари, ўзбек композиторлари асарлари билан биргаликда жаҳон мумтоз ва Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги республикалари композиторлари асарларига дирижёрлик қилади. Булар орасида Гайдн, Моцарт, Шуберт, Бизе, Бетховен, Чайковский, Шостакович, Хачатурян, Хожибеков, Гиенко, Бобоев, Акбаров каби композиторларнинг турли мусиқий жанрлардаги асарлари кенг ўрин олган. У ҳар бир асарнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда талқин этарди. Машаққатли меҳнат, тинимсиз ижодий изланишлари орқали А.Ливиев ҳар бир асарга дирижёрлик қилганда уни ўз маромига етказишга, характери орқали ижрочилик-техникавий маҳоратга эришишга интилган. Дирижёрликда у керакли ҳаракатлардангина фойдаланган. Анвар Ливиев дирижёр сифатида мавзули концертларда, абонемент концертларида, ранг-баранг концерт дастурлари, концерт-лекториялари дастурлари, шунингдек, республика радиоси ва телевидениеси орқали берилган оркестрнинг концерт дастурлари билан қатнашиб турди.

А.Ливиев 1988 йилгача кафедра мудири бўлиб ишлаб келди. У ўзининг 40 йилдан ортиқ педагогик фаолияти даврида 200 дан ортиқ мусиқа санъатининг малакали кадрларини етиштириб чиқарди. Ҳозирги кунда улар нафақат Ўзбекистоннинг барча вилоятларида, балки қардош республикаларда ҳам ўз билимларини ёш авлодни ҳар томонлама камол топишига сарфламоқдалар. Шогирдлари орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, дирижёр Ғ.Тўлаганов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, дирижёр Р.Юсупов (Андижон), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, созанда О.Камолхўжаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, композитор Т.Хасанов, педагогика фанлари доктори, профессор

Х.Нурматов, санъатшунослик фанлари номзодлари Ж.Расултоев, О.Тошматова, Тошкент давлат консерваторияси доценти Б.Раҳимжонов, Тожикистон санъат институти ўқитувчилари А.Муборакшоев, М.Мустафина, К.Қурбонов, Сирдарё вилояти маданият бошқармаси бошлиғи Й.Норбўтаев, Тошкент мусиқа билим юрти ўқитувчиси Б.Атаев, шунингдек уларнинг кўпчилиги Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Жиззах, Андижон, Гулистон мусиқа билим юртлари ва мусиқа мактаблари ўқитувчилари сифатида ишлаб келмоқдалар.

Камтарин ва меҳнатсевар мураббий А.Ливиев ҳозирги кунда Тошкент давлат консерваториясида ёш мутахассисларга таълим бериш билан бирга ўзбек халқ чолғуларини таъмирлаш ва такомиллаштириш экспериментал илмий-тадқиқот лабораториясида 1991 йилдан мудир лавозимида, 1999 йилдан эса илмий ходим сифатида фаол иш олиб бормоқда. Бу ўринда А.Ливиевнинг болалар боғчалари ва бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжаллаб тайёрлаган чолғулари, айниқса, дутор, қонун, доира ва рубоблар таҳсинга сазовордир. Бу чолғулар асосида болалар боғчаси тарбияланувчиларидан иборат бўлган "Томчилар" ансамбли ташкил этилди.

Серқирра ижодкор Анвар Ливиев кўпгина илмий мақолалар, дастурлар, услубий қўлланмалар, тўпламлар, дирижёрлик курси бўйича дастурлар муаллифи ҳамдир. Унинг "Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрлари"; "Дутор ансамбли учун пьесалар", "Рубоб-дутор ансамбли учун пьесалар", "Рубоб оркестрини ташкил қилиш услубияти" каби ишлари ҳозирги кунгача мутахассислар томонидан услубий қўлланма сифатида фойдаланилиб келинмоқда. У турли анжуманлар, кўрик-танловлар ва фестиваллар иштирокчисидир.

Ўзбек мусиқа санъатини ривожланишидаги хизматлари учун ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланиб 1985 йили Анвар Ливиевга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" фахрий унвони берилди. 1968 йили доцент илмий унвонида тасдиқланиб, 1983 йилдан буён профессор лавозимида хизмат қилиб келмоқдалар.

МАКАРОВ ПАВЕЛ

Ҳарбий мусиқа инсонларга бирор маросим, ҳарбий парадлар каби жуда кўп оммавий ҳаракатларни бир хилда равон, тартиб билан бажаришда, бир меъёрда, маълум усулда қадам ташлаб юришда хизмат қилган. Ҳарбий мусиқанинг табиати ўзига хос хусусиятлари ва характери билан ажралиб туради. Унда қаҳрамонлик

ва ватанпарварлик фазилатлари, ғалабага чорлаш, ҳарбий муваффақиятларни мадҳ этиш намоён бўлади. Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг алоҳида Намунали-кўргазмали ҳарбий дамли чолғулар оркестри — ҳарбий оркестрлар ичида энг яхши ва профессионал даражадаги ижодий жамоа ҳисобланади. Ҳарбий ва расмий маросимларни ўтказишда, чет эллик юқори мартабали меҳмонларни кутиб олишда, республикамизда ўтказиладиган умумхалқ байрамлари, спорт анжуманлари ҳамда парадларни ўтказишда ушбу ҳарбий оркестр муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу оркестр 1960 йилда профессионал созандалардан тузилган бўлиб, ўтган йилар давомида Ўзбекистоннинг мусиқа маданияти ривожига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Республикамизда ушбу ҳарбий оркестрни хизмат кўрсатган жамоага айланишида подполковник Н.П.Долгов, М.С.Брайнин, майор В.Л.Маркелов, Ю.Сайиджонов ва бошқаларнинг хизматлари каттадир. Айниқса оркестрнинг кўзга кўринган дирижёрлар ва созандалар авлодини тарбиялашдаги хизматлари беқиёсдир. Булар орасида оркестрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри полковник Павел Макаров ва оркестр бошлиғи, майор Фанзир Нигматзянов, Москва консерваториясининг собиқ битирувчилари бор.

Павел Леонтьевич Макаров 1949 йилнинг 30 майида Тошкентда туғилди. 1977 йили у П.И.Чайковский номидаги Москва Давлат консерваторияси қошидаги ҳарбий дирижёрлик факультетини тугатган. Дирижёрлик сирларини доцент В.Волков синфида, чолғулаштириш фанини доцент эса С.Ганичев синфида ўтади. Турли шаҳарларда ва ҳарбий қисмларда ҳарбий дирижёр лавозимида хизмат қилди. У оддий ҳарбий қисмнинг ҳарбий дирижёридан то Ҳарбий оркестр хизмати бошлиғигача бўлган ижодий йўлни босиб ўтди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг алоҳида Намунали-кўргазмали ҳарбий оркестри бадиий раҳбари ва бош дирижёри лавозимида хизмат қилмоқда. Унинг раҳбарлигидаги оркестр фақатгина парадлар ва турли расмий маросимларнинг қатнашчисигина бўлиб қолмай, республикамизда ва ундан ташқарида концертлар бериб келмоқда. Репертуарини бойитишда ҳам П.Макаровнинг хизмати каттадир. Оркестр репертуаридан ҳарбий ёки дамли чолғу асарлари ва қўшиқлардан ташқари, жаҳон мумтоз композиторлари асарлари ҳам ўрин олган. Г.Малернинг симфониялари, П.И.Чайковскийнинг "Ромео ва Жульетта" увертюра-фантазияси ва бошқа асарлар шулар жумласидандир. Оркестр Ўзбекистон композиторлари асарларининг тарғиботчиси,

1996 йилдан бошлаб "Ўзбекистон — Ватаним маним" республика қўшиқ танлови ва байрамларида фаол қатнашчисидир.

1988 йили полковник Павел Макаров раҳбарлигидаги ҳарбий оркестр Москвада ўтказилган ҳарбий оркестрлар дамли чолғулар мусиқаси байрами кўрик-танловида фахрий дипломга сазовор бўлди.

П.Макаровнинг дирижёрлик фаолияти ижодкорлик иши билан чамбарчас боғлиқдир. У дамли чолғулар оркестри учун маршлар ва қўшиқлар яратди, "Жоним Ўзбекистон", "Мустақиллик", "Ватан", "Ўзбекистон посбонлари" ва бошқалар шулар жумласидандир.

1989 йили полковник Павел Макаров концерт-ижрочилик фаолияти учун "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби" фахрий унвонига сазовор бўлди.

МАЛКЕЕВ АРКАДИЙ

Дирижёр, созанда ва мураббий, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аркадий Вениаминович Малкеев кўп йиллар давомида Ўзбекистон мусиқа маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келди.

Аркадий Малкеев 1923 йили Белоруссиянинг Речеца шаҳарчасида ишчи оиласида таваллуд топди. У жуда ёшлик чоғида отасидан жудо бўлди ва онасининг қўлида тарбия олди. Унинг ёшлик даври 20-йилларга тўғри келди, кўпчилик қатори ёш Аркадий ҳам ўзини меҳнатга урди; онасига хўжалик ишларида ёрдам бериб юрди. Онаси мусиқага қизиқувчан аёл бўлиб, кўпинча халқ қўшиқларини мароқ билан ижро этар эди. Шу туфайли ёш Аркадийда мусиқага бўлган истеъдодни биринчи бўлиб онаси сезиб уни мусиқа мактабига олиб келади. Аркадий Малкеевни флейта синфига қабул қилишади, уни биринчи устози Семен Григорьевич Повзнер бўлди. Унинг ёрдамида ёш санъаткор классик композиторларнинг флейта учун ёзган асарларини ўргана бошлайди. 30-йилларнинг ўртасида Аркадий Малкеев С.Г.Повзнер раҳбарлигида ўз ижрочилик маҳоратини ошириш учун Гомель мусиқа билим юртига ўқишга киради. 1936 йилдан унинг созанда сифатида меҳнат фаолияти бошланади. 1938 йили мусиқа билим юртига Минск консерваториясининг комиссияси келиб истеъдодли ёшларни олий мусиқа ўқув юртига ўқишга тасвия этишади. Улар орасида хонанда Вероника Борисенко ва созанда-флейтачи Аркадий Малкеевлар бор эди. Консерваторияда у Владимир Васильевич Харитоновдан мутахассислик бўйича таълим олади. В.В.Харитонов Ленинград консерваториясининг В.Тризис синфини тугатган бўлиб, ўзининг шогирдига ҳар бир мусиқий асарни ҳис

этиш, сознинг ижро услубларини, асарнинг тасвирий воситалари билан боғланган ҳолда ижро этишни, шу билан бирга юқори ижрочилик маданиятига эришишга давъат этиб келди. А.Малкеев Белоруссия филармониясининг симфоник оркестри концертларини, опера ва балет театрининг классик ва замонавий опера ва балет спектаклларини томоша қилиб ўзининг мусиқа санъатига бўлган қизиқишини янада бойитди.

1940 йили А.Малкеев яҳудийлар мусиқали-драма театри оркестрида ишлай бошлайди, шу билан унинг оркестр созандаси сифатида маҳорати ошиб борди. 1941 йилнинг 3 июнида А.Малкеев театр жамоаси билан гастролга, Новосибирскка кетади. У ерда уруш бошлангани ҳақидаги хабарни эшиттандан кейин, Минскка қайтмоқчи бўлади. Унга етиб келган хабарга кўра Минск консерваторияси Тошкентга эвакуация қилинган экан. Аммо ўша давр тақозоси билан А.Малкеев Олмаота ҳарбий қўшинлар билим юрти оркестрида созанда-флейтачи сифатида хизмат қилади. 1942 йили уни ҳарбий хизматга чақиришади ва ҳарбий билим юрти қошида танк-қўпориш батальонида таълим олади. Ҳарбий хизматни у мусиқий жамоатчилик фаолияти билан чамбарчас боғланган ҳолатда ўтади. Ўша йиллари 100 кишидан иборат бўлган ансамбль турли шаҳар корхоналарида концертлар беришар эди. Фаол хизмати учун А.Малкеев Қозоғистон республикаси Олий Кенгашининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланади.

1944 йилнинг октябрь ойида Тошкентда Совет Армиясининг ҳарбий талабаларини тайёрловчи мактаби очилади ва 1945 йилнинг март ойидан А.Малкеев Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, дирижёр, майор М.С.Маркосян ташаббуси билан мактаб ўқитувчиси лавозимида ишлай бошлайди. 22 йиллик ўқитувчилик фаолиятида у кўпгина шогирдларга устозлик қилди, улар орасида композитор Валерий Кончаков (Петрозаводск), дирижёр Анатолий Супер (Москва), созанда-флейтачи Александр Иванов (Тошкент) ва бошқалар бор эди.

1947 йили Аркадий Малкеев истеъфога чиқади ва Ўзбек филармонияси қошидаги симфоник оркестрда ишлайди. Ўша йиллари оркестр таркибида Б.Гусаков (гобой), У.Ризақулов (кларнет), С.Горшков (фагот) каби созандалар хизмат қилишар, кейинчалик А.Малкеев ташаббуси билан оркестр қошида ушбу созандалар ҳамкорлигида дамли чолғулар квартетини ташкил этишади. Ушбу квартетнинг ташкил этилиши Ўзбекистонда дамли чолғулар учун камер мусиқаси жанрини ривожланишига туртки

бўлади.

Ўз таълимини ва билимини ошириш мақсадида, уруш туфайли тўхтатилган консерваториядаги ўқишни давом эттириш учун, Аркадий Малкеев 1947 йили Тошкент консерваториясининг оркестр чолғулари факультетининг IV курсига ўқишини тиклайди. У моҳир созанда ва мураббий Владислав Иосифович Павельский синфида таълим олади, 1948 йили консерваторияни имтиёзли диплом билан тугатади.

Консерваторияни битиргач, А.Малкеев кўп йиллардан орзу қилиб келаётган дирижёрлик санъати билан шуғулланишни маъқул топади. Кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, у Мухтор Ашрафий синфига қабул қилинди ва тез орада дирижёрлик касбини эгаллашга муваффақ бўлди. "Мухтор Ашрафий жуда дидли ва истеъдодли инсон бўлган. У ажойиб, таъсирчан қўлларга эга бўлган. Бу қўллар бир вақтнинг ўзида оркестрни ҳам, томошабинни ҳам ҳайратда қолдирар эди, деб эслайди Аркадий Вениаминович, — Мухтор Ашрафийнинг пульт олдида туришининг ўзи ҳақиқий артистлик. Таълим бериш тизими сифатида у ёш дирижёрлар, энг аввало партитурани ёддан билиши лозим дер эди. Устозим биринчи дарслардан бошлабоқ классик мусиқани эгаллашга эътибор қаратдилар, бу эса ўз навбатида дирижёрлик техникасини, тасаввурни машқ қилиш, мусиқанинг маъносини чуқур ҳис қилишни ривож топишига ёрдам берар эди. Мухтор Ашрафий мени чолғулар ва шаклларни таҳлил қилишга ўргатар, кўпроқ ўқишни, кўргазмаларни томоша қилишни, концерт ва спектаклларни тез-тез кўришни тавсия этарди. Талабчан инсон бўлгани учун ҳамиша ўз шогирдларининг мусиқий ва умум таълим ўсиши билан қизиқиб юрар эди. Ҳамма кўрган ва тингланган асарларини таҳлил қилиш, мустақил фикрлашга ва қобилиятни ривожлантиришга ўргатган".

Филармониянинг симфоник оркестрида яккахон-созанда сифатида ишлаб турганда, соатлаб таниқли дирижёрларнинг иш жараёнини кузатиб турар, уларнинг техникаси, партитура билан ишлаши, созандага кўрсатган нуқсонларини кузатиш унинг ўзи учун катта мактаб бўлди.

1956 йили — битириш йили эди. Аркадий Малкеев диплом иши асарига Мухтор Ашрафийнинг "Қаҳрамонлик симфонияси"ни олади. Катта симфоник оркестр билан асарга муваффақиятли дирижёрлик қилди. Бизенинг "Кармен" операси диплом спектакли бўлиб, А.Малкеев ушбу имтиҳондан ҳам аъло даражада ўтди.

Дирижёр сифатида А.Малкеев симфоник оркестр концертларида

қатнашиб юрди. Аста-секин унинг репертуари: Бетховен, Моцарт, Гайдн, Бородин симфониялари, Штраус вальслари, Ўзбекистон композиторларининг асарлари билан кенгайиб борди. Ҳар бир асар устида у қунт билан ишлаш орқали ижобий натижаларга эришди. Иш жараёнида дирижёр А.Малкеев жамоага ҳурмат ва талабчанлик билан муносабатда бўлар, шунингдек солистларга маҳорат билан жўрнавозлик қилар эди. У таниқли созандалар — В.Пикайзен, О.Пархоменко, Н.Штаркман, О.Юсупова ва бошқалар билан концертларда қатнашиб, тингловчилар олқишига сазовор бўлган эди.

Аркадий Малкеев ўзбек филармонияси қошидаги миллий симфоник оркестр фаолиятида 30 йил яккахон-флейтачи ва 20 йил дирижёр сифатида хизмат қилди. У турли шаҳарларда гастрол концертларида қатнашиб машҳур созанда ва хонандаларга дирижёрлик қилган. Хонандалар Э.Касановас (Мексика), И.Сумак (Перу) ва бошқалар шулар жумласидандир.

1951 йилдан А.Малкеев Тошкент давлат консерваториясида муаллимлик фаолиятини бошлайди, дамли чолғулар кафедраси профессори лавозимигача бўлган ижодий йўлни босиб ўтади. Унинг шогирдлари орасида А.Шанов, Ю.Щербанюк, Д.Жихарев, С.Аҳмедов, А.Ғаниев, В.Муҳитдинов, А.Мухиев, Б.Одинаев, И.Синицин, В.Титоренко, А.Кашимбетов, Р.Шевнин, И.Димонт сингари ҳарбий дирижёр, созанда, муаллимлар бор. Улар нафақат Ўзбекистон, балки ҳамдўстлик давлатларида хизмат қилмоқдалар.

1967 йили А.Малкеев кўп йиллик самарали ижрочилик фаолияти учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист фахрий унвонига сазовор бўлган.

МЕДЮЛЯНОВ ВИКТОР

Ўзбекистон мусиқа маданиятида ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб анча шиддатли ва мураккаб жараёнлар юзага келди. Ўлкамизда буткул янгича бадиий-ижодий муҳит шаклланди. Ушбу даврда композиторлик ижодиётининг ҳамма шакл ва жанрлари ривож топди, турли йўналишдаги ижрочилик жамоалари ташкил топади. Шулардан бири Ўзбекистон радиоси қошидаги камер оркестридир. Қисқа вақт ичида ушбу жамоа ўзининг ижодкорлари ва тингловчиларини топди. Айниқса, Ўзбекистон композиторларининг камер асарларини кенг оммага тарғиб ва тадқиқ этишда оркестрнинг хизматлари катта бўлди. Бу ўринда кўп йиллардан буён камер оркестрларга раҳбарлик ва дирижёрлик қилиб

келаётган Э.Азимов ва В.Медюляновларнинг хизматлари катта бўлди. Айтиб ўтиш жоизки, 70-80-йилларга келиб республикамизда камер мусиқаси соҳасида ушбу жонкуяр санъаткорларнинг тинимсиз меҳнатлари туфайли талайгина муваффақиятлар қўлга киритилди.

Виктор Леонидович Медюлянов 1946 йилнинг 15 август куни Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топди. Унда ёшлигиданоқ мусиқага қизиқиш уйғонди ва 12 ёшидан у Юнусобод тумани маданият саройи қошидаги халқ чолғулари оркестрига қатнашиб (оркестр раҳбари Т.А.Хомяков), дастлабки мусиқа сабоғини олди. Кейинчалик ушбу оркестр Тошкентдаги тўқимачилар маданият саройи қошидаги оркестр билан (оркестр раҳбари Д.М.Тарлев) қўшилиб, ягона "Халқ филармонияси рус чолғулари оркестри" номи билан фаолият кўрсата бошлади. В.Медюлянов ушбу жамоада ансамбль ижрочилиги ихтисосини эгаллади ва 2 йил ичида "Халқ филармонияси" қошидаги мусиқа мактабини тамомлайди.

1962-1966 йиллари В.Медюлянов Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг ўзбек халқ чолғулари бўлимида рубоб-прима синфида ўқийди ва уни ҳам имтиёзли тарзда битиради. 1966 йили у Тошкент давлат консерваториясининг халқ чолғулари факультетига ўқишга қабул қилинади. У ерда рубоб-прима чолғуси бўйича доцент В.Я.Борисенко синфида, дирижёрлик фани бўйича эса профессор М.Н.Насимов синфида таҳсил олади. Ёшлигида оркестрда ишлагани талабалик йилларида унга катта ёрдам беради, айниқса, дирижёрлик дарсларида халқ чолғулари оркестрининг чексиз имкониятларидан унумли фойдаланиш тамойилларини ижодий ўзлаштиришга, дирижёр ва оркестр ўртасидаги мутаносиб услубни топишга интилади.

1971 йили консерваторияни муваффақият билан битирган В.Медюлянов Бекобод мусиқа билим юртига йўлланма олади ва у ерда дирижёрлик ва чолғулаштириш фанлари бўйича дарс бера бошлайди. Ўша йили Тошкент давлат консерваториясининг опера-симфоник дирижёрлиги бўйича тайёрлов бўлимига ўқишга киради ва З.Ҳақназаров синфида дирижёрлик сирларини мукаммал ўзлаштиришга киришади.

1973 йили В.Медюлянов консерваториянинг ушбу мутахассислиги бўйича асосий курсига қабул қилинади, у профессор М.Ашрафий синфида ўқий бошлайди. Ўриндошлик асосида Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида ўзининг педагогик фаолиятини ҳам давом эттиради. 1975 йилдан В.Медюлянов Тошкент давлат Маданият институтида халқ чолғулари кафедрасида ишлай бошлайди.

Устози вафотидан кейин, В.Медюлянов С.(Қ.)Усмонов синфида ўқишни давом эттиради ва унинг раҳбарлигида 1978 йили консерваториянинг "опера-симфоник дирижёрлиги" ихтисослигини муваффақиятли битиради. Талабалик йиллари Тошкент давлат Маданият институтида рус халқ чолғулари оркестрига раҳбарлик қилади, дирижёрлик ва чолғулаштириш фанлари бўйича дарс беради, республикамизда ҳаваскор оркестр раҳбарларини тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшади. Унинг раҳбарлигида кўп жойларда оркестрлар ташкил этилади. Дирижёрлик соҳасида ундан билим олган талабалар кейинчалик ҳаваскор оркестрлар ташкил этиб, маданий ишларни жонлаштириш борасида ҳормай-толмай меҳнат қилишади. В.Медюляновнинг шогирдлари Янгиобод, Олмалиқ, Янгиер, Фарғона, Қарши шаҳарларида ҳаваскор оркестрларини ташкил этиб, оркестр ижрочилигини кенг оммага тарғиб этишда фаол қатнашмоқдалар. 1989 йили 1-Республика халқ чолғулари оркестрлари танловида В.Медюлянов раҳбарлигидаги Тошкент давлат Маданият институти оркестри 1-ўрин, унинг шогирдлари раҳбарлигидаги Янги-обод ва Олмалиқ шаҳарлари оркестрлари эса 2- ва 3-ўринларни олишга сазовор бўлди. Институт оркестрига раҳбарлик қилиш созанда ва хонандалар, хор жамоалари билан ҳамкорликда ишлаш жараёни В.Медюлянов учун ўзига хос мактаб бўлди ва келгусида профессионал дирижёрлик фаолиятида унга катта ёрдам берди.

1978 йилнинг январь ойидан бошлаб В.Медюлянов Ўзбекистон радиокомпанияси қошидаги камер оркестрида дирижёр сифатида ишлай бошлайди. Йиллар давомида дирижёр сифатида олган бой тажрибаси профессионал оркестр ва унинг яккахонлари билан ишлаш жараёнида янада камол топди. 1991 йилдан бошлаб В.Медюлянов камер оркестрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри бўлиб фаолият кўрсатиб келмоқда. Айни пайтда В.Медюлянов Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юрти симфоник оркестрига ҳам раҳбарлик қилмоқда. Мазкур йиллар давомида ўқувчилар оркестри билан катта ва қизиқарли концерт дастурлари тингловчиларга тақдим этилди. А.Вивальди, Л.Бетховен, В.Моцартларнинг Симфониялари, Г.Мушелнинг Фортепиано концерти, С.Юдаковнинг "Мирзачўл" вокал-симфоник сюитаси (билим юрти хор жамоаси билан ҳамкорликда), Ф.Листнинг "Прелюдия"си, А.Марчеллонинг "Гобой ва оркестр учун концерти" шулар жумласидандир.

В.Медюлянов 22 йиллик профессионал дирижёрлик фаолиятида Ўзбекистон камер мусиқасини тарғиб этишга катта ҳисса қўшди.

Унинг раҳбарлигидаги камер оркестри Москва (1987, 1990), Душанбе (1989), Кемерово (1987), шунингдек турли Халқаро фестиваллар ("Илҳом-ХХ" ва 1-Тошкент Халқаро симфоник мусиқаси), Ўзбекистон композиторлари уюшмаси Пленумлари ва қурултойлари концертларида (1982, 1986, 1988, 1990, 1998) фаол қатнашиб келмоқда. Камер оркестр ижросида, Э.Азимов ва В.Медюляновлар дирижёрлиги остида Ўзбекистон композиторлари асарларидан иборат 14 катта грамёзуви дисклари нашр этилди, жумладан, "Ўзбекистон композиторлари романслари" (2 та диск), "Камер оркестр ижро этади" (3 та диск), "Ўзбекистон композиторлари камер асарлари" (2 та диск) ва турли монографик дисклар (М.Тожиевнинг Еттинчи, Саккизинчи симфониялари, "Б.Гиенко", "М.Маҳмудов"). Оркестр мунтазам равишда Ўзбекистон ва жаҳон мумтоз композиторларининг ноёб асарларидан иборат концерт дастурлари билан телевидение ва радио орқали концертлар бермоқда. Сўнгги йилларда Халқаро иқтисодиёт ва дипломатия Университетида 2 марта концерт-суҳбатлар уюштирилди, ҳар ҳафта радио ёзувлар қилинмоқда, Ўзбекистон Бадиий Академияси кўргазмалар залида кўпинча рассомлар кўргазмаларининг очилишида ҳам қатнашмоқда. Мана 5 йилдирки В.Медюлянов раҳбарлигидаги камер оркестр Тошкент давлат консерваторияси талабалар хор жамоаси билан ҳамкорликда анъанавий янги йил арафаси концертларини ўтказмоқда. Ушбу концертларда Тошкентда илк бор Ғарбий Овропа мумтоз композиторларининг ноёб кантата-оратория жанридаги асарлари (А.Вивальдининг "Глория", К.Доницеттининг "Мизерере", В.Моцартнинг "Ре мажор Месса бревиси", Перголезининг "Stabet mater"и, И.С.Бахнинг "Рождество" ораторияси) тингловчиларда яхши таассурот қолдирмоқда. А.Вивальдининг 300 йиллик таваллуд санасига бағишланган концертларда В.Медюлянов раҳбарлигидаги камер оркестр ижросида композиторнинг 4 та скрипка концертидан иборат "Йил фасли" туркуми (яккахон Ф.Легер) тамошабинларга тақдим этилди. В.Медюлянов М.Бафоевнинг Биринчи ва Иккинчи камер симфониялари, Н.Ғиёсовнинг Иккинчи симфонияси, М.Тожиевнинг Ўн саккизинчи симфонияси, М.Маҳмудовнинг "Камер симфонияси"нинг илк талқинчисидир. 1-Тошкент Халқаро симфоник мусиқа фестивалида В.Медюлянов дирижёрлигида (1998) Х.Родригонинг (Испания) гитара ва оркестр учун "Аранжуэ концерти" (яккахон С.Ушаков), А.Мусаевнинг (Тожикистон) дутор-бас, қонун, уд ва оркестр учун "Сурушидил" поэма-мақоми,

П.Медюлянованинг (Ўзбекистон) фортепиано ва оркестр учун "Неъмат" номли концертиноси каби асарлар тингловчилар ва фестивал қатнашчилари томонидан олқишлар билан қабул қилинди. Камер оркестр иштирокидаги концертларда С.Беньяминов, А.Азимов, И.Жалилов, М.Раззоқова, А.Абдуқодиров сингари таниқли хонандалар мунтазам равишда қатнашиб, улар ижросидаги асарлар Ўзбекистон радиосининг олтин фонди хазинасидан ўрин олган. Шунингдек, оркестр концертларида чет эллик созанда ва хонандалар ҳам қатнашишди. Лена Мкртчян (хонанда-контральто, Москва), Сейджи Марико (скрипкачи, Япония)лар шулар жумласидандир.

2000 йилнинг баҳор ойларида В.Медюлянов раҳбарлигидаги камер оркестр созандаларидан тузилган квартет Анқара шаҳрида (Туркия) ўтказилган Халқаро мусиқа фестивалида муваффақият билан қатнашди. 2 соатлик концерт дастуридан Ўзбекистон композиторларининг камер асарлари асосий ўрин олди (айрим асарлар В.Медюлянов томонидан квартет учун қайта ишланган).

В.Медюлянов — профессиобнал дирижёр сифатида ўзининг ижрочилик фаолиятида ўзига хос ютуқларга ва камолотга эришди. У ижро этган асарлар ҳозирги замон ўзбек камер мусиқасининг ҳар жиҳатдан ноёб ва энг ёрқин намуналари сифатида маънавий бойлигимиз хазинасидан ўрин олмоқда ва бундан ижодкорнинг ўзи юксак бадиийликка эришмоқда.

Виктор Медюлянов республикамизда камер мусиқасини ривожлантиришдаги хизматлари учун 2000 йили "Дўстлик" ордени билан тақдирланди.

МИРУСМОНОВ ФАРРУҲ

Кейинги йилларда Ўзбекистон мусиқа маданияти янги босқичга қадам қўйди, ривожланиш сари одимламоқда. Унинг ҳаётбахш анъаналарини ёритиш йилдан-йилга токомиллашмоқда. Айниқса, XX асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек мусиқа маданиятини ўрганиш бўйича қилинаётган ишлар ҳам Мустақил Ўзбекистоннинг янги ҳаётини, миллий тафаккурини, ижтимоий сиёсатини нақадар ҳаётбахш қудратга моликлигини тасдиқлашга ҳамда соғлом авлодни ўстиришда, баркамол инсонни улғайишида ўзбек мусиқа санъатининг тез суръатлар билан олга томон ўсганлигини, бой ва ранг-баранглигини намойиш қилишга хизмат этмоқда. Сўнгги йилларда истеъдодли ёшларни ўстиришда, миллий бойлигимизни янги мусиқа асарлари билан бойитишда, мусиқа меросимизни

ўрганишда, бадиий жараён ва ижодкорлар асарларини ҳамда ижрочилик маҳоратини ривожлантиришда махсус ўқув юртларимизнинг хизматлари каттадир. Бинобарин, ушбу жараёнда устоз-мураббийлар хизматини ҳам назардан четда қолдирмаслигимиз керак. Дарҳақиқат, уларнинг ижодий, ижрочилик ва педагогик фаолиятларига ижобий баҳо бериш, уларнинг тажрибаларига эътибор қаратишимиз керак. Ўзбекистон мусиқа маданиятида бундай ижодкорларнинг ўрни, уларнинг ижодий фаолиятларини тўла ёритиш бизнинг вазифамиздир. Булар орасида Р.Глиэр номидаги Республика ўрта махсус мактаб-интернатида ўзларининг мураббийлик вазифаларини бажариб келаётган Фарруҳ Мирусмонов алоҳида ажралиб туради. Мана 50 йилдирки Ф.Мирусмонов мактабда ўқувчилар халқ чолғулари оркестрини ташкил этиб, унга раҳбарлик қилиб келмоқда. Ушбу оркестрнинг ижрочилик жараёнида етишиб чиққан унинг шогирдлари орасида етук созанда, дирижёр, композитор ва олимлар бор. Дирижёрлар Э.Тошматов, Х.Шамсутдинов, Ф.Содиқов, Б.Расулов; композиторлар Т.Қурбонов, Ф.Алимов, Т.Тошматов; созандалар Р.Неъматов, Ш.Йўлдошев, Т.Ражабов; ўқитувчилар Б.Раҳимжонов, Б.Азимов, Б.Атаев, Р.Хўжаев; мусиқашунос Р.Абдуллаев, академик Д.Аҳмедов шулар жумласидандир.

Фарруҳ Мирусмонов 1930 йилнинг 25 июнида Тошкент шаҳрида таваллуд топди. 1946-1949 йиллари у Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртида доира ва чанг чолғулари бўйича А.И.Петросянц синфида таълим олган. 1949 йили Ф.Мирусмонов Тошкент давлат консерваториясининг халқ чолғулари факультетига ўқишга қабул қилинади. У чанг чолғуси бўйича профессор А.Одилов синфида, дирижёрлик фани бўйича профессор А.И.Петросянц синфида таҳсил кўради. Консерваторияда ўқиган йиллари Ф.Мирусмонов мусиқа санъатини мукаммал ўзлаштиришда мусиқа адабиётларидан кенг фойдаланади, етук устоз-мураббийлар маслаҳатларини олади, турли мавзудаги концертларни тинглайди, мусиқали театр асарларини кўради ва ўзининг билимини кенгайтириб боради. 1955 йили консерваторияни муваффақиятли битириб, Ф.Мирусмонов Р.Глиэр номидаги ўрта-махсус мусиқа мактабига йўлланма олади.

Дарвоқе, Ф.Мирусмонов 1949 йилдан ушбу мактабда ўзининг меҳнат фаолиятини бошлаган. Ф.Мирусмоновга мактабда ўзбек халқ чолғулари бўлимини ташкил этиш ва бўлим қошида ўқувчилар ўзбек халқ чолғулари оркестрини ташкил этиш вазифаси юкланади.

Дастлабки йили мактабга қабул қилинган ўқувчилар кичик халқ чолғулари оркестри таркибига қамраб олинган бўлиб, кейинчалик, ўқувчилар сони кўпайгач, кўп овозли алоҳида гуруҳларга бўлинган халқ чолғулари оркестри юзага келди, унинг ўзига хос репертуари ҳам шаклланиб борди. Ушбу оркестр билан Ф.Мирусмоновнинг дирижёрлик санъати шаклланди ва ривож топди. Оркестр Ф.Мирусмонов раҳбарлигида турли мактаб-интернатлар, шаҳар миқёсида ўтказилган тадбирларда фаол қатнашиб борди. 1960 йилдан бошлаб мактаб халқ чолғулари оркестри Республикамиз вилоятлари бўйлаб ижодий сафарларга чиқа бошлади. Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Андижон, Наманган ва бошқа шаҳарларларда учрашувлар ва концертлар бериб, тингловчилар олқишига сазовор бўлди. Оркестр 1964 йили Ўзбекистоннинг 40 йиллиги муносабати билан Тошкент ва Москвада ўтказилган ҳукумат концертларида фаол қатнашди. 1963-1965 йилларда Украина, Болтиқбўйи ва Кавказ-орти республикалари бўйлаб ижодий сафарларда бўлди. Оркестрнинг Москвада Колонна зали, Москва консерваториясининг Катта зали, Кремль концерт залидаги концертлари кенг жамоатчилик томонидан ижобий баҳога сазовор бўлган. Бунда оркестрнинг раҳбари ва дирижёри Фарруҳ Мирусмоновнинг хизмати катта бўлди ва унинг дирижёрлик маҳорати намоён бўлди.

Ушбу йиллар давомида оркестрнинг таркиби ўзгариб борди, унга янги-янги ўқувчилар келиб қўшилди, репертуари ранг-баранг мусиқа асарлари билан бойиди. Оркестр билан Ф.Мирусмоновнинг дирижёрлик маҳорати ҳам юксалиб борди. Ушбу йиллар мобайнида халқ чолғулари оркестри учун турли жанрдаги чолғу ва симфоник асарларни қайта ишлади ва ўзи ҳам ижод этишни бошлади. Оркестр учун Ф.Мирусмонов "Кичик увертюра", "Байрам увертюраси", "Юбилей увертюраси" каби асарларни яратди ва уларни оркестр билан турли концертларда ижро этди. Ф.Мирусмонов халқ чолғулари оркестри билан кўп йиллик самарали меҳнати жараёнида ушбу жамоа учун турли жанрларда (қўшиқдан то йирик чолғу-оркестр асарларигача ижод қилди. Дарвоқе, ўзининг касбий маҳоратини янада такомиллаштириш мақсадида Ф.Мирусмонов иккинчи маротаба Тошкент давлат консерваториясига композиция мутахассислиги бўйича ўқишга киради ва етук композиторлар — Б.Гиенко, Б.Зейдман ва Г.Мушеллардан таълим олади. Консерваторияда ўқиган йиллари ва консерваторияни битиргандан кейин Ф.Мирусмонов симфоник оркестр учун "Юбилей увертюраси", оркестр, хор ва якка хонанда учун кантата,

увертюралар, қўшиқлар, қўғирчоқ театри учун "Гул ва тазолан", "Биз кичик дўстлар" каби ўндан ортиқ спектакларга мусиқа басталади; ундан ташқари барча чолғулар, яъни фортепиано, скрипка, халқ чолғулари учун мусиқа асарлари ва айниқса, ўзбек халқ чолғулари оркестри учун турли асарлар яратди; оркестр учун мумтоз композиторлар асарларини чолғулаштириш ишларини олиб борди.

Дирижёр Ф.Мирусмонов репертуари орасида Т.Қурбоновнинг "Қўшчинор" увертюраси, Э.Григнинг Фортепиано ва оркестр учун концерти, Ф.Назаровнинг Фортепиано ва оркестр учун концерти, Н.Будашкиннинг Домра ва оркестр учун концерти, Л.Делибнинг "Пиццикато"си, Г.Мушелнинг Фортепиано ва оркестр учун концерти, Т.Тошматовнинг Симфонияси, Ф.Мирусмоновнинг "Кичик увертюра" ва "Байрам увертюраси", Фантазияси, шунингдек қайта ишланган ўзбек халқ қуйлари "Дутор баёти", "Чоргоҳ" ҳамда жаҳон халқлари қуйлари ва қўшиқлари бор.

Ф.Мирусмонов раҳбарлигидаги халқ чолғулари оркестри ижросидаги айрим асарлар грампластинкага ёзилган. Оркестр Республикамизда ўтказилган турли тадбирлар, фестиваллар ва танловлар иштирокчиси ҳисобланади. У "Санъат байрами" кўрик-танлови, халқ чолғулари оркестрлари фестивали, 2000 йил мобайнида ўтказилган "Ёш истеъдодлар" танлови совриндоридир. Оркестр жамоаси турли йиллар мобайнида таниқли композиторлар — Д.Шостакович, Д.Кабалевский, А.Хачатурян, Т.Жалилов, Ю.Ражабий, М.Ашрафийлар билан ижодий учрашувлар ўтказган. Оркестр Ўзбекистон композиторлари уюшмаси билан доимий ҳамкорликда учрашув-концертлар уюштиради.

Фарруҳ Мирусмонов кўп йиллик ижрочилик ва педагогик фаолияти учун 1981 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи фахрий унвонига сазовор бўлди.

НАЗАРОВ ПАТТОҲ

Паттоҳ (Фаттоҳ) Ваҳобович Назаров композитор ва дирижёр сифатида Ўзбекистон мусиқа маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшган санъаткорлардан биридир. Унинг турли жанрларидаги ижоди, айниқса, чолғу мусиқаси соҳасидаги асарлари йирик ижрочилик жамоалари ва созандалар дастурларидан ўрин олган.

Паттоҳ Назаров 1919 йилнинг 30 декабрида Қирғизистон Республикаси Фрунзе (ҳозир Бишкек) шаҳрида ҳунарманд оиласида туғилди. У 1933 йили ўзбек бошланғич мактабини тамомлаб, Фрунзе

шаҳридаги мусиқали студияга кларнет чолғуси синфи бўйича ўқишга кирди. 1935 йили сентябрида П.Назаров энг истеъдодли ва аълочи ўқувчилардан бири сифатида М.Ипполитов-Иванов номидаги Москва мусиқа билим юртига ўқишга юборилади. Аммо, соғлиги ушбу чолғуга тўғри келмаганлиги туфайли кларнет синфидан виолончель синфига ўтади. Мусиқа билим юртида П.Назаров 1936-1941 йиллари таҳсил олади. 3 курс ўқувчисини 1939 йили армия сафига чақиришади. У кларнетчи сифатида Москва ҳарбий горнизонидаги дамли чолғулар оркестрида хизмат қилади ва айни вақтда билим юртида ҳам ўқишни давом эттиради. Уруш йиллари П.Назаров ҳарбий оркестрда ишлайди.

1944 йили полк қўмондонлиги П.Назаровни ҳарбий дирижёрлар тайёрловчи олий билим юртига ўқишга тавсия этишади ва у 1945 йили май ойида истеъфога чиқади.

1945-1947 йиллари армия сафидан қайтгач Фрунзедаги Қирғиз давлат драма театрида мусиқа бўлими раҳбари ва айни вақтда Қирғизистон Давлат филармонияси қошида Халқ чолғулари оркестрида дирижёр бўлиб ишлайди. У ўша йиллари ижод билан шуғулланади — жуда кўп қўшиқлар яратади.

1947 йили П.Назаров Тошкент давлат консерваториясининг опера-симфоник дирижёрлиги бўлимига профессор М.Ашрафий синфига ўқишга киради. 1951 йили ушбу бўлимни битириб, композиторлик ихтисослиги бўйича Г.А.Мушель синфига ўқишга қабул қилинади. 1955 йили консерваторияни тамомлайди ва давлат комиссиясига бир қисмли симфония ва "Ўзбекистон хотин-қизлари" номли кантата (Ж.Жабборов шеъри)сини тақдим этади.

1951-1953 йиллари П.Назаров Ўзбекистон радиоси қошидаги симфоник оркестрда, 1955-1959 йиллари Ўзбек давлат филармонияси қошидаги халқ чолғулари оркестри ва симфоник оркестр дирижёри бўлиб ишлайди. Ўша йиллари унинг дирижёрлик маҳорати ошиб борди; у кўпроқ Ўзбекистон композиторларининг асарларига дирижёрлик қилди. Унинг ҳаракатлари мазмундорлиги, аниқ ва равшанлиги билан ажралиб туради. 1957-1964 йиллари П.Назаров Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театрида ҳам дирижёр бўлиб ишлайди. Театрда ишлаган даврларида мусиқали драмага ҳам мурожаат этади, А.Султонов билан ҳамкорликда қорақалпоқ деҳқонларининг ҳаётини акс эттирувчи "Равшан" (Ж.Оймурзаев ва Т.Олланазаров либреттоси, 1956), "Куйчелек кўзли ёр" (Саиджонов асари асосида, 1959), "Алданган қиз" (Р.Оритжонов асари асосида, 1967) каби мусиқали драмалар ва

шунингдек, бир қатор телеспектакль ва радиопостановкаларга мусиқа ёзди.

П.Назаровнинг ижодий фаолиятида ўзбек халқ чолғулари оркестри учун ёзилган асарлар фахрли ўрин олган. "Ёшлар сюитаси"(1952), ўзбек халқ куйлари асосида "Уфори Насруллойи", "Арча" (болалар учун, 1953), "Қорақалпоқча рапсодия" ва "Қорақалпоқ халқ куйлари асосида сюита" (1956), "Шодиёна" увертюраси (1957), "Байрам марши", 3 қисмли "Ўзбекча сюита" ва бошқалар шулар жумласидандир. Ушбу асарлар муаллиф томонидан дирижёрлик қилинган ва тингловчилар олқишига сазовор бўлган. Ўзбек халқ чолғуларининг хусусиятлари, тузилишлари ва имкониятларини чуқур ҳис қилган П.Назаров ўзининг ижодий ва дирижёрлик фаолиятларида халқ чолғулари оркестрларига кўпроқ мурожаат этади, ҳар бир мусиқа асарида ўзига хос характер яратади ва умуман ансамбль ижрочилик санъатини юқори кўтарилишига интилади. Бу борада П.Назаров ўзининг дирижёрлик фаолиятида, ва кейинчалик шогирдларига дирижёрлик санъати бўйича таълим берганда, ҳар бир халқ чолғуларини оркестр ижрочилиги талабига жавоб берадиган даражада бўлишига алоҳида эътибор берарди. Чунки чолғулар созн (айниқса, оркестр таркибидаги анъанавий дамли созлар)нинг бир-бирига тенг, яъни айнан аниқ овозларда уйғунлашувига эришиш дирижёрдан катта масъулият талаб этади. Бинобарин, мусиқа амалиётида ҳар бир халқ чолғуси ва улардан иборат бўлган ансамбларнинг функцияси ҳам ҳар хилдир. Лекин оркестр ижрочилигида ҳамма чолғулар созининг ва ижро услубларининг бир-бирига мос бўлиши шарт ва дирижёр оркестр бошқарувида бунга эришиши зарур.

П.Назаров Муқимий театрида ишлаган чоғида Т.Жалилов ва Г.Мушелларнинг "Муқимий", Т.Жалилов, Г.Собитов ва Г.Мушелларнинг "Равшан ва Зулхумор", Т.Жалиловнинг "Нурхон", С.Бобоевнинг "Ватан ишқи" каби мусиқали драмаларига дирижёрлик қилган.

П.Назаров 1950 йилдан бошлаб Тошкент давлат консерваториясининг ўзбек халқ чолғулари факультетида оркестр дирижёрлиги бўйича дарс берди. 1967 йили унга доцент, 1982 йили эса профессор илмий унвонлари берилди. Унинг шогирдлари республикамизнинг театрлари, ижрочилик жамоаларида фаол хизмат қилмоқдалар.

П.Назаров 1982 йили Тошкентда вафот этди.

НАСИМОВ МАРДОН

Ўзбекистон мусиқа маданиятида XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб турли ижодий йўналишлардаги миллий ва маҳаллий мусиқа удумлари қаторига ўзгача рус ва Ғарбий Овропа халқларининг мусиқий спектакллари ҳам кириб келди ва тобора мустаҳкам ўрин эгаллай бошлади. Хусусан, Ўзбекистонда кўповозли ижоднинг ва ижрочиликнинг шаклан ва мазмунан ўзлаштирилиши натижасида миллий мусиқий тафаккур янада кенгайди. Замона зайли билан мусиқанинг жанр, шакл, услуб ва ижрочилик усуллари кўпайди, ўзаро бойитилди. Буларнинг заминида ижрочиликка хос янгидан-янги соҳалар шаклланди ва ривож топди. Шу боис дирижёрлик санъати ҳам замонавий мусиқа маданиятининг таркибига айланди. Шу йиллар давомида дирижёрликнинг ўзига хос тармоқлари ҳам ривож топади. Ўнлаб таниқли санъаткорлар ушбу соҳада баракали ижод қилиб, республикамиз мусиқий ҳаётини янада мазмундор, ранг-баранг бўлиши учун хизмат кўрсатдилар. Булар орасида дирижёр ва композитор Мардон Насимовнинг ўзбек мусиқа маданиятидаги улуши салмоқлидир. У ўттиз йилдан ортиқроқ Тошкент давлат консерваториясида дирижёрлик синфи бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиб кўпчиликка меҳрибон устоз ва ёшларнинг севимли мураббийси сифатида дирижёрлик сирларини ўргатиб келган.

Мардон Насимов 1914 йилнинг 5 апрелида Самарқандда таваллуд топди. 1929-1931 йиллари у Самарқанддаги мусиқа ва хореография институтида анъанавий ижрочилик ва мусиқа саводидан таълим олади. Айниқса, най чалиш услубларини М.Насимов таниқли созанда — найчи Абдуқодир Исмоиловдан ўрганади. Институтда "Шашмақом" ижрочилик анъаналарини эса Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Домла Ҳалим Ибодов ва бошқа етук устозлардан ўрганади. Самарқандда институтни битиргач, Тошкентга кўчиб келади. Ўзбек мусиқали театрида созанда-найчи сифатида меҳнат фаолиятини бошлайди ва айни вақтда театр қошидаги студияда ҳам таҳсил олади.

1934 йили Москва консерваторияси қошида ўзбек опера студияси очилади ва унда истеъдодли ёшлар таълим олишади, булар орасида М.Насимов ҳам бор эди. У хор дирижёрлиги бўйича таълим олади. Москвада ўқиган даврида ўз билими ва савиясини ошириш мақсадида турли мавзудаги концертларни ва мусиқали театрларда қўйилган асарларни эшитиб, томоша қилади. Ўша вақтларда М.Насимовда дирижёрлик санъатига катта қизиқиш уйғонади.

1941 йили уруш бошланиши туфайли М.Насимов Тошкентга қайтади ва ўзбек опера театрида хормейстер бўлиб ишлайди; у ўша йилларда қўйилган мусиқали драма ва операларни саҳналаштирилишида фаол қатнашади. 1944-1945 йиллари М.Насимов Бекободдаги Фарҳод қурилиш театрида бадиий раҳбар, 1945-1946 йиллари Ўзбекистон радиосининг мусиқа эшиттириш таҳририятида бош муҳаррир сифатида ишлайди.

1946 йили М.Насимов Н.Римский-Корсаков номидаги Ленинград консерваториясининг опера-симфоник дирижёрлиги факультетига ўқишга киради ва уни 1951 йили профессор И.А.Мусин синфида тамомлайди. Ўша йили Тошкентга қайтгач, Ўзбек Давлат филармонияси симфоник оркестри дирижёри лавозимида ишлайди. Ўн йил давомида у симфоник оркестр билан 700 га яқин концерт дастурларига дирижёрлик қилади. Унинг репертуаридан жаҳон мумтоз композиторлари, рус мумтоз ва замонавий композиторлари, айниқса, Ўзбекистон композиторларининг асарлари салмоқли ўрин эгаллайди. М.Насимовнинг ижрочилик талқинида Бородин, Чайковский, Скрябин,Моцарт, Гайдн, Бетховен, Берлиоз, Рахманинов, Прокофьев, Хачатурян, Шостакович каби композиторларнинг симфоник ва йирик чолғу асарлари тингловчиларга манзур бўлади. Унинг дирижёрлик услубида устози И.Мусиннинг ижрочилик анъаналари устиворлик қилган. Ҳар бир асарни ижро этишдан аввал, М.Насимов партитурани синчиклаб ўрганади ва ўзлаштиради. Бусиз ижод бўлмайди, яхши ва пухта билимсиз асарга дирижёрлик қилиб бўлмайди, деб таъкидлар эди, устоз ўзининг шогирдларига.

1962 йилдан бошлаб М.Насимов Тошкент давлат консерваториясида катта ўқитувчи, доцент (1965), профессор (1981) лавозимларида талабаларга дирижёрлик санъати бўйича таълим беради. 30 йилдан ортиқ вақт давомида (1992 йилгача) М.Насимов халқ чолғулари факультети талабаларига оркестр дирижёрлиги техникаси ва услубларини ўргатди. Унинг раҳбарлигида Тошкент давлат консерваториясини тугатган ўнлаб шогирдлари республикамиз ва мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мусиқали театр ва концерт ташкилотларида, мусиқа ва санъат билим юртларида дирижёр ва мураббий сифатида самарали меҳнат қилмоқдалар.

40-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб М.Насимов ижодкорлик фаолияти билан шуғулланди. Унинг ижод қилган соҳаси асосан қўшиқчилик ва хор мусиқасидир. Булар орасида хор ва оркестр учун "Айтишув" (1978), "Жон, Ўзбекистон" (Х.Шарипов шеъри,

1980), "Шарқ учун" ва "Дунёга тинчлик" (Ойбек шеъри, 1984 ва 1986), "Амир Темур" яккахон ва хор учун (Қамбар Ота шеъри, 1996), хор а'капелла учун "Бир дилдора бор экан" (С.Муҳаммади шеъри, 1982), "Бугун байрам" (Р.Толиб шеъри, 1983), "Самарқандим — обрў-муродим" (Қамбар Ота шеъри, 1996), хор ва халқ чолғулари оркестри учун "Дилбарим" сюитаси (Х.Шарипов шеъри, 1971), "Деҳқонга таъзим"(1976), "Тошкент — гўзал диёрим" (1983), "Наврўз келур" (1996) ва бошқалар бор.

М.Насимов — фаол мусиқа-жамоатчилиги арбобларидан бири бўлиб, у Ўзбекистон композиторлар уюшмаси аъзосидир. Москвада ўтказилган Ўзбекистон санъати ва адабиёти ўн кунлиги қатнашчиси, 40-50-йиллардаги умумхалқ қурилиши (Катта Фарғона канали, Фарҳод ГЭСи, Тошкент канали)ларининг фаол қанташчисидир.

1957 йили фаол ижрочилик фаолияти учун М.Насимов Ўзбекситонда ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист унвонларига сазовор бўлди.

М.Насимов — ижодкор, дирижёр ва мураббий сифатида республикамиз мусиқа маданиятида ёрқин саҳифа қолдирган инсон ҳисобланади. У ўз касбига, эътиқодига содиқ ва фидоий ижодкор эди. Унинг устозлик анъаналари ҳозирги кунда унинг шогирдлари томонидан давом эттирилмоқда.

М.Насимов 1998 йили Тошкентда вафот этди.

НЕЙМЕР ВЛАДИМИР

Саҳнада ўқувчилар симфоник оркестри. Уларнинг чиқишлари доим В.Успенский номидаги Республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернатининг ҳисобот концертини якунлайди. Оркестр ижросида А.Мансуровнинг "Увертюра", И.Дунаевскийнинг "Капитан Гранд болалари" номли фильмидан увертюра, Бизе-Щедринларнинг "Кармен-сюита"сидан айрим парчалар ижро этилмоқда. Дирижёр пульти олдида 40 йил олдин ўзи ушбу мактабнинг ўқувчиси бўлган Владимир Неймер. Ҳозирги кунда у Тошкент давлат консерваториясининг доценти, миллий симфоник оркестр дирижёри ва ўзи ўқиган мактабда ҳам ўқувчилар симфоник оркестри раҳбаридир.

Владимир Борисович Неймер 1939 йилнинг 8 июль куни Украинанинг Киев шаҳрида мусиқачилар оиласида таваллуд топди. Отаси таниқли дирижёр, 20-йилларда Тошкентда йирик антепренёр Амираго труппаси билан гастроль сафарларида бўлган. Онаси эса скрипкачи бўлган. Унинг ёшлик даври Киевда ўтди; 50-йиллари

оиласи Тошкентга кўчиб келади. В.Неймер 1956 йили В.А.Успенский номидаги Республика ўрта-махсус мусиқа мактаб-интернатининг скрипка чолғуси бўйича профессор М.Б.Рейсон синфини тугатиб, ўша йили Тошкент давлат консерваториясига ўқишга киради ва 1961 йили скрипка синфи бўйича уни муваффақият билан тугатади. Консерваторияда талабалик чоғларида Ҳамза номидаги Давлат Академик драма театри концертмейстери (1957-1960), 1960 йилдан Ўзбек давлат филармониясининг симфоник оркестри артисти, концертмейстери; 1971 йилдан Алишер Навоий номидаги Давлат Академик Катта опера ва балет театри оркестрининг концертмейстери бўлиб ишлаб юрган пайтларида унда дирижёрлик соҳасига катта қизиқиш пайдо бўлди. Шу туфайли В.Неймер 1972 йили Тошкент давлат консерваториясининг опера-симфоник дирижёрлиги мутахассислиги бўйича ўқишга киради ва 1975 йили профессор М.Ашрафий синфини муваффақият билан тамомлайди.

1976-1990 йиллари Ўзбек давлат филармонияси симфоник оркестрининг дирижёри сифатида баракали хизмат қилди. Шу йиллар давомида В.Неймер юзлаб концертларга дирижёрлик қилиб ўз мухлисларини хушнуд этди. Ўтган концертларда чет элларда тан олинган ва республикамизда кўзга кўринган ижрочилар — Ирина Бочкова, Виктор Пикайзин, Михаил Плетнев, Татьяна Николаева, Евгений Малинин, Андрей Корсаков, Дмитрий Алексеев, Офелия Юсупова, Марлис Юнусханов, Адиба Шарипова, Илгиз Роянов ва бошқалар фаол қатнашиб келганлар. Ҳозирги пайтда чет элларда ўз ижрочилик маҳоратлари билан ном чиқарган истеъдодли ёш ижрочилар Алексей Султонов, Эльдор Небольсин, Евгений Мурский, Станислав Юденич, Михаил Витенсон, Евгений Шатхан - турли нуфузли халқаро танловлар ғолиблари ҳам В.Неймер раҳбарлигидаги концерт дастурлари иштирокчиларидир.

Ўзбекистон композиторларининг кўпгина янги асарларини биринчи ижроси В.Неймер дирижёрлигида талқин этилиб, тингловчиларга етказилади. Улардан ташқари Шостакович, Бриттен, Воан Уильямс, Дебюсси, Хиндемит каби мумтоз композиторларнинг симфоник асарлари ҳам Неймер дирижёрлигида пойтахтимиз мусиқа шинавандаларини хушнуд қилиб келмоқда.

В.Неймер Ўзбекистон симфоник оркестри билан Эстония, Литва, Украина, Озорбайжон, Белоруссия, Қрим, Кавказ, Россия, Москва ва Ленинградларда ижодий гастроль сафарларида бўлган ва ўзининг дирижёрлик маҳоратини намойиш этган.

В.Б.Неймер ўз ижодий ишлари билан биргаликда мана 30

йилдирки М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида педагогик фаолият билан шуғулланиб, ёшларни тарбиялашдек хайрли ишлари билан фаоллик кўрсатиб келмоқда. Дастлаб камер мусиқаси кафедрасида, 1980 йилдан эса опера тайёрлови кафедрасининг доценти лавозимида унумли меҳнат қилиб келмоқда. Унинг синфида таълим олган ёшлар Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда ҳам муваффақият билан иш олиб бормоқдалар.

В.Б.Неймер 1985 йилдан бери В.А.Успенский номидаги Республика ўрта-махсус мусиқа мактаб-интернатининг ўқувчилар симфоник оркестрига раҳбарлик қилиб келмоқда. Ушбу оркестр 1990 йили Новосибирск шаҳрида ўтказилган Халқаро кўрик-танловда 2-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Владимир Неймер симфоник асарлардан ташқари турли жанрдаги мусиқий саҳна асарларига ҳам дирижёрлик қилади. В.Неймер раҳбарлигида консерваториянинг мусиқали театр студиясида П.И.Чайковскийнинг "Евгений Онегин" ва "Пиковая дама", Д.Пуччинининг "Богема" ва "Джанни Скикки", Леонкаваллонинг "Масхарабозлар", В.Моцартнинг "Фигаронинг уйланиши", Дж.Россинининг "Никоҳлаш вексели", Ж.Оффенбахнинг "Гофман эртаклари", Перголезининг "Хизматкор-бегойим", Вердининг "Травиата", Ф.М.Янов-Яновскийнинг "Оркестр", И.Стравинскийнинг "Марфа", Остроглазовнинг "Хирургия" каби операларни саҳналаштирилган.

А.Навоий номдаги Академик Катта опера ва балет театрида В.Б.Неймер Бизенинг "Кармен" операсига, Бизе-Щедриннинг "Карменсюита", Шостаковичнинг "Ойимқиз ва безори", М.Равелнинг "Болеро", Лазаревнинг "Антоний ва Клеопатра", М.Ашрафийнинг "Муҳаббат ва қилич" каби балет спектакларига дирижёрлик қилган.

1998 йили Тошкентда ўтказилган биринчи Халқаро симфоник мусиқа фестивалида В.Б.Неймер ҳам қатнашиб, Ўзбекистон миллий симфоник оркестри билан Ўзбекистон, Тожикистон, АҚШ ва Олмония композиторларининг симфоник асарларини тингловчиларга тақдим этди.

НИҒМАТОВ РАВШАН

Дамли чолғулар оркестри бошқа чолғулар оркестрларидан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Чунки ушбу оркестрда дирижёрлик маҳоратидан ташқари ижодкор, моҳир раҳбар ҳам бўлиши лозим. Ушбу фазилат, айниқса ҳарбий оркестрларнинг раҳбарларига янада

катта вазифа юклайди ва машаққатли меҳнатни талаб этади. Ҳар бир ҳарбий байрам ёки турли тадбирларда майдонга чиқиш жараёнида ҳарбий парадларда дирижёр ўзининг чиройли, равон ва аниқ қадам ташлашлари билан барча қатнашчиларга байрамона кайфиятни намойиш этади. Унинг қўл ва оёқ ҳаракатлари бир-бирига мутаносиб бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам ҳарбий дирижёрлар дирижёрлик маҳорати устида иш олиб бориши билан бирга сафда юриш ҳаракатларини ҳам маромига етказишлари лозим. Равшан Ниғматов ҳам қарийб 5 йилдан бери ҳарбий дамли чолғулар оркестрига раҳбарлик қилиб келади.

Равшан Маҳкамбоевич Ниғматов 1966 йилнинг 15 ноябрь куни Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топди. Мактабда ўқиб юрган йиллари унда мусиқага қизиқиш уйғонади ва у мусиқа тўгарагига қатнашади. Бу қизиқиш уни 1978 йили генерал И.Петров номидаги Республика мусиқа мактаб-интернатига етаклайди. Бу ерда у гобой чолғуси бўйича ўқиб, 1984 йили мактаб-интернатни имтиёзли, олтин медаль билан битиради. 1984 йили Бухорода ўтказилган ўрта-махсус ўқув юртлари Республика ёш ижрочилар танловида ғолибликни қўлга киритиб, лауреатлик унвонига сазовор бўлади. Ўша йили Ўзбекистон Маданият вазирлиги йўлланмаси билан П.И.Чайковский номли Москва давлат консерваторияси қошидаги ҳарбий дирижёрлар факультетига ўқишга қабул қилинади. 1985-1986 йиллари у мажбурий ҳарбий хизматни ўтайди.

1986-1991 йиллари Р.Ниғматов М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг оркестр чолғулари факультетида гобой чолғуси бўйича ва факультатив равишда "Мусиқий шарқшунослик" кафедрасида таълим олади.

1987 йилдан у Миллий симфоник оркестрда ўзининг ижрочилик фаолиятини бошлайди. 1991 йилдан консерватория ўқитувчиси, шу билан бир вақтда мусиқали театр-студиясида ишлайди. У ўқитувчилик фаолиятини 1988 йилдан ўзи ўқиган мактаб-интернатда бошлайди. У ўқувчиларга дамли чолғуларни ўзлаштириш ва ижро услубларини ўрганиш сирлари бўйича дарс бериб, кейинчалик В.А.Успенский номидаги Республика ўрта-махсус мусиқа мактаб-интернатида ўқитувчилик фаолиятини давом эттиради. 1994-1996 йиллари ижрочилик даражасини ошириш мақсадида Тошкент давлат консерваториясининг ассистентура-стажёрлигига ўқишга кириб уни муваффақият билан тугатади. Ассистентурада ўқиган йилларида у А.Навоий номидаги опера ва балет театрида созанда сифатида ишлайди.

1995 йили Р.Нигматовни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ички қўшинлар Намунавий-Кўргазмали оркестрига дирижёр лавозимига таклиф этишади. У дирижёр сифатида турли тадбирларда, кўрик-танловларда, радио ва телевидения орқали намойиш этилган 150 дан ортиқ концертларда фаол қатнашиб келди. Мазкур йиллар давомида консерваторияда ўқитувчилик фаолиятини давом эттирди ва 1996 йили консерватория талабалари ва ўқитувчиларидан ташкил этилган дамли чолғулар оркестри билан дирижёр ва чолғучи сифатида Францияда ўтказилган Халқаро мусиқа фестивалида қатнашиб Ўзбекистон композиторлари асарларини чет эл тингловчилари орасида тарғиб қилади ва ўзининг маҳоратини намойиш этади.

Равшан Нигматов Республикамиз миқёсида ўтказилаётган "Ўзбекистон Ватаним маним" қўшиқ танловида ва анъанавий қўшиқ байрамларида фаол қатнашиб, Ўзбекистон композиторларининг янги қўшиқларини ўз оркестрига мослаб оммалаштиришда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда.

1999 йили Р.Нигматов Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари дамли чолғулар оркестрини ташкил этишда жонбозлик кўрсатди, унинг таркибини ва репертуарини тузишда ўзининг ташкилотчилик маҳоратини намойиш этди. Оркестр раҳбари ва дирижёри сифатида бир йил ичида репертуар тайёрлади, оркестр таркибини профессионал даражадаги чолғучилар билан мустаҳкамлади, ижрочилик маҳоратини оширди ва ўзига хос услуб яратди. Шундан бери оркестр кундалик иш жараёнида, ҳарбий маросимларда фаол қатнашиб, концерт залларида ўзининг мазмунли концерт дастури билан қатнашиб келмоқда. Тез орада Р.Нигматов раҳбарлигидаги оркестр "Намунавий-Кўргазмали оркестр" унвонига сазовор бўлди. Оркестр репертуаридан асосан Ўзбекистон композиторлари (С.Юдаков, М.Тожиев, П.Ҳолиқов, М.Маҳмудов, М.Бафоев, А.Мансуров, Р.Абдуллаев, Ҳабиб Раҳимов ва бошқалар) асарлари, ўзбек халқ куйлари ва қўшиқлари ўрин олган бўлиб улар (аксарият асарларни Р.Нигматовнинг ўзи оркестр учун мослаштирган ва чолғулаштирган) томошабинлар олқишларига сазовор бўлмоқда.

Р.Нигматов карнай, сурнай, ноғора, доира, занг, қайроқ, сафойил ва бошқа миллий чолғуларни оркестр таркибига киритиш орқали ушбу оркестрнинг ўзига хос қиёфасини шакллантиришга эришди. Дарвоқе, оркестр қошида алоҳида карнайчилар ансамбли ҳам мавжуд. Ушбу чолғулардан дирижёр тўла ва унумли фойдаланиш

билан миллий руҳ яратмоқда.

Ўтган қисқа муддат ичида оркестр учун бир неча концерт дастурлари яратилди, ушбу дастурдан Ўзбекистон композиторлари асарлари, ҳарбий маршлар, Ватанпарварлик қўшиқлари шунингдек, П.Чайковский, А.Римский-Корсаков, С.Рахманинов, Д.Шостакович, В.Моцарт, Л.Бетховен, Г.Свиридов, И.Гайдн, И.Бах, А.Вивальди, Г.Гендель каби композиторлар асарлари ҳам ўрин олган. Қайд этилган дастурлар оркестр ва дирижёрнинг ижрочилик маҳоратларининг ривожига ёрдам беради.

Р.Ниғматов оркестр учун "Қонун посбонлари", "Ички ишлар номин оқлаймиз", бир қатор саф қўшиқлари, "Бухоро", "Қоровул қўшинлар" маршлари ва фанфар куйларни ижод этди. Равшан Ниғматов истеъдодли, ёш ҳарбий дирижёрлардан биридир. У ўз билимини, дирижёрлик маҳоратини ошириш учун сафарбар этмоқда. Ўзининг дирижёрлик фаолиятида ҳамиша устозлар ўгитларига таяниб ўз жамоаси билан мусиқа санъатининг чўққиларини забт этмоқда.

ОЛИМОВ НАРИМОН

Ўзбек мусиқаси тарихида 50-60-йиллар жамиятимиз ҳаётида маънавий ибтидоларнинг роли тобора ўсиб бораётганлиги қайд қилиб ўтилган. Республикамиз маънавий-маданий тараққиётида санъатнинг таъсири ҳам кун сайин муҳим аҳамият касб этаётган бир даврда ажойиб инсон, истеъдодли дирижёр Наримон Олимов ҳам санъат оламига кириб келди. Бу шунчаки, тасодифий ҳол эмас эди, албатта. Санъаткор ва замон, санъаткор ва жамият орасидаги алоқаларда шубҳасиз чуқур маъно яширинган. Бунга Наримон Олимов таржимаи ҳолининг ўзи ҳам гувоҳлик беради. Ёшлигиданоқ жуда кўп мусиқа шинавандалари қалбидан чуқур ўрин олганлиги дирижёрлик қилган асарларининг сони ва сифати билан у мусиқа санъатидаги фавқулодда ҳодиса — ёрқин истеъдод сифатида намоён бўлди.

Наримон Олимов 1928 йилнинг 28 ноябрь куни Қўқон шаҳрида, хизматчи оиласида туғилди. Қўқон шаҳри қадимдан мусиқа санъатларига бой бўлган: халқ қўшиқлари ва чолғу мусиқаси, катта ашула ва мақом ижрочилари, ўзбек анъанавий мусиқаси ривожига катта ҳисса қўшишган. Ёш Наримоннинг ҳаёти мана шу заминда ўтди. Унинг ўспиринлик даври уруш йилларига тўғри келиб, кўпчилик қатори ёш Наримон ҳам ўзини фронт орқасидаги меҳнатга урди: мактабдан кейин оила хўжалигига ёрдам берар, маҳаллада турли ишларни бажариб, оиланинг иқтисодига ўз ҳиссасини қўшиб

келди. 1935 йили Наримон Олимов ўрта мактабга қабул қилинади. Мактабда ўқиган даврида мусиқа тўгарагига қатнар эди.

1942-1948 йиллари Наримон Олимов армия қисмларида аввало тарбияланувчи сифатида, кейинчалик оддий аскар бўлиб хизмат қилади. Ёшликдан мусиқага қизиққан Наримон най, флейта чалишни ўрганади. Аста-секин ҳарбий оркестр таркибида созанда сифатида ижрочилик маҳоратини эгаллайди; ансамбль жўрнавозлигини ўзлаштиради. Ушбу ҳарбий оркестрда ишлаган пайтларида унда дирижёрлик санъатига илк бор ихлос пайдо бўлади. Унга дирижёрлик техникасини эгаллашда ёрдам беришади, бора-бора ўзи ҳам дирижёрлик пульти олдида туриб айрим ҳарбий маршларнинг ижросига дирижёрлик қила бошлайди.

1948-1955 йиллари Наримон Олимов П.И.Чайковский номидаги Москва консерваториясининг опера-симфоник дирижёрлиги мутахассислиги бўйича таълим олади (Е.Я.Рацер синфи). Аввало консерваториянинг миллий бўлимида флейта синфи бўйича таълим олиб, уни битириш арафасида опера-симфоник дирижёрлиги бўлимининг III курсига қабул қилинади ва уни 1955 йили муваффақиятли тугаллайди. Консерваторияда ўқиган йилларида Наримон Олимов бўш вақтларини концерт залларида ўтказиб, кафедранинг симфоник концертларида ўзини дирижёр сифатида намоён этади. Наримон Олимов ёркин темпераменти ва ритмни яхши ҳис қилиши билан ажралиб турди. У асосий эътиборни классик мусиқага, айниқса П.И.Чайковскийнинг ижодига қаратади.

1955 йилдан Наримон Олимов ўзбек филармониясининг симфоник оркестрида дирижёр сифатида ишлай бошлайди. 1957 йили уни симфоник оркестрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри этиб тайинлашади. У ўз фаолиятида оркестр репертуарининг мукаммаллиги устида астойдил иш олиб боради. Унинг репертуарида П.И.Чайковский, И.Гайдн, В.Моцарт, Л.Бетховенларнинг симфония ва увертюралари, шунингдек, Ўзбекистон композиторлари асарлари ўрин олган. Мусиқийлик ва меҳнатсеварлик Наримон Олимовга хос хусусият бўлган. У ҳар бир асар устида қунт билан ишлаб, нозик ва ёркин ҳаракатлари билан асар мазмунини тингловчиларга етказишга интилган.

1960-1962 йиллари Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театрида навбатдаги дирижёр сифатида ишлаб, "Нодира", "Алпомиш", "Икки билагузук" спектаклларига дирижёрлик қилган. 1962 йилдан бошлаб яна симфоник оркестрда дирижёрлик қилган.

1957 йили Наримон Олимов Москвада ўтказилган Жаҳон ёшлари ва талабалари фестивали совриндори бўлади. У 1959 йилдан Тошкент давлат консерваториясида талабаларга таълим беради.

Наримон Олимов 1964 йили Тошкентда вафот этган.

ОРТИҚОВ ЖЎРА

Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали драма ва комедия театри фаолияти ўзига хос тарихга эга. Ушбу театрнинг қиёфаси, ютуқлари кўп йиллар давомида унинг ижодкорлари меҳнати билан чамбарчас боғлиқ. Муқимий театрининг саҳнасида Ўзбекистон бастакорлари ва композиторларининг етук мусиқали драма ва комедия асарлари саҳналаштирилиб, кўп йиллар давомида томошабинлар олқишига сазовор бўлиб келмоқда. Бу асарларнинг кенг оммага тақдим этилиши режиссёр, дирижёр, актёр ва созандаларнинг ижодий фаолиятлари билан боғлиқ. "Ватан ишқи", "Муқимий", "Равшан ва Зулхумор", "Нурхон", "Олтинкўл", "Тошболта ошиқ", "Ажаб савдолар", "Кимга тўй, кимга аза", "Қизил дуррали нозик ниҳолим", "Тошкентнинг нозанин маликаси", "Ўжарлар", "Куёвлар конкурси", "Суперқайнона" каби мусиқали драма ва комедия спектакллари театр репертуарида салмоқли ўрин олган ва ҳамиша томошабинлар диққат-эътиборини қозонган. Ушбу асарларнинг саҳна юзини кўришида мусиқа раҳбарлари ва дирижёрларнинг хизматлари каттадир. Турли йилларда хилма-хил мавзудаги спектакларга дирижёрлик қилган ижодкорлар орасида Ф.Шамсутдинов, И.Гинзбург, Ф.Назаров, С.(Қ.)Усмонов, Н.Ҳалилов, Э.Тошматов ва бошқалар бор.

1970 йили театр жамоасига истеъдодли бир гуруҳ ёш санъаткорлар келиб қўшилди. Булар орасида эндигина катта саҳнага қадам босиб келаётган дирижёр Жўра Ортиқов ҳам бор эди. Мана 30 йилдан ортиқ унинг ижодий фаолияти мусиқали театр ривожи ва ютуқлари билан боғлиқ. Театр билан унинг ижрочилик маҳорати ўсиб борди; шу билан бирга унинг дирижёрлик техникаси ўзига хос хусусиятларга эга бўлди. Муқимий номидаги театрда, М.Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтининг ўқув театрларида Ж.Ортиқов ўзбек ва қардош композиторларнинг турли мавзу ва характердаги мусиқа асарларига дирижёрлик қилиб келмоқда. Шу йиллар давомида у ўзининг билимини ва малакасини оширди, профессионаллик маҳоратига эга бўлди.

Жўра Абдувосиқович Ортиқов 1949 йилнинг 22 апрель куни Тошкентда ишчи оиласида таваллуд топди. 1967 йили у Республика

мусиқа мактаб-интернатини тромбон чолғуси бўйича битириб, шу йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг мусиқа факультетига ўқишга киради ва уни 1971 йили хор дирижёрлиги мутахассислиги бўйича тамомлайди.

1970 йилдан Ж.Ортиқов Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театрида созанда-тромбончи ва дирижёр ассистенти лавозимида ўзининг ижрочилик-меҳнат фаолиятини бошлайди. Ишлаб юрган йилларида дирижёрлик санъатига бўлган қизиқиши ва муҳаббати тобора ошиб боради. Шу йиллари театрда ишлаб юрган дирижёрлар — Н.Ҳалилов ва Э.Тошматовлардан мусиқали спектаклга дирижёрлик қилиш сирларини ўрганади ва аста-секин ўзи ҳам айрим спектаклларга дирижёрлик қила бошлайди. Дирижёрлик маҳорати, саҳна маҳорати, симфоник оркестр билан дирижёрнинг муносабати, оркестр, хор ва хонандалар мутаносиблигида ишлаш, режиссёр, дирижёр ва жамоанинг янги асар устида ишлаш жараёни масалаларини ечишда Ж.Ортиқов ўзининг устоз-мураббийларидан маслаҳатлар олади.

1975 йилдан бошлаб Ж.Ортиқов А.Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик институтида, ҳозирги М.Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтида дирижёр-ўқитувчи сифатида ўзининг педагогик фаолиятини бошлайди. Институт ўқув театрида мусиқали драма актёрлиги факультети талабалари иштирокида С.Юдаковнинг "Майсаранинг иши", С.Жалил, Д.Соатқуловларнинг "Гули Сиёҳ", Ғ.Ғулом, М.Левиевларнинг "Шум бола", Анор, Э.Қаландаровларнинг "Занжир", У.Ҳожибековнинг "Аршин мол олон", К.Шанғитбоев, А.Муҳамедовларнинг "Жон қизлар", У.Азим, Б.Лутфуллаевларнинг "Самарқанд ушшоғи", Р.Муҳаммаджонов, М.Маҳмудовларнинг "Ака-ука совчилар" ва бошқа мусиқали драмаларининг саҳналаштирилишида мусиқа раҳбари бўлди ва уларга ўзи дирижёрлик қилди.

Ж.Ортиқов ўз билимини ва малакасини ошириш мақсадида, дирижёрлик санъатини мукаммал эгаллаш ва ўзлаштириш учун 1994-1996 йиллари М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг опера-симфоник дирижёрлиги мутахассислиги бўйича профессор З.Ҳақназаров синфида таҳсил олади. Устоз раҳбарлигида у дирижёрлик техникаси сирларини эгаллайди, симфоник партитураларни изчиллик билан ўрганади ва ўзлаштиради, жаҳон мумтоз композиторлари — Гайдн, Моцарт, Бетховенларнинг симфониялари мисолида дирижёрлик санъатини янада чуқур ўрганади ва консерваториянинг мусиқали театр студияси симфоник

оркестри билан Моцартнинг Қирқинчи симфонияси, Чайковскийнинг Биринчи ва Тўртинчи симфонияларини, Биринчи фортепиано ва оркестр учун концертини, Моцартнинг скрипка ва оркестр учун концертини, Шостаковичнинг Бешинчи симфониясини ижро этиб, ўзининг дирижёрлик маҳоратини намойиш этди.

Ўзбекистон миллий симфоник оркестри билан Ж.Ортиқов П.И.Чайковскийнинг Тўртинчи симфонияси ва Биринчи фортепиано ва оркестр учун концертидан иборат тўлиқ концерт дастурини ўзи дирижёрлик қилган ҳолда, тингловчиларга тақдим этди.

Ж.Ортиқов мусиқали театр дирижёри, шу туфайли унинг ижрочилик фаолияти Муқимий номидаги театр ва охирги йиллари Тошкент оперетта театри билан боғлиқдир. Муқимий номидаги театрда у Ҳамза, Т.Жалиловларнинг "Паранжи сирлари", К.Яшин, Т.Жалилов, Г.Собитовларнинг "Нурхон", Хуршид, Р.Глиэр, Т.Содиқовларнинг "Лайли ва Мажнун", Ҳ.Ғулом, М.Левиевларнинг "Тошболта ошиқ", П.Мўмин, Н.Ҳалилов, А.Муҳамедовларнинг "Олифта", Ч.Айтматов, М.Левиевларнинг "Қизил дуррали нозик ниқолим", Ҳ.Ғулом, М.Левиевларнинг "Мангулик" ва "Тошкентликлар", Н.Қобул, Т.Қурбоновларнинг "Иброҳим алайҳиссалом таваллудлари" каби мусиқали драма ва комедия асарларига дирижёрлик қилди. Тошкент оперетта театрида мумтоз ва замонавий оперетта асарларига ҳам дирижёрлик қилиб келмоқда, булар орасида — Ф.Легарнинг "Люксембург графи", В.Дмитриевнинг "Блоха", Ж.Летраз, А.Эргашевларнинг "Ушоқ", Г.Канчеллининг "Ўғирланган келин", В.Лукашев, В.Ильин, Д.Шевцовларнинг "Муҳаббатли вертеж" оперетталаридир.

Ҳозирги кунда Ж.Ортиқов Тошкентдаги ушбу мусиқали театрларда янгидан-янги спектакларни томошабинларга тақдим этиб, Тошкент давлат санъат институти ва Тошкент давлат консерваторияси талабаларига дирижёрлик сирларини ўргатиб келмоқда.

ПЕТРОСЯНЦ АШОТ

1930-йилларнинг охирида Ўзбекистонда янги кўп овозлик ижро жамоалари таркибида ўзбек халқ чолғуларидан иборат оркестр ташкил топади. Бир томондан оркестрнинг яратилиши — ўзбек халқ чолғуларининг ижрочилик имкониятларини янада кенгайтирди, янги ижро услуби ва йўналиши пайдо бўлди.

Иккинчидан, ушбу жамоа билан биргаликда халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги дунёга келди. Бунинг негизида Н.Миронов ва А.Петросянц каби ижодкорлар туришган. Дастлабки изланишлар ўша давр олдинга сураётган ижодий вазифаларни акс садоси сифатида миллий унисон оркестрдаги ўзбек созандалари орасида туғилади. Бундай тажрибалар, ўз навбатида, халқ чолғуларини такомиллаштириш билан шуғулланадиган махсус лабораториянинг вужудга келишига асос бўлди. Халқ чолғуларини такомиллаштириш ва қайта ишлаш натижасида бир меъёрда темперация этилган товушқаторга эга бўлган чолғулар пайдо бўлди, натижада кўп овозли халқ чолғулари оркестри шаклланди.

Ашот Иванович Петросянц ўзбек мусиқа маданиятида алоҳида ўрин тутади. У — истеъдодли дирижёр ва ташкилотчи, Ўрта Осиё халқлари мусиқа чолғуларини такомиллаштиришда катта ишларни амалга оширган. Ўзбекистонда илк бор ўзбек халқ такомиллаштирилган чолғулар оркестри, Тошкент давлат консерваториясида халқ чолғулари факультети ва кафедраси унинг номи билан боғлиқ.

Ашот Иванович Петросянц 1910 йилнинг 10 май куни Туркманистон Республикасининг Мари шаҳрида туғилган. Ёшликдан мусиқага қизиққан ва 10 ёшида у турли рус халқ чолғуларини чалишни ўрганади. Кейинчалик А.И.Петросянц шаҳардаги мусиқа мактабининг скрипка синфида ўқийди. Ушбу мактабда ўқиган кезлари ҳар хил ҳаваскор халқ ва дамли чолғулар оркестрларида созанда сифатида қатнашади. Мактабни тугаллаб А.И.Петросянц Тошкентга келади ва Тошкент мусиқа билим юртининг скрипка синфида ўқий бошлайди ва уни 1931 йили муваффақият билан битиради. Ўша йиллари унинг ташкилотчилик фазилатлари намоён бўлади; у турли ташкилотларда фаол хизмат қилади; Мари шаҳри темирйўлчилар клубида скрипкачи, ишчи ёшлар театри мусиқа бўлими мудири ва театр директори, болаларни бадиий тарбиялаш Марказий уйида мусиқа сектори мудири, турли бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида, ҳарбий қисмларда ташкилотчи ва раҳбар бўлиб фаолият кўрсатади.

1934 йилда А.И.Петросянц бошчилигида ўзбек халқ чолғуларини такомиллаштириш ва қайта ишлаш лабораторияси тузилади ва унга ўзбек усталари жалб этилади. Лабораториянинг асосий вазифаси бир меъёрда темперациялаштирилган хроматик товушқаторга шунингдек, мумкин қадар кучлироқ товушга эга бўлган чолғуларни тайёрлашдан иборат эди. Лабораторияда ясалган экспериментал

чолғулар мавжуд унисон оркестрлардаги созандалар ижросида синаб кўриларди.

1936 йили А.И.Петросянц Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг халқ чолғулари бўлими раҳбари этиб тайинланади ва шу йилдан бошлаб ўқувчиларга нота ёзуви билан ўқишни тавсия этади. Шу йили А.И.Петросянц Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетига ўқишга киради ва Б.Б.Надеждин синфида таълим олади. Унинг ўқиш жараёни ижрочилик, илмий-амалий ва жамоатчилик фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган: у мусиқа билим юртида ишлайди, лабораторияда тадқиқот ишларини давом эттиради, 1938 йилдан бошлаб Н.Н.Миронов раҳбарлигида Ўзбек Давлат филармонияси қошидаги катта этнографик ансамбль негизида "Нота оркестри" дирижёри бўлиб ишлайди. Аста-секин унинг таркиби дирижёр А.И.Петросянц раҳбарлигида кенгая боради ва 1939 йилнинг охирларига бориб, у такомиллаштирилган чолғулар оркестри, филармония қошидаги алоҳида жамоа сифатида ташкил топади. Ўша давр оркестр таркибига такомиллаштирилган ғижжак квинтети, рубоб-прима, қашқар рубоби ва чанг чолғулари кирган, улардан ташқари анъанавий ҳолдаги най, қўшнай, афғон рубоби, озарбайжон тори ва урма чолғулар ва айрим симфоник оркестр чолғулари (асосан дамли чолғулар) ҳам киритилган эди. Лабораториядаги илмий-амалий изланишлар таъсирида оркестр таркиби А.И.Петросянц раҳбарлигида тобора такомиллашиб боради. Ўзбекистон композиторлари ҳам ушбу янги ташкил этилган оркестр учун махсус мусиқа асарлари ёзиб, унинг таркиби ва ижро услуби ривожига кўмаклашиб боришди. Оркестрнинг ёрқин миллий колоритини таъминлаш мақсадида қўшимча киритилган симфоник оркестр чолғулари ҳам борган сари ўзбек халқ чолғуларининг янгича яратилган турлари билан алмашиб бораверди. Оркестрнинг 40-йиллардаги маълум таркиби ўзига хос репертуари билан бойиб борди. Ушбу ишда ҳам А.И.Петросянцнинг фаол хизмати кўринади, у оркестр учун кўпчилик халқ куйларини қайта ишлаб, айрим мумтоз композиторларнинг машҳур асарларини оркестрга мослайди.

А.И.Петросянц умрининг охиригача экспериментал лабораторияда (аввало Санъатшунослик институти қошида, кейинчалик консерватория қошида) фаол хизмат қилди. Ушбу давр ичида у Ўзбекистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қорақалпоғистоннинг 78 дан ортиқ халқ мусиқа чолғуларини такомиллаштирган. А.И.Петросянц илк бор ўзбек халқ мусиқа

чолғулари амалиётида жаҳон эталони бўйича андоза созини киритади. Унинг иштирокида Ўзбекистонда мусиқа чолғулари фабрикаси ташкил топади, у ерда алоҳида чолғулар ва оркестр учун комплектлар тайёрланиб, республикамиз мусиқий ҳаётида тарғиб этилди. Такомиллаштирилган ва қайта ишланган мусиқа чолғулари Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон, Қорақалпоғистоннинг профессионал ва ҳаваскорлик мусиқа амалиётига кенг кўламда кириб келди.

1941 йили уруш туфайли вақтинча фаолияти тўхтатилган халқ чолғулари оркестри, 1943 йили А.И.Петросянц ташаббуси билан яна қайта тикланди. У 1958 йилгача ушбу жамоанинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри сифатида фаол концерт фаолиятини бошлайди. Унинг раҳбарлигида оркестр 2000 дан ортиқ концертлар берди ва бу оркестр ўзбек мусиқа маданияти, мусиқа мероси ҳамда замонавий мусиқа ижодиётини тарғиб этишда катта ўрин эгаллаб келди. Оркестр 50-йиллар ўрталарига янги яратилган чолғулар билан бойитилган, тўла шаклланган эди. Худди шу таркибда оркестр турли мамлакатларга бориб концерт ҳам бериб турарди. Оркестрнинг ижрочилик маҳорати ўсган сари А.И.Петросянцнинг дирижёрлик маҳорати ҳам ошиб борди. Оркестр репертуари ҳам бойиб борди. М.Бурҳонов, Б.Гиенко, С.Бобоев, Н.Будашкин, Ф.Шуберт, У.Ҳожибеков каби композиторларнинг мураккаб ва мукаммал мусиқа асарлари оркестр репертуаридан ўрин олди.

1948 йили Тошкент давлат консерваториясида халқ чолғулари кафедраси ва факультети очилди, унинг ташкилотчиси ва раҳбари А.И.Петросянц эди. У консерваторияда шу йиллдан бошлаб чанг, рубоб, най, доира чолғулари бўйича машғулотлар олиб борди, махсус халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги фани киритилиб дастлабки йилларда машғулотларни унинг ўзи олиб борди. Шундай қилиб А.И.Петросянц Ўзбекистонда халқ чолғуларида ижрочилик санъатини ўргатиш ва халқ чолғулари оркестрига раҳбарлик қилиш, ўқитиш жараёнининг олий таълим асосларини яратди.

А.И.Петросянц моҳир дирижёр бўлган. У ўзининг дирижёрлик фаолиятида ўзига хос халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги техникасини ва услубини жорий қилди. Унинг дирижёрлик техникаси мукаммаллиги билан ажралиб турар эди. 1954 йили Давлат Комиссияси А.И.Петросянцга халқ чолғулари оркестри концерт дастурига маҳорат билан дирижёрлик қилгани учун олий даражадаги халқ чолғулари оркестри дирижёри ихтисослиги берилди. Унга 1961 йили — доцент, 1970 йили эса профессор илмий унвони берилди.

А.И.Петросянц устоз ва мураббий сифатида 30 йилдан ортиқ М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси талабаларига халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги сирларини ўргатиб келди. Унинг ташаббуси билан консерватория қошида талабалар халқ чолғулари оркестри ташкил топди ва улар юзлаб концертлар берди. Оркестр таркибида кўплаб талабалар дирижёрлик услуби ва маҳоратини намойиш этганлар. А.И.Петросянц раҳбарлигида консерваторияни тугатган элликдан ортиқ талабалар республикамизнинг турли вилоятларидаги санъат ва маданият муассасаларида, театр ва концерт ташкилотларида, ўнлаб талабалар эса қардош республикаларда дирижёр, созанда, мураббий ҳамда ташкилотчи сифатида самарали меҳнат қилмоқдалар. Булар орасида Ўзбекистон халқ артисти Форуқ Содиқов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фируза Абдураҳимова, Тошкент давлат консерваторияси доценти Рустам Хўжаев ва бошқалар бор.

А.И.Петросянц консерваторияда нафақат дирижёрлик санъати, балки чолғушунослик ва чолғулаштириш, услубият ва оркестр раҳбарлиги, доира, най чолғулари синфи бўйича дарс бериб келган. Унинг педагогик фаолияти илмий ва ўқув-услубий ишлари билан чамбарчас боғлиқ. У дирижёрликдан дарс бериш услубиятида илмий-амалий йўналишларга таянган ҳолда олиб борган. Унинг фикрича дирижёр фақатгина оркестр раҳбари бўлиб қолмай, кенг қамровли санъаткор бўлиши лозим. Дирижёрлик қилаётган асарнинг партитурасини кўз билан эмас, дид ва иложи борича ички туйғулар орқали ҳис этиб, атрофлича ҳатти-ҳаракатлар билан ифода этишни тавсия қилар эди.

А.И.Петросянц раҳбар ва дирижёр сифатида кенг кўламда меҳнат қилиб, нафақат Ўзбекистонда, балки қардош республикалар мусиқа маданиятида ҳам халқ чолғулари оркестрининг ижрочилик имкониятини амалда ёритиб берди, шу туфайли мана олтмиш йилдирки оркестр ижрочилиги ва халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги санъати ривож топиб келмоқда. Петросянц раҳбарлигида Ўзбек Давлат филармонияси қошидаги Т.Жалилов номли халқ чолғулари оркестри юксак профессионаллик даражасига кўтарилди, унинг репертуари турли жанрлар билан бойиб борди: халқ қўшиқлари ва куйлари, қайта ишланган мумтоз куйлар, Ўзбекистон композиторлари ва жаҳон мумтоз композиторлари асарлари (оддий оркестр пьесасидан то йирик симфониягача) ўрин олди. Ўзбек халқ чолғулари оркестри ҳақида, чолғушунослик ва турли чолғулар бўйича дарсликлар А.И.Петросянц қаламига

мансубдир.

Ашот Иванович Петросянцнинг ижодий ва мусиқий-жамоатчилик фаолияти ўзининг серқирралиги ва бойлиги, сержилолиги ва замонавийлиги билан Ўзбекистон ва қардош республикалар мусиқа маданиятида ёрқин саҳифа очди ва из қолдирди. Ўз касбига, эътиқодига содиқ бўлган бу фидоий ижодкорнинг ўзбек мусиқа санъатини юксалтиришдаги изланишлари ва меҳнати ўзининг самарасини берди.

А.И.Петросянцнинг ижодий фаолияти ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланиб, у "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби", "Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" ва Давлат мукофоти лауреати унвонига сазовор бўлди.

А.И.Петросянц 1978 йили Тошкентда вафот этди.

ПОЛВОНОВ САПАРБОЙ

Ҳар бир халқнинг миллий маънавий меросига хос бўлган мусиқий-театр санъатида унинг узвий бир бутунлигини таъминлашда нафақат ижод, балки ижрочиликка хос умумий тузилма, мантиқий ривож услублари ва ўзига хос хусусиятлари негизини ташкил этувчи муҳим тасвирий имкониятлардан бири сифатида мусиқа санъати катта ўрин эгаллайди. Бунда қорақалпоқ миллий мусиқа санъатида, жумладан, йирик мусиқа-саҳна жанрларини ишлатиш усулларини ёритиш ҳам муҳим ўрин тутади.

Одатда мусиқанинг саҳна санъатидаги тасвирий имкониятлари ҳар бир миллат маданиятида турлича намоён бўлади. Айни вақтда, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари ҳам алоҳида аҳамият касб этиши муқаррардир. Қорақалпоғистон мусиқали театрининг ривож топиши ХХ асрнинг иккинчи ярмидан, композиторлик ижодиётининг шаклланиши ва ижрочилик санъатининг ривожланиши билан шунингдек, мусиқали театр тарихи, кўзга кўринган кўп саҳна усталарининг номлари билан ҳам боғлиқдир. Улар орасида дирижёрларнинг хизмати ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Булардан бири, ўзига хос истеъдодли созанда, ижодкор, мураббий ва дирижёр Сапарбой Полвоновдир. Унинг ижодида халқ мусиқаси ва ижодиёти анъаналари жуда чуқур из қолдирган. Сапарбой Полвоновда мусиқага бўлган қизиқиш ёшлигидан пайдо бўлди, унинг негизи Қўнғиротлик машҳур Аметбахши (Сапарбойнинг бобоси) бўлса ажаб эмас.

Сапарбой Раимович Полвонов 1937 йилнинг 4 апрелида таваллуд топди. Ёшлик даври қўшни Туркманистоннинг Тошҳовуз шаҳрида

ўтди. У ерда ёш Сапарбой умумтаълим мактаб билан бир пайтда мусиқа мактабига баян синфи бўйича ўқишга киради. У ўз чолғусида оммабоп бўлган куй ва қўшиқларни ижро этиб, ўзи ҳам кичик шаклдардаги куй ва қўшиқлар басталай бошлайди. "Вальс", "Этюд" каби куйлар, "Бизнинг қишлоғимизда яшайди" каби қўшиқлар шулар жумласидандир. Ушбу қўшиқ кейинчалик мусиқа билим юртининг ўқувчилар хори томонидан ижро этилган. Тўққизинчи синфда ўқиб юрган вақтларидаёқ Сапарбой болалар боғчасида мусиқа раҳбари ва шаҳар ёшлар саройида хор раҳбари бўлиб ишлайди. Айни пайтда С.Полвонов А.Герасименко раҳбарлигидаги хор ва драматик жамоаларда шуғулланади. Мактабни тугаллаб у Ашхабод мусиқа билим юртига икки мутахассислик, хор дирижёрлиги ва баян синфи бўйича ўқишга киради.

1960-йиллар С.Полвонов учун унутилмас давр бўлиб қолди. Ушбу йиллар у Н.Римский-Корсаков номидаги Ленинград консерваториясига хор дирижёрлиги факультетига ўқишга қабул қилиниб Н.В.Романовский синфида таълим олади. Устози Н.В.Романовский ўз вақтида "Ёш ишчилар" хорини ташкил этиб, унга раҳбарлик қилар эди. Ушбу жамоа ўзининг ижрочилик санъати билан элга машҳур бўлиб, жаҳон ёшлари фестивали ва турли халқаро танловлар совриндори бўлиб ном чиқарган эди.

Сапарбой Полвонов Ленинградда ўқиган вақтида ўз билими ва маҳорати сирларини ошириш мақсадида турли концерт залларида таниқли ижрочилар ва дирижёрларнинг концертларини тинглайди, мусиқали театрларда мумтоз ва замонавий спектакларни томоша қилади. Ўша йиллари у машҳур санъаткор И.Стравинскийнинг 80 йиллик юбилейи ўтказилаётган пайтларда у билан учрашишга муяссар бўлади. Ленинградда С.Полвонов таниқли дирижёр Герберт фон Караян дирижёрлигида Бетховеннинг тўққизинчи симфонияси ижросини кўриб эшитади ва ушбу ижро унда жуда катта таассурот қолдиради. Ўша даврларда дунёга машҳур бўлган Мичиган дамли чолғулар оркестри концертида, Роберт Шоу раҳбарлигидаги хор жамоаси ижросида итальян, француз, немис ва америкалик композиторлар асарларини тинглайди. У кўпинча жаҳонга таниқли дирижёр Евгений Мравинский раҳбарлигидаги симфоник оркестр концертларини эшитиб борар эди. Буларнинг ҳаммаси С.Полвоновга ижобий таъсир кўрсатди, унинг ижоди ва маҳоратини ошишида ўзига хос мактаб вазифасини ўтади. Айниқса Е.Мравинский раҳбарлигидаги оркестр ижросида Чайковский, Бетховен, Шостакович, Прокофьев каби композиторларнинг симфониялари,

Ленинград консерваторияси талабалар хорининг раҳбари, Россияда хизмат кўрсатган санъат арбоби, доцент А.А.Михайлов, ва услубиятдан сабоқ берувчи Россия халқ артисти, профессор Е.Н.Кудрявцева каби устозларнинг дарслари С.Полвоновда катта таассурот қолдирди.

Консерваторияда ўқиган йилларида дирижёрлик санъатига бўлган қизиқиши ортиб борди. У аста-секин янги-янги партитураларни ўрганиб, ўз устозларидан керакли маслаҳатлар олди, дирижёрлик санъати бўйича адабиётларни синчиклаб ўқиди, дирижёрлик техникасини чуқур ва моҳирона эгаллашга интилди.

С.Полвонов Ленинград консерваториясини муваффақият билан тамомлаб Ашхабодга, Махтумқули номидаги опера ва балет театрига хормейстер лавозимига йўлланма олиб, меҳнат фаолиятини бошлайди. 1965-1966 йиллари у театр жамоаси томонидан саҳналаштирилган спектакларда фаол қатнашади. Аммо она юрти уни ўз бағрига чорлайди. 1966 йили Сапарбой Полвонов Қорақалпоғистонга қайтиб келади ва К.С.Станиславский номидаги мусиқали театрда хормейстер лавозимида ва Ж.Шомуротов номидаги Нукус санъат билим юртида ўқитувчи бўлиб (баян ва хор дирижёрлиги синфлари бўйича) ишлайди. У спектакларни саҳналаштирилишида, ёш ижодкорларнинг асарларини чолғулаштиришда, турли жамоалар ташкил қилишда жонбозлик кўрсатади. Педагогика институтида унинг раҳбарлигида хор капелласи ташкил этилиб, 1972 йили Ўзбекистон олий ўқув юртлари хор жамоалари кўрик-танловида (39 олий ўқув юртлар орасида) С.Полвонов раҳбарлик қилган хор Гран-при (олий мукофот)га сазовор бўлади.

Мусиқали театрда С.Полвонов аста-секин айрим мусиқали драма спектакларига дирижёрлик қила бошлайди. 1971 йили у театрнинг бош дирижёри этиб тайинланади. С.Полвонов кўпгина мусиқали спектакларга дирижёрлик қилиб, ўзи ҳам мусиқа раҳбари сифатида янги спектакларни саҳналаштиришда фаол қатнашади. Аста-секин ўзи, театр учун мусиқали спектакллар ижод этишни бошлайди. Унинг раҳбарлигида ва дирижёрлигида театр саҳнасида "Ханума" (Г.Канчели), "Майсаранинг иши" (С.Юдаков), "Уш бойдақ" (А.Муҳамедов), "Гарип-ашиқ" (О.Ҳалимов), "Суймегенге суйкенбе" (Ж.Шомуратов ва О.Ҳалимов), "Бердах" каби мусиқали спектакллар намойиш этилди ва мухлислар томонидан олқишларга сазовор бўлди.

1980 йили С.Полвонов Қорақалпоғистон Республикасида биринчи бўлиб ҳаваскорлар симфоник оркестри ташкил этади, унинг биринчи концерт дастури олтита асардан иборат бўлган. Ушбу

жамоанинг фаолияти 1981 йили профессионал даражадаги симфоник оркестр ташкил этилишига сабаб бўлди ва ушбу жамоа республикада симфоник мусиқани тарғиб этишда катта роль ўйнади. Қорақалпоғистон давлат филармонияси қошидаги симфоник оркестр С.Полвонов раҳбарлигида Тошкент ва Қозон шаҳарларида концерт дастурларини муваффақиятли намойиш этди. Унинг дастурида Шубертнинг "Тугалланмаган симфонияси", Бетховеннинг Бешинчи симфонияси, Григнинг "Пер-Гюнт" сюитаси, Ўзбекистон композиторларидан М.Ашрафий, Б.Гиенко, С.Юдаков, М.Бурхонов, Н.Муҳамеддинов, С.Полвоновларнинг асарлари бор эди.

Сапарбой Полвонов театрдаги йигирма йиллик дирижёрлик фаолияти давомида 8 та мусиқали спектакль яратди ва уларга ўзи дирижёрлик қилди. "Тикленген туу" (Т.Жумамуротов), "Хуждан" (П.Тлегенов), "Яланғоч қирол" (Андерсон эртаги бўйича Ж.Маҳмудов таржимаси), "Қорбобо Санта-Клаус ва қароқчилар" (А.Илавойский), "Мингдан бири" (К.Раҳмонов) шулар жумласидандир. Ушбу спектакллар давлат мусиқали театри ва С.Хўжаниёзов номидаги Ёш томошабинлар театри саҳналарида намойиш этиб келинмоқда. Булардан ташқари С.Полвонов хор асарлари, чолғу мусиқаси ва кўпгина қўшиқлар муаллифи ҳамдир. Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро хонандалар танловида Максет Хўжаниязов томонидан С.Полвоновнинг "Кел" романси муваффақият билан ижро этилди.

1966 йилдан С.Полвонов Нукус давлат санъат билим юртида ўқитувчилик фаолиятини давом эттириб келди. У билим юртининг етук ўқитувчиларидан бўлиб, оркестр синфи, дирижёрлик, баян ва мусиқий-назарий фанлардан дарс бериб келади. Унинг шогирдлари ҳозирги кунда Киев, Олмаота, Москва, Тбилиси, Тошкент ва республикамизнинг турли вилоятларида меҳнат қилиб келмоқдалар.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон мусиқа маданияти олдидаги катта хизматлари учун Сапарбой Полвонов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон халқ артисти ва Бердах номидаги Республика давлат мукофотига сазовор бўлди.

Сапарбой Полвонов 1998 йили Нукусда вафот этди.

РАСУЛОВ БОТИР

Ўзбек мусиқа санъати кўп асрлик узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтди. XX асрга келиб ушбу санъатнинг турли йўналишлари шаклланиб, ривож топади. Булар орасида композиторлик ижодиёти ва юксак даражадаги профессионал ижрочилик санъати алоҳида ўрин тутади. Юксак инсоний ҳис-туйғулар, кўп қиррали ҳаёт воқеликларини мусиқа асарларида тўлақонли акс эттириш ҳамиша ижодкорларимизнинг муҳим бурчи бўлиб келди. Қадимий анъанавий мусиқамиздаги бой, бадиий-тасвирий воситалар билан бир қаторда, жаҳон халқлари илғор мумтоз композиторлари ижоди билан эришган улкан ижодий муваффақиятлар, янги жанр ва турларни ўзлаштириш натижасида ўзбек мусиқа санъати яна ҳам юксак даражага кўтарилди. Ташкил топган янги жанрлар орасида оперетта алоҳида ўрин тутади. Биринчи мумтоз оперетта асарлари XX асрнинг бошланғич даврларида рус опера театри саҳнасида намойиш этилиб келинган, кейинчалик 1971 йили Тошкентда алоҳида оперетта театри очилди ва унинг саҳнасида оммабоп бўлган оперетта ва турли мусиқали комедия асарлари томошабинларга тақдим этилди. Ўзбекистон композиторлари ҳам ушбу жанрга мурожаат этишиб, турли йиллари маҳаллий мавзуларда мусиқали асарлар намойиш этилди. Ҳар бир асарнинг мазмун ва ғоясини томошабинга етиб боришида ижрочиларнинг ва саҳналаштирувчи ижодкорларнинг хизмати катта. Айниқса, бу масъулият дирижёр зиммасига тушади. Чунки мусиқали спектаклларнинг ифодаси дирижёрнинг ҳатти-ҳаракатлари орқали тақдим этилади.

20 йил давомида Тошкент оперетта театри фаолиятида бадиий раҳбар ва бош дирижёр лавозимларида фаол хизмат этиб келаётган ижодкор Ботир Расуловдир. Моҳир ижрочи-созанда, Республикамизда ўтказилган қатор ижрочи-созандалар танлови лауреати Ботир Расулов йирик мусиқали театр жамоаси арбоби бўлиши билан бирга симфоник оркестр дирижёри ва Тошкент давлат консерваторияси ўқитувчиси сифатида Ўзбекистонда мусиқа маданиятининг ривож топишига ва юксалишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ботиржон Қосимович Расулов, 1948 йили Янгийўл шаҳрида туғилган. Ёшликдан мусиқага қизиққан Ботиржон Р.Глиэр номидаги республика ўрта-махсус мусиқа мактаб-интернатига киради. Мактабда доцент О.Холмуҳамедов синфида ғижжак чолғуси бўйича сабоқ олади. Ўқиган чоғида дирижёрлик бўйича бошланғич

таълимини ҳам ўзлаштиради, илк бор ўзбек халқ чолғулари оркестрига дирижёрлик қилади. 1966 йили Ботир Расулов муваффақият билан мусиқа мактабини битириб, ўша йили Тошкент давлат консерваториясининг халқ чолғулари факультетига ўқишга қабул қилинади. Консерваторияда ҳам доцент О.Холмуҳамедов синфида ғижжак чолғуси бўйича, Р.Неъматов синфида дирижёрлик бўйича таълим олади. 1971 йили биринчи марта халқ чолғулари ижрочилари Республика танловида қатнашади ва совриндор бўлади. Кейинги танловларда ғижжакчи созанда сифатида қатнашиб, лауреатлик унвонига сазовор бўлади.

1971 йили Б.Расулов консерваторияни муваффақиятли тамомлаб, ўша йилдан М.Қори Ёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси қошидаги Т.Жалилов номли халқ чолғулари оркестрида созанда сифатида ўзининг меҳнат ва ижрочилик фаолиятини бошлайди.

1974 йили Б.Расулов Тошкент давлат консерваториясининг опера-симфоник дирижёрлиги бўйича профессор М.Ашрафий синфига қабул қилинади. Моҳир дирижёр, таниқли композитор ва истеъдодли устоз-мураббий Мухтор Ашрафий Ботир Расуловга дирижёрлик фаолиятида, мусиқа билимини бойитишида катта ёрдам берди. Унинг маслаҳати билан Б.Расулов кўпроқ дирижёрлик санъати бўйича адабиётларни, турли мусиқали жанрларига хос партитураларни ўрганади ва ўзлаштиради, опера ва балет театрида мумтоз мусиқали спектаклларни кўради, симфоник концертларда қатнашиб дастурлар билан танишади ҳамда ўз билимини ошириб боради. М.Ашрафий вафотидан кейин Б.Расулов профессор С.(Қ.)Усмонов синфида ўқишни давом эттиради ва 1979 йили консерваториянинг опера-симфоник дирижёрлиги мутахассислиги бўйича тамомлайди.

Б.Расулов Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги тавсияси билан 1979 йилда Тошкент оперетта театрига дирижёр этиб тайинланади. Кейинчалик ушбу театрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри лавозимига тайинланади. Ана шу ўттан йиллар давомида Ботир Расулов оперетта театрида 30 дан ортиқ мусиқали спектакллар саҳналаштирди. Булар орасида мумтоз ва замонавий мусиқали асарлар: И.Штрауснинг "Лўлилар барони", "Вальс қироли", "Учар сичқон", И.Кальманнинг "Сильва", "Баядера", "Марица", "Лўли-премьер", Ф,Легернинг "Фраскита", "Қувноқ бева", "Люксембург графи" ва бошқа асарлар бор.

Театр билан бир қаторда Б.Расулов Ўзбекистон миллий

симфоник оркестри дирижёри сифатида турли мавзудаги концерт дастурларида қатнашиб келмоқда. Концертларда П.Чайковский, Н.Римский-Корсаков, А.Глазунов, Л.Бетховен, В.Моцарт, Ц.Франк, Дюна, Г.Берлиоз, С.Рахманинов, И.Брамс, Брук, Н.Паганини ва бошқа композиторларнинг симфоник ва йирик чолғу асарларига дирижёрлик қилди. Булар орасида П.Чайковскийнинг Тўртинчи ва Олтинчи симфониялари, Бетховеннинг Биринчи, Бешинчи, Олтинчи, Еттинчи, Саккизинчи симфониялари, "Эгмонт" ва "Кориолан" увертюралари, Н.Римский-Корсаковнинг "Шаҳризода" симфоник асари, Моцартнинг Ўттиз тўққизинчи, Қирқинчи, Қирқ биринчи симфониялари, фортепиано ва скрипка учун чолғу концертлари, "Фигаронинг уйланиши" ва "Сеҳрли флейта" операларидан увертюра, Берлиознинг "Фантастик" симфонияси, Рахманиновнинг Учинчи симфонияси, Брамснинг Тўртинчи симфонияси, Сибелиус, Брамс, Брук, Паганини ва Чайковскийларнинг скрипка ва оркестр учун чолғу концертлари бор.

Б.Расулов Тошкент консерваториясининг мусиқали театр студияси оркестри билан ҳам турли концерт дастурларига дирижёрлик қилиб келмоқда.

Б.Расулов собиқ Бутуниттифоқ дирижёрлар танлови ва Токиода ўтказилган Халқаро дирижёрлар танлови қатнашчисидир. У Ўзбекистон санъат усталари билан ижрочи-созанда ва дирижёр сифатида Германия, Чехословакия, Болгария, Морокко, Тунис давлатларида бўлиб ўзининг ижро маҳоратини намойиш этиб тингловчилар олқишларига сазовор бўлди. 1995 йили Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон санъати кунларида уюштирилган концертларнинг бош дирижёри сифатида қатнашди.

Б.Расулов 1979 йилдан Тошкент давлат Маданият институтида ўзининг педагогик фаолиятини бошлади; ҳозирги кунда ўриндошлик асосида Тошкент консерваториясининг опера тайёрлов кафедрасининг мудири сифатида ҳамда талабаларга дирижёрлик фани бўйича таълим бермоқда. Унинг раҳбарлигида консерваторияни тугатган талабалар республикамизнинг турли вилоятларидаги санъат ва маданият муассасаларида, турли концерт-ижрочилик жамоалари ва мусиқали театрларида дирижёр, созанда ва ўқитувчи сифатида самарали меҳнат қилмоқда.

Бадиий таъсирчанлик, мусиқавийлик, мазмундорлик, асарнинг характерларини ўзига хослик билан ифодалаш, ҳатти-

ҳаракатларнинг равон, тўлақонлик билан ҳис этилиши, ижрони мусиқа билан инъикоси Ботир Расуловнинг дирижёрлигига хос хусусиятлардир. Ҳар бир мусиқали спектаклга дирижёрлик қилганда Б.Расулов асарнинг ғоявий мазмунини томошабинга очишда, партитурадаги мазмун оғирлигининг кўп қисми оркестр зиммасига тушганини англаб, оркестр партиясининг ривожланганлиги, унинг мусиқали драматургияда тутган муҳим ўрни Б.Расуловнинг ижрочилик фаолиятида ажралиб туради.

Ботир Расуловнинг ижодий фаолияти ўзининг серқирра ва мазмундорлиги, сермаъно ва замонавийлиги билан Ўзбекистон мусиқа маданиятида ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

Ўзбекистонда мусиқа маданиятини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Ботир Расуловга 1989 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби фахрий унвони берилди.

РОЙТБЛАТ ЛЕВ

Ҳарбий дирижёр, истеъдодли созанда подполковник Лев Абрамович Ройтблат 1921 йилнинг 6 июнида Украинани Житомир вилояти Володарск-Волинск шаҳрида туғилган. Ёш етим қолган. Ўрта мактабни тугатиб, мусиқа билим юртига ўқишга киради. 1940 йили Қизил Армия сафига чақирилади, хизматни Москва ҳарбий округи қошида ўтади. 1941 йилнинг 22 июнидан фашистлар Олмониясига қарши урушда қатнашади. Ҳарбий хизматни Шимолий-Ғарбий фронтда, Болтиқбўйи ва Туркистон ҳарбий округларида ўтган. 1940-1976 йиллари ҳарбий хизматларни ўтаган бўлса, ундан 21 йили — ҳарбий дирижёрликка бағишланган.

Тошкент давлат консерваториясининг труба синфи бўйича профессор В.Ф.Пўлатов ва дирижёрлик мутахассислиги бўйича П.Х.Ҳолиқовлардан таҳсил олади. 1951 йилдан — Чирчиқ ҳарбий қисмида дирижёр, 1953-1955 йиллари — қўшма грек билим юртида ҳарбий дирижёр, 1955-1976 йиллари — маршал П.С.Рибалко номидаги Тошкент олий техник ҳарбий билим юртида горнизон ҳарбий дирижёри лавозимларида хизмат қилиб келган. Мазкур йиллар қўшма ҳарбий дамли оркестр таркибида Тошкент горнизони парадларида қатнашган.

1976-1987 йиллари Тошкент шаҳар маданият бошқармаси қошидаги дамли оркестрининг бош дирижёри сифатида ишлаб келган. Бу йилларда оркестр билан Тошкент шаҳрининг турли корхона ва ўқув юртларида берилган концертларда қатнашган. Оркестр репертуарида халқ қўшиқлари, маршлар, мумтоз ва

Ўзбекистон композиторлари асарлари кенг ўрин олган.

1977 йилдан муаллимлик фаолиятини бошлаган. Икки йил мобайнида Л.Ройтблат Тошкент давлат консерваторияси дамли чолғулар кафедраси ўқитувчиси ва талабалар дамли оркестри дирижёри лавозимларида ишлаб келди. 1987-1994 йиллари А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида дирижёрлик мутахассислиги бўйича ўқитувчи лавозимида ишлади. Ҳаваскор дамли чолғулар оркестрлари учун мутахассислар тайёрлашда фаол хизмат қилди.

1975 йили Лев Ройтблат Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлди. Ҳукуматимизнинг 20 дан ортиқ орден ва медаллари билан тақдирланган.

РУДЕНКО ВАЛЕНТИН

Валентин Руденко дирижёрлик санъатининг турли соҳаларида фаолият кўрсатиб келмоқда. У профессионал созандадан то йирик дирижёр даражасига эришди. Ундан ташқари В.Руденко 40 йилдан буён педагогик фаолият билан ҳам шуғулланиб келмоқда. У дирижёрлик сирларини Тошкент давлат консерваторияси ва Тошкент Давлат Маданият институтида талабаларга ўргатиб келмоқда. Кўп йиллардан бери мусиқа амалиётида ижрочиликка ихлос қўйиб, ўзининг маҳорати билан томошабин ва тингловчиларни хушнуд этиб келди.

Валентин Иванович Руденко 1930 йилнинг 17 майида Тошкентда хизматчи оиласида туғилди. Унинг ёшлик йиллари Улуғ Ватан уруши (1941-1945) йилларига тўғри келди. Урушдан олдин унинг оиласи Россияга кўчиб кетган эди. Уруш йиллари В.Руденко (1942-1944) Воронеж шаҳридаги мусиқа мактабида ўқийди ва у ерда валторна чолғусини ўзлаштиради. Мактабни тамомлагач, унга Москва ҳарбий дирижёрлар институтига йўлланма беришади. 1945 йилдан В.Руденкони Белоруссия фронтининг махсус ҳарбий округига Кенсберг шаҳридаги ҳаракатдаги армияга хизмат ўташ учун юборишади. Кейинчалик, хизмат қилаётган танк полки тарқатилиб юборилгандан сўнг, у Тула шаҳридаги қурол-яроғ техник билим юртига ўқишга киради, у ерда дамли чолғулар оркестри тарбияланувчиси сифатида хизматни ўтади. 1948 йили Тошкент танк билим юртида хизмат қилади, шу билан бир вақтда ишчи-ёшлар мактабида ва В.Успенский номидаги Республика махсус мусиқа мактабининг дамли чолғулар бўлимида таълим олади. Мусиқа мактабини 1952 йили битирган В.Руденко Тошкент

давлат консерваториясининг валторна чолғуси синфига имтиҳонсиз қабул қилинади. 1952 йилдан Ўзбек Давлат филармонияси симфоник оркестрида созанда-валторна ижрочиси сифатида меҳнат фаолиятини бошлайди. 1957 йили Тошкент давлат консерваториясини тамомлаб, дамли чолғулар кафедрасида ўқитувчи сифатида педагогик фаолиятини бошлайди, ушбу лавозимда 1966 йилгача ишлайди.

Консерваторияда ишлаган йиллари В.Руденко валторна синфи, дирижёрлик фани ва дамли чолғулар оркестри раҳбари сифатида талабаларга таълим беради. Шу йиллари унда дирижёрлик санъатига бўлган қизиқиш тобора ўсиб боради. Ушбу санъатни профессионал даражада эгаллаш мақсадида В.Руденко 1961 йили Тошкент давлат консерваториясининг опера-симфоник дирижёрлиги бўйича профессор М.Ашрафий синфига ўқишга киради. 1966 йили ўқишни муваффақиятли битирган В.Руденко Самарқанд опера ва балет театрига дирижёр этиб тайинланади. Самарқанд театрида у 1971 йилгача ишлайди ва жаҳон мумтоз опера ва балет спектакларига ("Жизель", "Боқчасарой фонтани", "Золушка", Иоланта", "Фауст", "Риголетто") ва бошқа Ўзбекистон композиторларининг саҳна асарларига ("Ҳамза", "Майсаранинг иши", "Шоир қалби", "Лайли ва Мажнун") дирижёрлик қилади.

1967 йили Самарқанд опера ва балет театри труппаси опера театрлари Бутуниттифоқ танловида В.Руденко раҳбарлиги ва дирижёрлигида Б.И.Зейдманнинг "Аждаҳо ва қўёш" спектакли учун биринчи даражали диплом билан тақдирланади.

1971 йили В.Руденко Оржоникидзе шаҳрида Шимолий-Осетия Давлат мусиқа театрида дирижёрлик лавозимида ишлайди.

1973-1978 йиллари Тошкентга қайтиб, Тошкент оперетта театрида ишлайди ва шу йиллар давомида В.Руденко мумтоз ва замонавий оперетта спектакларига дирижёрлик қилади. Булар орасида И.Кальманнинг "Сильва", "Цирк маликаси", "Голландиялик қиз", Ф.Легарнинг "Қувноқ бева хотин", И.Штрауснинг "Учар сичқон", Ю.Милютиннинг "Цирк яна ўз чироқларини ёқади" ва "Чакитанинг ўпиши", Г.Канчелининг "Ўғирланган келин", А.Гладковнинг "Сариқ рангли шайтон", А.Эргашевнинг "Гўдак" каби оперетта ва мусиқали комедия спектакллари бўлган.

1978 йилдан В.Руденко Тошкент Давлат Маданият институтида педагогик фаолиятини давом эттиради. У институтнинг дамли чолғулар кафедрасида дирижёрлик ва оркестр синфини олиб борди.

1981 йилдан — у дамли чолғулар кафедраси мудири ва шу лавозимда 1992 йилгача ишлайди. 1992 йилдан М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг опера тайёрлови кафедраси доценти ва 1996 йилдан дирижёрлик синфи бўйича дамли чолғулари кафедраси доценти лавозимларида ишлайди. 1992-1997 йиллари консерваториянинг мусиқали театр-студияси раҳбари ва дирижёри бўлиб хизмат қилган.

1988 йили А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтининг В.Руденко раҳбарлигидаги дамли чолғулар оркестри Москвада бўлиб ўтган дамли чолғулар оркестрлари Бутуниттифоқ танловида фахрли 2-ўрин соҳиби бўлишган.

1996 йили В.Руденко раҳбарлигидаги Тошкент давлат консерваторияси талабалар дамли чолғулар оркестри Францияда ўтказилган Халқаро мусиқа фестивалида иштирок этди ва олқишларга сазовор бўлди. В.Руденко дирижёрлиги остида дамли чолғулар оркестри Ўзбекистон композиторларининг асарларини фестивал томошабинларига тақдим этди. Ушбу йиллар давомида В.Руденко ўзининг ижрочилик фаолиятини ҳам давом эттириб келди. Опера ва оперетта театрларида спектакларга дирижёрлик қилди, мусиқали театр студияси симфоник оркестри билан симфоник мусиқа концертларида қатнашди, дамли чолғулари оркестрларига раҳбарлик қилди. В.Руденко репертуарида — П.Чайковский, В.Моцарт, Ф.Лист, Л.Бетховен симфониялари, фортепиано ва скрипка учун Концертлар, Аданнинг "Жизель", Делибнинг "Фадетта", Асафьевнинг "Боқчасарой фонтани", Мушелнинг "Самарқанд афсонаси", Дефальянинг "Севги-сеҳргар", Прокофьевнинг "Золушка", Шостаковичнинг "Ойимқиз ва безори", Штрауснинг "Штраусана", Шопеннинг "Шопениана", Чайковскийнинг "Щелкунчик" балетлари, опералар — Чайковскийнинг "Иоланта", "Евгений Онегин", Гунонинг "Фауст", Вердининг "Травиата", "Риголетто", "Трубадур", С.Бобоевнинг "Ҳамза", С.Юдаковнинг "Майсаранинг иши", Р.Глиэр, Т.Содиқовларнинг "Лайли ва Мажнун", Бизенинг "Кармен", М.Ашрафийнинг "Шоир қалби", Ҳамид Раҳимовнинг "Зафар" каби опералари ўрин олган.

Валентин Руденко ҳозирги кунда ўзининг дирижёрлик ва педагогик фаолиятларини Москва шаҳрида давом эттирмоқда.

СЕРЕБРЯНИК АЛЕКСАНДР

Мусиқали театр дирижёри ўзининг ижрочилик фаолиятида

саҳнадаги ижрочилар ва оркестр созандалари орасидаги мутаносибликка эришиши лозим. Ўз навбатида саҳнадаги воқелик, ижрочиликнинг ўзига хос талқини томошабинларни ҳаяжонга солади. Мусиқали театр дирижёри кўп ҳолатлардан хабардор бўлиши керак; у фақатгина оркестр раҳбари бўлибгина қолмай, балки саҳнадаги воқеликни бошқариб боради. Александр Серебряник мана ўтттиз йилдирки кўпгина мусиқий саҳна асарларига дирижёрлик қилиб келади.

Александр Давидович Серебряник 1936 йилнинг 18 майида Одесса шаҳрида, муҳандис оиласида туғилди. 1941 йилдан бошлаб Тошкентда яшайди. Умумий ўрта ва мусиқа мактабларни битириб, 1954-1959 йиллари Тошкент давлат консерваториясининг фортепиано факультетида таҳсил олади. 1959 йили А.Серебряник Тошкент давлат консерваториясининг опера-симфоник дирижёрлиги бўлимига ўқишга кириб, уни профессор М.Ашрафий синфида 1963 йили тамомлади.

1959 йилдан А.Серебряник Тошкент давлат консерваториясида ўзининг иш фаолиятини бошлаб, концертмейстер ва ўқитувчи лавозимларида ишлади.

Ўша даврда унда мусиқали театрга қизиқиш пайдо бўлганлиги сабабли 1964-1965 йиллари Ленинград консерваториясининг мусиқали режиссура факультетига ўқишга киради. А.Серебряникнинг ижрочилик ва меҳнат фаолиятлари мусиқали театр билан боғлиқдир. А.Серебряник 1965-1966 йиллари Душанба опера театрида ва Тожикистон Давлат филармониясининг симфоник оркестрида дирижёр бўлиб ишлайди.

1967 йилдан у Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида концертмейстер ва дирижёр ассистенти бўлиб ишлайди. 1969 йилдан А.Серебряник Ёқутистон мусиқали театри бош дирижёри. 1972 йилдан Тошкент оперетта театрида бош дирижёр бўлиб ишлади. У мумтоз рус ва Ғарбий Овропа опера ва мусиқали комедияларига дирижёрлик қилди; айрим спектаклларни саҳналаштирди.

А.Серебряникнинг дирижёрлик фаолияти педагогик иши билан боғлиқдир. У кўп йиллар давомида Тошкент давлат консерваториясида ва театр-рассомчилик институтларида ишлади, мусиқали студия ва ўқув театрлари спектаклларига ҳам дирижёрлик қилди.

А.Серебряник Тошкент давлат консерваториясининг опера студияси симфоник оркестри билан Глинка, Чайковский, Моцарт, Гайдн, Бетховен, Бах, Брамс, Григ, Шуберт, Сибелиус, Вагнер, Глазунов, Прокофьев, Шостакович каби композиторларнинг

асарларига дирижёрлик қилган. Консерватория талабалари иштирокида В.А.Моцартнинг "Фигаронинг уйланиши", Ленковеллонинг "Масхарабозлар", С.Прокофьевнинг "Александр Невский" кантатасини саҳналаштириб, унга ўзи дирижёрлик қилган. Кейинчалик у театр саҳнасида М.Левиевнинг "Суҳайл ва Меҳри", Д.Вердининг "Риголетто", А.Бородиннинг "Князь Игорь", Д.Пуччинининг "Чио-Чио-сан" каби балет ва опера спектакларига профессионал даражада дирижёрлик қилган.

СМИСЛОВ ВИКТОР

Ўзбекистон Республикасида Мудофаа вазирлиги ашула ва рақс ансамбли республикамизда энг етакчи ижодий жамоалардан биридир. Ансамбль кўп йиллардан бери Ўзбекистон ва Ўрта Осиё давлатлари ҳарбий қисмларида концертлар бериб келмоқда. Юқори даражали профессионал маҳорати учун Ўзбекистон ҳукумати томонидан ашула ва рақс ансамбли "Республикада хизмат кўрсатган ижрочилик жамоаси" унвонига сазовор бўлди. Ансамблнинг таркибида кўп йиллар давомида етук созанда, хонанда, раққос-раққоса ва дирижёрлар хизмат қилишади; улар ўзларининг ижрочилик фаолияти билан Ўзбекистон мусиқа маданиятига катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Булар орасида композитор ва дирижёр Виктор Смислов ҳам бор; у кўп йиллар давомида ансамблнинг бадиий раҳбари ва дирижёри бўлиб фаол хизмат қилиб келади.

Виктор Иванович Смислов 1927 йили Москвада таваллуд топди. 1951 йили у П.И.Чайковский номидаги Москва Давлат консерваторияси қошидаги ҳарбий дирижёрлик факультетини (А.Гамбург синфи) тугатган. Шу йилдан бошлаб у турли ҳарбий қисмларда ҳарбий дирижёр лавозимида хизмат қилди. 1951-1957 йиллари В.Смислов Олмониядаги совет қўшинлари ашула ва рақс ансамблининг оркестр раҳбари, 1957-1970 йиллари — Туркистон Ҳарбий округи ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари ва бош дирижёри, 1970 йилдан — Белоруссия ҳарбий округи ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари бўлган. В.Смислов раҳбарлигидаги ансамбль кўп йиллардан бери ҳарбий қисмларда ва Ўзбекистон меҳнаткашлари олдида ранг-баранг концерт дастурлари билан чиқишлар қилди. Ансамбль репертуаридан турли мазмундаги ватанпарварлик ва ҳарбий қўшиқлар, рақс ва композициялар ўрин олган.

Виктор Смисловнинг ташкилотчи-раҳбар ва дирижёрлик фаолияти ижодкорлик ишлари билан чамбарчас боғлиқ бўлди.

Ансамблда фаол ишлаган йиллари ватанпарварлик ва қаҳрамонлик мавзусидаги қўшиқлар ва композициялар яратди: у "Туркистонликлар, шонли ватан ўғлонлари", "Даманск қаҳрамонлари", "Туркистон қаҳрамонлари"(композиция), "Манзилда" (сюита) каби асарларнинг муаллифидир.

Кўп йиллик ижрочилик ва ижодий фаолияти, юксак дирижёрлик маҳорати учун Виктор Смислов 1969 йили "Ўзбекистон халқ артисти" фахрий унвонига сазовор бўлди.

СОДИҚОВ ТОЛИБЖОН

Ўзбек дирижёрлик санъатининг илк қалдирғочларидан бири, йирик жамоат арбоби, композитор ва созанда Толибжон Содиқов ўзининг бутун ҳаётини Ўзбекистонда янги мусиқа маданиятини ривожлантиришга бахш этди. У ўзбек мусиқаси анъаналари асосида тарбия олди ва келгусида йирик мусиқа арбоби сифатида эл-юртга танилди.

Толибжон Содиқов 1907 йили Тошкент шаҳрида туғилди. 1928 йили у Самарқанддаги мусиқа ва хореография илмий-текшириш институтига ўқишга қабул қилинади. Самарқанддаги ўқиш ижодий ўсишнинг илк босқичи бўлди. Ўша кезлари унга йирик композитор, фольклоршунос ва жамоат арбоби Николай Назарович Миронов раҳбарлик қилади. Дастлабки мусиқа саводини, халқ қўшиқларини тўплаш ва ёзиб олишни, композиция ва дирижёрлик бўйича таълимни Н.Н.Мироновдан олади. Институтда фаол хизмат қилишган таниқли созанда ва хонандалар — Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Леви Бобохонов, Юнус Ражабий, Ота Жамолиддин Носиров, Абдураҳмон Умаров, Абдуқодир Исмоиловлар Т.Содиқовнинг устозлари бўлишган. Улардан дутор ва танбур чалишни, халқ қўшиқлари ва чолғу куйларини ўрганади, ўзбек мумтоз мусиқаси дурдонаси бўлмиш "Шашмақом"ни қунт билан ўрганади ва ўзлаштиради. Йигирманчи йилларда Т.Содиқов жуда кўп концертларда созанда сифатида иштирок этади, шу билан бирга ҳаваскорлик тўгаракларига раҳбарлик қилади. Худди шу йиллари унинг дирижёрлик ва педагогик фаолияти бошланади. Институт қошида ташкил этилган симфоник оркестрнинг дирижёрлик пультига илк бор 1929 йили чиқади. М.Ашрафий билан биргаликда Толибжон Содиқов Н.Н.Мироновдан дирижёрлик санъатининг сирларини ўрганади.

1928-1930 йиллари Т.Содиқов Самарқанд мусиқали-драма театрида созанда ва дирижёр сифатида ишлайди. Унинг

композиторлик фаолияти ҳам ана шу даврдан бошланади. Биринчи яратган асари — симфоник оркестр учун марш бўлиб у "Садраш" деб номланди. Асар М.Ашрафий ва Ш.Рамазоновлар билан ҳамкорлигида яратилган (муаллифларнинг фамилияси бош ҳарфлари асарнинг номини ташкил эттан).

1930-1932 йиллари Т.Содиқов Тошкентдаги Ҳамза номидаги драма театрида мусиқа раҳбари бўлиб ишлайди. Шу йиллари у С.Абдулланинг "Боғбон қиз" ва К.Яшиннинг "Ёндирамиз" пьесаларига мусиқа яратади. 1933 йилдан бошлаб Т.Содиқов Ўзбек мусиқали театрида дирижёр бўлиб ишлайди. Шуни қайд этиш лозимки, худди шу йилдан бошлаб ўзбек мусиқали драмалари симфоник оркестр жўрлигида намойиш этила бошланади. Ушбу жамоага раҳбарлик қилиш дирижёр зиммасига тушади. Т.Содиқов институтда олган сабоқларини оширишга интилиб ўша даврларда театрга таклиф этилган композитор ва дирижёрлардан маслаҳатлар олади, дирижёрлик техникаси ва партитура ўқиш сирларини чуқур ўзлаштиради.

Т.Содиқов ўзининг мусиқий билимини янада такомиллаштириш мақсадида Москва консерваторияси қошида М.Қори-Ёқубов ташаббуси билан ташкил этилган ўзбек опера студиясида 1939-1941 йиллари ўқийди. У ерда композиция бўйича Р.М.Глиэрдан таълим олади. Кейинчалик Р.М.Глиэр билан ҳамкорликда ўзининг энг йирик мусиқали драма ва опера асарларини яратади. Москвада ўқиган йиллари мусиқали театрларда ва концерт залларида спектаклларни кўради ва симфоник мусиқани тинглайди. Машҳур рус дирижёрлари маҳоратидан баҳраманд бўлади. Оркестрга раҳбар бўлиш билан бирга ижодкор сифатида ушбу жамоага ижодий ёндошиш Т.Содиқовнинг ижрочилик хусусиятларидан бири бўлиб қолди. Мусиқали театр дирижёри зиммасида катта вазифа турганини англаган Т.Содиқов, ҳар бир асар устида жиддий ишлар эди. У жуда нозик табиатли дирижёр эди деб таъкидлашади унинг замондошлари. Т.Содиқов пультга чиққанда бутунлай ўзгариб кетар экан, у мусиқага берилиб асар мазмунини товушлар орқали тингловчига етказиш сирларини билган ижодкор бўлган.

Т.Содиқовнинг дирижёрлик фаолияти ижодий ишлари билан уйғунлашиб, 1933 йили у биринчи маротаба Алишер Навоий ижодига мурожаат этиб, Хуршид либреттоси асосида "Лайли ва Мажнун" мусиқали драмасини яратади. Композитор бу асарида асосан ўзбек халқ қўшиқлари ва мақом асарларига таянган;

спектаклда асосий эътиборни куйга қаратган ва маълум даражада бизнинг маданиятимизга хос ижрочилик анъаналарини сақлаб қолган. Спектакль симфоник оркестр жўрлигида намойиш этилиб, унга Т.Содиқовнинг ўзи дирижёрлик қилади. 1939 йилда Ш.Хуршид "Лайли ва Мажнун" пьесаси асосида опера либреттосини ёзади. Т.Содиқов Р.М.Глиэр билан ҳамкорликда шу мавзу асосида афсонавий-романтик опера яратишади. Операнинг премьераси 1940 йили ўзбек опера театри саҳнасида бўлиб ўтади ва унга Т.Содиқовнинг ўзи дирижёрлик қилади. Муаллифлар миллий мусиқанинг ўзига хос колоритини сақлаб қолганлари ҳолда йирик мусиқий саҳна жанрини ярата олганлар. Операда мақом асарлари оҳангида образларнинг мусиқий тавсифи, кўп овозли ансамбль ва хор саҳналарида етук шаклларда берилган. "Лайли ва Мажнун" операсининг оммага манзур бўлгани учун кўп йиллардан бери ўзбек опера театрининг саҳнасида қўйилиб келмоқда. 1954 йили муаллифлар томонидан операнинг янги таҳрири намойиш этилди (режиссёр М.Муҳамедов, дирижёр Т.Содиқов). 1997 йили Алишер Навоий номидаги Катта академик опера ва балет театри "Лайли ва Мажнун" операсини тўлиқ вариантини, янги талқинда томошабинларга намойиш этди.

1950 йилда Т.Содиқов Р.М.Глиэр билан ҳамкорликда "Гулсара" операсини ёзишади. Бу асар ҳам 1937 йилда ёзилган бўлиб, шу номли мусиқали драма асосида яратилган. Операнинг қисман ўзбек анъанавий мусиқаси асосида ёзилган партитураси халқ қўшиқ ва куйларига хос миллий хусусиятларини ўзида акс эттирган. Операнинг премьераси (либретто муаллифи К.Яшин, режиссёр М.Муҳамедов, дирижёр Т.Содиқов) А.Навоий номидаги опера ва балет театрида бўлиб ўтади. 1955 йили "Гулсара" операсининг юзинчи марта саҳнада кўрсатилиши нишонланади. Саҳнадаги ижрочиларга ва симфоник оркестрга Т.Содиқовнинг ўзи раҳбарлик қилади.

Ҳаётининг сўнгги йилларида Т.Содиқов Б.И.Зейдман билан ҳамкорликда Ҳ.Олимжоннинг "Зайнаб ва Омон" поэмаси асосида операни (либретто муаллифи Зулфия) ёза бошлайди. Лекин уни тугатиш насиб этмайди. 1958 йили Юнус Ражабий ва Дони Зокировлар операни ниҳоясига етказадилар.

Т.Содиқов ўз ижодида турли жанрларга мурожаат этди; аммо у кўпроқ вокал мусиқасига эътибор қаратди. Булар мусиқали драма, вокал-симфоник асарлар ва романслардир.

Т.Содиқовнинг ижодкорлик ва ижрочилик фаолияти

республикамизнинг мусиқий-жамоатчилик ишлари билан боғлиқ эди. У 1934 йилдан то 1948 йилгача Ўзбекистон композиторлари уюшмасининг раиси бўлиб ишлаган эди. Т.Содиқов ўзбек мусиқа маданиятига катта ҳисса қўшган ижодкор эди. У 25 йил мобайнида дирижёрлик фаолияти билан шуғулланди: аввало ўзбек мусиқали театри дирижёри сифатида ва 1939 йилдан бошлаб ўзбек опера театри (1948 йилдан А.Навоий номидаги опера ва балет театри) дирижёри лавозимида фаолият кўрсатди. Замондошларининг фикрича Т.Содиқовнинг дирижёрлик ҳаракатлари жуда нозик ва нафис бўлган, техникаси равонлиги ва ўлчамлилиги билан ажралиб турар эди, туриш аппарати ҳам тўғри ва чиройли бўлган. У ҳеч қачон ижрочиларга қаттиқ гапирмаган; хонандаларга ҳам, хорга ҳам, оркестр созандаларига ҳам бир хил ҳурмат билан мулоқотда бўлган. Т.Содиқов ўзининг дирижёрлик ижрочилигига мусиқа орқали эришади. У ўзига хос дирижёрлик техникасини жорий этган. Бу пластик ҳатти-ҳаракат техникаси бутунлай ғояга, мазмунга ва таъсирчанликка буйсунган эди.

Т.Содиқов дирижёр қўлини — дирижёрлик техникасини — ўзига бўйсундириш билан ижро этилган мусиқа мазмунини тингловчига етказишга интилган. Шу туфайли у гоҳ хонанда билан куйлайди, гоҳ созанда билан куйни хониш қилар эди. Бу унда бой ички эшитиш қобилияти борлигидан далолат беради.

Т.Содиқов йирик спектакллардан бири М.Магомаевнинг "Наргиз" операси (1938), кейинчалик ўзининг "Лайли ва Мажнун" (1940), "Ўзбекистон қиличи" (1942) ва "Даврон ота" (1948) мусиқали драмаларига, шунингдек "Гулсара" операси (1949) ва бошқа асарларга дирижёрлик қилган. Уларнинг ички қудрати, руҳий қатъияти, мардонаворлиги дрижёр томонидан ўзининг ифодасини топган.

Т.Содиқовга 1939 йили "Ўзбекистон халқ артисти" фахрий унвони берилган. "Гулсара" операси учун композитор ва дирижёр 1951 йили Давлат мукофотига сазовор бўлган.

Т.Содиқов 1957 йили Тошкентда вафот этган.

СОДИҚОВ ФОРУҚ

Форуқ Содиқовнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ўзбек мусиқаси маданияти, айниқса, ўзбек халқ чолғулари оркестри фаолияти билан бевосита боғлиқдир.

Форуқ Содиқов 1946 йилнинг 31 декабрида зиёли оиласида таваллуд топди. У Р.Глиэр номидаги республика ўрта-махсус

мусиқа мактаб-интернатида Б.Мирзааҳмедов (қашқар рубоб) ва Э.Тошматов (дирижёрлик)лардан таҳсил олади. 1965-1970 йиллари Тошкент давлат консерваториясининг халқ чолғулари факультетида Ф.Н.Васильев (қашқар рубоби синфи) ва А.И.Петросянц (халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги)лар раҳбарлигида таълим олди. 1970 йилдан консерватория ўқитувчиси сифатида ишлай бошлайди. У ўзининг ижрочилик фаолиятини 1966 йилдан Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театрида созанда сифатида бошлаган.

1971 йилда Форуқ Содиқов Тошкент консерваториясининг опера-симфоник дирижёрлиги мутахассислиги бўйича ўқийди. Аввало у машҳур композитор ва дирижёр, профессор М.Ашрафий раҳбарлигида, унинг вафотидан сўнг С.(Қ.)Усмонов раҳбарлигида дирижёрлик санъати сирларини ўзлаштиради ва 1976 йили консерваторияни муваффақиятли тугатади.

1976 йилдан бошлаб Ф.Содиқов Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги тавсияси билан Т.Жалилов номидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрининг бадиий раҳбари ва бош дирижёри этиб тайинланади ва ҳозирги кунгача у ўзининг дирижёрлик фаолиятини ушбу жамоа билан боғлаб келмоқда. Унинг дирижёрлик маҳорати халқ чолғулари оркестри ижрочилик маҳорати билан ўсди ва равнақ топди. Ана шу ўтган қарийб чорак аср давомида Форуқ Содиқов жамоани қудратли ва яхлит, мустаҳкам ва юқори ижро маҳоратига эга бўлган республикамиздаги етук профессионал жамоалардан бирига айланишига ҳаракат қилди. Оркестрнинг ижодий фаолияти ривожланди, репертуари янги-янги, айниқса, Ўзбекистон композиторларининг асарлари билан кенгайди ва бойиди. Оркестрнинг репертуарида ўзбек ва бошқа, Ўрта Осиё халқларининг чолғу куйлари ва қўшиқлари билан биргаликда хорижий классик композиторларнинг асарлари (Гайдн, Моцарт, Бах, Бетховен, Бизе, Лист, Сарасате), рус классик ва замонавий композиторлари асарлари ҳам алоҳида ўрин тутади (Глинка, Чайковский, Шостакович, Свиридов, Хачатурян, Хожибеков ва бошқалар). Ўзбекистон композиторларининг халқ чолғулари оркестри учун ёзилган асарлари кўпчиликни ташкил этади (С.Бобоев, Т.Қурбонов, М.Бафоев, Ф.Алимов, М.Тожиев, Ҳабиб Раҳимов ва бошқалар).

Ф.Содиқов раҳбарлик қилаётган халқ чолғулари оркестри профессионал ижрочилик санъати соҳасидаги эришган ютуқлари ва меҳнаткаш оммани бадиий-эстетик жиҳатдан тарбиялашда, ҳамда

ўсиб келаётган ёш авлодни комил инсон бўлиб шакллантиришда эришган муваффақиятлари учун 1980 йилда "Давлат оркестри", 1991 йилда эса "Академик оркестр" унвонлари билан тақдирланди. 1986 йили Ф.Содиқовнинг ташаббуси ва бевосита иштирокида оркестр ҳақида "Мусиқали палитра" фильм-концерти яратилди. Оркестр 1985 йили Москвада ўтказилган XII жаҳон ёшлари ва талабалари фестивали, 1993 йили Кореяда ўтказилган мусиқа фестиваллари совриндоридир. Ўзбек халқ чолғулари оркестрига кўплаб ранг-баранг асарлар яратишда Ф.Содиқовнинг Ўзбекистон композиторлари билан изчил изланиши, ижодий ҳамкорлиги ўзбек мусиқа маданиятида янги саҳифа очиб берди. Ушбу мазкур ҳамкорлик кичик шаклдаги миниатюрадан тортиб то симфония чегарасигача бўлган оркестрнинг янги ижро имкониятларини очувчи махсус асарларнинг яратилишига сабаб бўлди. 80-90-йиллар давомида Т.Жалилов номидаги халқ чолғулари оркестри, ҳамдўстлик ва хорижий мамлакатлар халқ чолғулари оркестрлари билан бевосита ҳамкорликда тажриба алмашув концертлари ва фестиваллари ўтказди. Хусусан, Ф.Содиқов Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Россия давлатларининг нуфузли халқ чолғулари оркестрларига дирижёрлик қилиб, кўплаб томошабинлар олқишига сазовор бўлган. Жумладан, Қурмонғози номидаги Қозоғистон давлат академик халқ чолғулари оркестри (1986-1989 йиллари), Н.Осипов номидаги миллий академик рус халқ чолғулари оркестри (1983-1986 йиллар)да дирижёрлик қилган мазкур оркестр созандалари томошабинларда катта таассурот қолдирган. Ўз навбатида мазкур оркестрлар раҳбарлари Т.Жалилов номидаги оркестр билан дирижёрлик қилишган. Ф.Содиқов Марказий Осиё минтақаси бирлашган халқ чолғулари байналминал оркестрларини ташкил этиш ва уларнинг Тошкентда 1-Халқаро фестивалини ўтказиш ғояси ташаббускори бўлди. Ниҳоят, у 1994 йили Шимкент шаҳрида мазкур байналминал оркестрини тузиб, унинг биринчи концертини беришга муваффақ бўлди.

Юқорида қайд этилган ишлар халқ чолғулари оркестри мавқеини ва дирижёрлик маданиятини кўтарди. Натижада оркестрнинг ижрочилик маҳорати ўсди, ранг-баранг дастурлари кенгайди, таниқли хонанда ва созандалар билан ижодий мулоқот ошиб борди. Буларнинг ҳаммаси ўз самарасини берди.

Форуқ Содиқов 20 йилдан ошиқ дирижёрлик фаолиятида кўпгина Ўзбекистон ва хорижий композиторлар асарларини талқин этди. Унинг дирижёрлик услубига қатъийлик, талабчанлик,

равонлик ва вазминлик хосдир. Турли характердаги ва услубдаги мусиқий асарларни талқин этишда дирижёрнинг индивидуал хусусиятлари — асарнинг чуқур мазмунини тўлароқ ифода этиш, ҳар бир асарнинг нафасини ҳис этиш билан ажралиб туради. Ф.Содиқов ҳар бир асар устида ишлар экан, унга масъулият билан қарайди ва унинг маъносини, муаллиф ижод этганидек изчил очиб беришга интилади. Табиийки, бундай масъулиятли ижодий ният жиддий, теран ўйланган дирижёрлик ҳаракатларини тақозо қилади.

Ф.Содиқовнинг ижрочилик, концерт-ташкилотчилик фаолияти педагогик ишлари билан боғлиқдир. У 20 йилдан ортиқ вақт давомида М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида ва А.Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институтида талабаларга халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги сирларини ўргатиб келмоқда. Унинг раҳбарлигида олий ўқув юртларини тугатган ўнлаб талабалар Ўзбекистоннинг турли вилоятларидаги санъат ва маданият муассасаларида, мусиқий театр ва концерт ташкилотларида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Ф.Содиқовнинг ижодий фаолияти ўзининг серқирралиги ва мазмундорлиги, сержилолиги ва бадиийлиги билан Ўзбекистон мусиқа маданияти ривожига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Форуқ Содиқов самарали дирижёрлик фаолиятида эришган улкан ютуқлари учун Ўзбекистон ҳукумати томонидан 1980 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 1999 йили эса Ўзбекистон халқ артисти фахрий унвонига сазовор бўлди.

СУЛТОНОВ АБДУРАЙИМ

Абдурайим Султонов қорақалпоқ мусиқа санъатининг таниқли намоёндаларидан ҳисобланади. У ўзининг ижоди билан қорақалпоқ халқ мусиқасининг бой хазинасини сақлаб, бизгача етказиб келган ижодкорлардан биридир. Улардан ўз ижодида кенг фойдаланади, халққа янгича услубда тақдим этади. Абдурайим Султонов 1950-йилдан мусиқа ижодкорларига мансуб бўлган ҳам созанда, ҳам композитор, ҳам дирижёр сифатида танилган.

Султонов Абдурайим Султонович 1930 йилнинг 15 октябрида Чимбойда туғилган. Ёшликдан мусиқага қизиққан, турли халқ мусиқали чолғуларида ижро этишни ўрганган. Нукус мусиқа билим юртини тугатиб, 1950 йили Тошкент давлат консерваториясининг халқ чолғулари ва композиторлик факультетига қабул қилинади. Ўша даврларда унинг илк асарлари ёзилди.

1955 йили консерваторияни муваффақиятли тугатади. 1955-1957 йиллари Қорақалпоқ мусиқали театрининг симфоник оркестрига бош дирижёр бўлиб келади. Ушбу йиллар давомида турли мусиқали спектакларга дирижёрлик қилиб ўзининг маҳоратини оширади. Айнан шу йиллари А.Султоновнинг ижодий фаолияти ҳам бошланади. Оркестр учун Б.Гиенко билан ҳамкорликда "Қорақалпоқча сюита", поэмаси ва "Равшан" спектаклига мусиқа басталайди.

1956 йили Бердах номидаги қорақалпоқ давлат филармонияси қошида халқ чолғулари оркестри ташкил топади. Оркестрнинг раҳбари ва бош дирижёри этиб А.Султоновни тайинлашади. У оркестр таркибига мусиқа мактабларининг битирувчиларини, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари қатнашчиларини ва халқ созандаларини жалб қилади. 1956 йилнинг охирида Тошкентда бўлиб ўтган қорақалпоқ санъати ва адабиёти ўн кунлигида А.Султонов раҳбарлигидаги халқ чолғулари оркестри биринчи бор ўзининг ижрочилик санъатини намойиш этди. Оркестр Фаттоҳ Назаровнинг "Қорақалпоқ рапсодияси"ни (дирижёр муаллифнинг ўзи) ва А.Султоновнинг "Бағман қыз" қўшиғини ("Боғбон қиз", дирижёр А.Султонов) ижро этган. А.Султонов ушбу йиллар давомида оркестрни такомиллаштирилган халқ мусиқа чолғулари билан таъминлайди, оркестр таркибини профессионал созандалар билан кучайтирди, оркестр репертуарини бойитди. Оркестр билан унинг дирижёрлик маҳорати ҳам ошиб борди.

Оркестр ижрочилигини профессионал даражага кўтариш ва ўстириш мақсадида шу йиллар давомида дирижёрлар А.Петросянц, С.Алиев ва Ф.Назаровлар яқиндан ёрдам беришди; А.Султонов уларнинг маслаҳатларига кўра ўзининг ижрочилик фаолияти устида кўп меҳнат қилди. Оркестр билан кўп ижодий сафарларда бўлиб, тингловчиларни қорақалпоқ халқ куйлари ва қўшиқлари, композиторлар асарлари, қўповозлик классик мусиқалар билан таништириб борди. Шу йиллари А.Султонов раҳбарлигидаги қорақалпоқ халқ чолғулари оркестри республикада ягона жамоа бўлиб, чолғу мусиқасининг тарғиботчиси бўлиб қолди. А.Султонов оркестр учун турли жанрдаги чолғу асарлар ва қўшиқлар яратади ва репертуарини бойитиб боради.

Оркестр билан А.Султонов раҳбарлигида А.Никитин, К.Аимбетов, Ж.Нуржонов, Н.Муҳаммеддинов, А.Мамбетов, К.Абдуллаев, Г.Демесинов, С.Полвонов, М.Камолов, Т.Мамедёров, Н.Олимовлар шогирдлик мақомини ўтишган.

1963-1966 йиллари А.Султонов Нукус мусиқа-хореография (ҳозирги санъат) билим юртининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлайди, педагогик фаолият билан шуғулланади. 1966-1971 йиллари Қорақалпоқ мусиқали театрида бош дирижёр ва 1971 йилдан Қорақалпоқ телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси қошидаги халқ чолғулари оркестрининг бадиий раҳбари ва бош дирижёри лавозимларида меҳнат қилиб, ўзининг педагогик фаолиятини ҳам давом эттиради. А.Султонов турли мусиқали спектаклларига ва чолғу асарларига дирижёрлик қилади. Ушбу даврда "Бахт", "Дилбарлар", "Қирли сўқмоқлар", "Артист тақдири", "Орол овози" каби драматик спектаклларига мусиқа яратади.

Абдурайим Султоновнинг кўп йиллик ижодий ва ижрочилик фаолиятлари Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари томонидан юксак баҳоланди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1969), Қорақалпоғистон Республикасининг Бердах номидаги Давлат мукофоти лауреати (1974) унвонлари билан тақдирланган.

ТЕРЗЯН ГРИГОР

Ўзбекистоннинг Мустақиллик йилларида дамли чолғулар оркестрлари фаолияти янада ривож топди. Ҳарбий оркестрлар Ўзбекистон мусиқа маданиятининг бир соҳаси сифатида турли байрамлар, ҳарбий парадлар, қўшиқ танловлари, ҳамдўстлик, чет эл давлатларининг раҳбарларини кутиб олиш ва намойишларида фаол хизмат қилиб келмоқдалар. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг Намунали ҳарбий оркестри фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. Унинг репертуари кенг ва ранг-баранг: ҳарбий маршлар, халқ қўшиқлари, Европача классик мусиқа намуналари, Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари ва чолғу асарлари ўрин олган. Сўнгги ўн йил ичида оркестр фаолияти, унинг бошлиғи ва бош дирижёри, полковник Григор Ервандович Терзян номи билан боғлиқдир.

Григор Терзян 1935 йилнинг 10 февралида Грециянинг Корфу оролида туғилган. Корфу ороли 110 минг аҳолиси билан ҳамиша Европада юқори савияли мусиқа ва маданият марказларидан бири бўлиб, бир неча асрлар давомида анъана бўйича турли мусиқа фестиваллари, байрамлари, шу жумладан, дамли чолғулар мусиқаси бўйича ҳам ҳар хил фестиваллар ўтказилиб турилган.

10 ёшли Григор Терзян ўз ижодий фаолиятини филармония

оркестрда аввало — гобойчи-созанда, кейинчалик трубачи-созанда сифатида бошлаган. Унинг биринчи устози Харилаос Манятопулос бўлган. Ўта эшитиш қобилиятига эга бўлган, истеъдодли Г.Терзян оркестр созандалари орасида ажралиб туради, бу эса келгусида унинг тақдирини мусиқа ва дамли чолғулар оркестри билан боғлади.

1948 йили Г.Терзян оила аъзолари билан Арманистон пойтахти Ереванга кўчиб келади ва ўзининг мусиқа таълимини мусиқа билим юртида Айгазе Маркарян синфида давом эттиради. 1953 йили у ҳарбий хизматга чақирилади ва уни Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида ҳарбий оркестр таркибида ўтади. 1953-1964 йиллари ҳарбий оркестрда трубачи-созанда, кейинчалик ҳарбий дирижёр сифатида хизматини ўтади.

1962-1964 йиллари Наманган мусиқа билим юртида таълим олади (труба мутахассислиги бўйича Фани Ҳусаинов синфида). Истеъдодли ўқувчи билим юрти томонидан уюштирилган концертларда фаол қатнашиб, ўзининг ижро маҳоратини ошириб боради. Тингловчилар Г.Терзяннинг юқори техник савиясига ва ўзига хос ижро дидига катта баҳо беришар эди. Талабалик даврида у астойдил дирижёрлик билан шуғулланади.

1964 йили ҳарбий созанда Г.Терзян Тошкент давлат консерваториясининг дамли чолғулар факультетига қабул қилинади. У труба синфи бўйича профессор В.Ф.Пўлатовдан, дирижёрлик синфи бўйича доцент П.Х.Ҳолиқовдан таълим олади. Шу йилдан бошлаб унинг ҳарбий хизмати Тошкентда Туркистон Ҳарбий Округи штабининг Намунавий-Кўргазмали ҳарбий дамли чолғулар оркестрида ўтади. Концертмейстер лавозимида фаолият кўрсатади. Ушбу оркестр қошида Г.Терзян дирижёрлик маҳоратини Н.П.Долгов, С.М.Брайнин, И.Я.Доценко, Ю.Д.Сайиджоновлар каби ҳарбий дирижёрлардан ўрганади. Консерваторияни тугатиб, катта ҳарбий дирижёри лавозимида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг қўшма қисмида хизмат қилади. 1980 йили Г.Терзян Олма-ота шаҳрида Ўрта Осиё ва Қозоғистон бўйича Ички ишлар ҳарбий қисмлари Ҳарбий оркестрлик хизмати бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатади. У ҳамиша ўта талабчанлик, интизом, ижодий йўналиш ва нозик мусиқий диди билан ажралиб туради. Хизмат ўтаган йиллари Г.Терзян ўзининг оркестри билан турли фестиваллар, кўрик-танловларда қатнашиб юқори натижаларга эришади. Унинг маҳорати тобора ошиб бориб, 1989 йили Г.Терзян собиқ Иттифоқ ички ишлар вазирлигининг қисмлари орасидаги Бутуниттифоқ ҳарбий дирижёрлар танлови лауреати унвонига

сазовор бўлди. Ўзининг профессионал малакасини ошириш мақсадида Г.Терзян Москва консерваториясининг ҳарбий дирижёрлар факультети машғулотларида, профессор Т.А.Дошкицер (труба) маъруза-семинарларида қатнашади.

1992 йили Г.Терзян Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ҳарбий қисмлари Ҳарбий оркестрлар хизмати бошлиғи лавозимига ишга тайинланади ва унга полковник ҳарбий унвони берилади. 1993 йили унинг ташаббуси билан вазирлик қошида Намунавий-Кўргазмали ҳарбий оркестр ташкил этилади. Биринчи йилларданоқ оркестр концерт фаолиятини бошлайди. Г.Терзян раҳбарлигидаги оркестр ўз концерт дастури билан Ўзбекистоннинг турли шаҳар ва вилоятларида бўлдилар. Оркестрнинг репертуарида оммавий классик мусиқа намуналари, ўзбек ва хорижий композиторлар асарлари, халқ ва замонавий қўшиқлар, классик опералардан парчалар ўрин олган. Оркестр ҳар йили Тошкент давлат консерваториясининг Катта залида ва В.Успенский номидаги мусиқа мактаб-интернати залида талабчан профессионал тингловчиларга ижодий-ҳисобот концертларини тақдим этади. Юқори ижро маҳорати ва савияси тингловчилар орасида оркестрга катта муваффақият касб этиб келмоқда. Дирижёр Г.Терзян ҳамиша ижодий изланишда, 1997 йили оркестр таркибига турли чолғуларни киритиб, оркестрнинг товуш ва тембрлар имкониятларини кенгайтириб, бойитиб келмоқда. Оркестр жамоасига юқори малакали созандалар ва хонандалар жалб этилмоқда.

Ўтмишдан маълумки, ҳарбий мусиқа, инсонларга бирор маросим, ҳарбий чиқишлар каби жуда кўп оммавий ҳаракатларни бир хилда тартиб билан бажаришда, бир хил усулда олиб юришда хизмат қилган. Ҳарбий мусиқанинг табиати инсоннинг қалбини ларзага солади. Чунки унда ўзига хос ватанпарварлик ва инсоний руҳ, қаҳрамонлик ва ватанга садоқат фазилатлари мужассамлашган. Халқнинг ғалабаси, қаҳрамонлик хусусияти, ҳарбий мусиқа асарларида мадҳ этилган. Ушбу хусусият ва маънони маромига етказиб ижро этиш ҳарбий дирижёр раҳбарлигидаги оркестрга мансубдир. Г.Терзян ҳам ушбу фазилатга кўра оркестрнинг ижро услуби ва маҳоратини юксак даражага етказишга интилади. У янги типдаги санъаткор сифатида доимо ижтимоий ва маданий ҳодисаларнинг моҳиятини англаб олишда, ўз ижрочилик санъатида юксак бадиий савияга ва маҳоратга эришади. "Мен учун давримиз санъатининг бош масаласи — бу ҳақиқий ватанпарварлик,

умуминсоний, ватанга садоқат, барқарорлик масаласидир. Шубҳа йўқки, бу фазилатлар ҳамиша, ҳамма даврларда, айниқса, ҳозирги мустақиллик жараёнида ижтимоий фикрнинг нишони, муҳим аломати бўлиб келди. Бизнинг мусиқамиз ана шу масалаларни оддий кишиларга етказишга хизмат қилади", — дейди Г.Терзян.

Григор Терзяннинг жўшқин ижодий ва ташкилий изланишлари ўзининг тўла ва ёрқин ифодасини унинг дирижёрлик санъатида ва оркестр бошқарувида ўз аксини топган.

1976 йили Григор Терзян Ватан олдидаги катта хизматлари учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвонига сазовор бўлди.

ТОШМАТОВ ЎРОЗАЛИ

Ўзбекистонда 30-йилларнинг охирида халқ чолғулари оркестрини ташкил топиши, мусиқа санъатимизда янги йўналишларни шаклланиши ва ривожланишига катта туртки бўлди. 1948 йили Тошкент давлат консерваторияси халқ чолғулари кафедраси ва факультети; 1974 йилдан Тошкент Давлат Маданият институтида ҳаваскор халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги кафедраси ўз фаолиятини бошлайди. Мана ярим аср мобайнида халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги бўйича битирган кўп мутахассислар турли жамоаларда ва ўқув юртларида фаол хизмат қилиб келмоқдалар. Ўрозали Тошматов мана йигирма йилдирки, ушбу санъат тури билан хизмат қилиб келмоқда.

Ўрозали Гофурович Тошматов 1956 йилнинг 2 майида Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида туғилган. Ўрта мактабни тугатиб, 1970-1974 йиллари Тошкент маданият техникумида таълим олади. У ерда қашқар рубоби ижрочилик услубларини ва биринчи маротаба дирижёрлик бошланғич техникасини ўрганади ва ўзлаштиради. 1974 йили техникумни имтиёзли диплом билан тугатиб, А.Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институтига йўлланма олади. Институтда қашқар рубоби ва оркестр дирижёрлиги мутахассислиги бўйича доцент К.Т.Азимов синфида таҳсил олади. Институтда халқ чолғулари оркестрига раҳбарлик қилиш сабоқларини ва дирижёрлик техникасини мукаммал ўзлаштиради. 1978 йили институтни имтиёзли диплом билан тугатиб, шу йилдан бошлаб оркестр дирижёрлиги кафедрасида ўқитувчи, 1986 йилдан — катта ўқитувчи, 1997 йилдан кафедра мудири лавозимларида ишлайди.

1986 йилдан Ў.Тошматов Маданият институтининг ўзбек халқ

чолғулари оркестри раҳбари. Оркестр репертуарини танлашда ва ўзининг дирижёрлик маҳоратини оширишида кўп меҳнат қилмоқда. Ўша йилдан бошлаб институт оркестри унинг раҳбарлигида "Халқлар дўстлиги" саройида ташкил этилган "Истиқлол жилолари" номидаги концерт дастурларида, Тошкент маданият техникумларидаги концертларда, Тошкент давлат консерваториясида анъанавий равишда "Ўзбек халқ чолғулари оркестрлари фестиваллари"да иштирок этиб келмоқда. Оркестр репертуарида ўзбек композиторлари — С.Ҳайитбоев, Икром Акбаров, Ф.Олимов, М.Бафоев ва бошқаларнинг қўшиқ ва чолғу асарлари ўрин олган.

Ўрозали Тошматов моҳир созанда, хушовоз хонанда, истеъдодли дирижёр, талабчан оркестр раҳбари ва анъанавий халқ чолғулари ансамбли раҳбари сифатида фаолият кўрсатиш билан бир қаторда ижодий фаолият билан ҳам шуғулланиб келмоқда. У қўшиқ ва романслар муаллифи, масалан, "Гулнора" романси яккахон ва камер оркестр учун (ўзи ижросида Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестри билан магнит тасмаларга ёзиб олинган). Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институтининг талабалар оркестри билан ўндан ортиқ мусиқий асарларга дирижёрлик қилиб Ўзбекистон радиоси "Олтин фонди" магнит тасмаларига туширган. 1999 йилдан Республика радиосининг "Ёшлар" каналида "Созлар садоси" Ў.Тошматов ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, доимий равишда хафтасига бир марта радио тўлқинлари орқали халқимизга ҳавола қилинмоқда. 1991 йили Ўрозали Тошматов созанда ва хонанда сифатида Овропанинг Франция, Олмония, Испания, Бельгия, Голландия, Швейцария каби давлатларида ташкил этилган "Буюк Ипак йўли" номидаги фестивалда фаол иштирок этиб, ўзбек халқ куйлари ва қўшиқларини мароқ билан ижро этиб Овропа томошабинларини лол қолдирган. Ўша йили Олмонияда ёзиб олинган қўшиқ ва куйлар 1992 йили Парижда чиқарилган компакт-дискка тушириллган.

Ўрозали Тошматов 1995 йилдан Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги "Булбулча" болалар хор жамоасининг чолғу ансамблига ҳам раҳбарлик қилиб келмоқда. У шу йиллар давомида 50 дан ортиқ болалар қўшиқларини хор жамоаси ва ансамбль учун чолғулаштирди. Ў.Тошматов ўзбек халқ чолғулари оркестри учун ўзбек композиторлари ва бастакорлари, турли халқларнинг халқ қўшиқларидан ташкил топган 30 дан

ортиқ асарларни чолғулаштирган ва улар оркестр репертуаридан ўрин олган. У 4 та ўқув қўлланмаси муаллифи, улар 1989-1998 йиллар мобайнида Москва ва Тошкент нашриётлари томонидан чоп этилган.

Ўрозали Тошматов ўзининг педагогик фаолиятида ўз шогирдларига ижрочилик услубларини ва дирижёрлик санъатини ўргатмоқда. Унинг шогирдлари Тошкент, Қарши, Термез каби санъат билим юртларида ва ижрочилик жамоаларида ишламоқдалар.

Ўрозали Тошматов 1998 йили доцент илмий унвонга сазовор бўлиб, ҳозирги кунда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институтида факультет декани ҳамда оркестр дирижёрлиги кафедрасининг мудири сифатида келажак авлоднинг тарбиясига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

ТОШМАТОВ ЭРГАШ

Ҳаётимизнинг илҳомбахш жўшқин булоқлари мусиқа ва театр санъати намоёндаларини тинимсиз ижодга чорлаган. Булардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, дирижёр Эргаш Тошматовдир. Уни мусиқали театр тарғиботчиси, фаол ижодкор сифатида санъат аҳли яхши танийди. Эргаш Тошматов республикамиз мусиқали театр ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган ижодкор ва унинг ўз ўрни бор.

Эргаш Тошматов 1930 йили Тошкент шаҳрида, ишчи оиласида таваллуд топди. Ёшликдан мусиқага бўлган қизиқиши уни Р.Глиэр номидаги Республика ўрта-махсус мусиқа мактаб-интернатига етаклади, унда мусиқа саводи, мусиқа тарихи ва чанг чалиш услубларини ўрганди. Мактабда ўқиган чоғида дирижёрлик санъатига дастлабки илк қадамини қўйди. 1952-1957 йиллари Э.Тошматов Тошкент давлат консерваториясида таълим олди, уни чанг синфи бўйича профессор Аҳмад Одилов раҳбарлигида муваффақиятли тугатди.

Эргаш Тошматов ижодий-ижрочилик фаолиятини талабалик йилларидаёқ бошлайди. Созанда чангчи сифатида у 1951 йили Москвада ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасида Ўзбек давлат филармонияси қошидаги ашула ва рақс ансамбли билан қатнашди. 1956 йилнинг ёзида шу ансамбль билан Москва, Украина, Молдавия ва Қрим сафарлари гастролларида бўлди. Гастрол пайтида у ўзининг камтарлиги, моҳир созанда, ишчи ва ҳамкасбларига бўлган яхши муносабати билан филармония раҳбариятининг ҳурматига сазовор бўлгани ўлароқ, гастролдан сўнг халқ чолғулари

оркестрига чангчи сифатида ишга қабул қилинди. 1956-1961 йиллари Ўзбек Давлат филармониясининг бадиий жамоалари таркибида — ўзбек халқ чолғулари оркестри, ашула ва рақс ансамбли ва, айниқса, Тамарахоним раҳбарлигидаги ансамблда ишлаб собиқ иттифоқнинг турли шаҳарларида, бир қатор хорижий мамлакатларда гастролларда бўлди, 1959 йили Москвада ўтказилган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасида қатнашди. Шу йили Тамарахоним ва Мукаррама Турғунбоева бошчилигидаги "Баҳор" қизлар рақс ансамбли билан Чехословакия бўйлаб сафарда бўлди.

Ижрочиликнинг энг мураккаб соҳаси бўлмиш дирижёрлик санъатига Эргаш Тошматов ёшликдан интилган эди ва уни мукаммал эгаллаш ниятида 1961 йили у қайта консерваториянинг опера-симфоник дирижёрлиги бўлимига ўқишга кириб, профессор М.Ашрафий раҳбарлигида бу олий мусиқа даргоҳини 1966 йили муваффақият билан тугатади ва мустақил иш фаолиятини бошлайди. Э.Тошматов устозлари ҳақида гапирганда аввало, дастлабки ўқиш йилларида дирижёрликдан дарс берган устози Наримон Олимовни ҳурмат билан тилга олади. Шунингдек, Муқимий театрининг кекса санъаткори, концертмейстер Маргарита Фурманнинг кўмак ва маслаҳатларини алоҳида қадрлайди.

Эргаш Тошматов 1961 йилдан Муқимий номидаги Республика мусиқали драма ва комедия театрида ўзининг дирижёрлик фаолиятини бошлаб, ҳозирги кунгача узлуксиз давом эттириб келмоқда. "Муқимий театрида биринчи дирижёрлик ишим, — деб эслайди Э.Тошматов, — таниқли ёзувчимиз Ҳамид Ғуломнинг қаламига мансуб "Тошболта ошиқ" спектакли билан бошланди. Мусиқа муаллифи таниқли композитор Манас Левиев эди. Мен бу биринчи муваффақиятларим учун халқимизнинг севимли артистлари, марҳум санъаткорлар Раззоқ Ҳамроев, Лутфихон ая Саримсоқова, Ҳамза Умаров, Сойиб Хўжаевлардан ҳали-ҳали миннатдорман. Улар менинг ёш бўлишимга қарамай, катта-катта асарларни саҳнага тайёрлашни ишониб топширишаверарди ва ўз навбатида ёрдамларини ҳам аяшмасди. "Тошболта ошиқ" муваффақият қозонгач, ишларим янаям юришиб кетди. Раззоқ ака театрнинг бош режиссёри даврида у киши билан "Нурхон", "Ватан ишқи", "Равшан ва Зулхумор", "Гули сиёҳ", "Маҳтумқули" ва бошқа 20 дан зиёд спектакллар қўйдик. Бу муваффақиятлардан янада руҳланиб Абдурашид Раҳимов (театр режиссёри) билан "Кумуш тўй", "Ўжарлар", "Йиллар ўтиб", "Тошкентнинг нозанин маликаси", "Менинг жаннатларим",

"Фарҳод ва Ширин", Бахтиёр Ихтиёров билан "Хотинимнинг эри", "Ярим тундаги ўғирлик", "Хонима хоним", "Хизматингизга тайёрмиз", Неъмат Саидхонов билан "Хўжайин", Носир Отабоев, Оловуддин Муҳиддиновлар билан "Мушкул савдо", Аҳад Фармонов билан "Качал полвон", "Куёвлар конкурси", "Тўйлар муборак", "Музаффар қуёш фарзанди" каби мусиқали спектакларни саҳналаштирдик. Албатта ҳар бир асар томошабин билан юзма-юз бўлгунга қадар театр жамоаси не-не машаққатли меҳнатни бошдан кечиради. Дирижёрлик иши ҳам оғир: аввало у оркестр билан ёки унинг гуруҳлари билан партия ва партитурани ўзлаштиради, кейин эса актёрлар билан ҳар бир образ устида иш олиб боради.Тўғри, хонандалар янги асарни ўрганаётган вақтида кўпроқ концертмейстер билан ишлайди; ушбу машқларда ҳам мен дирижёр сифатида қатнашаман. Ишимизнинг оғир дамлари тўлиқ спектаклни саҳнага олиб чиқиб, оркестр, хор ва рақс жамоалари билан асарни меъёрига етказишдир. Ушбу жараёнда дирижёрлик санъатининг қанчалар мушкуллигини ҳамма ҳам билмаса керак". Э.Тошматовнинг юксак мусиқий ва дирижёрлик қобилияти, нозик диди, меҳнатсеварлиги ва изланувчанлиги, ўз касбига бўлган муҳаббати ва масъулияти театрда ишлаган йилларида намоён бўлди. Муқимий театридаги 30 йиллдан ортиқ дирижёрлик иш фаолияти давомида Ўзбекистондаги таниқли режиссёр ва композиторлар билан ҳамкорликда театр репертуаридан ўрин олган 50 дан ортиқ мусиқали спектакларга раҳбарлик қилди, кўпчилигини саҳналаштирилишида ўзи фаол қатнашди. Бу асарлар нафақат Муқимий театри, балки республикамиз театр тарихида ўчмас из қолдирган ва томошабин қалбидан чуқур жой олгандир. Булар орасида "Нурхон", "Тоҳир ва Зуҳра", "Фарҳод ва Ширин", "Алпомиш", "Муқимий", Тошболта ошиқ", "Махтумқули", "Ўн икки кеча", "Ватан ишқи", "Қоматингдан ўргилай", "Куёвлар конкурси" ва бошқа асарлар бор.

1964 йили Муқимий театри ўзининг 10 кунлик ҳисобот кунларини Москва шаҳрининг Кремль театри биносида катта муваффақиятлар билан ўтказди. Репертуарда 4 асар бўлиб, улардан учтаси, яъни "Нурхон", "Тошболта ошиқ" ва "Гули сиёҳ" спектакларига Эргаш Тошматов дирижёрлик қилиб, Москва томошабинларининг олқишларга сазовор бўлди.

Эргаш Тошматов Муқимий театрида ўзининг дирижёрлик ижодий фаолияти билан ўзбек элининг машҳур ва таниқли бастакорлари ва композиторлари Юнус Ражабий, Тўхтасин

Жалилов, Манас Левиев, Дони Зокиров, Икром Акбаров, Дадаали Соатқулов, Ҳамид Раҳимов, Матниёз Юсупов, Сулаймон Юдаков, Абдураҳим Муҳамедов, Румиль Вилданов, Ғанижон Тошматов, Тўлқин Тошматов, Комилжон Жабборов, Холхўжа Тўхтасинов, Борис Гиенко, Борис Зейдман, Султон Ҳайитбоев, Собир Бобоев, Шоҳида Шоҳимардонова, Эдуард Каландаров, Тельман Ҳасанов, Сайфи Жалил, Ҳабибулла Раҳимов, Аваз Мансуров, Анвар Эргашев, Александр Берлин, Мустафо Бафоев, Фарҳод Алимов ва бошқаларнинг ажойиб мусиқаларини томошабинларга етказди. Бундай улкан ютуқларни қўлга киритишда унинг меҳнатсеварлиги, изланувчанлиги, ўз устида тинмай ишлаши ва ўз касбини такомиллаштиришдаги ҳаракатлари қўл келди. Катта тажрибага эга бўлишига қарамай дирижёрлик сирларини янада баркамол бўлишига интилиб, Э.Тошматов 1972 ва 1982 йиллари Москвадаги Катта опера ва балет театрида, К.Станиславский ва В.Немирович-Данченко номидаги мусиқали театри ҳамда оперетта театрида малакасини ошириб келди. У ерда орттирган билимларини Муқимий театри саҳнасида яратган янги асарларида муваффақиятли қўллаб, юқорида номлари зикр этилган муаллифларимизнинг меҳрига ва ташаккурига сазовор бўлиб келмоқда.

Э.Тошматовнинг дирижёрлик маҳорати, тинмай изланиши ва меҳнатсеварлиги туфайли бу саҳнада узоқ умр кўриб, ўзбек мумтоз асарлари даражасига кўтарилишида катта рол ўйнади ва ўз касбининг моҳир мутахассиси сифатида намоён бўлди.

Эргаш Тошматов 1974 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист фахрий унвонига сазовор бўлди.

Мусиқали театр дирижёри бўлиш ижодкордан катта матонат, савия ва билимдонликни талаб этади. Чунки спектаклни қўйилиш жараёнида у фақатгина оркестрга эмас, балки бутун саҳнада бўлаётган воқеликка раҳбарлик қилади, уни бошидан охиригача бошқариб туради. Эргаш Тошматов ўз ижодига талабчанлик билан қарайди, тинимсиз ижодий изланишда бўлади, қайта-қайта устозлар ижодхонасига шўнғиди, маҳорат сирларини ўрганди ва ўзига хос услубини шакллантирди. Ҳар бир асарнинг ғоявий-бадиий маъносини тушунган ҳолда, нозик ҳаракатлари, "ижрочига тушунарли имо-ишоралари" орқали етказади. "Нодира"нинг лирик-фожиавий мазмунини, "Сойибхўжа операцияси" ёки "Куёвлар конкурси"да эса халқимизга хос бўлган ҳазилкашлик хусусиятларини, "Равшан ва Зулхумор" спектаклидаги ватанпарварлик, эпик руҳиятни томошабинга сингдиришга ҳаракат

этади. Эргаш Тошматов бадиий ижодга йўл олар экан, айни пайтда, устоз-режиссёр, актёр ва дирижёрлар: Раззоқ Ҳамроев, Ҳамза Умаров, Дони Зокиров, Наби Ҳалилов каби санъаткорлар тажрибасидан қайта-қайта сабоқ олди, уларга эргашди, интилганга толе ёр, дейдилар. Тинимсиз ижодий изланишлар, ўқиб-ўрганишлар, уйқусиз тунлар, ижод тўлғоқлари ўз самарасини берди. Эргаш Тошматов қобилиятининг янги қирраси — мусиқий-бадиий тафаккур тарзи намоён бўлди. Бу борада Э.Тошматов ўз устозлари— профессор Мухтор Ашрафийдан миннаддор, чунки у таниқли композитор, эл-юрт орасида ажойиб дирижёр сифатида ҳам ҳурмат қозонган ижодкор. М.Ашрафийнинг нозик-нафис ҳаракатлари, оркестр ва саҳнани бошқариб бориш санъати Э.Тошматов учун катта мактаб бўлди. У устози маслаҳатига амал қилиб, саҳнада бўладиган воқеликни ўз диди билан ҳис қилиш ва бевосита ўзи ҳам қатнашаётгандек бўлишига интилади. "Дирижёрлик ниҳоятда мураккаб санъат, — дейди Э.Тошматов, — мураккаблиги шундаки, дирижёр оркестрда қанча созанда бўлса, шунча чолғу асбобини нафақат мукаммал чалишни, ҳатто сирларини — товуш чиқариш, ижро услубларини ҳам билиши керак. 20 та ёки 40 та созандани бир маромга солиб тура олиши керак. Салгина фаромушлик, салгина хаёлга берилиш катта хатоларга олиб боради. Шунинг учун ҳам дирижёр ҳар бир созанда, ҳар бир хонанда билан биргаликда ишлайди, изланади. Композитор куйини, қўшиқчининг ҳар бир сўзини тингловчига етказиш қанчалик мураккаб. Композитор билан режиссёр, асар саҳна юзини кўргунча жон куйдиради. Дирижёр эса ҳар куни саҳнага чиқадиган актёр билан, хонанда билан, созанда билан, раққосалар билан саҳнага қайта-қайта чиқаверади. Улар билан бир хил нафас олади. Дарвоқе, дирижёрликнинг уч босқичи бўлади: дирижёрнинг 40 ёшлик даври — ўсиб келаётган даври, 60 ёшлик даври — камолатга эришаётган даври, 70 ёшлик даври — уста деган номга эришган даври ҳисобланади".

Эргаш Тошматовнинг дирижёрлик репертуари кенг ва ранг-баранг: "Нурхон" (Т.Жалилов, Г.Собитов мусиқаси), "Равшан ва Зулхумор" (Т.Жалилов, Г.Мушель мусиқаси), "Паранжи сирлари" (Х.Тўхтасинов мусиқаси), "Гули сиёҳ" (Д.Соатқулов мусиқаси), "Муқимий" (Т.Жалилов, Г.Мушель мусиқаси), "Ватан ишқи" (С.Бобоев мусиқаси), "Махтумқули" (Д.Соатқулов, Б.Гиенко мусиқаси), "Тошболта ошиқ" (М.Левиев мусиқаси), "Алпомиш" (Т.Жалилов, Г.Собитов мусиқаси), "Фарҳод ва Ширин"

(Ю.Ражабий, Г.Мушель мусиқаси), "Кумуш тўй" (Икром Акбаров мусиқаси), "Ёшликда берган кўнгил" (Д.Зокиров мусиқаси), "Мушкул савдо" (Ҳаб. Раҳимов мусиқаси), "Бағри тош" (С.Ҳайитбоев мусиқаси), "Тўйдан кейин томоша" (Н.Норхўжаев мусиқаси), "Сойибхўжа операцияси" (Ф.Алимов мусиқаси), "Қудуқ тубидаги фарёд" (Б.Лутфуллаев мусиқаси) ва бошқалар.

Эргаш Тошматов катта ижодий фаолияти билан бир қаторда ёш мутахассислар тайёрлашда ҳам самарали иш кўрсатди. 1954-1974 йилларда Р.Глиэр номидаги Республика ўрта-махсус мусиқа мактаб-интернатида, 1968-1975 йилларда эса Тошкент давлат консерваториясида, 1975 йилдан то шу кунгача Тошкент маданият ва санъат институтларида ишлаб, юздан ортиқ малакали шогирдлар тайёрлади. 1981 йили у доцент илмий унвонига сазовор бўлди. Шогирдлари орасида — дирижёр, Ўзбекистон халқ артисти Ф.Содиқов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Б.Расулов ва бошқалар бор. 1984-1988 йиллари Э.Тошматов Тошкент маданият институтида халқ чолғулари кафедраси мудири лавозимида ишлади. 1985 йили у Ленинграддаги Н.Крупская номидаги Маданият институтида малака ошириш курсини битириб келди. Тошкент санъат институтида эса курс раҳбарлари билан ёнмаён ишлаб туриб, 10 дан ортиқ диплом спектаклларини яратди ва уларга дирижёрлик қилди. Улар орасида "Малиновкада тўй", "Тоҳир ва Зуҳра", "Нурхон", "Хонума хоним", "Жангулар", "Суймаганга суйкалма" каби асарлар бор.

Эргаш Тошматов 1965 йилдан бери Ўзбекистон радиоси орқали жаҳон мумтоз мусиқаси намоёндалари, ўлмас мусиқа дурдоналари, айниқса, мусиқали театр соҳасида ва уларни яратган машҳур композиторларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қизиқарли эшиттириш олиб бормоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг таниқли дирижёрлари — Мухтор Ашрафий, Алексей Козловский, Баҳром Иноятов, Фазлиддин Шамсутдинов, Наримон Олимовларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳам эшиттиришлар тайёрлади.

Эргаш Тошматов ўзининг одамийлиги, меҳнатсеварлиги, барча ижодий ва жамоат ишларида фаоллиги туфайли театр аҳли ичида ва ҳамкасблари орасида катта ҳурмат ва эътибор қозонган дирижёр-ижодкордир.

ТРЕТЬЯКОВА НИНА

Нина Николаевна Третьякова — устоз, мураббий, Ўзбекистон дирижёрлик санъатига салмоқли ҳисса қўшган инсондир. Бу

камтарин инсон, ўзининг назокати ва нафосати билан кишини ўзига мафтун этар эди. Нина Третьякова мусиқа санъатига оид чуқур ва кенг маълумотга эга; унинг билимдонлиги кишини ҳайратда қолдирарди. Мусиқага муҳаббат умрининг илк йилларидан бошлаб Нина Николаевна Третьякованинг қонига, қалбига, фикрига сингиб кетган эди. Дирижёр-мураббий ўзининг эътироф этишича, ҳали ҳарф танимасидан олдин — беш яшарлигидаёқ, мусиқага қизиқиш пайдо бўлган экан. Нина Третьякова бир умр мусиқага мафтун бўлиб яшади, кўпгина шогирдлар етиштирди; уларнинг қалбига ҳам мусиқага бўлган муҳаббатни сингдиришга ҳаракат қилди.

Нина Николаевна Третьякованинг 40 йиллик ижодий фаолияти ўзбек тупроғида ўтди, у дирижёр-мураббий сифатида халққа танилди, бу ерда ижоди шаклланди, мураббийлик фаолияти камолга етди.

Нина Николаевна Третьякова 1916 йили Тбилиси шаҳрида зиёли оиласида туғилди. 1928-1932 йиллари Москвада М.Мусоргский номидаги мусиқа техникумида ўқиди. 1932-1936 йиллари П.И.Чайковский номидаги Москва давлат консерваториясининг опера-симфоник дирижёрлиги факультетида таълим олади ва унга симфоник оркестр дирижёри ихтисоси берилади.

1938-1941 йиллари Н.Третьякова Москва вилояти опера театрида дирижёр бўлиб ишлади, 1941 йили Москва консерваториясининг аспирантурасига қабул қилинади. Лекин уруш туфайли ўқишни тўхтатишга мажбур бўлади.

1941-1945 йиллари ҳарбий қисмларда хизмат қилади. 1943-1944 йиллари Белорус опера ва балет театрида дирижёр бўлиб ишлади.

1950-1952 йиллари Қирғизистон давлат филармонияси бадиий раҳбари. 1952 йилдан бошлаб Тошкентда яшай бошлайди. Шу йилдан бошлаб Нина Третьякова Тошкент давлат консерваториясида ўқитувчи бўлиб ишлайди, аввало хор дирижёрлиги кафедрасида ва опера-симфоник дирижёрлиги бўлимида профессор М.Ашрафий синфи ассистенти лавозимида; кейинчалик ўзбек халқ чолғулари факультетида оркестр дирижёрлиги бўйича дарс беради.

Нина Николаевна Третьякова Тошкент давлат консерваториясида 1976 йилгача, нафақага чиққунига қадар фаолият кўрсатади; ўша давр ичида у кўпгина шогирдларга дирижёрлик санъати бўйича таълим берди ва улар устозидан олган сабоқларини ўзларининг ўқитувчилик ва ижрочилик фаолиятларида қўллаб келмоқдалар.

ТЎЛАГАНОВ ҒАНИ

Мусиқали театрнинг ижодий фаолиятида дирижёрнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Дирижёр режиссёр билан ҳамкорликда муаллифларнинг фикрини саҳнада амалий жараёнда ифода этиб, томошабинларга тақдим этади. XX асрнинг иккинчи ярмида композиторлик ижодиётининг жадал юксалиши бевосита Ўзбекистон мусиқа маданиятининг концерт ва театр ҳаёти, ижрочилик, мусиқа таълими каби соҳаларда кузатилган умумий ривожланиш жараёни билан боғлиқдир. Айниқса, 60-йиллардаги эришилган ютуқлар янгидан-янги мусиқий муассасаларни ташкил этиш ва жанрлар билан бойитилишига олиб келди. 1964 йилдан Самарқандда иккинчи опера ва балет театри ўз фаолиятини бошлайди. Театр саҳнаси кўпгина истеъдодли ёш санъаткорлар учун маҳорат мактаби бўлди. Ўзбекистон композиторларининг (М.Ашрафий, С.Бобоев, Н.Зокиров, Г.Мушель, Б.Зейдман, М.Юсупов, Ҳамид Раҳимов ва бошқалар) мусиқий-саҳна асарлари саҳналаштирилиб, томошабинларга тақдим этилди. Айни шу вақтда Алишер Навоий номидаги Академик Катта опера ва балет театри, Самарқанд опера ва балет театри ўзбек ва рус труппалари ягона ижодий жараёнга жипслашганлиги боис ижобий натижаларга эришилди.

Театрлар репертуари кенгайди, ўзбек ва рус ижрочиларининг ижодий ҳамкорлиги таъминланди, бу эса ўз навбатида театрларнинг келгусидаги ривожида уйғунлик кашф этди. Бу даврларда театр диққат-марказида Ўзбекистон композиторларининг асарлари турди. Театрлар тарихининг мазкур даври кўзга кўринган кўп саҳна усталарининг номлари билан боғлиқдир. Булардан бири Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, мусиқали театр соҳасида кўзга кўринган дирижёр Ғани Тўлагановдир. У фақатгина опера ёки балет спектакллари дирижёри бўлиб қолмай, аксарият асарларни саҳналаштирувчи-дирижёри сифатида қатнашган. Шу йиллар давомида у кўпгина симфоник концертларда ҳам қатнашиб, мураккаб симфоник асарларга дирижёрлик қилган. Ғани Тўлаганов — Ўзбекистон композиторлари асарлари тарғиботчиси сифатида эътибор қозонган санъаткорлардан биридир.

Ғани Олимович Тўлаганов 1935 йилнинг 24 майида Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган. 1950 йили ўрта таълим мактабини тугатиб, Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртига, халқ чолғулари бўлимига ўқишга киради. 1954 йили мусиқа

билим юртини тамомлаб, ўша йили Тошкент давлат консерваториясининг халқ чолғулари факультетига, қашқар рубоби синфи бўйича ўқишга қабул қилинади. Консерваторияда ўқиган йиллари қашқар рубоби чолғусини мукаммал даражада чалиш услубларини эгаллашдан ташқари, халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги сирларини ҳам ўзлаштиради. Ўқиш йиллари Ғ.Тўлагановнинг ижрочилик-меҳнат фаолияти билан ҳам боғлиқ бўлган. У 1951 йили Ўзбек Давлат филармонияси халқ чолғулари оркестрида созанда, 1952 йилдан — Ўзбекистон радиоси қошида халқ чолғулари оркестрида созанда шунингдек, 1953-1959 йиллари эса филармонияда созанда бўлиб ишлайди. 1959 йили консерваторияни муваффақият билан тамомлаган Ғ.Тўлаганов Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртида ўқитувчилик фаолиятини бошлайди; 1961-1964 йиллари Тошкент давлат консерваториясининг халқ чолғулари кафедрасида ўқитувчи ва катта ўқитувчи бўлиб ишлайди. Аммо дирижёрлик санъатига қизиқиш устиворлик қила бошлайди. Зеро, ушбу ижрочилик соҳасини мукаммал, профессионал даражада эгаллаш мақсадида Ғ.Тўлаганов яна Тошкент давлат консерваториясига ўқишга киради. Лекин бу гал опера-симфоник дирижёрлиги мутахассислиги бўйича, профессор Мухтор Ашрафий синфида дирижёрлик техникаси ва анъаналарини ўзлаштиради ва 1964 йили уни имтиёзли диплом билан битиради. Ўша йилдан бошлаб унинг профессионал дирижёр сифатида ижрочилик фаолияти бошланади.

1964-1970 йилларда Ғ.Тўлаганов Самарқанд Давлат опера ва балет театрининг дирижёри ва бош дирижёри лавозимларида ишлайди. У Ғарбий Овропа ва рус мумтоз композиторларининг опера ва балет спектаклларига дирижёрлик қилади, кўпчилигига саҳналаштирувчи-дирижёр сифатида қатнашади. Ундан ташқари Самарқанд театрида ўша йиллари саҳналаштирилган Ўзбекистон композиторларининг асарларига ҳам дирижёрлик қилади. Театр симфоник оркестри билан Самарқанд шаҳрида турли мавзудаги симфоник концертлар уюштиради ва вилоятда ижрочилик-концерт фаолиятини жадаллаштирилишида ўзининг ҳиссасини қўшади. Опера дирижёри сифатида Самарқанд опера ва балет театрида М.Ашрафийнинг "Шоир қалби" (1964) ва Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театрида А.Бородиннинг "Князь Игорь" (1964) операларига у илк бор дирижёрлик қилади.

Самарқанд опера ва балет театрида ишлаган кезлари Ғани Тўлаганов С.Юдаковнинг "Майсаранинг иши" (1965),

С.Бобоевнинг "Ёрилтош" (1966), Ж.Пуччинининг "Чио-Чио-Сан" (1966), П.Чайковскийнинг "Евгений Онегин", Ж.Вердининг "Травиата", Ш.Гунонинг "Фауст" (1967), С.Бобоевнинг "Ҳамза" (1969), Ҳамид Раҳимовнинг "Зафар" (1970) операларига дирижёрлик қилиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Шу билан бирга унинг дирижёрлик маҳорати ҳам ошиб борди. Ҳар бир асарни саҳнага олиб чиқишдан олдин хонандалар ва оркестр, хор жамоаси ва рақоссалар билан алоҳида-алоҳида машқ ишларини олиб боради. Асарга дирижёрлик қилар экан, унинг асосий мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос техник услублар билан ижро этади. Дирижёр — бу саҳнадаги воқеликнинг бошқарувчисидир. Дирижёр ўз маҳоратини кўрсар экан гавдани тўғри ушлаши, назокатли ҳаракати томошабинларга тушунарли бўлиши айниқса, нафис панжа йўналишида бутун бир мазмунни жо этиш дирижёр Ғ.Тўлагановга хос хусусиятлардир.

1970-1976 йиллари Тошкент давлат консерваторияси опера тайёрлов кафедраси мудири ва доценти, опера студияси дирижёри лавозимларида ишлайди. 1976-1979 йиллари Ғ.Тўлаганов Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет тетатри дирижёри; 1979-1984 йилларда М.Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармониясининг директори ва бадиий раҳбари; 1984-1992 йилларда А.Навоий номидаги театрда дирижёр бўлиб ишлайди.

1992-1994 йиллари Ғ.Тўлаганов Тошкент давлат консерваторияси опера тайёрлови кафедраси мудири, 1994 йилдан кафедра доценти, 1997 йилдан Тошкент давлат консерваториясининг мусиқали театр студияси директори ва бадиий раҳбари бўлиб, ёш талаба хонандаларга таълим бериб келмоқда, мусиқали театр студиясида опера спектаклларини саҳналаштирмоқда ва унга ўзи дирижёрлик қилмоқда. 1990 йили Ғ.Тўлаганов доцент илмий унвонига сазовор бўлди. 1999 йилдан — у опера тайёрлови кафедраси профессори лавозимида ишламоқда. Унинг кўплаб шогирдлари Ўзбекистоннинг турли мусиқали театрларида, қардош республикалар театрларида ишламоқдалар.

Ғани Тўлаганов Алишер Навоий номидаги театрда У.Мусаевнинг "Мангулик" (1974), Н.Зокировнинг "Соҳилдаги тўқнашув" (1974), Т.Жалилов ва Б.Бровцинларнинг "Севги ҳақида афсона" опера-балети ("Тоҳир ва Зуҳра операси асосида, 1976), Икром Акбаровнинг "Сўғд элининг қоплони" (1977), Ж.Бизенинг "Кармен" (1978), Ж.Пуччинининг "Чио-Чио-Сан"(1979), С.Вареласнинг "Оловиддиннинг сеҳрли чироғи" (1979),

С.Бобоевнинг "Фидоийлик" (1984), Н.Зокировнинг "Инқироздан инқилобгача" (1984), С.Жалилнинг "Зебунисо" (1987), М.Бурхоновнинг "Алишер Навоий" (1990), М.Бафоевнинг "Умар Ҳайём" (1992) операларига дирижёрлик қилган ва саҳналаштирган.

Тошкент давлат консерваториясининг мусиқали театр студиясида у П.Чайковскийнинг "Иоланта" (1971), С.Рахманиновнинг "Алеко" (1973), П.Чайковскийнинг "Евгений Онегин" (1974), А.Даргомижскийнинг "Тошли меҳмон" (1987), С.Юдаковнинг "Майсаранинг иши" (1975), Ж.Пуччинининг "Богема" (1989), Ж.Бизенинг "Кармен" (1990), Ж.Пуччинининг "Чио-Чио-Сан" (1992), Т.Жалилов ва Б.Бровцинларнинг "Тоҳир ва Зуҳра" (1994) сингари асарларни саҳналаштирган ва дирижёрлик қилган.

Ғани Тўлаганов — симфоник оркестр дирижёри сифатида Ўзбекистон миллий симфоник оркестри, Тошкент давлат консерваторияси театр студияси оркестрлари билан турли мавзулардаги концертларда иштирок этиб келмоқда. Унинг репертуаридан рус ва Ғарбий Овропа мумтоз композиторларининг симфоник асарлари (Чайковский, Глинка, Мусоргский, Рахманинов, Бородин, Моцарт, Бетховен, Римский-Корсаков, Брамс) билан бир қаторда Ўзбекистон композиторларининг симфоник ва вокал-симфоник асарлари (Ашрафий, Юдаков, Тожиев, Бурхонов, Қурбонов ва бошқалар) ҳам ўрин олган. 1987 йили Биринчи қорақалпоқ операсини Нукусда саҳналаштирилишида Ғ.Тўлагановнинг улкан ҳиссаси бор. Н.Муҳаммеддиновнинг "Ажиниёз" операси Бердах номидаги Қорақалпоғистон Давлат мусиқали театри саҳнасига қўйилишида саҳналаштирувчи дирижёр сифатида қатнашиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди. 1981 йили Москвада ўтказилган Қорақалпоғистон санъати ва адабиёти ўн кунлигида бош дирижёр сифатида фаол қатнашди.

1994 йили Ғ.Тўлагановни дирижёр сифатида Туркияга таклиф этишади, Анқарадаги Билкент университети симфоник оркестри билан А.Козловскийнинг "Тановор" симфоник поэмаси, Л.Бетховеннинг Биринчи фортепиано концерти, Н.Римский-Корсаковнинг "Шаҳризода" увертюра-фантазияси, И.Брамснинг "Симфония"си, С.Рахманиновнинг Иккинчи фортепиано ва оркестр учун концертига дирижёрлик қилди. Ғ.Тўлаганов дирижёр сифатида Россия (1969), Қозоғистон (1972), Озарбайжон (1974), Иркутск шаҳрида, Тюмен вилоятида Ўзбекистон кунларини

ўтказилишида фаол иштирок этган.

Ғ.Тўлаганов республикамиз миқёсида ва чет элларда ўтказилган мусиқали театр, симфоник ва камер мусиқаси, халқ чолғулари ва опера ижрочилиги танловлари ва фестиваллари қатнашчисидир.

Ғани Тўлаганов юқори малакали профессионал дирижёр, у бир нафасда опера ёки балет спектаклларига ва симфоник мусиқа концертларига дирижёрлик қилади. У юксак маҳоратли ва тажрибали дирижёрдир. Ҳозирги кунда унинг дирижёрлик фаолияти педагогик ишлари билан чамбарчас боғлиқ.

1981 йили Ғ.Тўлаганов "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби" ва 1987 йили "Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби" фахрий унвонларига сазовор бўлди.

УСМОНОВ СУННАТ (ҚУВОНЧ)

1998 йилнинг баҳор ойлари. Тошкент давлат консерваториясининг Катта залида Х Республика пианиночилар танловининг 3-босқичи ўтмоқда. Ҳар бир танлов қатнашчиси миллий симфоник оркестр жўрлигида йирик шаклдаги 3 қисмли фортепиано ва оркестр учун Концертни ҳакамлар ҳайъатига тақдим этиши лозим. Олти нафар қатнашчи турли йўналишдаги жаҳон композиторлари қаламига мансуб 6 та концертни оркестр жўрлигида ижро этишди (С.Рахманиновнинг "Паганини мавзуларига рапсодия"си ҳамда фортепиано ва оркестр учун Тўртинчи концерти, Л.Бетховеннинг фортепиано ва оркестр учун Иккинчи, Тўртинчи, Бешинчи концертлари ва С.Прокофьевнинг фортепиано ва оркестр учун Биринчи концерти). Бир концертда йирик шаклдаги бир неча асарни ижро этиш ва уни талқин этиб тингловчига тақдим этиш дирижёр зиммасига тушади. Зеро, бир концерт дастурида дирижёр мураккаб ва мукаммал бўлмиш бир неча "Фортепиано концертлари"га раҳбарлик қилди (Бундай ҳолни Геннис китобига киритиладиган бир ҳодиса деб ҳисоблаш мумкин). Бу дирижёр Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор Суннат Усмонов эди. Ушбу дастурга раҳбарлик қилиш учун катта ирода, куч ва машаққатли меҳнат талаб этилади. Шу куни совриндор-ижрочилар билан дирижёр Суннат Усмонов ва у раҳбарлик қилган оркестр нафақат тингловчилар, балки ҳакамлар томонидан ҳам ҳақиқий олқишга сазовор бўлдилар. Бу дирижёрнинг меҳнатига, ютуқларига ва, айниқса, ижрочилик маҳоратига берилган юксак баҳо эди. Яна бир лавҳа. 2000 йилнинг бошларида консерваториянинг махсус фортепиано кафедраси

ташаббуси ва Ўзбекистондаги Польша республикаси элчихонаси билан биргаликда 2 ой мобайнида консерваториянинг Катта концерт залида Фридерик Шопен таваллудига бағишланган "Шопенга гулдаста" мавзули концертлар бўлиб ўтди. Якунловчи концерт дастурида Ф.Шопеннинг иккита машҳур асари Фортепиано ва оркестр учун концертлари дирижёр Суннат Усмонов раҳбарлигида консерватория талабалари симфоник оркестри жўрлигида (яккахонлар — профессор О.Юсупова, Халқаро танловлар совриндори С.Ғафурова) ижро этилди. Ушбу концерт ҳам тингловчилар томонидан юқори баҳоланди. С.(Қ.)Усмоновнинг билими, дирижёрлик маҳорати, истеъдоди ва, айниқса, талабчанлиги бир концерт дастурида мураккаб асарларни саҳнага олиб чиқиши ва талқин этиши заҳматкаш ижодкорнинг ўз қиёфасини намоён этди.

Суннат (Қувонч) Мансурович Усмонов 1934 йилнинг 29 август куни Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топди. Ёшликдан унда мусиқага қизиқиш пайдо бўлган. Шу туфайли 1948 йили С.(Қ.)Усмоновни 137-сонли ўрта таълим мактабидан Тошкент пиёдалар билим юрти қошидаги мусиқа мактабига ўтказишади. 1950 йили В.А.Успенский номидаги Республика ўрта махсус мусиқа мактабига қабул қилишади. С.Усмонов мактабни 1954 йили дамли чолғулар бўлимини тамомлаб, шу йили Тошкент давлат консерваториясининг оркестр чолғулари факультетига труба чолғуси бўйича ўқишга қабул қилинади. 1955 йили у профессор Мухтор Ашрафий раҳбарлигидаги опера-симфоник дирижёрлиги синфига ўтказилади ва беш йил мобайнида ушбу мутахассислик бўйича таълим олади: дирижёрлик техникасини ўрганади ва чуқур ўзлаштиради, турли жанр ва шаклдаги партитураларни ўқийди ва симфоник оркестр ёки фортепиано жўрлигида уларга дирижёрлик қилади, дирижёрлик санъати бўйича адабиётларни ўқийди ва таниқли дирижёрларнинг концертларини синчиклаб эшитиб, ўрганиб боради. 1960 йили консерваториянинг "опера-симфоник дирижёри" ихтисослигини муваффақиятли битиради.

С.Усмоновнинг меҳнат фаолиятини бошланиши талабалик йиллари билан боғлиқ; у 1958 йили Ҳамза номидаги Ўзбек Академик драма театрида мусиқа қисми мудири ва дирижёри сифатида ишлайди. Театрда ишлаган йиллари янги спектакларни саҳналаштирилишида қатнашади, чунки ўша йиллари драматик театрларида ҳам мусиқага катта эътибор берилар эди. Спектаклларнинг мусиқасини яратилишида Ўзбекистон

композиторлари жалб этиларди ва ушбу мусиқани саҳна воқелиги билан ифодалашда С.Усмоновнинг меҳнати салмоқли бўлди. Унинг дирижёрлигида "Ҳуррият" (Г.Собитов мусиқаси), "Юлий Цезарь" (А.Берлин мусиқаси), "Фурқат" (Икром Акбаров мусиқаси), "Бой ила хизматчи" (янги таҳрири, М.Бурхонов мусиқаси) спектакллари саҳна юзини кўрди.

1960 йили С.Усмонов консерваторияни битириб, Ўзбек давлат филармонияси симфоник оркестрига дирижёр сифатида йўлланма олади. Икки йиллик иш фаолиятида у 100 дан ортиқ концертларни ўтказади ва турли жанрдаги асарларга дирижёрлик қилади. Ушбу йиллар давомида оркестр билан Ўзбекистон бўйлаб, Россиянинг Курган ва Кемерово вилоятларида ижодий сафарларда бўлди. Унинг концерт дастурлари Ўзбекистон ва жаҳон мумтоз композиторлари асарларидан иборат бўлиб, унинг дирижёрлик маҳоратини ўзлаштиришида ўзига хос мактаб бўлди. Ушбу концертларда симфоник оркестр жўрлигида йирик ва таниқли созандалар — Р.Керер, З.Тамаркина ва бошқалар томонидан ижро этилган асарларга дирижёрлик қилди. 1962 йили С.Усмоновни Муқимий номидаги Ўзбек мусиқали драма ва комедия театрига дирижёр лавозимига ишга чақиришади ва 1963 йилдан бошлаб у ушбу театрнинг бош дирижёри бўлиб ишлайди. Театрда ишлаш унинг учун саҳнани мукаммал ўрганиш, кўп сонли мусиқали спектаклларни бошқарув услубларини ўзлаштириш ва ўзининг маҳоратини ошириб бориш мактаби бўлди. Театрда ишлаш жараёнида С.Усмонов театр репертуарини Ўзбекистон композиторларининг янги мусиқали драма спектакллари билан бойитишга, ижрочиларнинг профессионал даражасини оширишга интилди. Шу йиллар давомида у Икром Акбаровнинг "Момо ер", Ю.Ражабий ва Г.Мушелларнинг "Фарҳод ва Ширин" (янги таҳрири), А.Муҳамедовнинг "Жон қизлар", С.Бобоевнинг "Икки билагузук" А.Александровнинг "Малиновкада тўй" (янги таҳрири), Ю.Ражабий ва Г.Мушелларнинг "Лайли ва Мажнун" (янги таҳрири) каби 12 дан ортиқ мусиқали спектаклларни саҳналаштиришда қатнашди ва уларга ўзи дирижёрлик қилди.

1968 йилдан бошлаб С.Усмонов яна Ўзбек давлат филармонияси симфоник оркестри дирижёри лавозимида ишлайди. Ишлаш жараёнида 400 дан ортиқ концертларда қатнашди, репертуарини бойитди, таниқли созандалар (В.Пикайзин, Б.Гольдштейн, О.Коган, Т.Николаева, О.Юсупова, М.Юнусхонов, Бонке (Германия) ва бошқалар) ижро этган асарларга дирижёрлик қилди.

С.Усмонов репертуарида жаҳон мумтоз ва замонавий Овропа композиторларининг симфоник асарлари етакчи ўрин эгаллаб келди. Булар орасида П.Чайковскийнинг Олтинчи симфонияси (Тошкентда биринчи маротаба ижро этилганлари П.Чайковскийнинг Бешинчи симфонияси, "Манфред", "Ромео ва Жульетта", "Франческо да Римини", Фортепиано ва оркестр учун концерт), Бетховеннинг Саккизинчи симфонияси, увертюралари ва концертлари, Моцартнинг Ўттиз тўққизинчи, Қирқинчи ва "Прага" симфониялари, Брамснинг барча симфониялари, С.Рахманиновнинг Биринчи, Иккинчи, Учинчи - симфониялари, "Баҳор", "Утес" симфоник кантаталари, Д.Шостаковичнинг Биринчи, Бешинчи, Олтинчи, Еттинчи, Саккизинчи, Ўнинчи-симфониялари (Олтинчи симфония-Тошкентда биринчи ижро), А.Шниткенинг 4 қўллик фортепиано ва оркестр учун концерти (Тошкентда биринчи ижро), А.Глазунов, А.Бородин, М.Мусоргский, С.Прокофьев, А.Хачатурян, Г.Свиридов (унинг "Курск қўшиқлари" ва "Баҳор" кантатаси Тошкентда биринчи ижро), Р.Щедрин, И.Стравинский, Б.Барток, Б.Бриттен, И.С.Бах (унинг "Магнификат" асари-Тошкентда биринчи ижро) асарлари ва бошқа асарлар дирижёр томонидан талқин этилган. С.Усмонов Ўзбекистон композиторларининг симфоник асарларининг биринчи ижрочиси сифатида ҳам мухлислар орасида яхши таниш, жумладан, М.Тожиевнинг Иккинчи симфонияси, "Шоир севгиси" симфоник поэмаси, М.Маҳмудовнинг Учинчи симфонияси, "Мухаммас ва Уфор", "Симфоник эскизлари", Ғалабанинг 30 йиллиги кантатаси", Б.Зейдманнинг Оркестр учун Иккинчи концерти, "М.Ашрафий хотирасига" симфоник поэмаси С.Усмонов томонидан Тошкентда биринчи бўлиб ижро этилган. Шунингдек, жуда кўп хилма-хил жанрдаги симфоник асарлар: М.Ашрафийнинг Биринчи, Иккинчи симфониялари, "Тожикча сюитаси", Икром Акбаровнинг "Шоир хотираси" симфоник поэмаси, А.Козловскийнинг "Лола", "Тановор" симфоник поэмалари, Э.Солиховнинг "Генерал Раҳимов" симфоник поэмаси, Ф.Янов-Яновскийнинг Симфониетта, Оркестр учун концерт, А.Малаховнинг Симфониетта, "Дунёга кириш" поэмаси, Р.Ҳамроевнинг Биринчи симфонияси, Т.Қурбоновнинг Симфоник фугаси дирижёр талқинида ижро этилди.

С.Усмонов ўзининг дирижёрлик фаолиятида айрим опера спектакллари (С.Рахманиновнинг "Алеко", Р.Леонкавеллонинг

"Масхарабозлар") ва кинофильмлар мусиқасига ("Ўзбекфильм" томонидан суратга олинган "Фавқулодда комиссар", "Еттинчи ўқ") ҳам дирижёрлик қилган. С.Усмоновнинг шу йиллари дирижёр сифатида саҳнага чиқиши унинг профессионал маҳорати такомиллашганлиги, ривож топгани ва жиддийлашиб бораётганлигидан далолат берарди. 1963 йили С.Усмонов Москвада бир йиллик малака ошириш курсларида таниқли француз дирижёри И.Б.Маркевич[11] раҳбарлигида касб сирлари ва анъаналарини ўзлаштиради. 1970 йилда Ленинградда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ дирижёрлар семинарида таниқли дирижёр Герберт фон Караян раҳбарлигида дирижёрлик техникаси, услублари ва замонавий мусиқий воситалари борасида малакасини оширди. Айниқса, дирижёрлик маҳорати бўйича амалий кўрсатмалар С.Усмоновда катта таассурот қолдирди. Чунки дунёга донғи кетган, Халқаро дирижёрлар танловини ўтказиш ташаббускори, замонамизнинг буюк дирижёри бўлмиш Герберт фон Караяннинг маърузасини тинглаш, репитицияларини кузатиш, оркестрга нисбатан "ҳокимлик"ни қўлга олиши С.Усмоновга амалий маҳорат мактаби бўлди.

С.Усмонов ўзининг дирижёрлик фаолиятида турли кўрик-танловлар ва фестиваллар қатнашчиси бўлди. Аввало, у биринчи марта Москвада бўлиб ўтган Жаҳон талабалари ва ёшлари фестивалида қатнашди. 1970-йиллари Тошкентда бўлиб ўтган Ўрта Осиё ва Қозоғистон композиторлари симфоник мусиқаси "дўстлик концертлари", 1998 йили эса Тошкентда бўлиб ўтган 1-Халқаро симфоник мусиқа фестивалининг фаол қатнашчиси. 1964 йилдан Қ.Усмонов Тошкент давлат консерваториясида ўзининг педагогик фаолиятини бошлайди. Дастлаб у профессор М.Ашрафийнинг опера-симфоник дирижёрлиги синфида (1975 йилгача) ўқитувчи-ассистент лавозимида ишлаб, ҳамкорликда 12 мутахассис тайёрлашга ёрдам беради. Булар орасида Ю.Евсеев (Россия), М.Мередов (Туркманистон), Э.Тошматов, Ғ.Тўлаганов, В.Бабаянц, Ф.Содиқов, Р.Ёқубжонов ва ҳозирги кунда турли концерт ташкилотлари ва опера театрларида хизмат қилаётган дирижёрлар бор. Кейинчалик С.Усмонов мустақил равишда устознинг анъаналарини ўзининг синфида давом эттирмоқда. Шу йиллар мобайнида унда шогирдлик мақомини ўтганлар орасида Б.Расулов, А.Эргашев, Э.Азимов, В.Медюлянов, О.Силоамский,

И.Кривенко, В.Неймер, Б.Акимжонов (Қирғизистон), М.Усмонхўжаева, А.Сахиев, А.Абдуллаева ва бошқалар бор. 1976-1984 йиллари С.Усмонов Тошкент давлат консерваториясининг ўқув ишлари бўйича проректор лавозимида ишлаб, ўқув жараёнини такомиллаштиришда фаол хизмат қилди.

С.Усмонов қандай лавозимларда ишламасин дирижёрлик санъати билан муттасил шуғулланиб келди, шу йиллар мобайнида у консерваториянинг талабалар симфоник оркестри раҳбари сифатида турли мавзудаги концерт дастурлари билан тингловчилар олдига тез-тез чиқиб туради. Шу вақт ичида С.Усмонов дирижёр сифатида Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон республикалари бўйлаб ўтказилган Ўзбекистон кунларида фаол қатнашиб республикамиз композиторларининг симфоник асарларини мухлисларга тақдим этди.

Ҳозирги кунда С.Усмонов консерваториянинг опера тайёрлови кафедрасининг профессори, талабалар симфоник оркестри раҳбари, опера-симфоник дирижёрлиги бўйича синф раҳбари. Вақти-вақти билан у Ўзбекистон миллий симфоник оркестри ва Катта театр оркестри билан турли концерт дастурларини ижро этиб, тингловчилар олқишига сазовор бўлиб келмоқда.

С.Усмонов олий даражадаги профессионал амалиётчи-дирижёр, у катта тажрибага эга, эътиқодли мутахассис. У 25 йилдан ортиқ талабалар симфоник оркестрига раҳбарлик қилиб, унинг репертуарини бойитди, ижрочилик маҳоратини оширди. Бунинг далили — оркестрнинг кўп йиллик концерт-ижрочилик фаолиятидир. Унинг раҳбарлигидаги оркестр Новосибирск шаҳрида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ талабалар симфоник оркестрларининг совриндори (1-ўрин), Улуғбек номидаги ёш истеъдодларнинг Республика жамғармаси совриндори (1-ўрин). Оркестр Қозоғистонда ижодий сафарда бўлиб Олмаота шаҳрида муваффақиятли симфоник концертлар бериб келди.

1969 йилда Суннат (Қувонч) Усмоновга Ўзбекистонда мусиқа маданиятини ривожлантиришдаги хизматлари учун "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" фахрий унвони берилди.

ФЕЛИЦИАНТ РУВИМ

Асримизнинг 20-30-йилларидан бошлаб Ўзбекистон мусиқа маданиятида анча шиддатли ва мураккаб ижодий жараёнлар юзага келди. Айниқса, 30-йилларда рус опера театрининг симфоник

оркестри томонидан Тошкентда симфоник мусиқа концертлари уюштирила бошланди.

1937 йили Ўзбекистон радио қўмитаси қошида ва 1938 йили Ўзбек давлат филармонияси тасарруфида симфоник оркестрлар ташкил этилиб, Ўзбекистонда симфоник мусиқани халқ орасида тарғиб қилиш янада жадаллаштириб борилади. Ушбу концертлар дастурлари рус ва Ғарбий Овропа мумтоз композиторлари ҳамда Ўзбекистон композиторларининг (В.Успенский, А.Козловский, М.Ашрафий, Н.Миронов, Т.Содиқов) асарларидан иборат бўлади.

Ушбу жамоаларни ташкил топиши ва ривожланишида дирижёрлар С.Бергольц, С.Чариков ва Н.Юхновскийларнинг хизматлари салмоқли бўлган. Чунки, улар оркестр таркибини маълум даражада шакллантириб, жамоага профессионал чолғучиларни жалб этиб, репертуар устида жиддий иш олиб борганлар.

Шу йиллари янги ташкил этилган симфоник оркестр жамоасига ёш скрипкачи Рувим Фелициант қабул қилинади. Бўлғуси дирижёр, кўп йиллар давомида симфоник оркестрда ижрочи сифатида ишлаб келгани, кейинчалик унга оркестрга раҳбарлик қилиш фаолиятида катта ёрдам берди. Р.Фелициант Ўзбекистон мусиқа маданиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган созанда, дирижёр ва мураббий бўлган. Унинг 30 йилдан ортиқ ҳаёти ижрочиликка, 50 йилдан кўпроғи эса педагогик фаолият - ёшлар мусиқа таълими билан боғлиқ бўлган. У кўп йиллар давомида Р.Глиэр номидаги Республика ўрта махсу мусиқа мактаб интернатида ўқувчилар ҳамда Тошкент давлат консерваториясининг талабалар симфоник оркестрларига раҳбарлик қилиб келган.

Рувим Ноевич (Львович) Фелициант 1907 йилнинг 2 февраль куни Тошкент шаҳрида созанда - скрипкачи Н.И.Фелициант оиласида дунёга келади. У мусиқа оламига ёшлигидан ошно бўлиб, мусиқа саводи, скрипкада ижро услублари сабоқларини отасидан олади. 1924 йилдан чолғучи скрипкачи сифатида рус опера театри оркестрида ўзининг меҳнат фаолиятини бошлайди. 1926-1931-йиллари Москва консевраториясида скрипка чолғуси бўйича профессор Б.О.Сибора синфида таълим олади. Ўқишни битирганидан сўнг йўлланма асосида Магнитагорск шаҳрига ишга юборилади. 1931-1936 - йиллари у шаҳар радиоузелида яккахон созанда сифатида ва мусиқа мактабида ўқитувчи бўлиб ишлайди.

1936 йили Р.Фелициант Тошкентга қайтиб келади ва Ўзбекистон радио қўмитасида яккахон скрипкачи, кейинчалик

симфоник оркестр созандаси сифатида, бир вақтда болалар мусиқа мактабида ўқитувчи лавозимида ўз меҳнат фаолиятини давом этдиради. 1939 йилдан у Тошкент давлат консерваториясида ўқитувчилик қилиб, скрипка чолғуси бўйича дарс бера бошлайди. 1941 йилдан Р.Фелициант ўзбек давлат филармонияси симфоник оркестрининг концертмейстери бўлиб ишлайди. 1947 йилдан у асосий ишга Тошкент давлат консерваториясига ўтиб ўқитувчилик фаолиятини давом этдиради. У ўзининг ижрочилик малакасини янада ошириш мақсадида 1949-1951-йиллари Тошкент давлат консерваториясининг опера-симфоник дирижёрлиги мутахассислиги бўйича профессор М.Ашрафий синфида консерваторияни тамомлайди. Ўқишни муваффақиятли битирганидан сўнг талабалар симфоник оркестрига раҳбарлик қилади ва ўзбек халқ чолғулари факультети талабаларига дирижёрлик фанидан дарс бера бошлайди. Дирижёрлик санъатига қизиқиш унда филармония симфоник оркестрида ишлаган вақтларида пайдо бўлади. Ўша даврларда оркестрга таниқли дирижёрлардан Н.Юхновский, И.Мусин, баъзан Р.Глиэр, А.Козловский ва М.Ашрафийлар дирижёрлик қилишган. Р.Фелициант оркестрнинг концертмейстери бўлиб ишлагани учун ўзи ҳам вақти-вақти билан оркестрга дирижёрлик қилиб, айрим машғулотларни ўтказар эди. Дастлабки қизиқиш кейинчалик маълум мақсадга айланди ва у профессионал таълим олиб, ўз орзусига эришди. Давлат имтиҳон комиссияси Р.Фелициант дирижёрлик қилган дастурни (А.Скрябиннинг- Биринчи симфонияси, П.Чайковскийнинг- Иккинчи фортепиано ва оркестр учун концерти, М.Ашрафийнинг - Иккинчи "Ғолибларга шон-шарафлар" симфонияси) юқори баҳолади.

Р.Фелициант кўп йиллар давомида консерватория талабаларига дирижёрлик фанидан таълим бериб келди. Жумладан: 1952-1959 - йиллари унинг синфида Ю.Евдокимов, Н.Савинов, Н.Ерофеева, Н.Адигамов, Н.Рахматулин, Х.Хурсандов, Д.Рузанова, С.Зокиров, А.Маликовлар таълим олишиб, ижрочилик жамоаларида ва ўқув юртларида самарали меҳнат қилиб келмоқдалар. Талабалар симфоник оркестрига раҳбарлик қилган йиллари, жамоа

[11] **Маркевич Игорь Борисович** — Франция дирижёри 1912 йили Россияда туғилган. 1944 йилдан Флоренция симфоник оркестрида дирижёр бўлиб ишлаган. 1958 йилдан "Ламурё концертларига" раҳбар. Америка, Европа ва собиқ иттифоқ давлатларида кўп концертлар берган. Дирижёрлик бўйича (Зальцбургда) Халқаро семинар раҳбари.

репертуарини турли шакл ва жанрлардаги асарлар билан таъминлаб, ижрочилик маҳоратини оширишга салмоқли ҳисса қўшади.

Шу йиллар мобайнида Р.Фелициант вақти-вақти билан филармониянинг симфоник оркестри ижросида кўпгина концертларда қатнашиб Чайковскийнинг - "Франческо да Римини", "Рококо мавзуларига вариациялар", "Ромео ва Жульетта", увертюраси, Россинининг "Севилиялик сарторош" ва "Вильгелм Тель" операларига увертюралари; Дворжакнинг Бешинчи симфонияси, Римский-Корсаковнинг "Испанча каприччио"си, Сен-Санснинг Виолончель ва оркестр учун концерти, Глиэрнинг "Овоз ва оркестр учун концерти", Листнинг "Прелюди", Биринчи фортепиано ва оркестр учун концерти, Глинканинг "Арагон хотаси", "Камаринская"; Григ, Гайдн, Моцарт, Хачатурян, Дварионос, Хожибеков, Вебер каби композиторларнинг асарлари; М.Ашрафий, Б.Гиенко, С.Бобоев, Д.Зокиров ва бошқа Ўзбекистон композиторлари асарларига дирижёрлик қилади. Консерваториянинг талабалар оркестри билан Паганини, Чайковский, Прокофьев, Мушель каби композиторларнинг скрипка ва оркестр учун концертлари, Россини, Вагнер, Бетховен, Лядов, Ашрафий, Козловскийларнинг турли шакл ва жанрлардаги асарларига дирижёрлик қилади.

Кўп йиллар давомида халқ чолғулари факультети талабаларига дарс бериб, ўзбек халқ қўшиқ ва куйларини якка чолғулар: ғижжак, скрипка, най ва бошқа чолғуларга фортепиано жўрлигида қайта ишлаган ҳамда "Куй ва рақс", "Ўзбекча рақс", "Пьеса" каби асарларни ижод этган. С.Алиев билан ҳамкорликда "Ғижжак дарслиги" китобини яратишган. Кўп йиллик иш тажрибасига ва чуқур билимга эга бўлган Р.Фелициант 1959 йили ўзбек халқ чолғулари кафедрасининг мудири этиб тайинланади.

Р.Н.Фелициант ўзининг ижрочилик, дирижёрлик ва ўқитувчилик фаолияти билан Ўзбекистонда ушбу санъат турларини ривожига ўз ҳиссасини қўшган тажрибали ижодкорлардан бири эди. У ёшлигидан симфоник оркестрининг сирли оҳангларига ошно бўлиб, умрининг охиригача ушбу санъатга фидойи бўлиб хизмат қилди.

Р.Н.Фелициант 1985 йили Тошкентда вафот этди.

ҲАЛИЛОВ НАБИЖОН

XX аср 50-йилларининг иккинчи ярмида дирижёрлик пультига тобора кўпроқ ўзбек дирижёрлари чиқа бошладилар. Улар орасида М.Насимов, Ф.Шамсутдинов, Н.Ҳалиловлар ҳам бор эди. Уларнинг фаолияти симфоник мусиқа ва мусиқали театрлар ривожи билан боғлиқ бўлган. Уларнинг хизматлари республикамиз мусиқа маданиятида салоҳиятли бўлди. Ҳар бири ўзига хос услуб ва техникага эга бўлишган. М.Насимов ушбу даврда филармониянинг симфоник оркестри билан турли мавзудаги концертларда, Ф.Шамсутдинов Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театрида, Н.Ҳалилов Муқимий номидаги Ўзбек мусиқали драма ва комедия театрида Ўзбекистон композиторларининг мусиқий саҳна асарларига дирижёрлик қилишиб, томошабинларга ўзларининг маҳоратларини, саҳнадаги ижодий жараённи бошқариш қобилиятларини намойиш этишди.

Набижон Ҳалилов 1922 йилнинг 6 январида Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида туғилган. 1939 йили бир вақтнинг ўзида Н.Ҳалилов Қўқонда мусиқа мактабини (флейта ва най чолғулари бўйича) ва нефть техникумини (техник-геолог мутахассислиги бўйича) битирган. 1939 йилдан ижрочи сифатида меҳнат фаолиятини бошлаган. У Қўқон мусиқали-драма театрида созанда-найчи бўлиб ишлайди. 1942-1949 йиллари армия сафида хизмат қилади. Улуғ Ватан уруши (1942-1945 й.) қатнашчиси. 1949 йили Н.Ҳалилов капитан унвонида заҳирага чиқади ва бир йил мобайнида Қўқон шаҳар маданият саройида мусиқа раҳбари бўлиб ишлайди. 1950-1951 йиллари Н.Ҳалилов Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртида, хор дирижёрлиги бўлимида таълим олади.

1951-1956 йиллари Тошкент давлат консерваториясининг опера-симфоник дирижёрлиги бўлимида профессор А.Ф.Козловский синфида дирижёрлик сирларини ўрганади ва симфоник оркестр билан ишлаш услубларини ўзлаштиради. 1961 йили Тошкент консерваториясининг опера-симфоник дирижёрлиги бўйича, профессор М.Ашрафий синфида аспирантурани тамомлайди. Консерваторияда ўқиган йиллари профессор А.ФКозловскийдан композиция бўйича ҳам таҳсил олади. 1952-1956 йиллари Н.Ҳалилов Ҳамза номидаги ўзбек драматик театрда дирижёр ва мусиқа қисми мудири бўлиб ишлайди. 1956-1966 йиллари бир вақтнинг ўзида Н.Ҳалилов Ўзбек Давлат филармонияси симфоник оркестри дирижёри ва Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театрида дирижёр бўлиб ишлайди. Шу йиллар давомида у

200 дан ортиқ симфоник концертларга дирижёрлик қилди. Унинг репертуарида жаҳон, рус ва Ўзбекистон композиторларининг симфоник асарлари асосий ўринларни олади, жумладан, Чайковский, Моцарт, Бетховен, Гайдн симфониялари, М.Ашрафий, А.Козловский, С.Юдаков, Икром Акбаров, Р.Ҳамроевларнинг симфоник поэмалари, Алишер Навоий номидаги театрнинг бош дирижёри В.Карпов билан ҳамкорликда Т.Жалилов ва Б.Бровцинларнинг "Тоҳир ва Зуҳра", Р.Глиэр ва Т.Содиқовларнинг "Лайли ва Мажнун", "Гулсара", М.Ашрафийнинг "Дилором" операларини саҳналаштирилишида қатнашади ва дирижёрлик қилади.

1966 йилдан Н.Ҳалилов Муқимий номидаги Ўзбек мусиқали драма ва комедия театрининг бош дирижёри бўлиб ишлайди. Театрнинг шу йиллар давомида саҳналаштирилган спектаклларида мусиқа раҳбари сифатида қатнашди ва дирижёрлик қилди. Жумладан, "Маҳтумқули" (Д.Соатқулов, Б.Гиенко), "Гавҳари шамчироқ" (А.Муҳамедов), "Навоий Астрабодда" (Ю.Ражабий, С.Жалил), "Қиз булоқ" (Икром Акбаров), "Фарғона тонг отгунча" (Д.Соатқулов), "Менинг жаннатим" (Д.Зокиров, К.Жабборов), "Ажаб савдолар" (М.Левиев), "Олифта" (А.Муҳамедов, Н.Ҳалилов), "Жоним фидо" (Ҳамид Раҳимов), "Туркман қизи" (С.Ҳайитбоев), "Тошкентнинг нозанин маликаси" (М.Левиев), "Қизил дуррали нозик ниҳолим" (М.Левиев), "Рожа" (М.Бафоев), "Юсуф ва Зулайҳо" (Ф.Алимов), "Тошкентга саёҳат" (Н.Ҳалилов), "Тўйлар муборак" (М.Маҳмудов), "Девона" (Ф.Алимов), "Иброҳим алайҳиссалом" (Т.Қурбонов), "Тақдир" (Б.Лутфуллаев), "Суперқайнона" (Ф.Алимов) ва бошқалар.

Н.Ҳалилов дирижёрлик санъати ҳамда ижод билан шуғулланиб келмоқда. у 12 мусиқали драма ва комедия, 4 та болалар мусиқа спектакллари, симфоник оркестр ва хор учун асарлар ва кўпгина қўшиқлар муаллифидир. Н.Ҳалилов Ғ.Зафарийнинг "Ҳалима" спектаклига қайтадан мусиқа басталаган. Унинг қаламига мансуб мусиқали драма ва комедия спектакллари Муқимий театрида, Қўқон ва бошқа вилоят театрларида саҳна юзини кўрган. Жумладан, "Бахт тўйи" (Ё.Мирзо асари, 1970 йили Республикамизда ўтказилган танловда совринга сазовор бўлган), "Олифта" (Ф.Мусажонов, А.Муҳамедов билан ҳамкорликда), "Сеҳрли узук" (С.Қориева), "Курортда никоҳ", "Тошкентга саёҳат", "Бу қандай бало", "Дилафрўзга тўрт ошиқ", "Афадининг хотини — афанди", "Бахтли қуш" мусиқали драма ва комедиялар

Н.Ҳалилов ижодига мансубдир.

1964 йилдан Н.Ҳалилов Тошкент давлат консерватория-сининг чолғулаштириш кафедрасида педагогик фаолиятини бошлаган. 1970 йилдан у А.Островский номидаги (ҳозирги кунда М.Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти) Тошкент театр ва рассомчилик институтида ўқитувчи-дирижёр, кейинчалик профессор лавозимида ишлаб келди. Унинг раҳбарлигида институт ўқув театрида "Нурхон", "Майсаранинг иши", "Паранжи сирлари" ва бошқа спектакллар саҳналаштирилди.

Н.Ҳалиловнинг дирижёрлик услуби ўзига хослиги билан ажралиб туради шунингдек, унинг техникаси тўғри ва равон, хатти-ҳаракатлари текис ва маъноли, мусиқий жиҳатдан ёрқин ва таъсирли. Унинг ҳатти-ҳаракатлари саҳнада бўлаётган воқеликнинг мусиқий қиёфасини очиб беради; шу туфайли ҳар бир тимсолнинг мусиқий ифодаси дирижёр ёрдамида кенг ва атрофлича намоён бўлади. Н.Ҳалилов - изланувчан ижодкор. Буни биз, най чолғусини такомиллаштиришида ва ижрочиларга бераётган маслаҳатларидан биламиз.

У кексайган ёшига қарамай, ҳозирги кунда ҳам дирижёрлик пультида туриши, ва айниқса, охирги йилларда томошабинларга манзур бўлиб келаётган "Суперқайнона"да минглаб томошабинлар олдига чиқиб дирижёрлик қилиши олқишларга сазовор бўлмоқда. Томошабинлар бу ҳаётийлик билан суғорилган мусиқий асардан баҳраманд бўлмоқдалар. Бу асар ўзининг ғояси, миллий қадриятларимизни саҳнада кўрсатилиши билан, ҳазил мутоибага бойлиги ўзининг мазмуни ва яхлит мусиқали драматургияси билан томошабинлар эътиборини жалб қила олди. Бунинг ютуғи ҳам дирижёр Наби Ҳалиловнинг фаолияти билан боғлиқдир.

Кўп йиллик ижрочилик ва ижодий фаолияти, юксак маҳорати учун Наби Ҳалилов "Ўзбекистон халқ артисти" фахрий унвонига сазовор бўлди.

ҲАҚНАЗАРОВ ЗОҲИД

Замондошларимизнинг меҳнат жасоратлари маънавий оламида юз бераётган юксалишлар — ҳаётимизнинг илҳомбахш жўшқин булоқлари Ўзбекистон санъаткорларини тинимсиз ижодга чорлайди. Композиторларимиз ёзган асарлари, ижрочилар томонидан ижро этилган турли жанр ва шаклдаги асарларда рўй бераётган ўзгаришлар ўз аксини топган бўлиб, минглаб тингловчилар эътиборини ўзига тортмоқда. Ижодкор ҳаётга қанчалик чуқур кириб

борса, уни қанчалик пухта билса, ҳаёт воқеа-ҳодисаларидан қанчалик ҳаяжонланса — у яратган ёки ижро этган бадиий асар ҳам шунчалик ҳаётий ва таъсирчан бўлади. Ҳар бир санъаткорнинг ижодий йўли турли инсонларнинг ҳаёти билан чамбарчас боғлиқдир. Ва ушбу йўлда ҳар бир учрашув инсоннинг, айниқса, санъаткор ижодининг янгидан-янги қирраларини бизга очиб беради.

Зоҳид Ҳақназаров — ўз даврининг ижодкори, унинг тақдири ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унинг ҳаётида олқишлар, унвонлар, ҳурмат-иззатлар билан бирга умидсизлик ва омадсизлик дамлари ҳам бўлди. Аммо унинг интилишлари ҳаёт талабларига тўғри келди. Зоҳид Ҳақназаров — ўз халқининг фидойи ўғлонларидан биридир. Дирижёрлик касбини танлаш унда шунчаки қизиқиш билан пайдо бўлмаган, балки миллий маданият ҳақида, унинг ривож топиши ҳақидаги теран фикрлар асосида вужудга келган. Дирижёрнинг ижоди дастлабки қадамлариданоқ мутахассислар диққатини ўзига жалб этади. Лекин ёш дирижёрнинг дастлаб ижро этган асарлари ҳали бадиий жиҳатдан камол топмаган, хатти-ҳаракатлари бошқаларга ўхшаб кетар, мануал техникаси эса айрим устозларни эслатар, ўз услуби шаклланмаган эди. Аммо Зоҳид Ҳақназаров ўз ижодига талабчанлик билан қаради: тинимсиз ижодий изланишда бўлди, қайта-қайта устозлар лабораториясига муродаат қилди улардан маҳорат сирларини ўрганди. Шу тариқа у ғоявий-бадиий жиҳатдан пишиқ ижро услубини, ўз ижодий йўлини ярата олди. Аста-секин ижодкорнинг ижро этган асарлари тингловчиларга манзур бўла бошлади, дирижёрлик техникаси такомиллашди, маҳорати эса ўсиб борди. Ҳар бир мусиқа асарининг ички оқимини чуқур англаш, улардан таъсирланиш, бадиий ифодалаш, ижод жараёнида ўз фикрига, ижодий фантазияга, изланишга, тасаввурга кенг йўл очиш, бадиий воситалардан, ижро техникасидан санъаткорона фойдаланиш, жўшқин илҳом, зўр иштиёқ билан ижод этиш — моҳир дирижёр Зоҳид Ҳақназаровга хос хусусиятлар бўлиб қолди. Биз дирижёрнинг ижодий йўлига назар ташлар эканмиз, ижодкорнинг мана шундай "сиру асрорларини" чуқур тасаввур қила оламиз. Негаки, Зоҳид Ҳақназаров ўзининг дирижёрлик фаолиятида нафақат мусиқа санъати ёки бадиий ижод жараёни, балки ҳаёт воқеа ҳодисаларини ўта синчковлик билан кузатибгина қолмасдан, улардан муҳим фалсафий хулосалар чиқариб, ҳаёт ва маданият жумбоқлари ҳақида ўз мақолалари, суҳбатлари, маърузалари, билан халқимизнинг тахсинига сазовор бўлаётган ижодкорларимиздан биридир.

З.Ҳақназаровнинг дирижёрлик пультига чиқиш йўли осон бўлмади, аммо у қисқа вақт ичида ушбу санъат чўққисини эгаллади. У 35 йил мобайнида Ўзбекистон миллий симфоник оркестрининг бадиий раҳбари ва бош дирижёри сифатида ўз халқига сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда.

Зоҳид Абдувоҳидович Ҳақназаров 1937 йилнинг 12 ноябрь куни Тошкент шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топди. Тўрт ёшли Зоҳид ота-онасиз қолади ва уруш йиллари қариндошларининкида яшайди. 1944 йилгача у Самарқанд, Тошкент ва Янгийўл болалар уйида тарбияланади ва ўқийди. Мусиқага бўлган қобилиятини сезган болалар уйи директори ёш Зоҳидни ажойиб инсон, созанда-скрипкачи, унинг биринчи устози бўлмиш Николай Иванович Мельников билан таништиради. Болалар уйида ҳамиша мусиқа янграб турар эди. Чунки болалар уйининг бир қисми Ленинграддан эвакуация қилинган мусиқали театр артистлари ва мусиқа ўқув юртлари ўқитувчиларига яшаш учун ажратиб берилган эди. Уларнинг кўпчилиги педагогик ва ижрочилик фаолият билан шуғулланиб, бўш вақтларини болалар уйи тарбияланувчиларига бағишлар, уларга мусиқа санъатидан сабоқ беришар эди.

Зоҳиднинг Н.Мельников билан бўлган дарслари кўпроқ скрипка чолғусини ўрганиш ва мусиқа саводи билан боғлиқ бўлди. Яхши қобилиятга эгалиги туфайли бола тезда устози ўргатган ва ўзи ижро этган асарларни ёд олар эди. Аста - секин биринчи муваффақиятлар ҳам келди: мактаб танловида совриндор бўлиб, айрим концертларда чиқа бошлади. Н.Мельников Янгийўл мусиқали театрида созанда сифатида ишлаганлиги учун шогирдини театрдаги машғулотларга ҳам олиб борарди. Ўша йиллари Янгийўл театри кўзга кўринган театрлардан ҳисобланар эди. Театрда яхши оркестр мавжуд бўлиб, унга таниқли дирижёр Фазлиддин Шамсутдинов раҳбарлик қилар эди. Театр труппасида Тошкент мусиқали театрининг машҳур хонандалари ҳам фаолият кўрсатишар эди. Театрнинг репертуаридан мумтоз мусиқали драмалар бўлмиш — "Тоҳир ва Зуҳра", "Гулсара", "Лайли ва Мажнун" асарлари ўрин олган эди. Ушбу асарлар З.Ҳақназаров томонидан кўп марта эшитилган бўлиб, унинг хотирасида мухрланиб қолган эди. Н.Мельников шогирдининг қизиқишига жуда жиддий эътибор беради ва унга кўмакдошлик қилади.

1950 йили З.Ҳақназаровни ҳарбий билим юрти қошидаги ҳарбий-мусиқа мактабига қабул қилишади. Мактаб Тошкентда 1944 йили очилган бўлиб, унда ота-она қаровисиз қолган, аммо

қобилияти бор болалар таълим олишар эди. З.Ҳақназаров флейта синфи бўйича А.В.Малкеевга бириктирилади. Мактабда таълим олар экан, З.Ҳақназаров бўш вақтларида тез-тез Ўзбек филармонияси симфоник концертларини тинглашга, мусиқали театрларда опера ва балет спектаклларини кўришга борар, айниқса П.Чайковскийнинг "Пиковая дама" операси ва Л.Бетховеннинг Бешинчи симфонияси унинг севимли асарлари ҳисобланарди. Мактаб оркестрида ижро этилган маршлар, вальслар, қўшиқлар ёш созанда қалбида ўзига хос ҳис-туйғулар уйғотади ва унда келгусида ҳарбий дирижёр бўлиш орзусини туғдиради.

1954 йили мактабни тамомлаган З.Ҳақназаров Самарқанд горнизони ҳарбий оркестрида хизмат қилади. Оркестрнинг раҳбари ва дирижёри, капитан Михаил Израилович Гаммер ёш созанданинг қобилияти ва истеъдодига қараб, унинг мусиқада ўқишни давом эттиришини тавсия этади ва ўзи Самарқанд мусиқа билим юрти раҳбарияти билан гаплашиб, кириш имтиҳонларига тайёрланишга имконият яратиб беради. Бир ойдан сўнг Зоҳид Ҳақназаров Самарқанд мусиқа билим юртининг дамли чолғулар бўлимининг флейта синфи ўқувчиси бўлади.

50-йилларда Самарқанд мусиқа билим юрти Ўзбекистонда илғор ўқув юртларидан ҳисобланар эди. Чунки бу ерда Ленинград ва Одесса консерваторияларининг ўқитувчилари, П.С.Столярский номидаги мусиқа мактаби ўқитувчилари дарс беришар эди. Ўша йиллари Ленинград консерваториясининг битирувчиси С.С.Конончук билим юрти директори бўлиб ишлар, унинг ўқувчилари орасида Ўзбекистон мусиқа маданиятида номи чиққан С.П.Галицкая, Н.С.Левина (Янов-Яновская), А.А.Малахов ва бошқалар бор эди. Икки йил давомида З.Ҳақназаровнинг ҳарбий оркестрдаги хизмати ва мусиқа билим юртидаги ўқиши жуда тез ўтиб кетди. Унинг мусиқа санъатига бўлган иштиёқи тобора ошиб борди. 1956 йили Зоҳид Ҳақназаров кириш имтиҳонларини муваффақият билан топшириб Тошкент давлат консерваториясининг оркестр чолғулари ва мусиқашунослик факультетларига ўқишга қабул қилинади. Биринчи йили ўқишни ўзига хос қийинчиликларига дуч келди. Лекин, З.Ҳақназаров ўз олдига қўйган мақсадлари сари интилиб, олдида турган қийинчиликларни енгишга ҳаракат қилади. Унга ўқитувчилари ва курсдошлари яқиндан ёрдам беришди, айниқса, ажойиб инсон, мураббий, мусиқашунос, замонавий мусиқа билимдони Юзеф Гейманович Коннинг ёрдами беқиёс бўлди. Дарвоқе, ўша пайтда

Дмитрий Шостакович ижодига катта қизиқиш пайдо бўлиб, мусиқа тарихи фани бўйича буюк композитор Д.Шостаковичнинг янги асари бўлмиш Ўнинчи симфонияси ҳақида таҳлилу-талқинларга бой курс иши ёзади.

Зоҳид Ҳақназаров икки йил консерваторияда ўқигандан кейин Маданият вазирлигининг йўлланмаси билан Москва консерваториясининг мусиқашунослик факультетида ўқишни давом эттириш учун 1958 йили Москвага кетади. Лекин, ўша дамларда дирижёрлик санъатига қизиқиши устиворлик қилиб, у ўзининг ҳужжатларини опера-симфоник дирижёрлиги факультетига топширади. Кириш имтиҳонларида ўзи мустақил тайёрланган Ф.Шубертнинг "Тугалланмаган симфониясини" ижро этиб, ўқишга қабул қилинади ва таниқли дирижёр ва мураббий, профессор Николай Павлович Аносов синфида таълим олади. Устози асосий вақтини дирижёрлик техникасини ўзлаштиришга эътиборини қаратар эди. Н.Аносов — амалиётчи-дирижёр, кўп йиллар давомида Россия ва Озарбайжон Давлат симфоник оркестрларида ишлаган, 20 йилдан ортиқ ҳаётини Москва консерваториясида педагогик фаолиятга бағишлаган, опера-симфоник дирижёрлиги кафедраси мудири бўлиб ишлаган инсон эди. Унинг шогирдлари орасида таниқли дирижёрлар Г.Рождественский, Г.Дугашев, А.Жорайтис ва бошқалар бор. У, доим дирижёрлик — бу санъат деб таъкидлар, бунга ўзи ҳам эътиқод қилар ва ўзининг шогирдларини ҳам шу йўналишда тарбиялар эди. "Чайковский, Вагнер, Берлиоз, Глинка, кейинчалик Дебюсси, Скрябин, Рахманинов, Штраус, Малер ва бошқа композиторларнинг асарлари дирижёрлик нуқтаи назардан жуда мураккаб бўлиб, ушбу асарларни дирижёрлик техникасисиз ижро этиш мумкин эмас эди. Ижрода дирижёрлик техникасининг ҳамма мураккаб имкониятлари ва воситаларини ишлата билиш лозим эди. Ушбу техникани эгаллаш учун фақатгина мусиқа ва ижрочилик техникаси етарли эмас, бунинг учун махсус дирижёрлик қобилияти зарур", — деб ёзади Н.Аносов. "Дирижёрлик бўйича машғулот ўтиш учун" маълум ижодий камолот ва ёрқин ўзига хос ижодий хислат ҳам мавжуд бўлиши шарт. Биз кўпгина жаҳон миқёсидаги дирижёрларни биламиз, лекин уларнинг техник услубларини бирорта шогирдга ўргатиш ёки ўзлаштириш учун маслаҳат беришга ожизмиз", — деб фикр юритган Н.Аносов. Унинг 30 йиллик фаолиятида шаклланган педагогик тамойиллари, аввало талабалар билан ишлаш жараёнида ўз аксини топади. Унинг

машғулотларида нафақат сеткани тўғри кўрсатиш, асосий эътибор мануал техникани ривожлантиришга, яъни дирижёрликка ижрочилик санъати сифатида қараш, дирижёрни тарбиялашдаги мураккаб жараёнларга эътибор қаратиш кейинчалик З.Ҳақназаров педагогик фаолиятининг ҳам асосини ташкил этди. Беш йиллик ўқиш давомида Зоҳид Ҳақназаров синфдан ташқари, устозининг маслаҳатига кўра ҳамиша оркестр билан ишлаб келди. Москва консерваториясининг опера студияси оркестри унинг учун ўзига хос ижодий вазифасини ўтади. Чунки ушбу жамоада тажрибали созандалар (кўпчилиги Катта театр оркестри созандалари) ишлашар эдилар. З.Ҳақназаров консерваториянинг кичик концерт залида шу жамоа билан илк бор концерт берди. Унинг дастурига Моцартнинг "Дивертисмент", Мусоргскийнинг "Тақир тоғидаги тун", Книппернинг "Симфоник сюита"си, Равелнинг Арфа ва камер оркестри учун концерти (айримлари жуда ноёб ва кам ижро этиладиган) кирган бўлиб, ёш дирижёр раҳбарлигида талабалар мукаммал билим олганликларини намоён этдилар. Талабалик даврида З.Ҳақназаров ижодий сафарларда ҳам бўлади. Жумладан, Москва вилояти филармонияси симфоник оркестри билан Москва атрофлари бўйлаб ва Тошкентда Ўзбек филармонияси симфоник оркестри билан биринчи чиқиши бўлди. Тошкентдаги концерт Бетховен ижодига бағишланган бўлиб, унда ёш дирижёр томонидан Еттинчи смифония, Бешинчи фортепиано ва оркестр учун концерти, "Элеонора" увертюраси ижро этилди. Ўзбекистон симфоник оркестри билан З.Ҳақназаров Сибирь шаҳралари бўйлаб ижодий сафарда бўлди. Бир йилдан кейин у янги ташкил этилган Олма-ота симфоник оркестри билан Қозоғистонда концерт уюштиради. Бешинчи курсда ўқиётган З.Ҳақназаровни Ўзбек давлат филармонияси симфоник оркестрига дирижёр-стажёр қилиб ишга олишади. Унинг ушбу лавозимдаги биринчи концерти замонавий мусиқага бағишланган бўлиб, Тошкентда биринчи марта ижро этилган асарлар орасида Прокофьевнинг Бешинчи симфонияси, Шостаковичнинг Скрипка ва оркестр учун Биринчи концерти ва "Олтин аср" балетидан сюита ижро этилади. Ушбу концерт маҳаллий матбуотда ижобий баҳо олди.

Ижрочилик З.Ҳақназаровнинг талабалик ҳаётидаги энг муҳим воқеалардан бири бўлиб қолди. Бу фазилат ҳам унга устозидан ўтган бўлса ажаб эмас, чунки Н.Аносов — серқирра санъаткор бўлиб, ҳамиша амалиётга катта аҳамият берган, дирижёр сифатида турли жамоалар билан концертларда қатнашиб келган. Унинг

яқинлари ва шогирдлари санъаткорнинг кўпқиррали истеъдоди — дирижёр, педагог, мусиқий танқидчи, пианиночи, жамоат арбоби, қомусий билимга эга бўлган инсон, ундан ташқари у бир неча чет тилларни ҳам мукаммал билган инсон бўлганлигини эътироф этишади. З.Ҳақназаровдаги серқирралик ҳам унга устозидан мерос бўлиб ўтган фазилатдир. Н.Аносовнинг вафотидан кейин (2 декабрь 1962 йили), З.Ҳақназаров Давлат имтиҳонларига тайёргарликни Геннадий Рождественский раҳбарлигида олиб борди. Имтиҳонга у мураккаб дастур (Брукнер, Чайковский, Шостакович асарлари) тайёрлайди ва уни муваффақият билан топширади.

1963 йилда Москва консерваториясини битириб, дастлаб Ўзбек давлат филармониясининг симфоник оркестри дирижёри лавозимида ва 1965 йилдан бошлаб оркестрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри бўлиб ишлайди.

Шу йиллар давомида у моҳир дирижёр сифатида тўлиқ шаклланди — республикамизнинг етакчи санъаткорларидан бири бўлиб етишди. Иш жараёнида З.Ҳақназаров оркестрнинг ижро маҳоратига ва репертуарини ташкил этишга алоҳида урғу берди. Мақсад — симфоник концертларига кўпроқ тингловчиларни жалб этиш ва уларнинг маънавий бойлигини янада ошириб боришдан иборат эди. З.Ҳақназаров оркестр репертуарига мумтоз композиторларининг (рус ва Ғарбий Овропа) симфоник асарларини, замонавий мусиқа асарларини шунингдек, Ўзбекистон композиторларининг янги асарларини кирита бошлади. Бу бежиз эмас эди. Мумтоз симфоник асарларни ижро этиш оркестр анъаналарини шакллантиришда, ривож топишида, айниқса, янги авлод оркестр созандаларининг ижрочилик маҳоратларини амалда тоблантириш тингловчиларни симфоник мусиқага кўпроқ жалб қилишда жуда муҳим эди. Ушбу мақсадда мавзули ва маърузали концертлар, ўқувчилар учун махсус учрашув-концертлар уюштирилди. Бундан асосий мақсад XX аср замонавий мусиқа тингловчиларининг савиясини ошириш, ижрочи-созандаларни янги, замонавий композиторлик техника воситалари, йўналишлари ва услублари билан таништириш ҳамда уларни чуқур ўзлаштирилиш эди. Шунингдек, Ўзбекистон композиторлари асарлари билан репертуарини кенгайтириш симфоник оркестр орқали ўзига хос ижодий йўналишни белгилаб олди.

З.Ҳақназаровнинг дирижёрлик фаолияти оркестр жамоасининг "Таржимаи ҳоли" билан узвий боғланиб кетди. Филармония ва абонемент концертлар, Ўзбекистон композиторлари янги

асарларининг ижро этилиши, радио ва телевидениедаги мунтазам ёзувлар, маданият кунлари, декадалар, ижодий сафарлар ва учрашувлар ўтказиш — буларнинг ҳаммаси З.Ҳақназаровнинг серқирра фаолиятидан далолатдир.

Агар биз З.Ҳақназаровнинг симфоник оркестрдаги 35 йиллик фаолиятига назар солсак, унда оркестрнинг ҳаёти ва дирижёрнинг ижодий фаолиятидаги маълум босқичларни белгилаб олишимиз мумкин. Биринчи босқич — саккиз йиллик жараённи ўз ичига олади (1963-1971 йиллар). Ушбу даврда оркестр таркиби, репертуари ва ижрочилик маҳорати устида доимий изланишлар олиб борилди. Концертларнинг савияси кўтарилди ва мазмуни кенгайди. Жумладан, 1966 йилнинг март ойи мусиқа йилномасининг гувоҳлик беришича, монографик концертлар мазмуни кенгайган ва бойиган. ("И.Ф.Стравинский", "Шекспир ва мусиқа", "Ромен Роллан ва мусиқа"), таниқли америкалик скрипкачи Сидней Харт билан концертлар (Брукнернинг Тўртинчи симфонияси, Прокофьевнинг Иккинчи скрипка ва оркестр учун концерти ижро этилди). Йилдан-йилга ижодий сафарлар миқдори кўпайиб боради, жумладан, 1965 йили Тожикистон шаҳарлари бўйлаб, Самарқанд, Новокузнецк, Прокопьевск, Омск, Новосибирск, Москва, Сочи шаҳарларида оркестрнинг концертлари бўлиб ўтди. 60-йиллардан бошлаб республикаларарo ўн кунликлар, адабиёт ва санъат кунлари авж олади. З.Ҳақназаров ва у раҳбарлик қилаётган оркестр ушбу тадбирларда фаол қатнашади. Шунингдек, Ўзбекистонда Россия адабиёти ва санъати ўн кунлиги (1963), Туркманистонда ва Белоруссияда (1967), Эстонияда (1968) Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунлари бўлиб ўтди. Айниқса З.Ҳақназаровнинг Белоруссия филармонияси симфоник оркестри, Эстония радио ва телевидениеси симфоник оркестрлари билан чиқишлари матбуотда юқори баҳоланди.

Тошкентлик симфоник мусиқа мухлислари унинг дирижёрлигида илк бор Р.Штрауснинг "Дон Жуан", П.Хиндемитнинг "Рассом Матис", А.Шенбергнинг Оркестр учун 5 та пьесасини, Б.Бартокнинг "Торли, зарбли чолғулар ва челеста учун мусиқа", Б.Бриттеннинг "Перселл мавзусига вариациялар ва фуга", И.Стравинскийнинг "До" минор симфонияси, "Петрушка", "Пульчинелла", "Прибаутки" асарларини эшитишга муяссар бўлдилар. Замонавий ғарбий овропа мусиқаси билан бир қаторда концертларда XX аср рус мусиқаси ижро этила бошлади, айримлари муаллифларнинг таклифлари асосида З.Ҳақназаров

томонидан талқин этилди. Жумладан, А.Хачатурянниинг Иккинчи симфонияси, С.Прокофьевнинг Тўртинчи ва Бешинчи симфониялари, Иккинчи скрипка ва оркестр учун концерти, "Ромео ва Жульетта" балетидан сюита, Д.Шостаковичнинг Бешинчи, Саккизинчи, Ўн иккинчи ва Ўн учинчи симфониялари, Скрипка ва оркестр учун концерти, Г.Свиридовнинг "Патетик ораторияси" ва "Сергей Есенин хотирасига" асарлари шулар жумласидандир (Айримлари Тошкентда илк бор ижро этилган). Оркестр ва дирижёр асосан Ўзбекистон композиторлари асарларининг тарғиботчиси бўлиб ҳисобланган. М.Ашрафий, М.Бурхонов, С.Юдаков, Икром Акбаров асарлари билан бир қаторда концертларда ёш композиторлар Р.Ҳамроев, Ш.Шоймардонова, Р.Вильданов, М.Тожиев, С.Карим-Ходжи асарлари ҳам янграб келди.

1967 йилдан бошлаб зангори экран орқали З.Ҳақназаровнинг ўзбек ва рус тилларида "Бугун сизлар билан дирижёр" телекўрсатувлар туркуми мунтазам равишда кўрсатиб борилди. З.Ҳақназаров экран орқали Ўзбекистон композиторларининг янги асарлари ҳақида сўз юритиб, уларнинг шакли, ижро хусусиятлари, мазмунини очиб берар эди. У республика матбуотида ҳам тез-тез долзарб муаммолар билан чиқа бошлади.

Энг муҳими Ўзбекистон миллий симфоник оркестри ўша давр ичида ўзининг машғулот ва концерт залига эга бўлди. 1968 йили "Баҳор" концерт зали очилади. Оркестрнинг ишлаш шароити енгиллашди, унинг концертлари ҳашаматли залда ўта бошлади. Оркестрнинг ижрочилик маҳорати билан бирга З.Ҳақназаровнинг ҳам дирижёрлик маҳорати ўсиб борди. 1968 йили Бутуниттифоқ бадиий жамоалар танлови совриндори бўлди. 1969 йили дирижёр З.Ҳақназаров "Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан артист" фахрий унвонига сазовор бўлди. 1970 йили у республикамиз миқёсида бўлиб ўтган танлов совриндори бўлди ва ниҳоят, 1971 йили Римда бўлиб ўтган Халқаро дирижёрлар танлови дипломанти унвонига сазовор бўлди. 59 нафар қатнашчилар орасида Ўзбекистонлик дирижёр уч босқичлик мураккаб танловдан муваффақиятли ўтиб, юксак даражага эга бўлди. Италиядаги танлов эса мураккаб кўриклардан бири эди. Унда дирижёрларнинг асосан профессионаллик маҳоратига баҳо берилади. Масалан, охирги босқичда 14 дирижёр қатнашди ва ҳар бирига 45 дақиқа вақт берилди, дирижёр оркестр ижросида ҳакамлар талаби бўйича биринчи босқичларга тайёрланган дастурини ижро этиши ва

қатнашчига номаълум бўлган замонавий мусиқа асарини ижро этиши лозим деган талаблар қўйилган эди. З.Ҳақназаровнинг улкан мусиқа асарларига бойлиги, айниқса, замонавий партитураларни билиши, оркестр билан ишлаш маҳорати, ҳар бир созанданинг юрагига йўл топа билиши ва саккиз йиллик дирижёрлик тажрибаси унга бу гал ҳам юксак даражадаги совриндор бўлишига замин бўлди.

Иккинчи босқич (1972-1986 йиллар) — З.Ҳақназаров ва симфоник оркестр учун етуклик даври бўлди. Ижрочилик маҳорати тобора ўсиб борди, оркестр таркибига янги, ёш созандалар келиб қўшилди, репертуари янада бойитилди. Йирик ижрочилик жамоа (Ленинград Давлат Академик хор капелласи, А.Юрлов номидаги хор капелла, Ўзбек филармонияси хор капелласи, Ўзбекистон радиосининг хор жамоаси)лари, таниқли ижрочи (Т.Николаева, Л.Василенко, А.Слободяник, Р.Керер, Г.Соколов, Джон Лил, О.Криса, Е.Сорокина, А.Бахчиев ва бошқалар) ва ансамбллар оркестр концертларида мунтазам равишда қатнашиб келишди. Оркестр ва дирижёрнинг ижодий сафарлари кенгайиб, репертуари бойиб борди, масалан, оркестрнинг маълум концертлар мавсуми йирик мумтоз ёки замонавий композиторлар ижодига бағишланадиган бўлди (1971-1972 йиллар — А.И.Скрябиннинг 100 йиллигига, 1976-1977 йиллар — Д.Д.Шостаковичнинг 70 йиллигига, 1979-1980 йиллар Л.Бетховен ижодига, 1981-1982 йиллар — оркестрнинг 45 йиллигига). З.Ҳақназаров кўпгина ўзбек композиторлари янги асарларининг биринчи ижрочиси ва тарғиботчиси ҳисобланади. М.Тожиев ва М.Маҳмудов Симфониялари, Икром Акбаровнинг "Самарқанд ҳикоялари" симфонияси, "Почта" ва "Шакунтала" симфоник сюиталари, Ф.Янов-Яновский, Т.Қурбонов, Р.Абдуллаев, Б.Гиенко, М.Бафоев, С.Жалил, Н.Зокировларнинг симфоник ва вокал-симфоник асарлари оркестр дастурига киритилгани бунинг ёрқин далилидир.

1979 йили Тошкентда бўлиб ўтган Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Кавказорти республикалари симфоник мусиқа фестивали, 1980 йили — замонавий мусиқа Бутуниттифоқ фестивали, 1977 йили — М.И.Глинка номли VIII Бутуниттифоқ хонандалар танлови, 1981 йили — Бутуниттифоқ пианиночилар танловларида дирижёр З.Ҳақназаров ва у раҳбарлик қилаётган симфоник оркестр фаол қатнашиб келди.

70-80-йиллар давомида Белоруссия, Арманистон, Қозоғистон

республикалари, Москва, Ленинград, Киев, Одесса шаҳарлари оркестрларига дирижёрлик қилади. Дирижёр ўз маҳоратини чет элларда ҳам намойиш этади, (Руминия, Чехословакия, Германия, Болгария, Югославия ва бошқалар), жумладан, 1976 йили Берлинда Д.Шостаковичнинг Тўртинчи симфонияси ва М.Ашрафийнинг "Муҳаббат ва қилич" балетидан сюитасига, Пловдив филармонияси симфоник оркестри билан (Болгария) Б.Гиенко, С.Бобоев, Н.Зокиров, Х.Изомов, Д.Сайдаминова асарларига дирижёрлик қилиб олқишларга сазовор бўлди. 1982 йили Чехословакияда, 1984 йили Германия ва Македонияда, 1988 йили яна Чехословакия ва Югославия давлатларида бўлиб ўтган симфоник концертларда ўзининг дирижёрлик маҳоратини намойиш этди ва тингловчиларни айрим Ўзбекистон композиторларининг асарлари билан таништирди ва хушнуд этди.

1978 йили Ўзбек давлат филармониясининг симфоник оркестри "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ижрочилик жамоаси" фахрий унвонига сазовор бўлди. Зоҳид Ҳақназаров юксак ижрочилик маҳорати ва Ўзбекистон мусиқа маданиятининг ривожига қўшган катта хизматлари учун ўша йили "Ўзбекистон халқ артисти" фахрий унвонига сазовор бўлди.

З.Ҳақназаровнинг педагогик фаолияти 1971 йилдан бошланади, дастлаб у ўриндош сифатида Тошкент давлат консерваториясида ўқитувчи, 1975 йилдан — катта ўқитувчи, 1978 йилдан — доцент, 1982 йилдан — профессор лавозимида ишлаб келди. 1979 йилдан Зоҳид Ҳақназаров фаолиятида янги давр бошланади, Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги қарори билан у Тошкент давлат консерваториясининг ректори этиб тайинланади ва беш йил давомида ушбу лавозимда ишлайди, педагогик фаолият билан шуғулланиб, шогирдларига дирижёрлик сирларини ўргатади. Лекин у дирижёрлик фаолиятини ҳам сира сўндирмади, шу йиллари З.Ҳақназаров оркестрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри сифатида турли симфоник концертларга дирижёрлик қилди. Консерваторияда ишлаган кезлари талабалар симфоник оркестри ва опера студияси оркестрлари билан концертлар берди. Ўша йиллари Москва, Ленинград, Озарбайжон, Қозоғистон ва Ханой (Вьетнам) консерваториялари билан ҳамкорлик концертлари, учрашувлар ўтказилиши йўлга қўйилди, ижодий шартномалар тузилди.

1984 йилдан З.Ҳақназаровнинг асосий иши яна оркестр раҳбари, консерваторияда эса педагогик фаолиятини давом эттирди.

Зоҳид Ҳақназаров — моҳир ва тажрибали дирижёр. Унинг репертуари кенг ва бойдир. Унинг раҳбарлигида тингловчилар Малер, Стравинский, Барток, Хиндемит, Онеггер, Гершвин, Бриттен, Свиридов, Прокофьев, Шостакович, Хачатурянларнинг ноёб асарларини эшитишга муяссар бўлдилар. Узоқ вақтгача Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ягона симфоник оркестр бўлган Ўзбек давлат филармонияси оркестри ўз дастурларига, Ўрта Осиё ва Қозоғистон композиторларининг янги асарларини киритди, махсус "дўстлик концертлари"ни ташкил қилди.

Дирижёр ҳамиша симфоник мусиқа тарғиботида унинг миллийлик, тарихий ва услубий кўпқирралигига эътибор беради. Буни биз унинг телекўрсатувларида, асарларини тинглашда, концертларнинг дастури мазмунида кўришимиз мумкин. Вақтлар ўтиши билан З.Ҳақназаровнинг мустақил йўналиши аниқланди — бу Ўзбекистон композиторларининг симфоник мусиқалари эди. Дирижёр таниқли композиторларнинг асарлари билан бир қаторда ёш ижодкорларнинг биринчи, ҳали маромига етмаган асарларига ҳам қўл урди. У тингловчи олдида миллий симфоник мусиқанинг мураккаб панорамасини очиб беришга интилди. Чунки уларга ҳар бир композиторнинг ижодий ривожи, миллий симфоник мусиқасининг шакли ва жанрларининг шунингдек, миллий мусиқа тилини шаклланишида, республикамиз мусиқа ҳаётининг тарихи ва бугунги куни ўз ифодасини топган. Ўзбек симфоник жанрининг ривожланишида Зоҳид Ҳақназаровнинг хизматлари каттадир. Айниқса, 70-80-йиллардаги ўзбек симфоник мусиқаси соҳасидаги ижодий изланишлар кўпроқ ёш композиторлар қаламига мансуб ва улар бу жараёнга сезиларли таъсир кўрсатишларини алоҳида қайд этиш жоиз. Улар сафида Мирсодиқ Тожиевнинг ижодий изланишлари кўпчилик диққатини, шу жумладан З.Ҳақназаровни ҳам, ўзига жалб қилди. Унинг янгидан-янги чолғу асарлари Ўзбекистонда оркестр-чолғу мусиқаси, хусусан, симфония жанрини тобора тараққий этиши — услубан, мазмунан, шаклан камол топиши билан чамбарчас боғлиқ бўлди. М.Тожиев ва З.Ҳақназаров — замондош, иккалалари ҳам замон талабини чуқур ҳис эта олган, изланувчан, ўзбек мусиқасига мойил йўлларни топишга интилган, жаҳон мусиқаси, маҳаллий мусиқа анъаналарини, замонавий руҳ билан уйғунлаштиришдек мураккаб ижодий вазифаларни қўя билган, уларнинг бадиий талқинига эришишган ижодкорлардир. Айни пайтда З.Ҳақназаров М.Тожиевнинг йирик симфоник асарлари тарғиботчиси ҳамдир.

Айниқса, "Шоир севгиси" симфоник поэмаси, Учинчи, Ўн тўққизинчи симфонияларидаги ҳозиржавоб долзарб ғоявий-фалсафий мавзулар дирижёр томонидан маҳорат билан талқин этилган. М.Тожиевнинг симфоник меросини Ватанимиз ҳаётининг ўзига хос мусиқий солномаси деб таърифлаш мумкин. Учинчи, Тўртинчи ва Ўн иккинчи симфониялар уруш йиллари хотирасига, Тўққизинчи, Ўн биринчи симфониялари — мақомчилик санъати билан боғлиқ, Ўн бешинчи, Ўн олтинчи ва Ўн еттинчи симфониялар учлиги "Сомон йўли" деб номланган бўлиб, композиторнинг мақом ва симфония концертлари ўртасидаги нисбий муштараклик дирижёр З.Ҳақназаров томонидан ижодий талқин этиларкан, симфониялардаги замонавий драматургик маъно ва мазмун яхлитлиги дирижёрнинг имо-ишораси, хатти-ҳаракатлари, қиёфаси ва умуман оркестр бошқарув услубида баён этилади. Шу тариқа дирижёр тингловчига асарнинг ғоявий-бадиий мазмунини англашга ёрдам беради ва бунга эришади. Зоҳид Ҳақназаров катта мусиқа санъатининг дарғаларидан бири даражасига эришган санъаткордир. Мухтор Ашрафий, Алексей Козловский, Евгений Светланов, Николай Аносов, Геннадий Рождественский, Владимир Федосеев, Герберт фон Караян каби дирижёрлар тажрибасидан қайта-қайта сабоқ олди, уларга эргашди. Интилганга толе ёр, дейдилар. Тинимсиз ижодий изланишлар, ўқиб-ўрганишлар, уйқусиз тунлар, ижод тўлғоқлари ўз самарасини берди. Зоҳид Ҳақназаров қобилиятининг янги қирраси — бадиий тафаккур намоён бўлди. У замонамизнинг энг етук, моҳир дирижёридир. Зоҳид Ҳақназаров қаерда бўлмасин, қайси ижодий жамоа билан ишламасин, Ўзбекистон мусиқа маданияти, айниқса, дирижёрлик санъати тараққиётига муносиб ҳисса қўшди — у таниқли ижодкор-дирижёр сифатида мусиқа мухлислари томонидан тан олинган дирижёрлардан биридир. Зоҳид Ҳақназаров — дирижёр, мураббий, маърифатчи, жамоат арбоби, ташкилотчи сифатида камолот босқичига кўтарилаётган ижодкордир.

Зоҳид Ҳақназаровнинг Ўзбекистон мусиқа санъати ривожига қўшган ҳиссаси муносиб тақдирланиб, у 1999 йили "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотланди.

ХОЛИҚОВ ПЎЛАТ

Ўзбекистон мусиқий ҳаётида дирижёрлик санъати жуда ёш соҳа бўлса-да, ушбу йўналишда республикамизда катта ютуқларга эришилди. Айниқса, халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги ва

дамли чолғулар оркестрлари дирижёрлигида эришилган муваффақиятлар салмоқлидир. Ҳозирги кунда ўрта ва олий мусиқа ўқув юртларида дирижёрлик ижрочилиги бўйича малакали мутахассислар дарс бермоқдалар. Бу устоз-мураббийлар катта амалий тажрибага эга бўлганлари туфайли дирижёрлик тобора ривож топмоқда. М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида ва А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида дирижёрлик санъатини ўргатиш ва ўзлаштириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Республикамиздаги энг йирик мусиқа билим даргоҳи бўлмиш Тошкент давлат консерваториясида хор дирижёрлиги, опера-симфоник дирижёрлиги, халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги, дамли чолғулар оркестри дирижёрлиги ва охирги тўрт йил ичида эстрада оркестри дирижёрлиги каби мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Ушбу олий ўқув юртининг фаолияти Ўзбекистонда дирижёрлик санъати йўлини белгилаб берди. Ҳамдўстлик республикаларида, ҳатто чет элларда машҳур бўлган композитор ва дирижёрларнинг кўпчилиги шу билим даргоҳининг қалдирғочларидир. Консерватория жамоаси дирижёрлар А.Козловский, Н.Гольдман, М.Ашрафий, З.Ҳақназаров, М.Насимов, А.Петросянц, В.Князятов, Д.Абдураҳмонова, А.Абдуқаюмов, С.(Қ.)Усмонов, Ғ.Тўлаганов, Э.Азимов, Б.Расулов, А.Ливиев, П.Холиқов, Ф.Абдураҳимова каби дирижёрлар билан ҳақли равишда фахрланишади. Буларнинг ижрочилик фаолиятлари педагогик ишлари билан чамбарчас боғлиқдир. Шулардан бири — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор, кўп йиллардан буён консерватория ва маданият институтида фаол хизмат қилиб келган композитор ва дирижёр Пўлат Холиқовдир. П.Холиқов катта амалий ва ижодий тажрибага эга. У дирижёр, композитор, устоз-мураббий, мусиқа арбобидир.

Пўлат Хошимович Холиқов (Сайфутдинов) 1927 йилнинг 22 декабрида Қўқон шаҳрида туғилган. У ёшлигиданоқ мусиқага қизиқиб, ўзига хос йўл билан санъатга кириб келди. Бошланғич дарсларни ўз отаси, Хошимжон ака Сайфутдиновдан олади. Пўлат акани ўзи бу ҳақида шундай эслайди: "Отамнинг ширали овозлари бор эди. Дутор чолғусини мароқ билан ижро этар эдилар. Меҳмонлар ёки дўстлари даврасида ўзбек халқ қўшиқларини дутор жўрлигида берилиб ижро этар эдилар. Мен Алишер акам билан бирга мафтун бўлиб тинглар эдик. Онамиз Хайрихон Холиқова ҳам халқ қўшиқларини яхши кўрар эдилар, ўзлари хиргойи қилиб айрим

қўшиқларни айтар эдилар, айниқса, алла қўшиқларини ёшликдан тинглаб келганман. Ушбу маънавий замин мени мусиқа санъатига олиб келган бўлса керак".

Қўқон қадимдан мусиқа санъатларига бой бўлган шаҳардир. Етук мақом усталари, катта ашулачилар, аскиячилар ўзига хос Қўқон ижрочилик мактабини яратганлар. Ушбу муҳитда Пўлатжон ҳам мусиқага ҳавасманд бўлиб ўсди. Ёш Пўлат умумтаълим мактабида ўқиб юрган кезлари бадиий ҳаваскорлик тўгарагида фаол қатнашиб най чолғусини чалиш услубларини ўзлаштирди. Тақдир тақозоси билан Хошимжон ака Сайфутдинов оиласи 1930 йилларнинг ўрталаридан 1940 йилгача Украинанинг Винница, Одесса, Херсон, Николаев вилоятларида яшашига тўғри келган. У ерда ҳам Пўлат Холиқов халқ қўшиқларини мароқ билан тинглар, жозибали халқ рақсларини зўр қизиқиш билан томоша қилар эди. 1940 йили оила Самарқанд шаҳрига кўчиб келади. Ўша йили ёш Пўлат ўзининг орзусига эришади. Шаҳардаги болалар мусиқа мактабига скрипка синфи бўйича ўқишга киради. У қунт билан мусиқа санъатини эгаллашга интилади. Аммо 1941 йилда бошланган мудҳиш уруш ва унинг устига отаси, Хошимжон ака Сайфутдиновнинг "халқ душмани" деб ноҳақ айбланиб ҳибсга олиниши, ўқишни тўхтатишга ва оиласи билан ўзининг жонажон шаҳри — Қўқонга қайтишга мажбур этади. Отаси Хошимжон ака 1944 йилгача турли лагерларда судсиз сургун қилинади ва ниҳоят 1956 йили у тўла оқланади.

Ўша даврларни эслаб, Пўлат Холиқов сўзлайди: "Оиламиз Қўқонга қайтганидан сўнг, мен билдимки шаҳримизга Қизил Армиянинг Биринчи Москва Ҳарбий-мусиқа мактаби эвакуация қилинган экан. 1942 йили июнда мен онамнинг фамилияси билан ўқишга қабул қилиндим. Шу йилдан бошлаб менинг ҳаётим ҳарбий хизмат билан боғланиб кетди. Мактабда 1944 йилгача ўқидим ва кейинчалик ҳарбий оркестрларга хизмат ўташ учун йўлланма олдим".

Пўлат Холиқов 1946 йилгача Киев шаҳрида ҳарбий қисмларда хизмат қилади. Ўша йили Москвага келиб ҳарбий дирижёрлар тайёрлайдиган Олий билим юртига ўқишга киради (ҳозирги Москва консерваториясининг ҳарбий дирижёрлар тайёрлаш факультети) ва уни 1950 йили муваффақиятли тугатади. Ўқишни тугатгандан сўнг турли қисмларнинг ҳарбий оркестрларида ҳарбий дирижёр сифатида хизматларини ўтайди. 1951 йилдан то 1957 йилгача Германияда хизмат қилиб юрган йилларида П.Холиқов

ижод билан ҳам шуғулланади ва турли мавзуда ва жанрларда оркестр ва хор учун маршлар, вальслар, увертюра ва бошқа мусиқий асарларни яратади. Композиторлик фаолияти ана шу даврларда бошланган. Аммо дирижёрлик уни асосий хизмат фаолияти бўлиб, ўзининг ижрочилик маҳоратини ошириб боришга интилади. Оркестр репертуарини бойитиш мақсадида композиторларнинг ҳарбий оркестрга мослаштирилган мураккаб асарларини киритади ва дирижёрлик қилади.

1958 йили капитан Пўлат Холиқов заҳирага чиққандан сўнг Тошкентга қайтади. 1958-1959 йилларда П.Холиқов Маориф вазирлиги тасарруфидаги Республика мактаб-интернатида мусиқа назарияси ва оркестр синфлари бўйича ўқитувчи бўлиб ишлайди. 1959-1960 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус билим юртлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари лавозимида ишлайди.

Пўлат Холиқовнинг билимга чанқоқлиги уни яна ўз билимини оширишга ундайди ва 1960 йили у Тошкент давлат консерваториясига композиторлик мутахассислиги бўйича таълим олиш учун ўқишга киради. Аввал у профессор Б.Б.Надеждин синфида, унинг вафотидан сўнг профессор Г.А.Мушель синфида таҳсил олаади. Ўқиш даврларида у турли жанрларда ижод этади, 1964 йили у ўзининг уч қисмли Биринчи симфониясини яратиб, консерваторияни 1966 йили муваффақиятли битиради.

П.Холиқов 1962 йилдан то 1972 йилгача Тошкент давлат консерваториясида турли лавозимларда ишлайди: аввало халқ чолғулари кафедрасида дирижёрлик синфи бўйича ўқитувчи, консерваториянинг ўқув бўлими мудири, сиртқи бўлим бўйича проректор (1962-1966 й.), фортепиано ва оркестр чолғулари факультетлари декани (1966-1969 й.), халқ чолғулари кафедрасининг доценти (дирижёрлик синфи бўйича), факультет декани (1969-1972 й.). 1969 йили П.Холиқовга доцент илмий унвони берилади.

1972-1979 йиллари П.Холиқов Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг (ҳозирги педагогика университети) мусиқа факультети декани, мусиқа назарияси ва тарихи кафедраси мудири сифатида фаол хизмат қилади.

1979-1996 йиллари П.Холиқов А.Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институтининг оркестр дирижёрлиги (1976-1986) ва дамли чолғулар (1986-1996) кафедралари мудири лавозимларида меҳнат қилади. Педагогик фаолияти йилларида у кўплаб

шогирдларга устозлик қилади, уларга дирижёрлик санъати сирлари ва техникасини ўргатади, кўплаб ўқув дастурлар ва қўлланмалар яратади ва нашр этади. Шогирдлари орасида Л.А.Ройтблат (Тошкент шаҳри маданият бошқармаси қошидаги дамли чолғулар оркестри бош дирижёри), Р.Раҳмонов (Тошкент Давлат Маданият институти ўқитувчиси), Я.Ҳаққулов (Самарқанд педагогика институти ўқитувчиси), Я.Абдукаримов (Қозоғистон Шимкент вилояти мусиқа мактаби директори), Г.Е.Терзян (полковник, ЎзРИИВ намунали дамли чолғулар оркестри бош дирижёри), К.Т.Азимов (Тошкент давлат консерваторияси профессори), Ш.Юсупов (Тошкент эстрада ва цирк коллежи директори), В.Тўрахонов (Ўзтелерадиокомпанияси овоз режиссёри), С.С.Каримов (Тошкент мусиқа билим юртининг халқ чолғулари бўлим мудири)лар бор.

П.Холиқовнинг серқирра фаолияти ушбу йиллар давомида композиторлик ижоди билан чамбарчас боғлиқ, у турли жанрларда ижод қилди. Жумладан, у 2 та мусиқали драма, 2 та симфония, 2 та симфониетта, 7 та турли чолғулар ва оркестр учун концертлар, ўзбек халқ чолғулари оркестри учун катта шакллардаги симфониетта, поэма, увертюралар, дамли чолғулар оркестри ва хор учун кўплаб асарлар, камер-чолғу ва камер-вокал асарлари, оммавий ва эстрада қўшиқлари ва романслар муаллифидир.

Пўлат Холиқов кўп йиллар давомида ҳарбий дирижёр бўлганлиги туфайли ҳарбий оркестр ва дамли чолғулар учун асарлар ёзиб, Ўзбекистон композиторлари орасида ушбу мусиқа соҳасига эътиборни қаратган ташкилотчилардан бири десак ўринли бўлади. Ўзининг хилма-хил жанрларда ёзилган асарлари билан П.Холиқов Ўзбекистонда дамли чолғулар оркестри мусиқаси ривожига катта ҳисса қўшган. "Фарғона" марши, "Салом пахтакор" увертюраси, "Тошкент", "Жонажон Қўқон", "Аскарий" маршлари, "Ёш аскар" сюитаси ва турли мавзудаги увертюралари ҳозирги кунгача дамли ва эстрада оркестрлари ижросида янграб келмоқда. Ўзбек халқ чолғулари оркестри учун композитор томонидан кўплаб асарлар яратилди. Унинг боиси шундаки, П.Холиқовнинг 40 йилдан ортиқ даврда халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги бўйича ўз шогирдларига таълим бериб келганлигидадир. Оркестр репертуарини бойитиш мақсадида у турли мавзудаги ва жанрдаги асарлар ёзди, улар сирасига "Номаълум аскар қабри олдида" увертюраси, "Ёшлик" симфониеттаси, "Ёшлар увертюраси", "Дутор навоси", "Ёшлар сюитаси" ва бошқа асарларни киритиш мумкин. Кўпгина асарларига муаллифнинг ўзи дирижёрлик қилган.

П.Холиқов қайси оркестр (симфоник, халқ чолғулари ёки дамли)га дирижёрик қилмасин, ушбу ижро жамоаси хусусиятларини, мавқейи ва вазифаларини яхши англаган ва улар ижрочилик услубларига итоат қилган. Унинг дирижёрлик услуби ўзига хослиги билан ажралиб туради. Дамли оркестрга дирижёрлик қилганда, у авваломбор аниқ ўлчов ва ритмни кўрсатишга интилади. Чолғулар гуруҳи бир овозда янграш ва айниқса, оркестр тембрига қараш — дирижёрнинг вазифасидир. Халқ чолғулари оркестрига дирижёрлик қилганда П.Холиқов ҳар бир чолғу гуруҳи хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларга маълум ҳаракатлар орқали асарни тўлиқ ижро этишига катта эътибор беради. Дирижёр ўз ҳаракатлари билан фақатгина оркестрни бошқармай, балки созанда ва улар орқали тингловчиларга асарнинг ғояси ва мазмунини етказишга эришади.

Дарвоқе, Пўлат Холиқов билимга чанқоқлик билан яшаб келмоқда. Ўзи билганларидан қаноатланмайди. Дирижёрлик санъатини чуқур ва атрофлича ўрганиш мақсадида устозлари ва ҳамкасбларидан маслаҳатлар сўраб, ўз ижрочилик маҳоратини ошириш устида тинмай ишлаб келаётган ижодкордир. Айрим дирижёрлар ташқи ҳаракатларга катта эътибор беришади, — дейди П.Холиқов, — буни биз кўпроқ симфоник оркестр дирижёрларида кузатишимиз мумкин. Мақсад ўзини кўрсатиш эмас, балки оркестрга раҳбарлик қилишдир. Асарнинг мазмунини тўлақонли ҳаракатлар орқали ифода этиш лозим. Мусиқа асари бу санъат, инсонларни руҳий оламига таъсир этувчи катта куч эканлигини шогирдларга тушунтирмоқ, уқдирмоқ зарур.

П.Холиқов ёшларни севади, созанда ва дирижёрлар тайёрлашга жон-дили билан тиришади, "оҳанглар мўъжизасини" эгаллашлари учун уларда ўз касбига битмас-туганмас қайноқ муҳаббат уйғотади. Талабаларни ўзига жалб этади. Уларга нисбатан ҳамиша меҳрибон, айни пайтда қаттиқ қўл мураббийдир. Шу боисдан уни талабалар ва шогирдлари астойдил ҳурмат қиладилар. П.Холиқовнинг ижодий фаолиятида ёшлар билан ишлаш — мураббийлик касби устиворлик қилади. Шунинг учун бўлса керак, композиторнинг кўпчилик ижодий ишлари дирижёрлик педагогикасига қаратилгандир.

П.Х.Холиқов ўзининг фаол хизматлари учун ҳукуматимиз томонидан медаллар ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Кўп йиллик ижодий ва дирижёрлик фаолияти учун П.Холиқов 1988 йили "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" фахрий унвонига сазовор бўлган.

ХОМЯКОВ ТОМ

Ўзбекистонда замонавий мусиқа маданияти маълум тарихий муҳит туфайли туғилган янгидан-янги соҳалари билан бойиб борди ва шу ривожланиш жараёнида локал услублар мавжудлигидан қатъий назар, ўзбек мусиқасида ёрқин умуммиллий хусусиятлар борки, булар ўзбек кўп овозлик мусиқасининг шаклланиши жараёнида аста-секин умумбашарий қадриятлар билан чатишиб бориши натижасида янги жанр ва ижрочилик жамоалари пайдо бўлди. 50-60-йиллар орасида Ўзбекистон мусиқа маданияти заминида турли миллатлар ижрочилик жамоалари (ҳаваскорлик ва профессионал) пайдо бўлди (рус фольклор ансамбли, рус халқ чолғулари оркестри, корейс, уйғур, татар, немис, грек ансамбллари).

Шу йиллар давомида янги ижтимоий муҳит таъсирида ҳамда халқ ҳаётида янги шароитлар туғилиши туфайли ўзбек мусиқаси маданиятининг янги даври шаклланиши жараёнида ижрочилик санъати, айниқса, оркестр ижрочилиги ва у билан боғлиқ дирижёрлик санъати, ўзига хос ютуқларга эришди. 1967 йили Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юрти қошида ўқувчилар рус халқ чолғулари оркестри ташкил топади. Шу йиллар давомида оркестр раҳбари ва дирижёри бўлиб фаол хизмат қилиб келаётган санъаткор Том Александрович Хомяковдир.

Унинг ижодий йўли серқирралиги билан ажралиб туради. Тошкент давлат консерваториясининг битирувчиси Том Хомяков Ўзбекистонда мусиқа маданияти ва санъатини ривож топишига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Том Александрович Хомяков 1931 йилнинг 20 июлида Қирғизистоннинг Токмак шаҳрида таваллуд топди. 15 ёшидан у меҳнат фаолиятини соатсозлик устахонасида бошлади, кейинчалик электротехника билим юртида ўқийди (1948-1950 йиллари). Аммо мусиқага бўлган қизиқиш уни мусиқа билим юртига олиб келди. Мусиқадан биринчи сабоқларни Т.Хомяков Николай Касъянов раҳбарлигидаги бадиий ҳаваскорлик тўгарагида олади. 1950 йили Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг домра синфига ўқишга қабул қилинади. Аммо ҳарбий хизматга чақирилиши ўқишни вақтинчалик тўхтатишига мажбур этади. 1951-1954 йиллари Т.Хомяков ҳарбий хизматни Туркистон Ҳарбий Округи ашула ва рақс ансамблида ўтади. У ансамбль ва оркестрда созанда бўлиб хизмат қилади. У ерда Т.Хомяков А.Винежнев ва А.Петровлар раҳбарлигида ўзининг профессионал ижрочилик маҳоратини

ошириб боради. Ансамблда у 1956 йилгача ишлайди. 1955-1957 йиллари Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида ўқишни давом эттиради. 1957 йили мусиқа билим юртини муваффақиятли битирган Том Александрович Хомяков Тошкент давлат консерваторияси халқ чолғулари факультетига ўқишга қабул қилинади. Ўқиш жараёнида дирижёрлик фани бўйича А.И.Петросянц, Ф.В.Назаров, А.П.Евдокимовлар синфларида таълим олади. 1962 йили Тошкент давлат консерваторияси халқ чолғулари оркестри дирижёри ихтисослигидан унга диплом иши топширилади. Ўқиш жараёнида Т.Хомяков ўзининг педагогик фаолиятини мусиқа билим юртида бошлайди ва шу билан бир вақтда у шаҳар маданият уйида торли чолғулар тўгараги раҳбари бўлиб ишлайди. Дарвоқе, унинг турли ҳаваскорлик ижрочилик жамоаларига раҳбарлик қилиш ва уларни ташкил қилиш фаолияти анча олдин бошланган эди. У ўзини бошқарувчи ва дирижёр сифатида фаолиятини 50-йилларда бошлаган. Т.Содиқов номидаги Маданият уйида Т.Хомяков биринчи маротаба рус халқ чолғулари оркестрини ташкил этиб, ушбу жамоа билан 26 йил хизмат қилади. У фақатгина дирижёрлик қилмай, устоз-мураббий сифатида оркестрда ишлаш жараёнида 1000 дан ортиқ мусиқа мухлислари билан ижрочилик услубларини ўзлаштиради. Ўша йиллари Т.Хомяковдан сабоқ олган В.Медюлянов (Ўзбекистон радиоси қошидаги камер оркестри раҳбари ва дирижёри), О.С.Силоамский (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ижрочилик жамоаси бадиий раҳбари ва дирижёри) ва бошқалар бор. Т.Хомяков раҳбарлигидаги жамоа 400 дан ортиқ концертлар берди, икки марта Москвада бўлиб ўзининг ижрочилик маҳоратини намойиш этди. 1960 йили Т.Хомяков Ҳамза номидаги мусиқа билим юрти қошида рус халқ чолғулари оркестрини ташкил этади. Оркестр ўз навбатида ўқувчилар учун дирижёрлик амалиётини ўтиш базаси бўлиб қолди ва шу туфайли оркестр дирижёрлик бўйича дастурларни тайёрлаш масалаларини ҳам ҳал қилувчи жамоага айланади. Ушбу оркестрда Т.Хомяков раҳбарлигида 300 дан ортиқ битирувчи дирижёрлар ўзларининг диплом дастурларини ҳимоя қилишди. Оркестр билан Т.Хомяков Ўзбекистонда катта мусиқий-маърифий ва концерт фаолиятини бошлаб юборди. 1967 йили рус халқ чолғулари оркестри мусиқа билим юртида биринчи концерт дастурини тингловчиларга намойиш этди. Йиллар ўта Т.Хомяков раҳбарлигидаги оркестр ўзининг репертуарини бойитиб борди ва унинг ижрочилик маҳорати ўсиб борди. Т.Хомяков дирижёрлиги остида оркестр

томонидан ўзбек, рус, украин, халқ қўшиқлари ва рақс-куйлари, рус, ўзбек ва жаҳон мумтоз композиторларининг асарлари (И.Будашкиннинг "Рус фантазияси", М.Мирзаевнинг "Янги тановор", А.Новиковнинг "Бизга тинчлик керак" кантатасидан Она ариозаси, А.Куликовнинг "Фантазия"си рус халқ қўшиқлари асосида, М.Ашрафийнинг "Ёшлик қўшиғи", Н.Коняевнинг "Баян ва оркестр учун концерт" пьесаси, Э.Куртиснинг "Тундан чиққан овоз", П.Чайковскийнинг "Пиковая дама" операсидан Ариоза ва Дуэт ва бошқалар) ижро этилди.

1980 йили Т.Хомяков раҳбарлигидаги рус халқ чолғулари оркестрига "Дўстлик" номи берилди. 1985 йили оркестр Тошкент вилоят Ёшлар Қўмитаси совриндори унвонига сазовор бўлди. Оркестрнинг концерт дастурларида таниқли созанда ва хонандалар — А.Одилов, Қ.Муҳитдинов, Е.Пинхасов, Ю.Жданов, В.Баева ва бошқалар қатнашиб келишган.

Том Александрович Хомяковнинг ижрочилик фаолияти педагогик ишлари билан боғлиқ. 1957 йилдан Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида балалайка, домра ва бошқа чолғулар ҳамда дирижёрликдан дарс бериб келмоқда, 1963-1965 йиллари Тошкент консерваториясида халқ чолғуларида ижрочилик услубияти, педагогик амалиёти бўйича талабаларга таълим беради, 1964 йилдан мусиқа билим юртида педагогик ва ижрочилик амалиёти бўйича ўқувчиларга ўзининг бой тажрибаси асосида таълим бермоқда. Унинг шогирдлари санъат ва маданият ўқув юртларида, маданият уйларида, ижрочилик жамоаларида хизмат қилиб келмоқдалар.

Кўп йиллик ижрочилик ва мураббийлик фаолияти учун Том Александрович Хомяков 1996 йили Ўзбекистон Ҳукумати томонидан тақдирланиб "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" фахрий унвонига сазовор бўлди.

ШАМСУТДИНОВ ФАЗЛИДДИН

Алексей Федорович Козловский кўп йиллик ижодий ва педагогик фаолиятида кўпгина ёш истеъдодли ўзбек композитор ва дирижёрларига устозлик қилган. 40-йиллардан бошлаб у Тошкент давлат консерваториясида композиция, чолғулаштириш, опера драматургияси ва дирижёрлик бўйича дарс бериб келди. У ҳар бир шогирди ҳақида ўзининг фикрларини билдирган. Бу ҳақида Галина Козловская, композиторнинг умр йўлдоши, "Мусиқа академияси" журналининг 1994 йил 4-сонида композитор фикрларини қуйидагича баён қилган. "Алексей Козловскийнинг севимли

шогирди — дирижёрлардан бири Фазли Шамсутдинов бўлган. Уни худо берган дирижёрлардан деб ҳисоблаб, ажойиб мануал техникага ва табиатдан мусиқий истеъдод соҳиби эканлигини таъкидлаган. Лекин унинг тўлиқ очилишига дангасалик сабаб бўлган. "Ўзбекистон халқ артисти" унвонини олиб, у тез орада хотиржам бўлди. Алексей Федорович уни опера театридан филармонияга ўтишини таклиф этди ва унга дирижёрлик санъатининг ўзи эга бўлган сирлари ва анъаналарини беришга ҳаракат қилди. Аммо шогирди буни қабул қилмади".

Фазлиддин Шамсутдинов — ўта истеъдодли ва ажойиб дирижёр бўлган. Ёшликдан мусиқий қобилиятига эга бўлиб, у бутун умрини мусиқа санъатига бахшида этишини лозим топди. Устознинг шогирдига берган баҳоси Ф.Шамсутдиновнинг мусиқа санъати оламига ўзига хос йўл билан кириб келишидан далолат беради.

Фазлиддин (Фазли) Шамсутдинов 1916 йилнинг 15 январида Бухоро шаҳрида хизматчи-даллол оиласида таваллуд топди. Бир ёшида отасиз қолади ва онаси қўлида тарбия олади. Ф.Шамсутдинов ёшликдан мусиқага қизиқади ва 1926 йили Бухоро мусиқа мактабига дутор чолғуси бўйича ўқишга киради. 1929 йили мактабни тугатиб, Самарқанд мусиқали театри қошидаги ўзбек театр студиясига ўқишга киради. 1930 йили студия Тошкентга кўчади ва Ф.Шамсутдинов 1932 йилгача ўзбек мусиқали театрида артист-хонанда ихтисослиги бўйича таълим олади. 1932-1934 йиллари ушбу театрда ўз мутахассислиги бўйича ишлайди.

1934-1941 йиллари Ф.Шамсутдинов Москва давлат консерваторияси қошидаги ўзбек опера студиясининг вокал-дирижёрлик факультетида (опера-дирижёрлик ихтисослиги бўйича Г.А.Столяров синфи) таҳсил олади. Москвада ўқиган йиллари мусиқали театрларда мумтоз опера ва балет спектаклларини тамоша қилади; турли мавзудаги симфоник концертларда машҳур симфоник оркестрларни тинглайди; етук дирижёрларнинг санъатидан баҳраманд бўлади. Опера студиясида ўқиш унинг учун ҳам назарий, ҳам амалий билим олиш мактабини ўтади. Айниқса, дирижёрлик санъати бўйича билими тобора ўсиб борди. Ф.Шамсутдинов шу йиллар давомида рус дирижёрлик мактабига хос бўлган анъаналарни ўзлаштиришга интилди; техникаси ва маҳоратини профессионал даражага кўтарди.

1941-1942 йиллари Ф.Шамсутдинов студияни муваффақиятли тугатиб, Тошкентга қайтади ва ўзбек опера театрида дирижёрлик лавозимида ишлай бошлайди. 1942 йили Ўзбекистон ҳукумати

Янгийўл шаҳрида Тошкент вилояти мусиқали театрини ташкил этади. Ушбу театрга турли вилоятлардан келган истеъдодли ёшлар жалб этилган бўлиб Ф.Шамсутдинов ушбу театрга мусиқа раҳбари ва бош дирижёр этиб тайинланади. Шу театр жамоаси билан уруш даврига хос ватанпарварлик мавзуидаги мусиқали драма спектакларини саҳналаштиради, жумладан: "Кўчқор Турдиев", "Муқанна", "Тоҳир ва Зуҳра" спектаклари Ф.Шамсутдинов раҳбарлигида саҳна юзини кўради. Ф.Шамсутдинов Янгийўл театрида 1948 йилгача ишлайди; шу йилдан бошлаб театр жамоаси Муқимий номидаги ўзбек мусиқали драма театри таркибига киритилади ва 1948-1956 йиллари Ф.Шамсутдинов ушбу театрнинг бош дирижёри этиб тайинланади; худди шу йиллари у Ўзбек Давлат филармонияси симфоник оркестри дирижёри лавозимида ҳам фаол хизмат қилади. Шу йиллари театр саҳнасида қўйилган спектакларга — "Хўжа Насриддин" (Б.Арапов), "Олтин кўл" (М.Левиев), "Алпомиш" (Т.Содиқов, Г.Собитов), "Арғумон" (Т.Содиқов, В.Мейн), "Сўнмас чироқлар" (Д.Зокиров, Б.Гиенко), "Муқимий" (Т.Жалилов, Г.Мушель), "Азиз ва Санам" (К.Отаниёзов, Л.Степанов), "Зафар" (П.Раҳимов, Ҳамид Раҳимов) дирижёрлик қилади.

1956-1961 йиллари Ф.Шамсутдинов Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театрида бош дирижёр бўлиб ишлайди. Бу йиллар дирижёр учун янги давр десак бўлади. Ф.Шамсутдинов Ўзбекистон композиторлари асарларини саҳналаштиришда ва дирижёрлик қилишда катта тажрибага эга бўлган, А.Навоий номидаги театрда асосан ўзбек операларини саҳна юзини кўришида фаол қатнашади. Ф.Шамсутдинов ташкилотчилик қобилиятига эга бўлганлиги сабабли, ҳар бир асар муаллифи ва жамоа билан ижодий ишлаш хусусиятига молик эди. Ф.Шамсутдинов — ўзбек композиторларининг етук опера ва симфоник асарларининг биринчи талқинчиси, дирижёри ва тарғиботчиси ҳисобланади.

Опера театрида ишлаган вақтида турли мавзудаги ва жанрдаги асарларни саҳналаштирди ва дирижёрлик қилди. Опера дирижёри сифатида Ф.Шамсутдинов биринчи маротаба Н.Лисенконинг "Наталька-Полтавка" (1948) операсини саҳнага олиб чиқди. Саҳналаштирган спектакллари орасида В.Успенский ва Г.Мушелларнинг "Фарҳод ва Ширин" (1957), Т.Содиқов, Б.Зейдман, Д.Зокиров ва Юнус Ражабийларнинг "Зайнаб ва Омон" (1958), С.Юдаковнинг "Майсаранинг иши" (1959), С.Бобоевнинг "Ҳамза" (1961), Г.Майбороданинг "Арсенал" (1961), М.Юсуповнинг "Хоразм қўшиғи" (1964), Р.Ҳамроевнинг

"Зулматдан зиё" (1966), Т.Содиқов ва Р.Глиэрларнинг "Лайли ва Мажнун" (1967), И.Ҳамроевнинг "Ойжамол" (1969), Р.Ҳамроевнинг "Номаълум киши" (1972), Икром Акбаровнинг "Сўғд элининг қоплони" (1977) каби асарлар бор. Шу йиллар мобайнида театр саҳнаси юзини кўрган балет спектакларига ҳам Ф.Шамсутдинов дирижёрлик қилади — К.Караевнинг "Момақалдироқ сўқмоқларидан", Г.Мушелнинг "Кашмир афсонаси", П.Чайковскийнинг "Франческо да Римини" сингари асарлар шулар жумласидандир. А.Навоий номидаги театрда ишлаган вақтида Ф.Шамсутдинов ўзини юқори даражали, истеъдодли, қобилиятли дирижёр сифатида кўрсатди. У театр жамоаси билан Москвада ўтказилган Ўзбекистон санъати ва адабиёти ўн кунлигида (1959) ва қардош республикаларда ўтказилган ижодий сафарларда қатнашиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Унинг репертуари жуда кенг ва мазмунли эди, у муваффақият билан опера ва балет, мусиқали драма ва кинофильмлар мусиқасига дирижёрлик қилган, улардан кўпчилигини ўзи саҳналаштирган.

Дирижёрлик қилаётган ҳар бир саҳна асарининг мазмуни, маъносини ва воқеликни тингловчига етказишда жуда уста бўлган. Масалан, Р.Ҳамроевнинг "Зулматдан зиё" операсидаги саҳна воқеликларини жадал, тез суръатда содир бўлишига, бадиий образларни мусиқали ифодалаш воситалари орқали оркестрнинг етакчи роли устиворлигига эришади. С.Юдаковнинг "Майсаранинг иши" операсида драматургиянинг халқчиллиги, асл ҳажвийлиги ва бадиий воситаларининг ўзига хослигини кўрсатишга интилган Ф.Шамсутдинов ҳар бир образни ўзига хос мусиқий тавсиф орқали ифодалайди. С.Бобоевнинг "Ҳамза" операсининг мусиқий драматургиясида турлича характерларни куй интонацион доираларида таққослаш орқали кўрсатиш дирижёр томонидан белгиланади ва ижро этилди.

1955-1971 йиллари Ф.Шамсутдинов "Ўзбекфильм" киностудиясида ҳам дирижёр лавозимида ишлайди, масалан, "Мафтунингман" бадиий фильмида у рассом образида қатнашади ва шу фильмга ёзилган мусиқага дирижёрлик қилади ҳамда шу фильмдаги машҳур "Сартарош" қўшиғини ижрочиси магнит тасмаларига ёзиш пайтида келмай қолганда, у қўшиқни Ф.Шамсутдинов ўзи ижро этиб, ёзиб юборади.

Моҳир дирижёр ва бой амалий-ижрочилик тажрибасига эга бўлган Ф.Шамсутдинов 1952-1957 йиллари ўзининг дирижёрлик малакасини ошириш мақсадида Тошкент давлат

консерваториясининг опера-симфоник дирижёрлиги бўлимига ўқишга кириб, профессор А.Ф.Козловский синфида таълим олади. 1958 йилдан бошлаб унинг консерваторияда педагогик фаолияти, аввал ўқитувчи, 1966 йили — доцент лавозимида талабаларга дирижёрлик сирларини ўргатади. Камина ҳам устоздан 2 йил мобайнида дирижёрлик сирларини ўрганишга мушарраф бўлиб, у кишини ўзимнинг севимли устозларимдан деб ҳисоблайман. 1970 йиллари Ф.Шамсутдинов А.Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик институтида педагогик фаолиятини давом эттиради, талабалар спектаклларини саҳналаштиришда фаол қатнашади.

Ф.Шамсутдинов — серқирра дирижёр, у муваффақият билан симфоник мусиқа асарларига, опера, балет ва мусиқали драма спектаклларига моҳирлик билан дирижёрлик қилган. Ф.Шамсутдинов — Ўзбекистон ёш истеъдодли композиторларининг асарлари тарғиботчиси ва биринчи талқинчиси ҳамдир. Унинг дирижёрлик техникаси юқори профессионал даражада бўлиб, ўзининг аниқлиги, равонлиги, мусиқийлиги, ҳаракатларининг кенг кўламлиги, таъсирчанлиги, мусиқанинг негизига етиб бориши, ҳар бир мусиқий образни ҳис-туйғуларини ифодалаш хусусиятлари ва ўзига хос драматик жиҳатдан кўрсатишлари, оркестр ва саҳна жамоатчилигини асарни юқори савияда ижро этилишини таъминлаб берар эди.

Фазлиддин Шамсутдиновнинг ўзбек мусиқа маданиятига қўшган ҳиссаси беқиёс. У бутун умрини ижодий меҳнатда ўтказди, изланди ва бой тажрибаларни ўзининг шогирдларига улашди. Унинг ижодий фазилатлари ижодий-ижрочилик ишлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган. У машғулот жараёнини ва тайёр спектаклни бир ижодий оқимда кўрар эди. Ф.Шамсутдинов юксак профессионал даражага эга бўлган ижрочи-дирижёр. 1965 йили Ф.Шамсутдинов "Ўзбекистон халқ артисти" ва 1973 йили "Қорақалпоғистон халқ артисти" фахрий унвонларига сазовор бўлди. Ф.Шамсутдинов 1980 йили Тошкентда вафот этди.

ШАМСУТДИНОВ ҲАМИДУЛЛА

Ҳозирги замон ўзбек мусиқа ижодиёти кўлами бўйича жуда кенг ва ўта мураккаб жараён сифатида гавдаланади. Унинг таркибидаги композиторлик йўналиши том маънода XX асрда шаклланган бўлсада салоҳияти салмоқлидир. Дарвоқе, Ўзбекистонда нисбатан янги бўлмиш ушбу соҳа, тарихан ниҳоятда қисқа муддат ичида узил-кесил шаклланиб самарали ривож топди. Эндиликда

кўп овозли мусиқий тафаккур ила бунёд этилган жабҳалар миллий бадиий қадриятларимиз салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бу борада ўзбек мусиқали-саҳна жанрларининг пайдо бўлиши, вақти келиб унинг энг мураккаб жанри — операнинг ижодкорона ўзлаштирилиши алоҳида аҳамият касб этади. Бинобарин, Ўзбекистонда олиб борилган изчил изланишлар натижасида мусиқали драма, опера ва балет жанрлари шаклланиб, ривож топади. Кузатилаётган давр мобайнида Ўзбекистонда мусиқали театр, кейинчалик опера ва балет театри ташкил топди ва ушбу театрларнинг диққат марказида Ўзбекистон композиторларининг асарлари саҳна юзини кўра бошлади. Опера ва балет театри тарихида бу давр, кўзга кўринган кўп саҳна усталарининг номлари билан боғлиқдир. Улар орасида опера солистлари ва дирижёрлари бор. 60-йиллар охирида театрга янги ижодкорлар намоёндалари келиб қўшилди. Булар орасида Ҳамидулла Шамсутдиновнинг ўз ўрни бор. 1990 йилдан Алишер Навоий номидаги театрнинг бош дирижёри, шу ўн йиллик ичида театр ўз репертуарига фақат машҳур асарларнигина эмас, балки театр саҳналарида камдан-кам қўйиладиган асарлар ва замонавий ўзбек опера ва балет спектаклларини ҳам киритди.

Ҳамидулла Убайдуллаевич Шамсутдинов 1940 йили Тошкентда ишчи оиласида туғилди. 1946 йили ўрта таълим мактабига ўқишга боради ва 1953 йилдан ўрта махсус мусиқа-интернатининг халқ чолғулари бўлимида таълим олади. 1957 йили Р.Глиэр номидаги мусиқа мактабини битириб, шу йили Тошкент давлат консерваториясига қабул қилинади ва уни қашқар рубоби чолғуси бўйича тамомлайди. Консерваторияда ўқиган йиллари дирижёрликка қизиқиши пайдо бўлади. Дирижёрлик санъати бўйича адабиётларни ўқийди ва ўша даврда Ўзбекистоннинг таниқли дирижёрлари — М.Ашрафий, А.Козловский ва бошқаларнинг концертларини тамоша қилади. 1963 йили Ҳ.Шамсутдинов яна Тошкент давлат консерваториясига ўқишга киради, лекин бу гал опера-симфоник дирижёрлиги ихтисослиги бўйича профессор Мухтор Ашрафий синфига қабул қилинади ва уни 1968 йили муваффақият билан тамомлайди. Шу йилдан бошлаб Ҳ.Шамсутдинов дирижёр сифатида Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театрида ўзининг ижрочилик фаолиятини бошлайди ва 1973 йилда унинг репертуарида 5 та опера ва 10 та балет спектаклларидан иборат эди.

Ҳ.Шамсутдиновнинг ижрочилик фаолияти Ўзбек Давлат

филармониясининг Т.Жалилов номидаги халқ чолғулари оркестрида рубобчи-созанда сифатида бошланган. Унинг педагогик фаолияти эса Р.Глиэр номидаги мусиқа мактабида ўқитувчи лавозимида 1961 йилдан бошланган. 1965-1968 йиллари Тошкент давлат консерваторияси ўқитувчиси, 1990 йилдан бошлаб Ҳамидулла Шамсутдинов Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театрининг бош дирижёри этиб тайинланади.

Дирижёр сифатида биринчи марта театрда намойиш этилган спектакллардан: П.Чайковскийнинг "Евгений Онегин", В.Хаэтнинг "Этик кийган мушук", Б.Зейдманнинг "Ўн иккинчи кеча", И.Ҳамроевнинг "Ойжамол" опералари, М.Левиевнинг "Суҳайл ва Меҳри" А.Морозовнинг "Доктор Айболит" балетлари бор. Ҳ.Шамсутдинов мустақил равишда мусиқа раҳбари ва дирижёр сифатида А.Лядов ва В.Дешевовнинг "Жонсиз малика ва етти ботирлар ҳақида эртак" балети, Ўзбекистон композиторларининг бир актли балетлари: А.Берлиннинг "Фарҳоднинг жасорати", С.Юдаковнинг "Тирик аланга", булардан ташқари О.Меликовнинг "Муҳаббат ҳақида афсона", А.Минкуснинг "Дон Кихот" балетлари, С.Бобоевнинг "Ёрилтош" болалар операси бор.

Ҳ.Шамсутдинов театр жамоаси билан Ҳамдўстлик республикалари, Таиланд, Гонконг, Хитой, Малайзия давлатларида ижодий сафарларда бўлган. Унинг ижросидаги, айниқса, балет спектакллари томошабинлар томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди. Ҳ.Шамсутдиновнинг ижрочилик услуби ўзига хослиги билан ажралиб туради. У ҳар бир спектаклни мавқеини тушунган ҳолда, унинг мазмуни ўзининг ихчамлиги ва равонлиги, мануал техникани аниқ ва равшан кўрсатиши ва оркестрни саҳнада бўлаётган воқелик билан бир нафасда бошқариб туриш Ҳ.Шамсутдиновнинг нафис дирижёрлик ижрочилиги билан ажралиб туради, у ташқи кўринишга катта аҳамият бериб келади, аммо унинг диққати ҳамиша оркестр ва жамоа ижро этаётган мусиқанинг инъикосидир. Мақсад мусиқа ва рақс ҳаракатлари орқали саҳнада бўлаётган ҳодисани томошабинга аниқ ва тушунарли ҳолда етказишдир. Мана шу туфайли Ҳ.Шамсутдиновнинг репертуарида балет спектакллари катта ўрин тутади; булар орасида болалар балет спектакллари ("Доктор Айболит", "Этик кийган мушук", "Жонсиз малика ва етти ботирлар ҳақида эртак"), жиддий мумтоз балет асарлари ("Дон Кихот", "Муҳаббат ҳақида афсона", "Семурғ", Боқчасарой фонтани", "Жизель") ва бошқа асарлар бор. Ҳозирги кунгача Ҳ.Шамсутдинов 50 дан ортиқ опера ва балет

спектаклларига дирижёрлик қилди, улардан 20 таси унинг раҳбарлиги остида саҳналаштирилди.

1988 йили Ҳамидулла Шамсутдинов кўп йиллик самарали ижрочилик фаолияти учун "Ўзбекистон халқ артисти" фахрий унвонига сазовор бўлди.

ШОДМОНОВ СУЛАЙМОН

Дирижёрлик касби жуда мураккаб ва машаққатли. У ҳар бир санъаткордан катта меҳнатни талаб қилади. Чунки дирижёр пультга туриши билан ҳамма унга — оркестр созандасидан то хор жамоаси ва рақҳосаларгача — бўйсуниши керак. Демак, дирижёр иродага ва катта кучга эга бўлиши лозим. Саҳнада бўлаётган воқелик томошабинга етиб боришида ҳам дирижёрнинг санъати ва салоҳияти зарур. Сулаймон Шодмонов ҳам мана 40 йилдан буён йирик хор жамоаларига, жумладан, 1972 йили республикамиз миқёсида ўтказилган Қўшиқ байрамида бош хормейстер ва бош дирижёр бўлди.

Сулаймон Нуруллаевич Шодмонов 1938 йилнинг 15 октябрида Бухоро шаҳрида таваллуд топди. Ўрта мактабни тугаллаб, у 1951 йили Бухоро давлат мусиқа билим юртининг хор дирижёрлиги бўлимига ўқишга киради ва уни 1955 йили муваффақият билан тамомлаб, С.Шодмонов Тошкент давлат консерваториясининг хор дрижёрлиги факультетига қабул қилинади. 1959 йили С.Шодмоновни, ҳали консерватория талабаси бўлган вақтидаёқ Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театрига хормейстер қилиб юборишади. Шу йили театр Москвада бўлиб ўтадиган Ўзбекистон санъати ва адабиёти ўн кунлигига бир неча опера спектаклларини тайёрламоқда эди. 1960 йили С.Шодмонов Тошкент давлат консерваториясини тамомлаб, театрда хормейстер бўлиб ўзининг меҳнат фаолиятини бошлайди ва 1966 йили уни театрнинг Бош хормейстери этиб тайинлашади.

1964-1980 йиллари С.Шодмонов ўриндош сифатида Тошкент давлат консерваторияси хор дирижёрлиги кафедрасининг катта ўқитувчиси бўлиб ишлайди. 1964 йили консерватория қошидаги опера студиясининг хор жамоасини ташкил этишда фаол қатнашади. Шу йиллар давомида у турли мавзудаги нуфузли концертларнинг бош хормейстери бўлиб хизмат қилади. Театрда ишлаган вақтида С.Шодмонов қиркдан ортиқ опера спектаклларини саҳналаштирилишида қатнашади. 1970 йилдан бошлаб у яна консерваторияга ўқишга киради ва бу сафар профессор Мухтор Ашрафий синфига, опера-симфоник дирижёрлиги сирларини

эгаллашни ва ўзлаштиришни аҳд қилади. 1975 йили С.Шодмонов консерваторияни тугатади ва унга опера-симфоник дирижёри деган ихтисослик берилади. Шу йилдан бошлаб у театрнинг бош хормейстери ва дирижёри сифатида турли мумтоз ва Ўзбекистон композиторларининг опера спектаклларини саҳналаштирилишида қатнашади.

1980 йили С.Шодмонов С.М.Киров номидаги Ленинград Академик опера ва балет театрида икки йиллик стажировкани таниқли дирижёр Юрий Темирканов раҳбарлигида ўтади. Ленинградда машҳур дирижёр билан мулоқотда бўлиш, унинг раҳбарлигидаги саҳналаштирилган опера спектаклларни репитицияларида қатнашиш, турли симфоник концертларда машҳур рус ва чет эл дирижёрлари ва созанда-хонандаларини тинглаш, йирик опера ва балет спектаклларини томоша қилиш С.Шодмонов учун ҳақиқий малака ошириш мактаби бўлди.

1982-1991 йиллари Сулаймон Шодмонов Тошкент оперетта театрида дирижёр бўлиб ишлайди ва шу йиллар давомида донги чиққан мумтоз ва замонавий оперетта спектаклларига дирижёрлик қилади. Булар орасида И.Кальманнинг "Сильва", И.Штрауснинг "Лўлилар барони" ва "Вальс қироли", Ф.Легарнинг "Қувноқ бева хотин", Е.Птичкиннинг "Аёллар қўзғолони" ва "Ширин мева", А.Журбиннинг "Пинелона", Ч.Чаплин-Шаховнинг "Гонконглик графиня" О.Фельдманнинг "Ҳамма нарса севгидан бошланади", Э.Солиховнинг "Ойгул парининг совғалари", В.Дмитревнинг "Бир аср яшаш — шунча вақт севмоқ", В.Ильин ва В.Лунашовларнинг "Хонимлар хизмати устози", Полат Буль-Буль ўғлининг "Менинг қўшиғимга ишонгин", И.Лифшицнинг "Ярим тундаги ўғирлик" ва бошқа асарлар бор. Оперетта театрида С.Шодмонов раҳбарлиги остида И.Кальманнинг "Баядера", Г.Глазуновнинг "Гусарнинг уйланиши" ва "Бремен машшоқлари", Т.Хренниковнинг "Доротея", А.Берлиннинг "Менинг баҳорим қалдирғочи", В.Казениннинг "Чипполино саргузаштлари", Л.Солиннинг "Хонимлар ва гусарлар", Скадавенкиянинг "Золушка" каби оперетта спектакллари саҳналаштирилди ва уларга унинг ўзи дирижёрлик қилди. 1991 йилдан С.Шодмонов А.Навоий номидаги Катта Академик опера ва балет театри бош хормейстери ва дирижёри бўлиб ишламоқда. Шу йиллар давомида у Д.Вердининг "Аида", А.Бородиннинг "Князь Игорь", Г.Доницеттининг "Люция ди Лямермур", П.И.Чайковскийнинг "Пиковая дама", С.Вареласнинг "Оловиддиннинг сеҳрли чироғи", А.Икромовнинг

"Буюк Темур", М.Бафоевнинг "Ал Фарғоний" опера спектаклларига дирижёрлик қилди.

1978 йили Сулаймон Шодмонов "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист", 2000 йилда эса "Ўзбекистон халқ артисти" фахрий унвонига сазовор бўлди.

ШПИТАЛЬНИЙ ПЕТР

Ўзбек давлат филармонияси қошида 1938 йили катта симфоник оркестр ташкил топади ва 1939 йилдан бошлаб Ўзбекистонда мунтазам равишда симфоник мусиқа асарларини тарғиб этишда қатнашиб келмоқда. Ушбу жамоа аввало ўзбек композиторларининг симфоник асарларини ижро этиб, кенг омма орасида М.Бурхонов, М.Ашрафий, Т.Содиқов, С.Юдаков асарларини тақдим этган. Ундан ташқари оркестр репертуаридан, айниқса, 40-йиллари жаҳон симфоник мусиқа дурдоналари ҳам ўрин олиб келди. Бу ишларни амалга оширишда бош-қош бўлган санъаткорлардан бири — дирижёр Петр Шпитальний эди.

Петр Львович Шпитальний 1906 йили Украинанинг Киев вилояти Тарашан тумани Кашперовна қишлоғида ҳарбий дирижёр оиласида таваллуд топди. Мактабда ўқиган йиллари мусиқага қизиқиб, биринчи мусиқий сабоқларни отасидан олган.

1919-1923 йиллари Қизил Армия сафида хизмат қилади. 1925 йилгача Одесса шакар ишлаб чиқариш заводида ишлайди. 1925 йили Одесса консерваториясига ўқишга кириб, 1926 йили Москвага кўчиб кетади ва ҳарбий капельмейстерлар мактабида ўқийди. Мактабни 1929 йили тамомлаган П.Шпитальний биринчи алоҳида кавалерия бригадасида двизия капельмейстери бўлиб ишлайди. Айнан ўша йили у Москва консерваторияси опера-симфоник дирижёрлиги мутахассислиги бўйича ўқишга қабул қилинади ва уни 1935 йили муваффақиятли тамомлайди.

1932 йилдан П.Шпитальний дирижёр сифатида Москва консерваториясининг опера студиясида ҳамда Немерович-Данченко номидаги Москва мусиқали театрида дирижёр ассистенти бўлиб ишлайди. Консерваторияни тамомлаганидан сўнг ушбу театрда ишлаб турли драма ва мусиқали спектаклларга дирижёрлик қилади.

1937 йилдан Москва консерваториясида педагогик фаолияти бошланади, аввало дирижёрлик синфида ассистент, кейинчалик доцент лавозимида. 1941-1946 йиллари уруш туфайли армия сафида хизмат қилади. Майор ҳарбий унвонида заҳирага чиққандан сўнг 1946 йилнинг январь ойидан август ойигача Москва мусиқали

театрининг мусиқа бўлими мудири ва бош дирижёри бўлиб ишлайди.

1946 йилнинг август ойидан П.Шпитальний Ўзбек давлат филармониясининг симфоник оркестрига бадиий раҳбар ва бош дирижёр этиб тайинланади, шу билан бир вақтда Тошкент консерваториясида доцентлик лавозимида педагогик фаолиятини давом эттиради. Оркестрда у қарийб уч йил давомида ишлаб репертуар ва ижрочилик маҳорати устида иш олиб боради. Симфоник мусиқа асарларидан иборат концерт дастурларини тингловчиларга тақдим этади. Унинг репертуарида П.Чайковский, Н.Римский-Корсаков, М.Балакирев, И.Гайдн, Л.Бетховен, В.Моцарт, Г.Берлиоз каби композиторларнинг асарлари салмоқли ўрин олган бўлиб, шулар қаторида В.Успенский, А.Козловский, М.Ашрафий, Г.Мушель, М.Бурхонов, С.Юдаков, Т.Содиқов ва С.Бобоевларнинг симфоник асарлари ҳам доимий равишда ижро этилиб турган.

ЭРГАШЕВ АНВАР

Ўзбекистон ва жаҳон композиторлари томонидан яратилган мукаммал ва кенг қамровли мусиқа асарларини талқин этишда, томошабин ва тингловичиларга мароқли тарзда етказиб беришда, дирижёрларнинг санъати катта аҳамият касб этади. Бу мураккаб ижрочилик санъат турида ижод этаётганлар юртимизда талайгина. Шулардан бири "Ўзбекнаво" ГКБ қошидаги Ўзбекистон миллий симфоник оркестрининг бош дирижёри Анвар Эргашевдир.

Анвар Эргашев 1954 йилнинг 19 апрелида Душанба шаҳрида ҳарбий дирижёр оиласида дунёга келди. Отаси, Йўлдошбой Эргашев, кўзга кўринган ҳарбий дирижёрлардан бири, кўп йиллар давомида Ўзбекистонда мусиқа маданияти ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган санъаткорлардан биридир. А.Эргашев 1968-1972 йиллари Фарғона санъат билим юртида фортепиано чолғуси бўйича И.Г.Вишлова синфида ўқийди. 1977 йили Тошкент давлат консерваторияси фортепиано синфини доцент Б.В.Евлампиевда тугатган. 1974-1976, 1980-1982 йиллари опера-симфоник дирижёрлиги ихтисослиги бўйича таниқли дирижёр, профессор З.В.Ҳақназаров синфида таълим олади.

1986 йили Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик мутахассислиги бўйича таниқли композитор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, доцент М.Тожиев синфини тамомлайди. 1994 йили эса у консерваториянинг опера-симфоник дирижёрлиги бўйича Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

артист, профессор С.(Қ.)Усмонов синфида таълим олиб консерваторияни учинчи бор тамомлайди.

А.Эргашев ўзининг меҳнат фаолиятини бошлаб, 1977-1980 йиллари у Фарғона давлат санъат билим юртининг ўқитувчиси; 1980-1986 йиллари Р.Глиэр номидаги Республика ўрта-махсус мусиқа мактаб-интернати ўқитувчиси; 1986-1988 йиллари Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигида етакчи мутахассис; 1988-1993 йиллари А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти катта ўқитувчиси. Дирижёрлик ижрочилиги билан Анвар Эргашев 1993 йилдан бошлаб Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театрида ишлай бошлайди. Театрда у С.Вареласнинг "Оловуддиннинг сеҳрли чироғи", К.Сен-Санснинг "Самсон ва Далила" операларига дирижёрлик қилади. Театрда унинг дирижёрлик маҳорати ошиб боради.

А.Эргашев ўша йиллар давомида малакасини ошириш мақсадида дирижёрлик бўйича кўпгина адабиётлар билан танишади, турли жанрлардаги партитураларни ўрганади ва ўзлаштиради, таниқли дирижёрлардан маслаҳатлар олади.

1996 йили А.Эргашев А.Навоий номидаги Катта театрида мусиқа бўлими мудири бўлиб ишлайди. 1998 йилдан бошлаб уни Ўзбекистон миллий симфоник оркестри бош дирижёри этиб тайинлашади. Шу йиллари симфоник оркестри билан турли жанрдаги концерт дастурларини тайёрлайди ва тингловчиларга тақдим этади.

Анвар Эргашев композитор сифатида Ўзбекистонда ва ундан ташқарида таниш. У кўпроқ симфоник мусиқа, киномусиқа ва мусиқали театр жанрларида ижод этади. Асарлари орасида "Фортепиано ва оркестр учун концерт", "Достон-мусик" камер оркестри учун; "Шерали ва Ойбарчин", "Оловдаги фаришта", "Шариф ва Маъриф", "Тавба", "Тилло бола" каби 12 дан ортиқ бадиий кино асарларига мусиқа яратди. 20 дан ортиқ мусиқали эртак, мусиқали комедия, болаларга мусиқали спектакллар ва драматик асарларга мусиқалар яратди.

А.Эргашевнинг дирижёрлик концерт дастурлари ранг-баранг. Миллий симфоник оркестр билан Д.Шостакович, Л.Бетховен, П.Чайковский, А.Дворжак, Брамс симфониялари, Ф.Лист, С.Рахманинов фортепиано ва оркестр учун чолғу концертларига дирижёрлик қилган. Ўзбекистон композиторларининг симфоник асарларини ҳам талқинчиси, жумладан, М.Тожиевнинг Тўртинчи ва Бешинчи симфониялари, М.Маҳмудовнинг Учинчи симфонияси

ва бошқалар. 1998 йили Тошкентда бўлиб ўтган Биринчи Халқаро симфоник мусиқа фестивал концертларида қатнашиб, Ўзбекистон композиторларини симфоник асарларига дирижёрлик қилди. 1999 йили А.Эргашев симфоник оркестр ва А.Навоий номидаги опера ва балет театрининг балет труппаси билан Таиландда ижодий сафарда бўлиб, у ерда П.Чайковскийнинг "Щелкунчик", Минкуснинг "Дон Кихот" балетларига ва Катта концерт дастурига дирижёрлик қилиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Ҳозирги кунда А.Эргашев дирижёрлик фаолиятини ҳар вақтдагидек ижод билан бирга муваффақиятли олиб бормоқда. Ажойиб истеъдод соҳиби ва фидойи санъаткор Анвар Эргашев ўзининг ижрочилик маҳоратини ошириш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Дарвоқе, дирижёрнинг ҳозирги даври — ўсиб келаётган даври. Мусиқа санъатимизни янада ривожланиши, такомиллашиши учун ҳали кўпгина ишларни амалга ошириш керак. Айниқса, ёш авлодга бутун диққат-эътиборимизни қаратишимиз лозимлигини тушунган Анвар Эргашев ўзининг концерт дастурларига ёш ва истеъдодли созандаларни жалб этмоқда. Дирижёр А.Эргашев ушбу ижро санъатини ниҳоятда мураккаблигини билади, оркестр созандаларидан мукаммал ижрони нозик сирларини билиш, уларни ўзлаштиришни талаб этади. Чунки у ўша жами созандалар билан тингловчиларга ажойиб, гўзал мусиқа асарларини ҳис этишга, маъносини тушуниб олишга ёрдам беради.

Композитор ва дирижёр Анвар Эргашев ижодий камолот сари одимламоқда.

ЭРГАШЕВ ЙЎЛДОШБОЙ

Ҳарбий дирижёр, гвардия майори Йўлдошбой Эргашев — ўзбек мусиқа маданиятига катта ҳисса қўшган санъаткор ва мураббийдир. Мана 50 йилдан буён у республикамизда дамли чолғулар оркестрлари ва дирижёрлик санъатини ривожланишида меҳнат қилиб келмоқда.

Йўлдошбош Эргашев 1927 йили Фарғона вилоятининг Бешариқ туманига чегарадош Равот қишлоғида туғилган. У 9 ёшида ота-онасидан ажралиб, етим қолади ва 1936-1941 йиллари Қўқон шаҳрининг биринчи сонли болалар уйида тарбияланади. Ҳарбий хизматга тайёргарлик унда болалар уйида тарбияланган йилларидан бошланган. Ўша йиллари болалар уйида жисмоний тарбия ўқитувчиси ва ҳарбий раҳбар болаларнинг сафда чиройли ва ҳарбийча юриб, ашула айтишларини кўп яхши кўришар эдилар. Болалар уйида фақат

ўғил болалар бўлгани учун, улар асосан ҳарбий ўйинларни ташкил этишар эди. Йўлдошбой болалар уйида 5 йил мобайнида таълим олиб, сафда ҳарбийча қадам ташлаб қўшиқ айтиб юрди.

1941-1945 йилларда бўлган Улуғ Ватан урушининг бошида Қўқон шаҳрига Биринчи сонли Москва Ҳарбий мусиқа мактаби кўчирилиб келинади. Бу мактабнинг ўқитувчилари жуда зўр маҳоратга эга бўлиб, улар сафида Москва, Одесса, Кишинев консерваторияларининг профессорлари ҳам бўлган. Ҳарбий мусиқа мактабининг раҳбарияти ўзбек болаларини ҳам ўқитиш мақсадида Қўқон ва Марғилон шаҳарларининг болалар уйларидан мусиқага лаёқати бўлган истеъдодли болаларни танлаб ўқувчилар сафига қабул қилишади. Йўлдош ака Эргашевнинг айтишига кўра, ҳарбий хизматчи, командир бўлиш ва ҳарбий форма кийиб юриш унинг ёшлигидан бошлаб яккаю-ягона орзуси эди. 1942 йили Й.Эргашев ҳарбий мусиқа мактабининг ўқувчилари сафига қабул қилинади. Икки ярим йил Йўлдошбой мусиқа саводидан, кларнет чолғусини чалиш услубларидан таълим олади; қатъий ҳарбий режимда тарбияланади. Натижада, ёшликдан орзу қилган чиройли ҳарбий юришни алоҳида ўзи ва оркестр сафида мусиқа чалиб юришни ўрганди. 1944-1945 йиллари Йўлдошбой Эргашев Москва шаҳрида ҳарбий оркестрда мусиқачи, оддий солдат бўлиб хизмат қилди. Бинобарин шуни айтиш лозимки, Ҳарбий мусиқа мактабининг хизматлари ўзбек мусиқасининг ривожланишида катта хайрли иш бўлди. Шу мактабнинг ўқувчилари қаторидан Ўзбекистонда таниқли мусиқа намоёндалари — Наримон Олимов (кейинчалик истеъдодли симфоник оркестр дирижёри), Пўлатжон Ҳолиқов (композитор, дирижёр, ўқитувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист), (Ўктамхон) Юрий Сайиджонов (ҳарбий дирижёр, Туркистон ҳарбий округининг ҳарбий дамли чолғулар оркестрлари раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби), Муҳаммаджон Одилов (истеъдодли созанда-флейтачи), Умиджон Губаев (ҳарбий дирижёр, сўнг Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида фуқаролар мудофаасининг бошлиғи) ва бошқалар етишиб чиқди. Йўлдошбой Эргашев ҳарбий дирижёрлар институтининг оркестрига юборилади ва у ерда ҳарбий хизмат вазифасини ўтайди. Шу йили Йўлдошбой аканинг ҳаётида энг муҳим ва бахтли воқеа рўй беради. У 1945 йилнинг 24 июнида Москванинг Қизил Майдонида бўлиб ўтган Ғалаба Парадида 1400 кишилик йиғма созандалардан иборат катта ҳарбий дамли чолғулар оркестрида кларнет чалиб қатнашади.

Й.Эргашев шу йили ҳарбий дирижёрлар институтига ўқишга қабул қилинади ва 1949 йили профессор В.В.Целиковский дирижёрлик синфини муваффақият билан битириб, ҳарбий дирижёр мутахассислиги бўйича диплом олади ва унга лейтенант ҳарбий унвони берилади.

1949 йилнинг август ойида Й.Эргашев Тула шаҳрида жойлашган суворовчилар ҳарбий билим юртининг оркестрига ҳарбий дирижёр қилиб тайинланади. Шу кундан Й.Эргашевнинг мустақил иши ва ижодий фаолияти бошланади. У 24 йил ҳарбий дирижёрлик вазифасида муваффақият билан хизмат қилади, аммо Йўлдошбой ака фақат бу фаолият билан чекланмади. У қайси шаҳар ёки республикада бўлмасин, ўша жойнинг халқи ичида мусиқа санъатининг намоёндаларини ташвиқот қилади; ёшларни мусиқа билимига ўргатиш учун уларни ўқишга жалб қилади. Халқ ичида маҳаллий ҳокимиятлар томонидан ўтказиладиган барча тадбирларида фаол қатнашади, Маданият уйлари ва саройлари ишларига ёрдам қилади. Тула шаҳрида хизмат ўтаётган даврида Узеир Ҳожибековнинг "Аршин мол олон" мусиқий комедиясидан айрим асарларини дамли чолғулар оркестрига мослаштириб, шаҳарнинг маданият ва истироҳат боғида ҳар шанба ва якшанба кунларидаги концертларида муваффақият билан ижро этади.

1950 йили Йўлдошбой Эргашев ўз ватани Ўзбекистонга қайтиб келишга мушарраф бўлади ва Фарғона шаҳридаги ҳарбий қисмга оркестр дирижёри вазифасига тайинланади. Й.Эргашевнинг меҳнат, ҳарбий, ижодий, ташкилотчилик ва жамоатчилик фаолияти асосан Фарғона шаҳрида ўтади. Фарғона ҳарбий қисмида у тезкорлик билан оркестр тузиш ишлари билан шуғулланади ва 6 ой ичида оркестр ўз вазифасини бажаришга тайёр бўлади. Бу ҳарбий қисмда грек озодлик армиясининг офицер ва генераллари ўқитилар эдилар. Ёрдамчи роталарда Қозоғистондан чақирилган солдатлар хизмат қилишар эди. Й.Эргашев грек офицери капитан Майдатис билан биргаликда хор жамоаси ва ҳаваскор ансамбль тузишади. У қозоқча ҳаваскор ансамблни ҳам ташкил этади. Бу ҳаваскор жамоаларнинг ижрочилик маҳоратлари юқори бўлганлиги сабабли, шаҳарда ўтказиладиган концертларда, турли-туман тадбирларда, саноат корхоналарида концерт дастурлари билан томоша кўрсатишади. Қозоқ ансамбли Тошкентда бўлган ҳарбий ҳаваскорлар кўригида жуда катта муваффақиятга сазовор бўлади ва Туркистон ҳарбий округининг қўмондони, армия генерали И.Е.Петров томонидан қимматбаҳо мукофотлар ва қатнашган солдатларга Ватанига бориб

келиши учун таътил бериш билан тақдирланади.

Шу вақтда 1950-1951 ўқув йилидан бошлаб, Йўлдошбой Эргашев болалар мусиқа мактабига мусиқа адабиётидан дарс беришга таклиф қилинади. У бу ишга жуда катта қизиқиш билан киришади. Ушбу мактабнинг ўқувчилари орасида ўша йиллари Тўхтасин Ғофурбеков (ҳозирги кунда таниқли мусиқашунос, санъатшунослик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти бош илмий ходими), Сабохон Қурбонова (Сафарова, Тошкент давлат консерваториясининг профессори), Рахмиддин Қитчаков (Фарғона давлат санъат билим юртининг ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими) ва бошқалар тахсил олишган.

1952 йилдан Йўлдошбой Эргашев Душанбе, Кўрғонтепа ва Кўлоб шаҳарларида жойлашган машҳур 201-дивизияга ҳарбий дирижёр вазифасига тайинланади. Душанбега келиб, Й.Эргашев энг кичик ҳарбий дамли чолғулар оркестрини истеъдодли мусиқачилар билан таъминлаш ва оркестрни ижрочилик маҳоратини ошириш ишлари билан шуғулланади. Жамоатчилик ишларида ҳам фоал қатнашади. Айниқса, Тожикистон Республикасининг 30 йиллик Юбилей парадида чалиш учун катта йиғма оркестр тайёрлайди ва ўзи дирижёр сифатида фаол қатнашади. Юбилей тадбирларини яхши ўтказишда фаол қатнашгани учун Й.Эргашев Тожикистон ҳукумати томонидан эсдалик мукофоти билан тақдирланади.

1955 йилда Йўлдошбой Эргашев ўз илтимосига биноан Фарғонага қайтарилади ва ҳарбий қисмларда дирижёр сифатида хизмат қилади. Фарғонада у ҳарбий дирижёр С.С.Гавриловдан яхши ва юқори малакали оркестрни қабул қилади. Семён Семёнович Гаврилов ажойиб инсон, ўта меҳнаткаш, мусиқага лаёқати кучли одам бўлган. У яхши дирижёр ва мураббий бўлиб, Фарғонада оркестр мусиқасини тарғибот этишда фаол меҳнат қилган. У Й.Эргашевга ўз билими ва тажрибаси билан яхши мерос қолдирган. С.С.Гаврилов ўзи раҳбарлик қилган ҳарбий оркестри билан кўп йиллар давомида Фарғона шаҳар маданият ва истироҳат боғида ёз фасли кунлари аҳоли учун қизиқарли концертлар уюштирган. Й.Эргашев С.С.Гавриловнинг ишини давом эттириб, уни такомиллаштиришга ҳаракат қилди. У 21 йил давомида Фарғона маданият ва истироҳат боғида хизмат қилади. Бу концертлар мазмун жиҳатидан ранг-баранг бўлиб кўпроқ мавзули концертларга эътибор қаратилар эди, миллий мусиқа кечалари, таниқли композиторлар ижодига бағишланган

концертлар, қадимий вальслар, И.Штраус вальслари кечалари, концерт-маърузалар, ҳарбий маршлар, шунингдек ҳарбий удумлар билан боғлиқ асарлардан тузилган дастур, халқ орасида энг севимли ва машҳур бўлган мусиқа асарлари дастури ва бошқалардан иборат бўлар эди. Й.Эргашевнинг мусиқа ташвиқотчилигида қилган меҳнатлари жуда унумли бўлган. Аҳоли орасида дамли оркестр шинавандалари сафи тобора ошиб борди, кўп мусиқа мухлисларини тарбиялашда оркестрнинг хизмати катта бўлди.

1956 йилдан бошлаб Ўзбекистонда қўшиқ байрамлари ўтказишда Й.Эргашев бош дирижёр сифатида фаол қатнашди. У қўшиқ байрами қатнашчилари билан умумий машғулотларга раҳбарлик қилган, жойларда бориб қатнашчилар билан асарлар устида қунт билан ишлайди. 1957 йили Москвада бўладиган VI жаҳон ёшлари ва талабалари фестивалига катта тайёргарлик ишлари бошланади. Фарғона вилоятидан Тошкентга Республика фестивалига борадиган жамоага бадиий раҳбар ва бош дирижёр қилиб тайинланган. Мазкур фестивалда Фарғона вилояти биринчи ўринни олди. Бу Фарғона вилоятининг мусиқий ҳаётида муҳим воқеа бўлади. Фарғона шаҳрида Давлат мусиқа билим юртини ташкил қилиш тўғрисида вилоят ижроя қўмитасининг қарори чиқади. Ташкилий қўмитага ҳарбий дирижёр Йўлдошбой Эргашев ҳам аъзо этиб тайинланади. У вилоятнинг шаҳар ва турли районларига бориб истеъдодли ёшларни ўқишга тавсия этади. Шу йилдан бошлаб Туркистон ҳарбий округи қўмондони рухсати билан Йўлдошбой Эргашев билим юртида ўқитувчилик қилади. Мана энди 40 йилдан бери Й.Эргашев ана шу санъат билим юртида ўқитувчи лавозимида ишлайди. У серқирра билим соҳиби бўлгани сабабли билим юртида мусиқа назарияси, гармония, мусиқа адабиёти, дирижёрлик, дамли чолғулар оркестри, ўзбек халқ чолғулари оркестри, чолғушунослик, кларнет ва труба чолғулари мутахассислиги фанларидан сабоқ берди. Йўлдошбой Эргашев синфида назарий фанлардан Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари Ҳакимахон Махсумова (билим юртининг биринчи раҳбарларидан), Мамасиддиқ Мамадалиевлар таълим олишган.

Бинобарин, Йўлдошбой Эргашев ўзининг асосий фаолияти ҳисобланган ҳарбий дирижёрлик вазифасини давом эттирди. 1960 йилда Фарғонада Ҳаво десантчилари қисмлари жойлаштирилади. У парашют-десантчилари полкига ҳарбий дирижёр вазифасига тайинланади. Шу йилдан бошлаб офицер Й.Эргашев ҳаётида янги

саҳифалар бошланади; оркестрга истеъдодли ёшларни жалб этади, унинг маҳоратини оширишга турли жанрдаги мусиқий асарлар билан бойитади, аскарлар орасида қўшиқ-маршларга бўлган меҳр-муҳаббатни янада оширади. Ўзи ҳам дирижёрлик маҳоратини ошириш йўлида тинмай меҳнат қилади. Полкнинг рота ва батальонлари орасида қўшиқлар танлови ўтказилади, ҳарбий қисмга мос янги қўшиқ яратилади ва оркестр жўрлигида аскарларга ўргатилади. Й.Эргашев ташаббуси билан ўтказилган танлов натижасида десантчилар полки ўзининг қўшиғига эга бўлади (шеър муаллифи майор Полищук, мусиқасини эса оддий аскар, оркестр созандаси С.Сулаймонов ижод этган).

Й.Эргашев ташаббуси билан полкда ашула ва рақс ансамбли ташкил этилади, унинг таркибида хор, рақс гуруҳи, хонандалар, вокал гуруҳи, созандалар ансамбли бўлган. Й.Эргашев оркестр репертуарини танлашда, концерт дастурларини тузишда, созанда ва хонандаларнинг ижрочилик малакасини оширишда етакчилик қилади. Айни шу пайтларда Йўлдошбой Эргашев вилоят миқёсида ҳарбий ўзбек ашула ва рақс ансамблини тузишга қарор қилади. Ансамблга "Лочин" деб ном беради ва у ўз репертуарини тингловчиларга ҳавола этади. Ансамблга ўзбек мусиқа маданиятига катта ҳисса қўшган созанда ва хонандалар жалб этилади. Таваккал Қодиров, Абдуҳошим Исмоилов, Султонали Маннонов, Муҳаммаджон Узоқов, Юсупжон Махсудов, Баҳромжон Шерқўзиев, Рафиқжон Ахметов, Ҳалимжон Зоитов, Нўъмонжон Абдураҳмоновлар шулар жумласидандир. Ансамбль ишида таниқли бастакор Мухторжон Муртозоевнинг ҳам ҳиссаси бор. Ушбу ансамбль Фарғона водийси бўйлаб кўп концертларда қатнашгани ва тингловчиларга завқ-шавқ бахшида эттани бежиз эмас.

Йўлдошбой Эргашев 1949-1973 йиллари ҳарбий дирижёр сифатида турли шаҳарларнинг ҳарбий қисмларида хизмат қилди. Йўлдошбой ака бу йилларни ўзининг ҳаётидаги энг бахтли ва сермазмун йиллар деб ҳисоблайди. Шу йиллар давомида бир неча ҳарбий парадларда созанда ва дирижёр сифатида қатнашиб, қўмондонлик томонидан бир неча бор тақдирланган. 1963 йили ҳаво десантчилари кунига бағишланган байрамда Йўлдошбой Эргашев ҳаво десантчиларининг жанговор ҳаётини акс эттирган адабий-мусиқий асар яратади ва унга "Десантнома" деб ном беради. Байрам куни Фарғона вилояти рус драма театрининг бош режиссёри Россия ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Георгий Данилович Абдулов билан ҳамкорликда саҳналаштиради. Вилоят театри

саҳнасида қўйилган асарнинг пермьераси ҳарбий ҳаво десантчиларининг қўмондони, армия генерали В.Ф.Маргелов, Туркистон ҳарбий округининг қўмондони, армия генерали, Совет Иттифоқи қаҳрамони И.И.Федюнинский, вилоят ва шаҳар раҳбарлари, Фарғона ҳарбий горнизонининг офицер ва солдатлари иштирокида муваффақият қозонди. Й.Эргашев раҳбарлигида ўтган бу адабий-мусиқий асар томошабинлар олқишига сазовор бўлди ва собиқ иттифоқ ва республика ҳарбий газеталарида ижобий баҳоланди.

Йўлдошбой Эргашев 1973 йили ҳарбий хизматдан ўз илтимосига кўра исътефога чиқади.

1973 йили Фарғона шаҳар маданият бўлими бошлиғи қилиб тайинланади. Аммо раҳбарлик лавозимига қарамай Йўлдошбой Эргашев шаҳар маданият бошқармаси қошида 26 ижрочидан иборат профессионал дамли чолғулар оркестрини ташкил этади, уни чолғу-ускуналар, ноталар ва устибошлар билан таъминлайди. Оркестр дирижёри ва раҳбари Степан Гаврилов билан ҳамкорликда жамоа Фарғона шаҳрининг аҳолиси учун маданий ва маърифий хизмат қилди, шаҳарда ўтказилган кўп тадбирларда ва концертларда муваффақият билан қатнашди. 1977 йилда Й.Эргашев Фарғона вилояти рус драма театрининг директори қилиб тайинланди. У ерда ҳам ташкилий ишлардан ташқари айрим асарларни саҳналаштирди, мусиқаларни ташлашда фаол қатнашди. Шу йиллари Фарғона санъат билим юртидаги ўқитувчилик фаолиятини давом эттириб келди. Мана 40 йилдан бери ўқитувчилик ишини ўзи учун муқаддас билиб, билим юртида ишлаб кўплаб юқори малакали шогирдларни тарбиялади. Айниқса дирижёрлик тажрибасини ёшларга ўргатиш борасида хизматлари беқиёсдир.

1968 йилда Йўлдошбой Эргашевга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" фахрий унвони берилди. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан медаллар ва фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган.

Йўлдошбой Эргашев кўп йиллик дирижёрлик тажрибасига эга бўлиб ҳарбий дирижёр бўлиш ва дамли чолғулар оркестрига раҳбарлик қилиш учун қуйидаги хислатларга эга бўлиши керак деб айтади. Биринчидан — ҳар бир ҳарбий дирижёрнинг мусиқа лаёқати яхши бўлиши, мусиқани эшитиш қобилияти ривожланган бўлиши унга минутига 116 дан то 120 гача қадам ташланадиган тезликда маршларни чалиш ҳарбий дирижёрнинг қонига сингиб кетган бўлиши керак. Агар бунинг уддасидан чиқмаса, биринчидан,

сафда юраётган солдат ва офицерларни қийнайди; иккинчидан, оркестрда мусиқа чалаётганларни ҳам қийнайди; бу ҳол умуман юриш маршида қатнашаётган бўлинмалар сафини бузишга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳарбий дирижёр зийрак бўлиши, ритмни аниқ бериши, оркестр ритмни, суръатни бир тезликда қадам ташлаш билан мутаносиблигида олиб бориши лозим.

Агар, ҳарбий дирижёр, бу шартни уддасидан чиқадиган бўлса, унинг оркестридаги тарелкачи, катта ва кичик барабанчи-созандалар ҳам раҳбар кўрсатмасига биноан ритмни аниқ чалиб, дирижёр билан бир жону бир тан бўлади.

Иккинчидан ҳарбий дирижёрнинг бўй-басти келишган, ҳаракатлари чиройли бўлиши лозим. Сафда дирижёр биринчи бўлиб қадам ташлайди, унинг орқасидан келаётган оркестрни ҳам саф тортиб юришини, умуман ҳаммага қулай юришни таъминлай билиши лозим.

Йўлдошбой Эргашевда ҳарбий дирижёрга хос бўлган ҳамма фазилатлар бор ва уни ўз шогирдлари ва ўқувчиларига ўргатиб келмоқда. Дирижёр сифатида Йўлдошбой Эргашев ҳалигача фаол хизмат қилмоқда, билим юртидаги дамли чолғулар оркестрига раҳбарлик қилиб, ёш дирижёрларга санъат чўққиларини эгаллашда ёрдамини аямайди.

ЮНУСОВ ФАЗЛИДДИН

Истеъдоднинг қаноти бор дейишади, ва улар, чинакам истеъдод чўққиларига интилади, изланади. Ҳаёт сўқмоқлари қаерга интилмасин, у ўзи танлаган йўлдан чекинмайди. Ўзбек мусиқа санъати истеъдодларга бой ва уларсиз ушбу санъатни тасаввур қилиб бўлмайди. Бу дирижёрлик санъатида ҳам яққол сезилади. Ўзбекистон дирижёрлик санъатида ўчмас из қолдирган Мухтор Ашрафий, Толибжон Содиқов, Баҳром Иноятов, Фазлиддин Шамсутдинов, Алексей Козловский каби дирижёрларнинг фаолиятлари беқиёсдир. Анъаналарга бой мусиқий меросимиз намояндалари бўлмиш Мухтор Ашрафий, Толибжон Содиқов, Баҳром Иноятов, Фазлиддин Шамсутдинов, Наримон Олимовлар етук дирижёрлар сифатида маҳорат даражасининг юқори босқичларига кўтарилган бўлсалар, Абдуғани Абдуқаюмов, Зоҳид Ҳақназаров, Суннат Усмонов, Дилбар Абдураҳмонова, Ғани Тўлаганов ва Ботир Расулов сингари бетакрор истеъдод соҳиблари бўлмиш дирижёрларимизнинг маҳоратлари ҳам юксалиб бормоқда. Буюк устоз М.Ашрафийнинг анъаналари ҳозирги кунда унинг шогирдлари томонидан ривожлантирилиб келинмоқда.

Ана шундай санъаткорларимиздан бири Мухтор Ашрафийнинг шогирди Фазлиддин Юнусовдир. У ўзининг ижрочилик ва мураббийлик фаолиятида ўзбек ва жаҳон мумтоз ва замонавий мусиқа санъатини мукаммал ўзлаштирди, ўзига хос ижро услуби билан мухлислар орасида таҳсинга сазовор бўлди. Бу беназир санъаткор, айниқса, 70-80-йиллардан бери ватанига, миллатига хизмат қилиб, муқаддас бурчини бажариб келмоқда.

Фазлиддин Ҳасанович Юнусов 1939 йилнинг 27 майи куни Тошкент шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топди. 1946 йили у Тошкентдаги 126-сонли ўрта мактабда таълим олади. Ўқиган йиллари мусиқага ҳавас қўйган ёш Фазлиддин мусиқа чолғуларини ўзлаштириш учун мактабдаги ҳаваскорлар тўгарагига фаол қатнашади. Мусиқага бўлган қизиқиш уни 1953 йили Р.М.Глиэр номидаги республика ўрта-махсус мусиқа мактабига ўқишга олиб келади. Мусиқа мактабида контрабас чолғуси бўйича В.И.Сердюков синфида ўқийди. 1956 йили Ф.Юнусов мусиқа мактабини битириб, ўша йили Тошкент давлат консерваториясига ўқишга қабул қилинади. У ерда ҳам у ўзбек халқ чолғулари факультетида контрабас чолғуси бўйича ўзининг биринчи устози В.И.Сердюков синфида ўқишни давом эттиради. Дирижёрлик синфи бўйича унга Саид Алиев устозлик қилади. Талабалик йиллари Фазлиддин Юнусов учун энг қизиқарли ва таассуротларга бой давр бўлди. У ўз устозларидан ижрочилик маҳоратларини ўрганди, қунт билан мусиқа санъатига оид адабиётларни ўқийди, билимини оширади. 1958 йилдан бошлаб Ф.Юнусов ижрочилик меҳнат фаолиятини Ўзбек Давлат филармониясининг симфоник оркестрида созанда бўлиб бошлайди. Шу йиллари оркестрга истеъдодли дирижёр Наримон Олимов раҳбарлик қилар эди. "Бу оркестрда ишлаган йилларим менинг ҳаётимдаги энг қувончли йиллар десам, хато бўлмайди — деб эслайди Фазлиддин Юнусов, ушбу жамоа биринчидан мен учун маҳорат мактаби бўлди, чунки оркестр дастурида мумтоз ва замонавий композиторлар симфоник асарлари ўрин олган эди. Тўғриси мусиқа санъати билан шу масканда яқиндан танишишга ва ижро этишга муяссар бўлдим. Оркестрдаги етук созандалар билан бирга тинмай ишладим, улар менинг иқтидоримни юзага чиқишига кўмак беришар эди. Биз кўпроқ Ўзбекистон композиторлари асарларини ижро этар эдик. Чунки шу йиллари Ўзбекистонда симфоник мусиқа эндигина мусиқа оламига кириб келмоқда эди. Шу билан бирга бизнинг оркестримиз билан машҳур дирижёрлар Тошкентда ўз гастроль-концертларини намойиш этишар эдилар.

Булар орасида собиқ Иттифоқ Давлат симфоник оркестрининг дирижёри Н.Рахлин, Москва Катта театри бош дирижёри А.Мелик-Пашаев, Москва филармонияси Академик симфоник оркестри бош дирижёри К.Кондрашин, Москва Катта театри дирижёри, балет спектаклларининг моҳир талқинчиси Ю.Файер, Бутуниттифоқ радиоси симфоник оркестри дирижёри А.Стасевич, Украина Давлат симфоник оркестри дирижёри С.Турчак, Озорбайжон Давлат симфоник оркестри бош дирижёри Ниёзийлар бор эдилар. Шу йиллари мен чет эллик дирижёрларнинг ижрочилик маҳоратини кўришга муяссар бўлдим Хитой, Корея, Албания, Канада, Руминия ва бошқа давлатлардан келган санъаткорлар бизнинг оркестр билан Ўзбекистон мусиқа шинавандаларига мумтоз ва замонавий композиторлар асарларини намойиш этдилар. У ерда ишлаган йилларим Ўзбекистон дирижёрлари билан кўпгина концертларда қатнашдим. Булар орасида М.Ашрафий, А.Козловский, Ф.Шамсутдинов, Н.Гольдман, М.Насимов, Н.Олимов, Н.Ҳалилов, С.(Қ).Усмоновлар бор эди. Булардан ташқари дунёга донғи кетган ижрочилар Давид Ойстрах, америкалик Исаак Стерн, Даниил Шафран, Эмиль Геллельс бизнинг оркестримиз билан концертлар беришган. Тошкентда ўтказилган муаллифлик концертларда оркестрга Дмитрий Кабалевский, Тихон Хренников, Родион Щедринлар ҳам дирижёрлик қилишган. Мен шу муҳитда консерваторияни битирдим ва симфоник оркестрда 9 йил фаол ишладим".

Филармонияни симфоник оркестрида меҳнат қилаётган йиллари Ф.Юнусовда дирижёрлик санъатига қизиқиш пайдо бўлади. У оркестрга раҳбарлик қилиш орзусида юрди, дирижёрлик сирларини изчиллик билан ўрганди, кўпроқ эътиборини дирижёрлик техникасига қаратди. 1961 йили Ф.Юнусов консерваторияни халқ чолғулари факультетини муваффақият билан тамомлади ва шу йили опера-симфоник дирижёрлиги бўйича имтиҳонларни топшириб, консерваторияни ушбу бўлимига ўқишга қабул қилинади. У профессор Мухтор Ашрафий синфида таҳсил олади. У устозининг тавсияси билан 5-курс талабалигида Самарқанд опера ва балет театрига дирижёр этиб тайинланади. 1966 йилда Ф.Юнусов Самарқандда мустақил равишда ўзининг дирижёрлик фаолиятини бошлайди. Биринчи йиллари у М.Ашрафий ва театрнинг бош дирижёри Ғани Тўлаганов маслаҳатлари билан иш юритади, аста-секин йирик мусиқали спектаклларга дирижёрлик қила бошлайди. 1967 йили у консерваторияни битириб, опера-симфоник дирижёри

ихтисослиги дипломига сазовор бўлади. Самарқанд театрида Ф.Юнусов 1966-1971 йиллари дирижёр сифатида, 1971-1974 йиллари театрнинг бош дирижёри лавозимида ишлаб кўпгина опера ва балет спектакларига дирижёрлик қилади. 1969 йилдан у саҳналаштирувчи мусиқа раҳбари сифатида янги мусиқали спектакларни томошабинларга тақдим этади. Биринчи опера спектакли И.Ҳамроевнинг "Ойжамол" асари бўлди. Кейинчалик, Р.Ҳамроевнинг "Зулматдан зиё", Т.Жалилов ва Б.Бровцинларнинг "Тоҳир ва Зуҳра" операларини саҳналаштирувчи дирижёр сифатида қатнашди. Самарқанд опера ва балет театрида ишлаган чоғида рус ва Овропа мумтоз композиторларининг асарларига дирижёрлик қилди. Булар орасида "Севилиялик сартарош" (Россини), "Демон" (А.Рубинштейн), "Фауст" (Ш.Гуно), "Чио-чио-сан" (Пуччини), "Евгений Онегин" (П.Чайковский), "Алеко" (С.Рахманинов) каби опералар; "Доктор Айболит" (К.Чуковский), "Франческо да Римини" (П.Чайковский), "Муҳаббат — сеҳргар" (М.Де Фалья), "Болеро" (М.Равель), "Вальпургиев туни" (Ш.Гуно) балетлари бор. Ф.Юнусовнинг дирижёрлик фаолиятида Ўзбекистон композиторларининг мусиқий саҳна асарлари асосий ўринни эгаллаган бўлиб, "Дилором" (М.Ашрафий), "Майсаранинг иши" (С.Юдаков), "Гулсара" (Т.Содиқов, Р.Глиэр), "Ҳамза", "Ёрилтош", "Фидоийлар" (С.Бобоев), "Зайнаб ва Омон" (Т.Содиқов, Ю.Ражабий, Б.Зейдман, Д.Зокиров), "Зафар" (Ҳамид Раҳимов) опералари, "Самарқанд афсонаси" (Г.Мушель) балети, "Нодира" (С.Ҳайитбоев), "Аршин мол олон" (У.Ҳожибеков) мусиқали драма ва комедиялар шулар жумласидандир.

Мусиқали спектакларнинг саҳналаштирилишида Ф.Юнусов йирик мутахассислар ва муаллифлар маслаҳатлари билан иш кўрар эди. "Тоҳир ва Зуҳра" операсини саҳналаштирилишида Собир Абдулла ва Борис Бровцинларнинг маслаҳати катта ёрдам берди. Операни саҳна юзини кўришида етук ижрочилар Ҳалима Носирова, Саодат Қобулова, Сасон Беньяминовлар тез-тез қатнашиб туришар эди. Айрим спектакларда чет эллик ижрочилар ҳам қатнашиб туришди, жумладан, Ф.Юнусов дирижёрлигида "Севилиялик сартарош" ва "Фауст" операларида Франциянинг машҳур опера хонандаси Жерар Саргоян қатнашди. Кейинчалик Руминия, Болгария ва бошқа давлатлар хонандалари ҳам айрим спектакларда фаол қатнашишди.

Самарқанддаги дирижёрлик фаолиятида Ф.Юнусов сафарга келган таниқли дирижёрлар санъатидан баҳраманд бўлган, улар билан мулоқотда бўлган. 1968-1969 йиллари Самарқанд театрида

Москва Катта театри дирижёрлари Б.Хайкин ва А.Дмитриадилар "Евгений Онегин" (П.Чайковский) ва "Риголетто" (Ж.Верди) операларига театр жамоаси ижросида дирижёрлик қилишган. Ушбу учрашувлар ва таниқли дирижёрларнинг маслаҳатлари, фикрлари Ф.Юнусовни ижрочилик маҳоратини ўсишига катта омил бўлди. Унинг ижрочилик тажрибаси ҳам ошиб бориб, дирижёрлик техникаси мукаммаллашди, ҳаракатлари жонлироқ мусиқани ҳис қилиш туйғуси билан чамбарчас боғланди.

1975 йилдан Ф.Юнусов Тошкентга қайтиб педагогик фаолият билан шуғулланади, аввало Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида, кейинчалик Маданият институтида. 1980-1981 йиллари Ф.Юнусов Ўзбек Давлат филармониясининг Т.Жалилов номидаги Ўзбек халқ чолғулари оркестри дирижёри бўлиб ишлайди; 1982 йилдан у Ўзтелерадиокомпаниясининг Д.Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестри дирижёри бўлиб ишлайди. Унинг дирижёрлик фаолиятида асосан Ўзбекистон композиторларининг чолғу ва вокал-чолғу асарлари ўрин эгаллайди. Унинг дирижёрлигида кўпгина асарлар радио фондига ёзиб олинди. М.Бафоевнинг "Оркестр учун концерт"и, Б.Умиджоновнинг "Хор ва оркестр учун кантата"си, А.Бобоевнинг "Оркестр учун концерт-рапсодия"си, Ф.Листнинг "Иккинчи венгерча рапсодияси" шулар жумласидандир.

1993 йилдан бошлаб Ф.Юнусов Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртида халқ чолғулари бўлими ўқитувчиси бўлиб ишламоқда ва ўзининг бой ижрочилик тажрибасини ёш авлодга тақдим этмоқда. Фазлиддин Юнусов — дирижёр ва мураббий сифатида машаққатли ижод йўлини танлади. Мана 35 йилдирки унинг қувонч ва ташвишлари билан яшамоқда. У Ўзбекистон мусиқа маданиятини бутун жаҳонга танитиш иштиёқи билан меҳнат қилмоқда.

Халқ артисти, Давлат мукофотлари, Камол Абдул Носир ва Ж.Неру номидаги Халқаро мукофотлар лауреати, профессор ***Мухтор АШРАФИЙ.***

Ўзбекистон халқ артисти ***Толибжон СОДИҚОВ***



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор ***Наум ГОЛЬДМАН***

Ўзбекистон халқ артисти
Фазлиддин
ШАМСУТДИНОВ

Ўзбекистон халқ артисти
Баҳром ИНОЯТОВ

Ўзбекистон халқ артисти, профессор
Набижон ХАЛИЛОВ

Ўзбекистон халқ артисти, профессор
Абдуғани АБДУҚАЮМОВ

Халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати ***Дилбар АБДУРАҲМОНОВА***

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, доцент ***Эргаш ТОШМАТОВ***

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби профессор ***Ғани ТЎЛАГАНОВ***



Ўзбекистон халқ артисти ***Ҳамидулла ШАМСУТДИНОВ***



Фазлиддин
ЮНУСОВ



Ўзбекистон халқ
артисти ***Сулаймон***
ШОДМОНОВ



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби ***Ботир РАСУЛОВ***

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби ***Фазлиддин ЁҚУБЖОНОВ***

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Бердах номидаги Давлат мукофоти лауреати
Қурбонбой ЗАРЕТДИНОВ

Жўра ОРТИҚОВ

Ўзбекистон халқ артисти, профессор
Алексей КОЗЛОВСКИЙ

Ўзбекистон халқ артисти, профессор
Мардон НАСИМОВ

Наримон ОЛИМОВ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор ***Суннат УСМОНОВ*** *ва таниқли пианиночи* ***Рудольф КЕРЕР***



Ўзбекистон халқ артисти,
профессор
Зоҳид ҲАҚНАЗАРОВ

Доцент
Владимир НЕЙМЕР

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби
Элдор АЗИМОВ

Виктор МЕДЮЛЯНОВ

Анвар ЭРГАШЕВ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган Маданият ходими, Давлат мукофоти лауреати, профессор ***Ашот ПЕТРОСЯНЦ***

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Саид АЛИЕВ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Маданият ходими
Анвар ЛИВИЕВ

Ўзбекистон халқ артистлари,
профессор ***Форуқ СОДИҚОВ*** *ва* ***Форуҳ ЗОКИРОВ***

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат мукофоти лауреати Мустафо БАФОЕВ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор
Фируза АБДУРАҲИМОВА

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Маданият ходими
Том ХОМЯКОВ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи ***Фарруҳ МИРУСМОНОВ*** *Р.Глиэр номидаги РЎММММИ ўқувчилари халқ чолғулари оркестри билан*

Сотволди ***КАРИМОВ***

Доцент ***Ўрозали ТОШМАТОВ***

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Пўлат ХОЛИҚОВ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Маданият ходими
Йўлдошбой ЭРГАШЕВ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Маданият ходими, полковник ***Григор ТЕРЗЯН***

Равшан НИФМАТОВ

АДАБИЁТЛАР КЎРСАТГИЧИ

1. **Аббадо К.** Меня всегда интересовала культура в целом (Музыкальная академия, 1992. №2).
2. **Абдуллаев Р. Дилбар** (Дирижер Д.Абдурахманова). Шарқ юлдузи, 1978, № 11.
3. **Аносов Н.** Литературное наследие. М., 1976.
4. **Асицовская А.,** Совет Ўзбекистони композиторлари. Акбаров Ил. Тошкент, 1959.
5. **Ашрафий М.** Музыка в моей жизни. Ташкент, 1975.
6. Архив ҳужжатлари: Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, А.Навоий номидаги Академик Катта опера ва балет театри, М.Қори-Ёқубов номидаги ижодий жамоалар дирекцияси (Ўзбек давлат филармонияси), Ҳамза номидаги академик драма театри, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти, Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театри, Тошкент оперетта театри, М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси, А.Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институти, Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юрти, М.Ашрафий уй-музейи.
7. **Багриновский М.** Дирижерская техника рук. М., 1947.
8. **Барсова И.** Книга об оркестре. М., 1969.
9. **Берлиоз Г.** Дирижер оркестра. М., 1912.
10. **Вейнтгартнер Ф.** О дирижировании. М., 1927.
11. Вопросы музыкального исполнительства. Сб. ст. Ташкент, 1996.
12. **Вуд Г.** О дирижировании. М., 1958.
13. **Вызго Т.** Развитие музыкального искусства Узбекистана и его связи с русской музыкой. М., 1970.
14. **Гергиев В.** Дирижер — замечательная профессия/ Музыкальная жизнь, 1987, № 1.
15. **Гинзбург Л.М.** Дирижерское исполнительство. М., "Музыка", 1975.
16. **Грум-Гржимайло Т.** Об искусстве дирижера. М., "Знание", 1973.
17. **Гульзарова И.** Эльдар Азимов (Творческий портрет). Ташкент, 1997.

18. **Григорьев Л.,** Современные дирижеры. М., 1969. Платек Я.

19. **Головянц Т.А.** Композиторы и музыковеды Узбекистана. Мейне Е.С. Справочник. Ташкент, 1999.

20. **Джаббаров А.,** Композиторы и музыковеды Узбекистана. Соломонова Т. Ташкент, 1975.

21. **Жабборов А.** Мусиқий драма ва комедия жанрлари Ўзбекистон композиторларининг ижодиётида. Тошкент, 2000.

22. **Иванов-Радкевич А.** О воспитании дирижера. М., 1973.

23. **Иванов-Радкевич А.** Пособие для начинающих дирижеров. М., "Музыка", 1977.

24. История узбекской советской музыки. В 3-х томах. Ташкент, 1972-1973, 1991.

25. История узбекской музыки. Учебное пособие. Состав. и ред. Т.Е.Соломоновой. М., 1979.

26. **Казачков С.А.** Дирижерский аппарат и его постановка. М., "Музыка", 1967.

27. **Кан Э.** Элементы дирижирования. Л., 1980.

28. **Канерштейн М.** Вопросы дирижирования. М., "Музыка", 1972.

29. **Козловская Г.** Дни и годы одной прекрасной жизни. Об учениках и коллегах. Музыкальная академия, 1994, № 1, 3-4.

30. **Кондрашин К.** Мир дирижера. М., 1976.

31. **Комиссарская М.,** Константин Иванов. М., 1985.

Рунов Б.

32. **Корсакова А.** Узбекский театр оперы и балета им. А.Навои. Краткий очерк. Ташкент, 1959.

33. **Корсакова А.** Узбекский оперный театр. Ташкент, 1961.

34. **Крылова Л.** Евгений Светланов. М., 1986.

35. **Малян Д.** Захид Хакназаров. Ташкент, 1991.

36. **Малько Н.А.** Основы техники дирижирования. М-Л: "Музыка", 1965.

37. **Маталаев Л.Н.** Основы дирижерской техники. М., 1986.

38. **Мусин И.** О воспитании дирижера. Л., "Музыка", 1987.

39. **Мусин И.** Техника дирижирования. Л., "Музыка", 1967.

40. **Мюнш Ш.** Я — дирижер. М., 1965.

41. **Прибегина Г.** Н.С.Голованов. М., 1990.

42. **Птица К.Б.** Очерки по технике дирижирования хором. М., 1948.

43. **Ражников В.** Кирилл Кондрашин рассказывает о музыке и жизни. М., 1989.

44. **Рацер Е.** Евгений Светланов/ Советская музыка, 1963, № 2.

45. **Раҳмонов М.** Ўзбек театри тарихи (XVIII асрдан XX аср аввалигача). Тошкент, 1968.

46. **Рождественский Г.Н.** Дирижерская аппликатура. Л., "Музыка", 1974.

47. **Самосуд С.А.** Статьи, воспоминания, письма. М., 1984.

48. **Сидельников Л.** Владимир Федосеев. М., 1982.

49. **Темирканов Ю.** Меня выбрал коллектив/ Музыкальная жизнь, 1994, № 3.

50. **Фомин В.** Оркестр и дирижер. Л., 1969.

51. **Фомин В.** Оркестром дирижирует Мравинский. Л., "Музыка", 1976.

52. **Хайкин Б.** Беседы о дирижерском ремесле. Статьи. М., 1984.

53. **Хентова С.** Подвиг Тосканини. М., 1968.

54. **Янов-Яновская Н.С.** Узбекская симфоническая музыка. Ташкент, 1979.

55. **Ўзбек мусиқаси тарихи.** Тузувчи Т.Е.Соломонова. Тошкент, 1981.

МУНДАРИЖА

Махсус муҳаррирдан 3
Дирижёрлик санъати тарихидан қисқача маълумот 6
Ўзбекистонда дирижёрлик санъатининг
шаклланиши ва ривожланиши 14
Абдуллаев Убайдулла 35
Абдураҳимова Фируза 36
Абдураҳмонова Дилбар 42
Абдуқаюмов Абдуғани 47
Азимов Элдор 51
Аймбетов Клим 56
Алиев Саид 56
Ашкинази Владимир 59
Ашрафий Мухтор 60
Бафоев Мустафо 70
Баҳодиров Наил 74
Гинзбург Нохим 76
Гольдман Наум 79
Гулзаров Юнус 83
Давидов Анатолий 84
Дониях Георгий 85
Ёқубжонов Фазлиддин 88
Живаев Евгений 90
Заретдинов Қурбанбой 92
Зокиров Дони 95
Иброҳимов Рихсивой 99
Иноятов Бахром 101
Камалов Максетдулла 104
Каримов Сотволди 105
Козловский Алексей 108
Ливиев Анвар 112
Макаров Павел 115
Малкеев Аркадий 117
Медюлянов Виктор 120

Мирусмонов Фарруҳ 124
Назаров Паттаҳ 127
Насимов Мардон 130
Неймер Владимир 132
Ниғматов Равшан 134
Олимов Наримон 137
Ортиқов Жўра 139
Петросянц Ашот 141
Полвонов Сапарбой 146
Расулов Ботир 150
Ройтблат Лев 153
Руденко Валентин 154
Серебряник Александр 156
Смислов Виктор 158
Содиқов Толибжон 159
Содиқов Форуқ 162
Султонов Абдурайим 165
Терзян Григор 167
Тошматов Ўрозали 170
Тошматов Эргаш 172
Третьякова Нина 177
Тўлаганов Ғани 179
Усмонов Суннат (Қувонч) 183
Фелициант Рувим 188
Ҳалилов Набижон 192
Ҳақназаров Зоҳид 194
Холиқов Пўлат 206
Хомяков Том 212
Шамсутдинов Фазлиддин 214
Шамсутдинов Ҳамидулла 218
Шодмонов Сулаймон 221
Шпитальний Петр 223
Эргашев Анвар 224
Эргашев Йўлдошбой 226
Юнусов Фазлиддин 233

Каримжон АЗИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН ДИРИЖЁРЛАРИ

МАСЪУЛ МУҲАРРИР: Р.С.АБДУЛЛАЕВ

МУҲАРРИР: Ҳ.ЙЎЛДОШЕВА

КОМПЬЮТЕРДА МАТНЛАРГА ИШЛОВ БЕРУВЧИ: А.Р.РЎЗИҚУЛОВ

Босишга 20.09.1999 йилда рухсат этилди. Қоғоз бичими 84x108 1/32. Босма табоғи 16 б.т. Нашриёт ҳисоб табоғи 21,5 б.т. Адади 1000 нусха. Буюртма №25. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги. Истиқболни белгилаш, услубият ва ахборот республика маркази. 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

«MAGIKA» масъулияти чекланган жамият босмахонасида чоп этилди.